Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ - УСЛУБИЙ МАЖМУА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2010

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузалари асосида яратилган бўлиб, унда маърузаларни ўрганиш бўйича иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун Махсус курс ўқув дастури, ўқув қўлланма, таълим технологияси, кўргазмали тақдимот слайдлари, савол-жавоблар, тест саволлари, маърузаларда келтирилган атамаларнинг глоссарийси, битирув малакавий ишлар ва магистрлик диссертациялари мавзулари рўйхати жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Тузувчилар: иқтисод фанлари доктори, профессор Ходиев Б.Ю.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Бекмуродов А.Ш.,
иқтисод фанлари номзоди, доцент Ғафуров У.В.

Тақризчилар: иқтисод фанлари доктори, профессор Маҳмудов Н.М.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Болтабоев М.Р.,
иқтисод фанлари доктори, профессор Шодмонов Ш.Ш.,
иқтисод фанлари номзоди Набиходжаев А.А.

Ўқув-услубий мажмуа олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2010 йил «__»_____даги __-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

© Иқтисодиёт, 2010

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА
МУНДАРИЖАСИ

Махсус курс ўқув дастури (иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)..... 5

Махсус курс ўқув дастури (ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)..... 17

Ўқув қўлланма..... 28

Ўзбекистон самарали ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг жаҳондаги эътирофи……... 171

Таълим технологияси..... 176

Кўргазмали тақдимот слайдлари..... 228

Савол-жавоблар..... 247

Тест саволлари..... 267

Глоссарий..... 287

Тавсия этилаётган битирув малакавий ишлар ҳамда магистрлик диссертациялари мавзулари рўйхати..... 308

Плакатлар..... 323

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича Махсус курс

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

КИРИШ

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Жумладан, яқинда республикамиз Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди. Президентимиз И.Каримов 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сайлов жараёнларига баҳо бериш билан бир қаторда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар, парламент, суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб берди.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий

тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир бор исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

1) ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;

2) банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

3) мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш;

4) асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

5) қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш;

6) аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш;

7) 2010 йил – «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 февралдаги 101-сонли фармойишига биноан Президентимиз И.Каримовнинг **«Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»** ҳамда **«Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»** номли маърузаларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш мақсадида махсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Махсус курсни ўрганиш бўйича тузилган мазкур ўқув дастурида Президентимиз И.Каримовнинг 2009 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **«Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир»** номли маърузасида баён этилган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида эришилган натижалар, 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши ва бу борадаги дастурда амалга оширилиши кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги материаллар тегишли мавзу ва ўринларда ўз ифодасини топган. Бу эса талабаларга 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини мамлакатимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид

Президентимизнинг қатор дастурий чиқишлари билан изчил боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.

Махсус курсни Президентимиз маърузаси мазмуни, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 8 соатлик (4 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари), ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 6 соатлик (4 соат маъруза, 2 соат семинар машғулотлари) ҳажмда белгилаш тавсия этилади.

Мазкур ўқув дастур маъруза машғулотлари мавзулари ва улар мазмунининг қисқача баёнларини, маърузада кўтарилган муҳим масалаларни қамраб олган амалий машғулотлар мавзу ва режаларини, машғулотларни самарали ташкил этиш борасидаги услубий кўрсатмалар ва талабаларни ўқитишда қўллаш тавсия этилаётган замонавий педагогик технологиялар ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича Махсус курсининг

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

Мавзу тартиб рақами	**Мавзу номи**	**Ажратилган ўқув соатлари**
Маъруза машғулотлари		
1-мавзу	Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси	2 соат
2-мавзу	Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир	2 соат
Жами:		**4 соат**
Амалий машғулотлар		
1-мавзу	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши	2 соат
2-мавзу	2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари	2 соат
Жами:		**4 соат**
Ҳаммаси:		**8 соат**

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси (2 соат)

Сайловлар – мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг қонуний жараёни. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ҳал қилувчи куч сифатида. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда парламентнинг ўрни ва роли. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар – мамлакатни либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш негизи. Фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашнинг аҳамияти. Инқирозга қарши дастур доирасида амалга оширилган тадбирлар қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги. Ўзбекистон банк тизимининг қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири эканлиги. Республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлиги ва бу борада етакчи халқаро рейтинг компанияларининг баҳоси. Банклар кредит портфели таркибидаги ижобий ўзгаришларни иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун аҳамиятга эгалиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналар кредитор қарздорлигининг қайта кўриб чиқилиши. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг пасайтирилиши. Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишлар. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижалар.

Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар. Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги.

Инвестицияларни кенг жалб этиш орқали иқтисодиёт муҳим тармоқларининг жадал модернизация қилиниши, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг барпо этилиши. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар. Мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш борасида эришилган натижалар.

Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича дастурнинг амалга оширилиши. Темир йўл транспорт тизимининг ривожлантирилиши ва модернизация қилиниши. Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодал марказ қурилиши юзасидан амалга оширилган ишлар. Юқори технологик телекоммуникация тармоғининг ривожлантирилиши.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида (2009 йил 5 декабрь) 2009 йилда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва уни амалга ошириш борасида эришилган натижалар.

Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросининг ниҳоясига етказилганлиги.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари. Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш натижалари.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида (2010 йил 27 январь) иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлаш тадбирларининг 2009 йилда иқтисодиётимиз барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳоли реал даромадларини ошириш имконини берганлигининг таъкидланиши. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқларимизнинг нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар томонидан эътироф этилиши.

Нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг айрим умумий хулосалари ҳамда 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишда дастлаб талабалар билимини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг «Ақлий ҳужум», блиц-сўров, Инсерт техникаси усулларини қўллаган ҳолда 2009 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги билимларни фаоллаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг, визуал-маъруза усули воситасида 2009 йилда эришилган асосий натижалар баён этилади. Молиявий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, унинг олдини олиш борасида қўлланилаётган чора-тадбирлар, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури тўғрисидаги маълумотларни мультимедия ёрдамида визуал-тақдимот кўринишида баён этиш мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлаш учун тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Мамлакатимизда 2009 йилда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида эришилган натижалар бўйича махсус маълумотнома тузиш ҳамда талабаларга тарқатиш уларнинг бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, мамлакатимиз молия ва иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритувчи таниқли мутахассис ва амалиётчиларни таклиф этган ҳолда муаллифлик маърузаси, бинар маъруза, экспертлар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усулларини ҳам қўллаш мумкин.

2-мавзу. Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир (2 соат)

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборат эканлиги.

2010 йилда эришилиши кўзда тутилган макроиқтисодий кўрсаткичлар. Бу мақсадларга эришишнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни бажаришни таъминлашга боғлиқлиги.

Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор вазифа сифатида. Банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги

таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш. Банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш. Тижорат банклари фаолиятини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш зарурлиги.

Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш. Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар. Қабул қилинган тармоқ дастурларини қайта кўриб чиқиш, уларга тузатишлар киритиш ва жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўришда эътиборга олиниши лозим бўлган жиҳатлар.

Асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш – устувор вазифа. Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, молия институтлари, инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги. Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш орқали транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг 2010 йилдаги муҳим устувор йўналишлар қаторига киритилиши. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан оширишга хизмат қилганлиги. Аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш. Аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш – бандликни таъминлашнинг муҳим йўналишлари.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида (2009 йил 5 декабрь) 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном бериши сабаблари. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини тузиш ва ижросини таъминлаш зарурлиги. Дастурнинг аҳамияти, асосий йўналишлари ва муҳим вазифалари. Фарзандларимизнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишнинг мақсад қилиб қўйилганлиги. Уларнинг бахти учун меҳнат қилиш, фидоийлик кўрсатиш – бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режаларнинг барчаси аввало мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадам эканлиги.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Маърузани экспертлар иштирокида ёки маъруза-конференция кўринишида ташкил этиш нисбатан юқори самара беради. Экспертлар сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги мутахассислар, банк-молия тизими ходимлари, юқори малакали педагог-мураббийлар таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, маъруза-конференцияда талабаларнинг махсус тайёргарлик асосидаги чиқишлари, фикр-мулоҳазалари тингланади.

Маърузада мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати, қишлоқ ҳаёти, унинг мустақиллик йилларида юксалиб бориши, қишлоқ аҳолиси фаровонлигининг яхшиланиб боришига оид кинолавҳалар, қисқа муддатли ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Мавзунинг асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган

тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида Инсерт жадвали илова қилинган тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш мумкин.

Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласини ёритишда Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асари асосида тайёрланган электрон ўқув қўлланмадан фойдаланиш мумкин. Маъруза машғулотини олиб боришда талабаларнинг фаоллигини таъминловчи ақлий ҳужум, мулоқот, мунозара каби усулларни қўллаш тавсия этилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-машғулот. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши (2 соат)

Режа:

1. Мамлакатни модернизациялаш, демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш – муҳим устувор вазифа.
2. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар.
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили.
5. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар.
6. Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар.

2-машғулот. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари (2 соат)

Режа:

1. Нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари.
2. Ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси.
3. Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор йўналиш сифатида.
4. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш – мамлакатимиз рақобатдошлигини оширишнинг асоси.
5. Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт сифатини юксалтиришнинг долзарб вазифалари.
6. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари.

Амалий машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларнинг гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликдаги ўқитиш усулларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларга эришиш омиллари ҳамда олдинги йиллар билан таққослаш ҳолатларини гуруҳларга ажраган ҳолда, тақдимот кўринишида баён этиш муҳимдир. Бунда Инсерт, график органайзерлар техникаси, «Т-схема», категориялар жадвали, «Б/БҲ/БО» жадвалидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга қаратилган ҳолатларда «Балиқ склети», «Ҳаракатларни йўналтириш», «Нима учун?» каби усуллардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъруза, мультимедия воситалари, видеопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларнинг қўлланилиши жараёнларини олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

«Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган «Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У., ўзбек тилида) экспресс-проспектидан, «2009 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» экспресс-тестларидан, жумладан, уларнинг электрон-визуал версияларидан фойдаланиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

19. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

20. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

21. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б. (электрон версияси билан).

22. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 15 б. (электрон версияси билан).

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича Махсус курс

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

КИРИШ

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Жумладан, яқинда республикамиз Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди. Президентимиз И.Каримов 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сайлов жараёнларига баҳо бериш билан бир қаторда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар, парламент, суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб берди.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий

тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир бор исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

1) ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;

2) банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

3) мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш;

4) асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

5) қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш;

6) аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш;

7) 2010 йил – «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 февралдаги 101-сонли фармойишига биноан Президентимиз И.Каримовнинг **«Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»** ҳамда **«Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»** номли маърузаларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш мақсадида махсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Махсус курсни ўрганиш бўйича тузилган мазкур ўқув дастурида Президентимиз И.Каримовнинг 2009 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **«Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир»** номли маърузасида баён этилган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида эришилган натижалар, 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши ва бу борадаги дастурда амалга оширилиши кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги материаллар тегишли мавзу ва ўринларда ўз ифодасини топган. Бу эса талабаларга 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини мамлакатимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид

Президентимизнинг қатор дастурий чиқишлари билан изчил боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.

Махсус курсни Президентимиз маърузаси мазмуни, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 8 соатлик (4 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари), ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 6 соатлик (4 соат маъруза, 2 соат семинар машғулотлари) ҳажмда белгилаш тавсия этилади.

Мазкур ўқув дастур маъруза машғулотлари мавзулари ва улар мазмунининг қисқача баёнларини, маърузада кўтарилган муҳим масалаларни қамраб олган амалий машғулотлар мавзу ва режаларини, машғулотларни самарали ташкил этиш борасидаги услубий кўрсатмалар ва талабаларни ўқитишда қўллаш тавсия этилаётган замонавий педагогик технологиялар ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича Махсус курсининг

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

Мавзу номи	Ажратилган ўқув соатлари
Маъруза машғулотлари	
1-мавзу: Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси	2 соат
2-мавзу: Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир	2 соат
Жами:	**4 соат**
Амалий машғулот	
Мавзу: Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш – бош мақсадимиз	2 соат
Жами:	**2 соат**
Ҳаммаси:	**6 соат**

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси (2 соат)

Сайловлар – мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг қонуний жараёни. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ҳал қилувчи куч сифатида. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда парламентнинг ўрни ва роли. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар – мамлакатни либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш негизи. Фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашнинг аҳамияти. Инқирозга қарши дастур доирасида амалга оширилган тадбирлар қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги. Ўзбекистон банк тизимининг қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири эканлиги.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархининг пасайтирилиши. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижалар.

Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар. Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги.

Инвестицияларни кенг жалб этиш орқали иқтисодиёт муҳим тармоқларининг жадал модернизация қилиниши, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг барпо этилиши.

Мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш борасида эришилган натижалар. Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича дастурнинг амалга оширилиши. Темир йўл транспорт тизимининг ривожлантирилиши ва модернизация қилиниши.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида (2009 йил 5 декабрь) 2009 йилда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва уни амалга ошириш борасида эришилган натижалар.

Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросининг ниҳоясига етказилганлиги.

Янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари. Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш натижалари.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида (2010 йил 27 январь) иқтисодий

ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлаш тадбирларининг 2009 йилда иқтисодиётимиз барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳоли реал даромадларини ошириш имконини берганлигининг таъкидланиши. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқларимизнинг нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар томонидан эътироф этилиши.

Нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг айрим умумий хулосалари ҳамда 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишда дастлаб талабалар билимини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг «Ақлий ҳужум», блиц-сўров, Инсерт техникаси усулларини қўллаган ҳолда 2009 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги билимларни фаоллаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг, визуал-маъруза усули воситасида 2009 йилда эришилган асосий натижалар баён этилади. Молиявий инқирознинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, унинг олдини олиш борасида қўлланилаётган чора-тадбирлар, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури тўғрисидаги маълумотларни мультимедия ёрдамида визуал-тақдимот кўринишида баён этиш мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлаш учун тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Мамлакатимизда 2009 йилда қабул қилинган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида эришилган натижалар бўйича махсус маълумотнома тузиш ҳамда талабаларга тарқатиш уларнинг бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, мамлакатимиз молия ва иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритувчи таниқли мутахассис ва амалиётчиларни таклиф этган ҳолда муаллифлик маърузаси, бинар маъруза, экспертлар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усулларини ҳам қўллаш мумкин.

2-мавзу. Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир (2 соат)

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборат эканлиги.

2010 йилда эришилиши кўзда тутилган макроиқтисодий кўрсаткичлар. Бу мақсадларга эришишнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни бажаришни таъминлашга боғлиқлиги.

Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор вазифа сифатида. Банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш.

Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш. Иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар.

Асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш – устувор вазифа. Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, молия институтлари, инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги ҳамкорлиги. Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш орқали транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг 2010 йилдаги муҳим устувор йўналишлар қаторига киритилиши. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан оширишга хизмат қилганлиги.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш.

Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида (2009 йил 5 декабрь) 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном бериши сабаблари. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини тузиш ва ижросини таъминлаш зарурлиги. Дастурининг аҳамияти, асосий йўналишлари ва муҳим вазифалари.

2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режаларнинг барчаси аввало мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадам эканлиги.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Маърузани экспертлар иштирокида ёки маъруза-конференция кўринишида ташкил этиш нисбатан юқори самара беради. Экспертлар сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги мутахассислар, банк-молия тизими ходимлари, юқори малакали педагог-мураббийлар таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, маъруза-конференцияда талабаларнинг махсус тайёргарлик асосидаги чиқишлари, фикр-мулоҳазалари тингланади.

Маърузада мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати, қишлоқ ҳаёти, унинг мустақиллик йилларида юксалиб бориши, қишлоқ аҳолиси фаровонлигининг яхшиланиб боришига оид кинолавҳалар, қисқа муддатли ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Мавзунинг асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида Инсерт жадвали илова қилинган тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш мумкин.

Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласини ёритишда Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асари асосида тайёрланган электрон ўқув қўлланмадан фойдаланиш мумкин. Маъруза машғулотини олиб боришда талабаларнинг фаоллигини таъминловчи ақлий ҳужум, мулоқот, мунозара каби усулларни қўллаш тавсия этилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

Мавзу: Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш – бош мақсадимиз (2 соат)

Режа:

1. Мамлакатни моденизациялаш, демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш – муҳим устувор вазифа.
2. 2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарор суръатларининг таъминланиши.
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили.
4. Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар.
5. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари.
6. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари.

Амалий машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларнинг гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликдаги ўқитиш усулларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларга эришиш омиллари ҳамда олдинги йиллар билан таққослаш ҳолатларини гуруҳларга ажраган ҳолда, тақдимот кўринишида баён этиш муҳимдир. Бунда Инсерт, график органайзерлар техникаси, «Т-схема», категориялар жадвали, «Б/БҲ/БО» жадвалидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга қаратилган ҳолатларда «Балиқ склети», «Ҳаракатларни йўналтириш», «Нима учун?» каби усуллардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъруза, мультимедия воситалари, видеопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларнинг қўлланилиши жараёнларини олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

«Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган «Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У., ўзбек тилида) экспресс-проспектидан, «2009 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» экспресс-тестларидан, жумладан, уларнинг электрон-визуал версияларидан фойдаланиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

19. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

20. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

21. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б. (электрон версияси билан).

22. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 15 б. (электрон версияси билан).

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Қўлланма Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 февралдаги 101-сонли фармойишига биноан тайёрланган. Унда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларининг асосий мазмуни баён этилган.

Президентимиз томонидан маърузаларда кенг эътибор қаратилган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнлари, чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда амалга оширилган самарали иқтисодий сиёсат натижалари, хусусан, 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, 2010 йил учун белгиланган устувор йўналишлар тўғрисида талабаларга билим бериш мақсадида асосий масалалар атрофлича ёритиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга қўлланмадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнларига қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув қўлланманинг биринчи бўлимини ёзишда Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари Б.Алиев, А.Мухторов, А.Бобоев, Т.Султонов, учинчи бўлимини ёзишда И.Тоймуҳаммедов, Х.Қурбонов (2-боб), З.Жумаев, М.Маҳмудов (3-боб), Ш.Мустафақулов, М.Исоқов (4-боб), М.Юсупов, Ғ.Захидов (5-боб), Б.Сафаров (6-боб), М.Халилов (7-боб) томонидан тайёрланган материаллардан кенг фойдаланилди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши…….....…….....…….....……...…… **33**

Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари.....… **36**

I бўлим. Мамлакатни моденизациялаш, демократик тараққиёт ва фуқаролик жамиятини барпо этиш – муҳим устувор вазифа..... **37**

1. Сайловлар – мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг қонуний жараёни..... 37

2. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ҳал қилувчи куч сифатида..... 40

3. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришда парламентнинг ўрни ва роли..... 42

4. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар – мамлакатни либераллаштириш ва мустақиллигини таъминлаш негизи..... 44

5. Фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми..... 45

6. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари..... 47

II бўлим. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси..... **53**

1. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар..... 53

2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари..... 60

3. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар..... 66

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили 70

5. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар 75

6. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар..... 82

7. Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар 88

8. 2009 йилда мамлакатимизда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлар..... 94

III бўлим. Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир **100**

1-боб. Ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш асосида

иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатлари ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш..... 100

1.1. 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси..... 100

1.2. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизациялашнинг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишлари..... 101

1.3. 2010 йилда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари ва уларга эришиш борасидаги вазифалар..... 103

2-боб. Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – устувор вазифа..... 107

2.1. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни ... 107

2.2. Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш..... 108

2.3. Иқтисодиётни модернизациялаш ва инвестицион фаолликни оширишда банкларнинг роли..... 110

2.4. Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнида банкларнинг аҳамиятини янада ошириш 112

2.5. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш – уларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамиятини оширишнинг молиявий омили сифатида..... 113

3-боб. Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш..... 117

3.1. Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва мамлакат рақобатдошлигини оширишдаги роли..... 117

3.2. Кооперация алоқаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ишларини давом эттириш..... 120

3.3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш..... 122

3.4. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш..... 124

3.5. Ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш, экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш..... 126

4-боб. Иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш 130

4.1. Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни..... 130

4.2. Хорижий инвестициялар ва уларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган тизимий ишлар..... 131

4.3. Асосий ва етакчи соҳалар – транспорт ва инфратузилма коммуни-

кацияларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш 136
5-боб. Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш йўналишлари..... 139
5.1. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти..... 139
5.2. Қишлоқларни архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига кўра лойиҳалаштириш ва қайта қуриш..... 143
5.3. Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш..... 147
5.4. Қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш..... 149
6-боб. Иш билан бандликни таъминлаш орқали аҳоли даромадларини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш..... 149
6.1. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратишга қаратилган чора-тадбирлар..... 151
6.2. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш йўллари..... 154
6.3. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш – аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш йўли сифатида..... 157
7-боб. «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг аҳамияти ва асосий йўналишлари..... 157
7.1. 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилишининг сабаблари…….. 157
7.2. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг аҳамияти, таркиби ва унда белгиланган асосий чора-тадбирлар..... 159
7.3. Таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш йўллари..... 161
7.4. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти..... 165
7.5. Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш – долзарб вазифа..... 167
Фойдаланилган адабиётлар……..…..... 169

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустаҳкам замин яратмоқда.

Жумладан, яқинда республикамиз Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан изчил илгарилаб бораётганимизни кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди. Президентимиз И.Каримов 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сайлов жараёнларига баҳо бериш билан бир қаторда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар, парламент, суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб берди.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлиқ тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий

тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир бор исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

1) ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;

2) банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

3) мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш;

4) асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

5) қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш;

6) аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш;

7) 2010 йил – «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 февралдаги 101-сонли фармойишига биноан Президентимиз И.Каримовнинг **«Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»** ҳамда **«Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»** номли маърузаларини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш мақсадида махсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълим тизимида махсус курсни ўқитишда профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашиш мақсадида ушбу ўқув қўлланма тайёрланди. Ўқув қўлланма Президентимиз маърузалари мазмунидан келиб чиққан ҳолда учта бўлимдан иборат ҳолда ёзилган. Бунда маърузаларда баён этилган масалаларнинг мантиқий изчиллиги тўлиқ ҳисобга олинган.

Махсус курсни ўрганиш бўйича тузилган ўқув дастур ҳамда ўқув қўлланмада Президентимиз И.Каримовнинг 2009 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **«Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир»** номли маърузасида баён этилган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида эришилган натижалар, 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланиши ва бу борадаги дастурда

амалга оширилиши кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги материаллар тегишли мавзу ва ўринларда ўз ифодасини топган. Бу эса талабаларга 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини мамлакатимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид Президентимизнинг қатор дастурий чиқишлари билан изчил боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.

Президентимиз маърузасида баён этилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини талабаларга янада кенгроқ ва чуқурроқ тушунтириш мақсадида ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банки ва бошқа қатор вазирлик ва идораларнинг маълумотларидан, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳар ҳокимларининг 2010 йил январь-февраль ойларида бўлиб ўтган минтақавий семинарлари материалларидан кенг фойдаланилган.

Ушбу махсус курсни кенг ўрганишга ёрдам берувчи электрон-визуал ва интерактив воситалар, жумладан, «Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2009 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма (Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В., Тухлиев Б.К., ўзбек ва рус тилларида), «Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари» (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н., ўзбек ва рус тилларида) илмий-оммабоп қўлланма, «Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида» (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У., ўзбек тилида) экспресс-проспекти, «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.) экспресс-тестлар ҳамда уларнинг электрон-визуал версияларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

ЎҚУВ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўқув курсининг мақсади: Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаларининг асосий мазмуни ва унда кўрилган масалалар бўйича кенг тасаввур ва билим ҳосил қилиш.

2. Ўқув курсининг вазифалари:

- талабаларда давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар, парламент, суд-ҳуқуқ тизими, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли тўғрисида кенг тушунча ва тасаввурлар ҳосил қилиш;
- мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари борасида билимга эга бўлиш;
- чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда олиб борилган самарали иқтисодий сиёсат тўғрисида чуқур тасаввур ҳосил қилиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини олдини олиш ва юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши, бу борада эришилган натижалар тўғрисида маълумотга эга бўлиш;
- талабаларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, уларни таъминлаш манбалари, ўзига хос жиҳатлари, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар ва жараёнлар динамикасидаги асосий тенденциялар тўғрисида кенг билимни шакллантириш;
- мамлакатимиз тараққиётида эришилган ютуқлар мазмун-моҳиятини тушунтириш орқали талабаларда миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаш;
- мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда мавжуд муаммолар тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларни ҳал этиш йўллари борасида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;
- ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг кўп омилли ҳамда мураккаб жараён эканлигини, унинг зиддиятли жиҳатларини англаш, рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни теран таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;
- мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнларга нисбатан талабаларда ўзларининг ҳар томонлама асосланган, объектив, реал нуқтаи-назарлари ҳамда қарашларининг тўғри асосда ишлаб чиқилишига йўналтириш;
- мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари, унинг турли тармоқ ва соҳаларини янада тараққий эттириш имкониятлари, ҳудудларнинг ишга солинмаган ички салоҳиятлари тўғрисида ҳосил қилинган билимларни амалиётда қўллаш борасида дастлабки ўқув-амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;
- республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳамда улар натижасида рўй бераётган туб ўзгаришларнинг барчаси инсон манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадига йўналтирилганлигини англаш, ёшларнинг жамиятимиздаги ўрни ва ролини чуқур хис қилишни таъминлаш асосида ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш.

I БЎЛИМ. МАМЛАКАТНИ МОДЕНИЗАЦИЯЛАШ, ДЕМОКРАТИК ТАРАҚҚИЁТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ – МУҲИМ УСТУВОР ВАЗИФА

1. САЙЛОВЛАР МАМЛАКАТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИНГ ҚОНУНИЙ ЖАРАЁНИ

2010 йилнинг 27 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов «Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» мавзусида маъруза қилди. Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ҳақида, шунингдек 2010 йилнинг 10 январида ана шу идораларга ўтказилган такрорий сайловлар хусусида тўхталар экан, барча депутатларни сайловларда эришган муносиб ғалабалари, мамлакатимиз аҳолиси томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан табриклади. Ҳақли равишда кўрсатилган бу ишонч, биринчи навбатда парламентга сайланган 250 нафар депутатнинг шахсияти, билими, тажрибаси, фидокорона меҳнати, энг аввало, халқимиз томонидан билдирилган ҳурмат ифодаси, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ва равнақи, эл-юрт фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўшилган муносиб ҳисса эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга, бу ишонч умумхалқ сайловларида вакил бўлиб иштирок этган сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатга билдирилган ишонч белгиси ҳамдир.

> Сизларнинг обрўингиз – бу Қонунчилик палатаси ва Сенатининг обрўси, республикамиз парламентининг обрўси, моҳият-эътиборига кўра, мамлакатимизнинг обрўси эканини ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Сайлов ўз ҳуқуқини англаган ҳолда эркин танлаш ва онгли овоз бериш демакдир. Сайлов ҳақидаги қонунчилигимизга ўзгартиришлар киритилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди[1]. Депутатлик ўринлари сонига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Сайлов имтиҳон бўлиб, у қуйидаги мезон ва талаблар асосида ўтказилди:

1. Сўз эркинлиги ва танлаш эркинлиги тасдиғи синалди.
2. Сиёсий ҳаётда партиялар ҳокимият учун кураш олиб борди.
3. Сайловларда қатнашган сиёсий партиялар ҳар қайси номзодининг сиёсий қарашларидан қатъий назар уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдирилди.
4. Сайлов фуқаролик жамияти савияси ва етуклик даражасини кўрсатди.
5. Сайловлар аҳоли сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳон қилди.
6. Ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳларидан номзод кўрсатиш институтлари тугатилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларгагина берилди.
7. Сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига «Сайлов компанияси бошланишини эълон қилиш» институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширди.
8. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашди. Унга имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 кишидан 10 нафарга кўпайтирилди.

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон Конуститутцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. –Т.: «Ўзбекистон», 2009, 5-б.

9. Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди, яъни 15 депутатлик ўрин оммавий жамоат ташкилоти – Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди.

Эндиликда битта депутатлик мандати қарийб 120 минг сайловчи овозини ифодалайди. Шунга ўхшаш ҳолатни Италия, Буюк Британия, Шимолий Ирландия, Франция ва Канада давлатларида кузатиш мумкин. Россия, Японияда эса бу кўрсаткич 250 мингдан зиёдни ташкил этади.

Сайлов жараёнида парламентдаги захиралаш институти жаҳон амалиётида 14 та мамлакатда қўлланилади. Хорижий давлатларда: 1) миллий озчилик вакиллари; 2) фуқаролик жамияти институтлари; 3) хотин-қизлар ташкилотлари; 4) Президентлик квоталари мавжуд. Қонунчилик квоталари: Бельгия, Дания, Ҳиндистон, Эрон, Италия, Хитой, Покистон, Португалия, Хорватия, Руминия, Словения, Сербия, Финляндия каби давлатларда кўзда тутилган.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ, сиёсий партиялар ва улар кўрсатган депутатликка номзодларга сайлов компаниясини ўтказишда, сайловчилар билан учрашувлар ўтказишда, сайловолди дастурларининг мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишда, сайловолди ташвиқотини олиб боришда, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилди.

Бир депутатлик мандати учун 99 та сайлов округидан 4 нафардан, 36 та сайлов округидан 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатига 17 миллион 215 минг 700 нафар сайловчининг фамилияси киритилди, овоз беришда 15 миллион 108 мингдан ортиқ киши ёки сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

2009 йилнинг 27 декабрида ўтказилган овоз бериш якунларига кўра, 96 та сайлов округида парламент қуйи палатасига депутатлар сайланди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов куни Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди.

Сиёсий партиялар ва улар кўрсатган депутатликка номзодлар ўртасидаги кучли рақобат натижасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловни ўтказувчи 39 та сайлов округида сайланиш учун зарур миқдорда овозлар тўплай олмади. Шу сабабли, 2009 йилнинг 30 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур сайлов округларида 2010 йилнинг 10 январида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сайлов қонунчилигига биноан, такрорий овоз бериш 39 та сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда сайловчиларнинг энг кўп овозини олган икки нафар депутатликка номзод бўйича ўтказилди. Ушбу округларда сайловчилар рўйхатига фамилиялари киритилган 4 миллион 969 минг 547 сайловчиларнинг 3 миллион 960 минг нафари ёки 79,7 фоизи такрорий овоз беришда қатнашди. Такрорий овоз беришда сиёсий партияларнинг 8260 нафар кузатувчиси ва ваколатли вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови якунларига кўра 150 нафар депутат сайланди. Шу жумладан: 1) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан 53 нафар; 2) Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафар; 3) Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 31 нафар; 4) Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди. Ўзбекистон экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилди, яъни Қонунчилик палатасидаги 15 нафар депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларидир. Сайланган 150 нафар депутатнинг 33 нафари ёки 22 фоизи хотин-қизлардир. Сенатда эса хотин-қизлар 15 нафарни ташкил этади.

Сайланган депутатларнинг 47 нафари ёки 31,3 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан далолат бериши билан бирга, профессионал фаолиятида уларнинг ҳаётий ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланиш

имкониятини ҳам беради. Парламент қуйи палатаси таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

Қонунчилик палатасига 30 фоизга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоиздан кўпроқ депутатлар сайловчиларнинг такрорий босқичи – иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларнинг ўзи сайловларимизнинг демократик асосда бўлиб ўтганлигидан далолот беради.

Ўтказилган ушбу сайловлар ҳақида мамлакатимиздаги тегишли ваколатга эга тузилмалар кузатувчилари ва жамоатчилигимиз томонидан, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ташкилот ҳамда кузатувчилар томонидан ҳам атрофлича, етарли ва холис баҳо берилди.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигида оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этди. Сайлов жараёнлари 500 дан ортиқ мамлакатимиз ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилди.

Дунёнинг 36 та мамлакати ва 4 та халқаро ташкилотдан, хусусан, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, МДҲ Ижроя қўмитаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ), Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) миссияларининг 270 дан зиёд кузатувчилари, шунингдек депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 60 мингдан зиёд кузатувчилари ва ваколатли вакиллари сайловни мониторинг қилиб борди.

Барча берилган баҳо ва тафсилотларда сайловчиларимиз овоз бериш пайтида умумий фаоллик, очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва таклифларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлганлиги айтиб ўтилди.

Сайловни демократик принциплар асосида ўтказиш, ушбу жараёнда қонун ҳужжатларига амал қилинишини таъминлаш округ ва участка сайлов комиссияларининг қонунийлик, коллегиаллик, мустақиллик ва адолат тамойиллари асосида уюшқоқлик билан фаолият юритиш орқали таъминланди.

Сайлов жараёни жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш йўлида катта қадамлар қўйилганлигини исботлади.

Бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон фуқароларининг юксак ижтимоий-сиёсий маданияти, сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётгани, сайловчилар жамиятимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш йўлидан бораётганини кенг қўллаб-қувватлашларини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра, 2010 йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайловлар ўтказилди. Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзолари (сенаторлари)дан иборат. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан (жами 14 та ҳудудий бирликдан) тенг миқдорда 6 кишидан (14 х 6 = 84) сайланди. Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланди[2]. Демак Сенатнинг 100 (84 + 16) нафар аъзоси мавжуд.

Ўтказилган сайлов Ўзбекистон сайлов ҳуқуқининг конституциявий (117-модда) тамойиллари:
1) умумий сайлов ҳуқуқи;

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 14-15, 31-32-б.

2) тенг сайлов ҳуқуқи;
3) тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи;
4) яширин овоз бериш ҳуқуқи асосида ўтказилди.

Қонунчилигимизда сайловнинг ушбу конституциявий тамойиллари билан бир қаторда умумий тамойиллар ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда. Эркинлик тамойили (сайловни тазйиқсиз амалга ошириш), ошкоралик тамойили (ахборотга эга бўлиш), адолатлилик тамойили (қонунга хилоф ҳаракатга чек қўйиш), масъуллик тамойили (сайловлар олдида масъулиятлилик) шулар жумласидан бўлиб, сайлов жараёнларида уларга қатъий амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатига бўлиб ўтган сайловлар Ўзбекистон фуқаролари демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлини қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди.

Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатимиз ҳаётида юз бераётган барча туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бир кўрсатди».

Мамлакатимизда ўтказилган бу сайловлар бугунги кунда жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодасидир.

2. ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ЯНГИЛАШ ВА ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ СИФАТИДА

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислоҳотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Ҳозирги кунда республикамизда 306 та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмалари фаолият юритиб, улардан 64 таси халқаро ташкилотлар мақомига эга. Бу бирлашмаларнинг 48 таси жамғарма, 78 таси жамият, 4 таси сиёсий партия, 42 таси федерация, 16 таси касаба уюшмалари, 2 таси ҳаракат, 20 таси марказ, 48 таси ассоциация, 20 таси уюшма, 5 таси қўмита, яна 22 та турли номларда расмий рўйхатдан ўтган ташкилотлардир. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий аҳамиятга эга 2237 та жамоат бирлашмалари фаолият юритмоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда қуйидаги 4 та сиёсий партия фаолият юритмоқда:

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) – 1991 йилнинг 1 ноябрида ташкил топган. 350 мингдан ортиқ аъзоси мавжуд. Бугунги кунда бу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 32 нафар депутати мавжуд (2-ўринда).

2. Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси – 1995 йилнинг 18 февралида ташкил топган. Партия аъзолари 80 мингга яқин. Бугунги кунда бу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 19 нафар депутати мавжуд (4-ўрин).

3. Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси – 1995 йилнинг 3 июнида ташкил топган, 110 минг аъзога эга. Бугунги кунда бу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 31 нафар депутати мавжуд (3-ўринда).

4. Ўзбекистон Либерал Демократик партияси (ЎзЛДП) – тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати, 2003 йилнинг 15 ноябрида ташкил топган. Бугунги кунда бу партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 53 нафар депутати мавжуд (1-ўринда).

Мустақиллик йилларида давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Сиёсий партияларнинг қуйидаги ҳуқуқий асослари барпо этилди:

1. 1996 йилнинг 26 декабрида Олий Мажлис биринчи чақириқ 7-сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

2. 2004 йилнинг 30 апрелида Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 14-сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштирш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сиёсий партиялар фаолияти тартибга солинмоқда.

3. 2007 йилнинг 11 апрелида Президент имзоси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» Қонун қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Конституциявий қонунга ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритилган. Қонун лойиҳалари сиёсий тизимни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг тадрижий давоми бўлиб, бу лойиҳа сиёсий партия фракцияси ва маҳаллий кенгаш партия гуруҳларининг фаоллиги, мавқеи ва таъсирини кучайтириш ҳамда мухолифат масаласининг ҳуқуқий асосларини ўз ичига олгани боис барча депутатларда қизиқиш уйғотди. 2007 йилдан ва ундан кейинги даврда бу жараён Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлишига олиб келди. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонун 8 моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сиёсий партиялар фракцияси, Қонунчилик палатаси спикери ва унинг ўринбосарини сайлаш, маҳаллий ҳокимият кенгашлари фаолиятини назорат қилиш каби вазифалар юклатилган. Шу боисдан ҳам сиёсий партиялар ҳокимиятда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш ва халқ ичида ўз нуфузини ошириш учун ҳаракат қилади. Жумладан, улар:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида;

2) Олий Мажлис сайловларида;

3) маҳаллий вакиллик органлари (вилоят, туман, шаҳар ҳокимияти)ни тузишда иштирок этиб келмоқда.

> Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминлаш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар бериб турадилар.
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддаси***

Президент Ислом Каримов сиёсий партиялар фаолиятига баҳо берар экан, уларнинг «сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилган» лигини таъкидлаб ўтди.

Ҳақиқатан ҳам ана шу бўлиб ўтган сайловлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу қонун нақадар тўғри ва самарали эканини кўрсатди. Бошқача айтганда, сиёсий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши ва ушбу сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди. Албатта, бу жараён мамлакат парламент тизимининг самарадорлигини оширади. Бугунги кунда Ўзбекистондаги сиёсий партиялар **ички функцияси** сифатида: жипслаштирувчи, мувофиқлаштирувчи, рағбатлантирувчи, етакчиликка интилиш, мавқеига мослиги; **ташқи функцияси** сифатида эса: тарғибот ва ташвиқот, маълум сиёсий йўналишларга мослаштириш, сиёсий воқеа ва жараёнларга ҳозиржавоблик каби вазифаларни бажармоқда (1.2.1-расм).



1.2.1-расм.

Умуман, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўзларининг фаолиятларини амалга оширишни қуйидаги принциплар асосида йўлга қўйишлари лозим:

1. Конструктив (тузилиш асос қилиб аталиши) таклифлар асосида.
2. Компромизм (муроса-мадора) йўли билан.
3. Реаллик.

3. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Парламентга сайловлар жараёнида, халқимиз ўз фаоллиги, сиёсий маданияти ва савиясининг ошганлигини ёрқин намоён этди. Биз ҳеч кимдан кам эмаслигимиз, демократик давлат қуришда ўз йўлимиз борлиги, ўзига хослиги намоён бўлди. «Биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига – мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди». Бу ҳақда Президентимиз парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимиз олдида турган устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга 250 дан зиёд қонунни қабул қилиш билан боғлиқ фаолиятини ижобий баҳолади.

Ҳақиқатан ҳам парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият юритадиган, қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган қуйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ акс эттирадиган юқори палатаси – Сенат тўла шакллантирилди. Натижада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиблик ва уйғунлик таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг парламентдаги олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият органлари роли ва таъсири анча ошди. Қонунчилик палатасида биринчи марта: 1) тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси; 2) «Миллий тикланиш» демократик партияси; 3) «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Ўзбекистон халқ демократик партияси парламентда мухолифатни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида, Президентимиз маърузасида таъкидланганидек, Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни

(яъни, миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгартириб бориш), қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш алоҳида ўрин эгаллади.

Икки палатали парламент томонидан ўтган давр мобайнида хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этиш каби вазифаларни амалга оширишга мўлжалланган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, парламент аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берди.

Парламент томонидан амалга оширилган бу тадбирлар, яъни иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга қаратилган бундай тадбирлар 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсди, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошди, ташқи савдонинг ижобий салмоғи 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Ўртача ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари 26,5 фоизга кўпайди. Мураккаб иқлим шароитига қарамасдан, илк бор 7,3 миллион тоннадан зиёд дон, шу жумладан 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Мамлакатимизда 2005 йиллардан кейинги даврда, яъни икки палатали парламент фаолияти даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган касаначиликни ҳукумат дастури асосида ривожлантиришга кенг йўл очилди. Касаначиликнинг дўппидўзлик, тикувчилик (ишчи кийимлари, қўлқоп, чопон сингари), темирчилик, гиламдўзлик каби ҳунармандчилик соҳалари кенгайди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилида кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

Парламент – жамият ҳаётини ойнадек яққол акс эттирадиган кўзгу. Бинобарин, жамиятда қандай интилиш, фикр ва қарашлар мавжуд бўлса, улар парламентдаги муҳокама ва мунозараларда ўз ифодасини топиши керак. Ана шунда парламент халқнинг хоҳиш-

иродаси, эзгу мақсадларини мужассам эта олади. Шундан кейин одамлар бундай қонунчилик ҳокимиятига ишонади. Улар бирон-бир янгиликни биз парламент минбаридан эшитдик, деб ўз қишлоғи ёки маҳалласида гапириб юрса, шундагина депутатлар ишининг самараси, таъсири сезилади. Умуман, депутат дегани доимо ўз сайловчилари, уларнинг ташвиш ва муаммолари билан яшаши керак[3].

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоғини бирлаштирадиган нарса – миллий ғоя. Бизнинг миллий ғоямиз эса юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

4. СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР – МАМЛАКАТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ НЕГИЗИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларига ҳам салмоқли ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

Суд ҳокимияти – учинчи ҳокимият органи тармоғи бўлиб, у қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Суд тизими 5 йил муддатга сайланади. Судларни ташкил қилиш, фаолият юритиш тартиби парламент қонунлари билан белгилаб қўйилган. Ўзбекистонда Конституциявий суд, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар, туман, шаҳар, хўжалик судларига бўлинади. Президент Ислом Каримов Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида ҳокимиятнинг ана шу тармоғи – суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш йўлларини кўрсатиб ўтган эди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш учун прокуратура органларининг суд жараёнларига аралашувини чеклаш, шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш ҳуқуқларини суд тизимига ўтказишни белгилаб берди. Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, мустақил фаолият юритишини таъминлаш таъкидлаб ўтилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Фуқароларни шафқатсиз жазолаш билан эмас, балки инсонпарварлик руҳида тарбиялаш асосида ҳуқуқий давлат йўлидан бориш зарурлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2005 йилнинг 1 августида имзоланган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги» ҳамда 2005 йилнинг 8 августида имзоланган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони, суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш сари қўйилган катта қадам бўлди. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича қабул қилинган «Одамлар айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида»ги Баённомада одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини кўриш белгилаб берилган эди.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингдириш мақсадида 2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда «Одам савдоси» ва «Одамлардан фойдаланиш» тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимнинг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

[3] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. - Т.: Ўзбекистон, 2005, 171-173-б.

2008 йилнинг 7 январида Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. 2008 йилнинг 1 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг икки фармони қабул қилинди:

1. «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган «Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонлари суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди[4].

Ҳақиқатан ҳам Президентимиз маърузасида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек фуқароларни қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган парламент қонунлари бутун дунёда қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Демак, 2010 йилга келиб, Президентимиз ва парламентимиз саъй-ҳаракатлари билан учинчи ҳокимият – Суд тизими соҳасида қуйидаги ислоҳотлар ўтказилди:

1) жиноий жазога санкция бериш прокуратура органларидан суд тизимига ўтказилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга катта эътибор берилди;

2) адвокатлар (оқловчиларнинг) мавқеи ва роли оширилди; адвокатура институти ислоҳ қилинди;

3) жиноий жазо тизими либераллаштирилиб, ўлим жазоси жиноий кодексдан (2008 йилнинг 1 январидан) олиб ташланди ва унинг ўрнига узоқ муддатли, умрбод қамоқ жазосини белгилаш тартиби ўрнатилди; прокуратура фаолияти такомиллаштирилди;

4) суд мустақиллиги таъминланди.

5) фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлар ташкил қилинди;

6) судлар фаолияти моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминланмоқда;

7) суд кадрларини танлаш ва тайинлаш механизми мустаҳкамланмоқда.

5. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ

Ўзбекистон Республикаси кучли демократик, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Фуқаролик жамияти демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Фуқаролик жамияти институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ОАВларни ривожлантириш бўйича бир талай ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот, 870 дан ортиқ газета ва журналлар 100 га яқин давлат ва нодавлат телерадиостанцияси фаолият кўрсатмоқда[1]. Агар бундан 15 йил олдин Республикамизда 475 та ОАВлар бўлган бўлса, 2009 йилга келиб, бу рақам 1110 тани ташкил этди. Хусусан, уларнинг 600 дан зиёди вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Президент Ислом Каримов 2005 йилнинг 28 январида «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни моденизация ва ислоҳ этишдир» мавзуидаги маърузасида эндиликда олдимизда турган бир қатор устувор вазифаларни белгилаб берар экан, демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда оммавий ахборот воситалар ролига алоҳида эътибор берди. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир.

[4] Халқ сўзи, 2008 йил 28 май.

Бу борада асосий вазифа мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан иборат. Халқимиз оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳаққоний жараёнларини кўриш ва эшитишни истайди. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот – коммуникация технологияларни бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

Президент маърузасида келтирилганидек, 2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, парламент томонидан қабул қилинган бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қўшма қарорга кўра нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштиришни шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларига асосланган тизими яратилди.

Дунё оммавий ахборот воситалари типологиясига кўра, уларнинг 5 та асосий турини ажратиб кўрсатиш мумкин (1.5.1-расм).



1.5.1-расм.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилда чоп этилган «Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш» рисоласида ҳам бугунги кунда замон ўзгаришлари билан маънавий ҳаётимизда ҳар томонлама ўткир ва долзарб аҳамият касб этаётган оммавий ахборот воситалар орқали парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини англаб етиш, айни вақтда бу борада мавжуд ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича даврнинг ўзи кун тартибига кескин қилиб қўяётган янги вазифалар ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлиши мумкин[5].

Шу боисдан ҳам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини, бугунги кунда давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган

[5] Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 24-б.

ижтимоий – иқтисодий сиёсатни, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар орқали ёритиб бориши зарур.

Оммавий ахборот воситаларининг сайловларни ёритиш жараёнидаги фаолиятини бир неча йўналишларга ажратиш мумкин (1.5.2-расм).



1.5.2-расм.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари таркибига қатор институтларни киритиш мумкин (1.5.3-расм).



1.5.3-расм.

6. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

Президентимиз Ислом Каримов парламент қўшма мажлисидаги маърузасида парламент томонидан амалга оширилган, эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, икки палатали парламент фаолиятидаги айрим камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Албатта, бу Олий Мажлиснинг келгуси 5 йиллик фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинаётган бир шароитда муҳим аҳамиятга эга. Камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмай қолган имкониятлар ҳамда вазифа ва устувор йўналишлар қуйидагилардан иборат қилиб кўрсатилди:

Биринчидан, қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий

ислоҳотларни ўз ичига олган, узоқ истиқболга мўлжалланган, ўз дастурларига эга эмаслигида кўринади. Бу кўпинча қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилмаган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

Иккинчидан, депутатлар корпусининг сусткашлиги туфайли иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунлар киритилмаган, ташаббус билан чиқмаганлигида. Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган холос.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 дан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакат ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси) томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилик амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялаш тавсифига, яъни муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас. Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорлашларга йўл қўйилган, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатлари кўп. Асосий камчилик шундаки, қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўлланилишини сезиларли даражада қийинлаштиради. Қонунларнинг ижро этилмаслигига ҳуқуқий нигилизм, яъни ҳар қандай ҳуқуқий нормаларнинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Тўртинчидан, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларидан суст фойдаланилмоқда. Қонунчилик палатаси ўтган давр фаолиятида атиги бир нечта, хусусан, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширган, бу етарли эмас, албатта.

Бешинчидан, парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Бундай тадбир депутатга сайловчилар ўз фаолиятларида қандай муаммоларга дуч келаётгани, уларни ҳал этиш заруратини аниқлаш учун имкон берган бўлар эди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов окуругидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби» палата томонидан тўртинчи йилидагина, 2008 йилнинг май ойига келиб ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Олтинчидан, қуйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг дастлабки даврида ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар кузатилди, бундай зиддиятлар қонунларни қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатди. Умуман, Президентимиз мамлакатимиздаги олий қонун чиқарувчи орган – Олий Мажлис томонидан амалга ошириладиган қонун ижодкорлиги жараёнининг мустақил таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолиятини таъминлаш жараёни қийинчилик билан йўлга

> Олий Мажлиснинг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида танқидий баҳолар эканмиз, парламент ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмаслигини англаб, тушуниб олишимиз керак.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

қўйилди, деб таъкидлайди.

Сенат ва унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмас. Сенат бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий кенгашларнинг ваколатли вакили ҳисобланади. Шу боисдан ҳам сенаторлар ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиқиб, бу қонунлар ўзлари вакил бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эга.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан айрим қайтарилган қонун лойиҳалари моҳияти, маъно-мазмуни бўйича қуйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган баҳс-мунозаралар демократик парламент ишини табиий соғлом шакли сифатида қарамоқ лозим.

Айниқса, янгидан сайланган парламент сифат жиҳатдан янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши аён бўлади.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида улкан вазифалар турибди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш каби ишларни изчил давом эттириш зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги, тинч ва осойишта ҳаётини сақлаш каби вазифаларни бажариш жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни ана шу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига ҳам боғлиқдир. Қўшни Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаронинг хавф-хатари, минтақамиздаги тинчлик ва барқарорликка нисбатан таҳдиди ҳам сақланиб қолмоқда. Шу боисдан Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида бу ҳолатни, можарони фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикрни биринчи ўринга қўйди. Можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6 + 2» мулоқот гуруҳини «6 + 3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифи илгари сурилган эди. Мазкур гуруҳга Афғонистонга чегарадош олти мамлакат: Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон + АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди (1997-2001 йиллар). «6 + 2» мулоқот гуруҳини «6 + 3» мулоқот гуруҳига айлантириш, яъни унга НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш масаласини 2008 йилнинг 3 апрелида Бухарестда НАТО СЕАП (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) Саммитида, 2009 йилнинг 15-16 июнида Екатеринбург шаҳрида ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашларида бир неча бор Президентимиз томонидан кўтарилган эди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча Афғонистонда кескинлик кучайиб бораётганлигини юртбошимиз яна бир бор таъкидлаб ўтди. Дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал этиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб амалий хулосаларга келмоқда.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон ҳам ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон Афғонистонга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан олти баробар оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз-Хайратон-Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланиб, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Президентимиз, умуман, парламентнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида масъулияти катта эканлигига диққатни қаратди.

Президент Ислом Каримов яна бир бор парламентимизда юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса, аввало, улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини пухта ва виждонли талаб даражасида адо этишлигига асосий эътиборни қаратди. Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш

жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олиниши охиригача пухта ишлаб чиқилишига ишонч билдирди. Шунингдек, юртбошимиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туришига асосий диққат қаратилди.

Агар биз иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз. Бунда: 1) ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш принципига риоя қилган ҳолда парламент ҳокимиятининг ролини кучайтириш керак; 2) кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини кескин ошириш, улар ўртасидаги рақобат асосидаги курашни кучайтириш лозим. Ҳар бир партия парламентда ғоя ва дастурлар бирлашувини йўлга қўйиши даркор. Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кучли бўлса, партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилади. Бу жараён қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширади.

Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа қабул қилинган қонунларни ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устида қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат. Бунда: 1) Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси давлат дастурлари бажарилиши юзасидан ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам муҳокама қилинади; 2) парламент бундай ҳисоботларни эшитиш, яъни танишув хусусиятига эга; 3) кўрилаётган масала бўйича комиссия позицияси аниқ белгилаб олинмаган, пухта ишлаб чиқилган дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган; 4) қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга ошириш қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказ ва жойларда кенг фойдаланиш чораларини кўриши керак; 5) давлат раҳбарлари ўзига ишониб топширилган қонун ҳужжатлари ижросини таъмин этишлари даркор; 6) ижро ҳокимияти қонунларнинг қандай бажарилиши бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириши зарур; 7) парламент назоратини амалга оширишда давлат тузилмаларининг иқтисодий соҳага асоссиз аралашувини камайтириш керак. Парламент назоратининг парламент сўрови, парламент ҳисоботини эшитиш каби шаклларидан кенг фойдаланиш лозим; 8) бу вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши лозим; 9) парламент назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик иштирокини таъминламоқ зарур.

Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислоҳотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоғи зарур. Бунда: 1) фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга оширишни фаоллаштириш даркор; 2) фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни талаб этади; 3) сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантиришда фаол таъсирини кучайтиришда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўла фойдаланиш даркор; 4) маҳаллий кенгашлардаги партиялар гуруҳлари фаолиятини ва унинг таъсирини ошириш лозим; 5) қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш керак. Бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам, тузилмалар манфаатини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўринга эга бўлсин.

Бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат, нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу вазифаларни бажариш қуйидагиларни тақозо этади: 1) атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш; 2) марказ ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари шу соҳага оид қабул қилинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш; 3) Ўзбекистон Экологик ҳаракати юксак депутатлик минбаридан туриб, атроф-муҳитни янада самаралироқ муҳофаза қилиш; 4) аҳолини экологик хавф ҳамда тажовузлардан ҳимоялашда улкан имкониятларни қўлга киритиш.

Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларнинг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур. Бу устувор йўналишда самарали натижаларга эришиш қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: 1) маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамиятини янада ошириш; 2) ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлашни кучайтириш; 3) маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизми ва ваколатларини кенгайтириш; 4) маҳаллаларда аҳолини ижтимоий-қўллаб қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, янги босқичга кўтариш; 5) бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалла вазифаларини кенгайтириш; 6) давлат ижтимоий дастурларини ҳаётга татбиқ этишда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг ўзини-ўзи бошқариш идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш; 7) оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш.

Бугунги ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлаштириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислоҳотлар сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жамиятининг изчил шаклланишига мадад бериши даркор. Бунда: 1) миллий матбуотимизнинг сифати, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва мезонлар даражасига кўтариш учун имконият берадиган шарт-шароитларни яратиш, оммавий ахборот восита соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур; 2) оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир этилаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда, янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шароитлар туғдириб бериш лозим; 3) нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интелектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш зарур; 4) бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий механизмларни яратиш долзарб вазифалардан биридир; 5) газета ва журналлар таҳририятларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгшашларга сайловлар тўғрисида маълумот беринг.

2. Ҳозирда республикамизда нечта сиёсий партия фаолият юритмоқда? Уларнинг номи ва асосий дастурий мақсад ва вазифаларини изоҳланг.

3. Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашдаги ролини қандай баҳолаш мумкин?

4. Парламент нима? Унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги ўрни ва роли қандай?

5. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар тўғрисида маълумот беринг.

6. Фуқаролик жамияти нима? Унинг асосий белгилари нималардан иборат?

7. Мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишларини тушунтириб беринг.

8. Мамлакатни модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифалари нималардан иборат?

II БЎЛИМ. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ БАРҚАРОР СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ – МАМЛАКАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЯНГИЛАШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ ВА ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ДАСТУРНИ АМАЛГА ОШИРИШ НАТИЖАСИ

1. ЎЗБЕКИСТОНДА МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлига ўтилган даврдан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар бир йил якунига кўра эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш анъанавий тарзда амалга оширилиб келмоқда. Бу тадбирнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- биринчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигини баҳолаш;

- иккинчидан, халқимизнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати натижаларини эътироф этиш;

- учинчидан, келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш;

- тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги иқтисодий салоҳиятни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда янада тўлароқ сафарбар этиш ва бошқалар.

Шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузада Президентимиз мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлинганлигини таъкидлаб ўтди.

Маърузада аввало 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини холисона баҳолаш муҳим принципиал аҳамият касб этиши таъкидланиб, бу 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил хулосаларига таянишимиз мумкинлиги орқали намоён бўлиши изоҳланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ўзининг салбий оқибатлари билан дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатган 2009 йил бизнинг мамлакатимиз учун ҳам ғоят қийин бўлди. Шунга қарамай, ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди.

> 2009 йил, моҳият эътиборига кўра, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талаб ва таклифни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Маълумки, 2008 йилда АҚШ ипотека кредитлаш тизимида бошланиб, кўплаб ривожланган мамлакатларнинг молия тизимини ишдан чиқарган, кейинчалик иқтисодиётнинг реал сектори ва ижтимоий соҳага сезиларли таъсир кўрсатиб, катта талофатлар етказган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози вужудга келишининг дастлабки палласидаёқ Ўзбекистонда инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга ошириш бошлаб юборилган эди. Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» номли асарида мазкур дастурда белгиланган қуйидаги комплекс чора-тадбирлар кўрсатиб ўтилган эди:

1) корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш;

2) жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш;

3) қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш;

4) электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш;

5) жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш[6].

Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Бу борада Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон, қарор ва фармойишлар ҳамда уларнинг асосий мақсадларини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал. Ўзбекистон Президенти томонидан инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши белгилаб берилган қатор фармон, қарор ва фармойишлари

Ҳужжат номи	Санаси ва рақами	Асосий мақсади
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони	2008 йил 18 ноябрь 4053-сон	- иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш; - иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш; - иқтисодиётни таркибий ўзгартириш; - ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва

[6] И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31-34-б.

		технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони	2008 йил 28 ноябрь 4057-сон	- фуқароларнинг омонатларини жаҳон молиявий инқирозининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимоялашнинг ишончли кафолатларини таъминлаш; - мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш; - аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони	2008 йил 28 ноябрь 4058-сон	- жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш; - иқтисодиёт реал сектори базавий тармоқларининг иқтисодий ўсиши барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги ҳамда барқарор ишлашини таъминлаш; - аҳоли бандлигига кўмаклашиш; - экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 20 январь 1041-сон	- замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг илдам ривожланишини таъминлаш; - шу асосда иқтисодиётнинг барқарор ҳамда жадал тараққий топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш; - республика минтақаларининг табиий ҳамда иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш; - янги иш ўринларини шакллантириш; - аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлигини, одамларнинг даромадларини ошириш ва фаровонлигини юксалтириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 26 январь 1047-сон	- Республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш; - ички истеъмол бозорини мамлакатимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бекаму-кўст тўлдириш; - асосан қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни жадал барпо этиш; - шу асосда янги иш жойларини шакллантириш; - кўпроқ одамларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 28 январь 1050-сон	- рақобатбардош юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш; - ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш; - тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш; - мавжуд корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш; - бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик

		даражасини ошириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори	2009 йил 29 январь 1051-сон	- мамлакатимиз шаҳарлари ва аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш; - архитектуравий режалаштирган ҳолда қуришни ташкил этишни такомиллаштириш бўйича кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини қатъиян яхшилаш; - уй-жойларни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қуриш бўйича пудрат ишларини янада кенгайтиришни рағбатлантириш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши	2008 йил 19 ноябрь 4010-сон	- иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотишнинг самарали механизмини яратиш

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таъсирчан тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди;

> Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айни пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонига мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги 1-сонли мажлис баёни талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг бўш пул маблағларини банклардаги омонатларга жалб қилинишида ҳамда омонатдаги маблағларни уларнинг биринчи талабига кўра берилишида қонун бузилишига йўл қўймаслик, омонатчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва банкларнинг мазкур фаолиятлари устидан назоратнинг янада кучайтирилганлиги ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада жадаллаштирди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди;

- Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний

шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундай таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Банкларнинг умумий капитали **–** банкларнинг ўз фаолиятларини (банк операцияларини) амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий ресурслари бўлиб, у банклар томонидан турли манбалар орқали жалб этилган пул капиталидан иборат. Банкларнинг умумий капитали хусусий капитал билан бир қаторда ундан бир неча баробар кўпроқ бўлган жалб этилган капитални ҳам ўз ичига олади.

Банкларнинг низом жамғармалари – банкларнинг доимий тасарруфида бўлган моддий ва пул маблағлари йиғиндиси бўлиб, уларнинг миқдори банклар ташкил топган чоғда низомда қатъий белгилаб қўйилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз 30 та банк фаолият кўрсатиб, шундан 3 таси давлат банклари, 13 таси акциядорлик тижорат банклари, 9 таси хусусий банклар, 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади (2.1.1-расм).



2.1.1-расм.

Кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятининг кенгайиб бориши ўз навбатида улар томонидан берилаётган кредитлар, банклардаги депозитлар ва умумий капитал ҳажмига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2005-2009 йиллар мобайнида тижорат банклари кредитлари ҳажми 2,2 марта, депозитлари ҳажми 5,2 марта, умумий капитали 3,2 марта ошган.

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Халқаро Базель қўмитаси **–** ривожланган мамлакатлар марказий банклари раҳбарлари томонидан 1974 йилда ташкил этилган ташкилот. Унинг доирасида халқаро банк фаолиятини тартибга солиш муаммолари муҳокама қилинади. 1975 йилда қўмита томонидан Базель келишуви ишлаб чиқилган. Кейинчалик Базель қўмитаси банк фаолияти меъёрлари бўйича халқаро тавсиялар ишлаб чиқа бошлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Банк-молия тизимининг барқарорлиги – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта бойликлари кўринишида бўлади.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди (2.1.2-расм).



2.1.2-расм.

Расмдан кўринадики, 2003-2010 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари ҳажми 16 баробардан кўпроқ ошган.

Кейинги йилларда банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилган.

Банкларнинг кредит портфели – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси бўлиб, улар қуйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларининг маълум санага ссуда ҳисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ:

- тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;
- кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, 2005-2009 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошган.

Шу ўринда тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

Инвестицион кредитлар **–** ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар.

Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди. 2009 йилда жами банк кредитлари таркибида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 78,3 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимиздаги банк-молия соҳасининг тобора мустаҳкамланиб бориши амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар молиявий таъминотининг кучайишига, иқтисодиёт реал секторининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратмоқда.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашнинг аҳамиятини қандай изоҳлаш мумкин?
2. Нима учун мамлакатимизда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор каратилмоқда?
3. Республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлиги нималарда намоён бўлади?
4. Етакчи халқаро рейтинг компанияларининг мамлакатимиз банк тизимига берган баҳосини изоҳланг.
5. Банклар кредит портфели таркибидаги ижобий ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун қандай аҳамиятга эга?

2. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (2.2.1-расм).

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари



2.2.1-расм.

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йуналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Кредитор қарздорлик – корхона, ташкилот ёки муассасанинг тегишли юридик ёки жисмоний шахсларга тўланиши лозим бўлган пул маблағлари бўлиб, улар меъёрдаги (муддати ўтмаган) ҳамда муддати ўтган қарздорликларга бўлиниши мумкин.

Маҳсулот таннархи – маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ барча харажатлар.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди (2.2.2-расм).

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



2.2.2-расм.

Натижада 2009 йил мобайнида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзкурилишматериаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20-25 фоизга камайди. Жумладан, республикамизда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижаларни қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал. 2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижалар

Комплекслар номи	Маҳсулот таннархининг пасайиши	
	млрд. сўмда	фоизда
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машинасозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартизациялаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	**2079,5**	**20,38**

Жадвалдан кўринадики, 2009 йилда республикамиз бўйича маҳсулотлар таннархини 2079,5 млрд. сўмга ёки 20,38 фоизга қисқартиришга эришилган.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзларининг вужудга келиш сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Хусусан, 2009 йил давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, узоқ давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни

молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда Республика Комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корхонани аукцион савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корхонани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган эди. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра:

- тижорат банкларига банкрот корхоналар ёки улар мол-мулкининг берилиши, сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларига киритилиши, шунингдек банклар томонидан банкрот корхоналар мол-мулки негизида янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

- банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

- бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

- тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

- ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориши;

- банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Президентимиз маърузасида таъкидланишича, 2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалик даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансдаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Иқтисодий ночор корхона – кредиторларнинг товар (иш, хизмат)лар ҳақини тўлаш бўйича талабларини қондириш, шунингдек, бюджет ва нобюджет фондларига мажбурий тўловларни таъминлашга лаёқатсиз бўлган корхона.

Корхонанинг банкротлиги – корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг ночорликка юз тутиши натижасида ўз қарз мажбуриятлари бажара олмаслиги. Корхона хўжалик судининг қарорига кўра расмий ҳолда банкрот деб эълон қилинади.

Молиявий соғломлаштириш – корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан яна бири – бу саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнидир.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Импорт ўрнини босиш самараси – маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида тежалган импорт маҳсулотлари қиймати.

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қуйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;

- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;

- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;

- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;

- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Маълумотларга кўра, кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2009 йил давомида 333 та корхона негизида 843 та амалга оширилаётган лойиҳа бўйича 2854,0 млрд. сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган (2.2.3-расм). Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,3 баробар ўсиб, импорт ўрнини босиш самараси 1,9 млрд. долл. ташкил этди.



2.2.3-расм.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларининг изчил амалга оширилиши барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитларни яратди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида қандай чоралар кўрилди?
2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг мазмуни ва аҳамиятини изоҳланг.
3. Кооперация алоқаларининг кенгайтирилиши ва мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйилишининг иқтисодиётга таъсири қандай?
4. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабнинг рағбатлантирилиши қандай амалга оширилмоқда?
5. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналар кредитор қарздорлигининг қайта кўриб чиқилиши натижаларини баҳоланг.

6. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг пасайтирилиши бўйича қандай натижаларга эришилди?

7. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижаларни таҳлил қилинг.

3. ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ ДОИРАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА СОЛИҚ ЮКИНИ ЕНГИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш – мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатнинг экспорт салоҳияти **–** муайян мамлакатнинг ўзида мавжуд бўлган ёки ишлаб чиқарилаётган ресурслари, маҳсулотларини экспортга чиқариш имконияти, қобилияти.

Маълумки, 2009 йилда мамлакатимизда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратишга алоҳида эътибор қаратилган эди. Хусусан:

– айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

– банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясидан кечиш ва бошқа муҳим имтиёз ва преференциялар бериш шулар жумласидандир (2.3.1-расм).



2.3.1-расм.

2009 йил мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар қаторида тижорат банклари томонидан айланма маблағларни тўлдириш учун 233,5 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилганлиги, 105,8 млрд. сўм миқдорида бюджет олдидаги ва етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар қарзларини тўлаш муддатларини кейинга сурилганлиги, барча турдаги энергия манбалари ва асосий коммунал хизматлар учун нархлар ўсиши ўртача 7,7%, яъни паст даражада сақлаб қолинганлигини таъкидлаш мумкин. Бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди. Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий сальдо билан якунлаш имконини берди (2.3.2-расм).

Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимиз тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.

Ташқи савдо айланмаси **–** мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

Ташқи савдо айланмаси сальдоси **–** мамлакат экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

Мамлакат тўлов баланси – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини олади.



2.3.2-расм.

Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбир – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимиздаги бир қатор солиқ ставкалари аҳамиятли даражада пасайтирилиб борилмоқда (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал. Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2010 йил
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	31	9
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15%, 25%, 36%, 40%	11%, 17%, 22%
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15	7
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4,0	3,5
Ягона ижтимоий тўлов	40	25

Жадвалдан кўринадики, кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,1 баробар, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,1 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги умумий солиқ юки ҳам йиллар давомида сезиларли равишда пасайиб бормоқда (2.3.3-расм).



2.3.3-расм.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, агар 2000 йилда республикамиздаги солиқ юки 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 22,6 фоизни ташкил этди, яъни 1,6 баробардан кўпроқ қисқарган. 2010 йилда бу кўрсаткични янада пасайтириш, яъни 21,8 фоиз даражасига тушириш кўзда тутилмоқда.

Солиқлар – давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетларга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдалганликлари учун мажбурий тўловлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Солиқ кредити **–** бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга камайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби **–** солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солиқ ставкаси **–** солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юки **–** маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

Солиқ юкини енгиллаштириш **–** солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар.

Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

Натижада Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш доирасида солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди. Бу маблағ уларнинг айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, ишчиларни моддий рағбатлантириш учун йўналтирилди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қандай амалий чоралар белгиланган?
2. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятига баҳо беринг.
3. Мамлакатимиз тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашда экспортнинг роли қандай?
4. Республикамизда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
5. Мамлакатимиз хўжалик субъектларига берилган қўшимча солиқ ва божхона имтиёзларини тушунтиринг.

4. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ – МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, АҲОЛИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кичик бизнес субъектлари **–** корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – алоҳида фуқаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолияти.

Микрофирма **–** кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир (2.4.1-расм).



2.4.1-расм.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши

2008 йилдаги 13,9 фоиздан 2009 йилда 16,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 97,8 фоиздан 97,9 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида – 23,1 фоиздан 23,7 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмида – 48,5 фоиздан 48,7 фоизга, экспорт ҳажмида – 12,4 фоиздан 14,6 фоизга қадар ошди (2.4.1-жадвал).

2.4.1-жадвал. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Қурилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7
Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, бу борада 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди (2.4.2-расм).



2.4.2-расм.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизгача, яъни 5,4 марта қисқарган.

Ягона солиқ тўлови **–** кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солик ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи ягона солиқ тури.

2009 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилди. Масалан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилди.

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини қуйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин (2.4.2-жадвал).

2.4.2-жадвал. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	**5037660**	-	**830960**	- 83,5

* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга татбиқан олинган.

Жадвалдан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари аҳамиятли даражада амалга оширилган. Масалан, нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта, экологик экспертиза қиймати 25 марта камайтирилган. Бунинг натижасида ҳар битта тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда ўртача 4207 минг сўм миқдоргача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлди.

2009 йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёз ва қулайликлар яратилди:

- маҳсулотларнинг гигиеник сертификатини амал қилиш муддати илгариги 3 йилдан эндиликда чекланмаган муддатга ўтказилди;

- фитосанитария хулосаларини бериш муддатлари қисқартирилди;

- электр ва иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни бажариш муддатлари 1 ойдан 3 кунгача қисқартирилди;

- биноларни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш жараёни соддалаштирилди;

- давлат мулкидаги бўш бинолар ижара ҳақлари 10 ва ундан кўп баробаргача туширилиши натижасида уларнинг 81 фоизи (аниқланган 3650 тадан 2939 таси) тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди;

- ташқи рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизгача пасайтирилди ҳамда айрим ҳудудларнинг қишлоқ жойларида ҳақ олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида ташқи реклама берувчи тадбиркорларнинг улуши 34 фоизгача ошди;

- ташқи рекламани жойлаштириш қиймати Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларининг қишлоқ жойлари учун 50 фоизгача пасайтирилди;

- электр энергиясини олди-сотти шартномасида белгиланган ҳажмга нисбатан кам сарфланиши учун жарималар бекор қилинди ва ортиқча сарфлаш бўйича жарималар 50 фоизга қисқартирилди.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари кучайтирилди. Хусусан, 2009 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди (2.4.3-расм).



2.4.3-расм.

2.4.3-жадвал. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи мавжуд инфратузилма объектлари (2010 йил 1 январь ҳолатига, бирликда)

Инфратузилма объекти номи	Сони
Тижорат банклари филиаллари	1042
Минибанклар	2318
Ахборот-маслаҳат марказлари	262
Консалтинг марказлари	327
Аудитор фирмалари	113
Ўқув марказлари	917
Баҳолаш компаниялари	138
Товар хом ашё биржасининг савдо майдончалари	204
Микрокредит ташкилотлари	32
Кредит уюшмалари	103
Бизнес-инкубаторлар	34
Суғурта ташкилотлари	32

Брокерлик идоралари	1424

Маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2001-2009 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсган.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатмоқда (2.4.3-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Бизнес-мактаб – тадбиркорларни, кичик корхоналарнинг раҳбарларини, кичик корхоналар учун мутахассисларни, ишсизларни, ўз ишини очмоқчи бўлган бошқа фуқароларни, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун масъул бўлган хизматчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи тузилма.

Ўқув-амалий марказлари – кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли дастурини амалга оширувчи тузилма.

Бизнес-инкубаторлар – махсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларига жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

Ижтимоий-амалий марказ – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

Технопарк – ўз ҳудудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

Бизнес-марказ – тадбиркорлар ва бизнесменларга сервис хизматлари кўрсатувчи тузилма.

Консалтинг – ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Аудиторлик компанияси – хўжалик юритувчи субъектларга бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, бу борада турли маслаҳатлар бериш, молия-хўжалик фаолияти тўғрисида хулосалар бериш ва шу турдаги бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи муассаса.

Суғурта компанияси – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ҳодисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилот.

Бунинг натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда. Жумладан, мамлакатимизда 2009 йилда яратилган жами 940,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 391,8 мингтаси (41,7 фоизи) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4,7 фоизга кўпроқ демакдир. Жами янги иш ўринларининг деярли 21 фоизи турли шакллардаги уй меҳнатини йўлга қўйиш, 7,5 фоизи янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқаришларни қайта қуриш ва кенгайтириш, деярли 30 фоизи иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирларини амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган. Бунинг натижасида, кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сонининг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши 2008 йилда 73,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 74,2 фоизга етди.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмоқда.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини изоҳланг.
2. 2009 йилда кичик бизнес соҳасида қанча янги иш ўринлари ташкил этилди?
3. Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал этишда кичик бизнес имкониятларини тушунтиринг.
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишга қандай таъсир кўрсатмоқда?
5. Кичик бизнес имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича ўз фикрингизни баён этинг.

5. ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ ВА ТЕХНИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ БЎЙИЧА ТАРМОҚ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди (2.5.1-расм).

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўриниши. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция ***номинал инвестиция***, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар ***реал инвестиция*** дейилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар ***инвестицион фаолият*** деб аталиб, у қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);
- қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);
- жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай, аъзолик бадаллари ва бошқа тўловлари);
- давлат бюджети маблағлари;
- чет элликлар маблағлари.



2.5.1-расм.

Юқорида таъкидланганидек, мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда аввало ички манбаларни сафарбар этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янада кенгайтиришда инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари – корхона фойдаси, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва бошқалардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини англатади. Чунки, ички манбаларнинг тўлиқ сафарбар этилиши, бир томондан, мавжуд иқтисодий ресурслардан тежамли ва оқилона фойдаланишни таъминласа, бошқа томондан, инвестицияларнинг самарадорлигини оширади.

Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида **инвестиция дастури** ишлаб чиқилади.

Инвестиция дастури **-** республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар комплекси.

Инвестиция муҳити **–** инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвесторлар – хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва ҳаридорлар ролини бажаришлари, шунингдек инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан – контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

Шунингдек, мамлакатимизда техник модернизациялаш бўйича **тармоқ дастурлари** ҳам ишлаб чиқилиб, уларда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий андозаларига ўтиш, тежамкор ва самарали технологияларни қўллаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади.

Жумладан, мамлакатимизда 2009-2014 йилларга мўлжалланган ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоралари дастури умумий қиймати 42,51 млрд. долл.дан иборат 852 та инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади. 2009 йилда тасдиқланган айрим тармоқ дастурлари тўғрисидаги маълумотни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2.5.1-жадвал).

2.5.1-жадвал. Модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантиришнинг тасдиқланган тармоқ дастурлари

Тармоқлар	Лойиҳалар сони, дона	Лойиҳалар қиймати, млн. долл.
Пахта тозалаш саноати	41	129,7
Тўқимачилик саноати	65	477,7
Ёғ-мой саноати	63	31,7
Кимё саноати	30	291,7
Автомобиль саноати	26	255,1

Қурилиш материаллари саноати	36	343,1
«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси	9	49,0
Фармацевтика тармоғи	45	26,5
Навоий тоғ-кон металлургия комбинати	26	892,1
Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати	13	405,3
Қишлоқ хўжалик машинасозлиги	13	28,0
Темир йўл тармоғи	18	1734,2

Республикамизда 2009 йил мобайнида қайд этиб ўтилган инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди. Бунинг натижасида 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди. Йил давомида ниҳоясига етказилган бир қатор стратегик лойиҳаларни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2.5.2-жадвал).

2.5.2-жадвал. 2009 йил давомида ниҳоясига етказилган стратегик лойиҳалар

Лойиҳа объекти	Лойиҳанинг қисқача мазмуни
«Фарғонаазот» корхонаси	Аммиак агрегатларини реконструкция қилиш
«Максам-Чирчиқ» корхонаси	
Наманган шаҳридаги енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш заводи	Енгил автомобиллар учун фара ва чироқлар ишлаб чиқариш
Бухоро шаҳридаги «ДЭУ текстил» тўқимачилик комплекси	Пахта толасини қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
«Газли» қўшимча компрессор станцияси	Газ маҳсулотларини истеъмолга тайёрлаш ва ишлов бериш жараёнларини таъминлаш
«Қўнғирот» компрессор станцияси	
Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой трансмиллий магистрал газ қувури	Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувурини тортиш ишлари
«Янги Ангрен-Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линияси	Мамлакат ҳудудларини электр энергияси билан таъминлаш
«Ғузор-Сурхон» юқори вольтли электр узатиш линияси	
«Оҳангарон-Пунгон» магистрал газ қувури	Мамлакат ҳудудларини табиий газ билан таъминлаш

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инфратузилма **–** ҳар қандай яхлит иқтисодий тизим ва тузилмаларнинг мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган таркибий қисми. Сўзма-сўз ифодалаганда, инфратузилма – бу иқтисодий тизимнинг асоси, пойдевори, ички тузилмаси демакдир. «Инфратузилма» атамаси лотинча «infra» - қуйи, ости; «structura» - тузилма, жойлашув сўзларидан пайдо бўлган. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма муҳим ўрин тутади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси **–** ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

Шу ўринда, электр ва газ тармоғини барпо этиш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларининг мамлакатимиз учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Айнан шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилиши натижасида:

> …Стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан якунланди.
>
> Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунингдек, электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

1) мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари якунланиб, улардан узлуксиз ва тежамли фойдаланишни назорат қилиш ва таъминлаш;

2) Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш;

3) электр энергия экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имкониятлари қўлга киритилди.

Хусусан, мамлакатимизда электр, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини замонавий талаб даражасида йўлга қўйиш борасида:

- меъёрдагидан ортиқча ёки кам қувват билан ишлаётган 283 та трансформатор подстанцияларини янгиларига алмаштирилди (ушбу тадбирларга 2,9 млрд. сўм маблағ сарфланди);
- меъёрдагидан ортиқча қувват билан ишлаётган 308 км электр тармоқларини алмаштириш ишлари амалга оширилди (1 млрд. сўм);
- ҳудудларда жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди;
- ҳудудларда 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди;
- 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви объектлари қуриб фойдаланишга топширилди (19 млрд. сўм).

Барчамизга маълумки, мустақилликни қўлга киритишимиз асосида эски тоталитар тизимнинг барҳам топиши энг аввало мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб, қолаверса жаҳоннинг турли нуқталари билан туташтирувчи, қулай, самарали ва энг муҳими, ишончли автомобиль йўллар тизимининг барпо этилишини тақозо этар эди. Шунга кўра, ҳозирда юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42530 километрга етди (2.5.3-жадвал).

2.5.3-жадвал. Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари тармоғининг умумий узунлиги

Йўл турлари	Узунлиги, км
Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари	42530
Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари	61664
Хўжалик автомобиль йўллари	79367
шу жумладан:	
- ички хўжалик йўллари	67274
- корхоналарга қарашли йўллар	12093

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 51 фоизи маҳаллий аҳамиятдаги, 40 фоизи давлат аҳамиятидаги ва 9 фоизи халқаро аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади (2.5.2-расм).



2.5.2-расм.

Мазкур дастур доирасида 2009 йилда 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 2009 йил якуни бўйича қуриш ва таъмирлаш бўйича жами бажарилган ишлар ҳажми 2008 йилга нисбатан 118,7 фоизни ташкил этди (2.5.4-жадвал).

2.5.4-жадвал. Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 2009 йил якуни бўйича қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ҳажми, млрд.сўм	2008 йилга нисбатан, %
Жами бажарилган ишлар	370,6	118,7
Инвестиция дастури	114,4	104,8
Мукаммал ва ўрта таъмирлаш	177,2	126,1
Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	63,2	117,3
Йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш	15,8	160,9

Йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умумий қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди.

Мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. «Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон» янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

«Навоий–Учқудуқ–Султон Увайстоғ–Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разъезди ишга туширилди. Темир йўлларни электрлаштириш, темирйўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди.

2009 йилда Навоий вилоятида ташкил этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зонанинг асосий объектларидан бири сифатида Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодаль марказ қурилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Эркин индустриал-иқтисодий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Интермодаль марказ – юк ташишлар бўйича халқаро коммуникация ва логистика маркази.

Ўтган йил мобайнида «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

Ангрен шаҳрида мамлакатимиз ҳудудлари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида кафолатли транспорт алоқасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази қурилиши якунланди ва фойдаланишга топширилди.

Логистика – инсон-машина тизимида моддий, меҳнат, энергия ва ахборот ресурслари оқимлари ҳаракати жараёнларини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш тизими.

Транспорт логистикаси – муайян моддий буюмлар, юклар ва бошқаларни бир жойдан бошқа бир жойга оптимал йўналиш бўйича етказиб бериш, ташишни ташкил этиш тизими.

XXI асрда коммуникация тизимининг аҳамияти, унинг иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни барчамизга маълум. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиши, халқаро майдонда товар ва хизматлар айирбошлаш, турли жабҳалардаги ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бориши бугунги кунда юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришни муҳим стратегик вазифага айлантирди.

Коммуникация (лотинча communicatio – алоқа, боғланиш) – хабар бериш ва алоқа, ахборот алмашинув бўйича боғланиш воситалари мажмуи.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуи.

Ахборот инфратузилмаси – мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар мажмуи.

Ахборот коммуникация технологиялари - хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган

объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи қоидалар (расмийлари каби норасмийлари ҳам) киради.

Интернет хизматлари – интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, муайян масофадан туриб бир вақтнинг ўзидаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш ва ҳ.к.

Натижада кейинги ўн йилликлар мобайнида компьютер техникаси, ахборот технологиялари, Интернет, мобиль телефон алоқалари соҳалари мисли кўрилмаган даражада тараққий этмоқда.

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш борасида 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди. Замонавий технологиялар базасида «Тошкент–Бухоро» магистрал алоқа линияси кенгайтирилди. Бу линия каналларнинг ўтказувчанлик қобилиятини 60 баробарга ошириш ва шу тариқа видеотелефон, Интернет ва бошқа кенг тармоқли хизматлар кўрсатиш имконини берди. Шу билан бирга, «Андижон-Ўш», «Қўнғирот-Бейнов», «Денов-Турсунзода» ва «Термиз-Ҳайратон» йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди.

Ижтимоий инфратузилма – аҳолининг турмуш фаолиятини, унинг фаровонлиги таъминлашга хизмат қилувчи турли муассаса ва объектлар мажмуи. Масалан, таълим муассасалари, дам олиш ва даволаниш масканлари, уй-жой, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, табиий газ, ичимлик суви, электр энергияси таъминоти, йўловчи транспорти ва бошқалар.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада тараққий этириш учун имтиёзлар, енгилликлар ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши натижасида республикада кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми 2008 йилга нисбатан 116% га ўсди. Хусусан, мазкур кўрсаткичларга эришишда ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қуриб, ишга туширилиши асосий омил вазифасини бажарди. Натижада 2009 йилда режадаги 4,3 мингта ўрнига жами 8,1 мингта яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жумладан, 2,9 мингта савдо дўконлари, 706 та умумий овқатланиш корхоналари, 943 та сартарошхона, 1166 та кийим тикиш ва таъмирлаш ҳамда пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 307 та суратхона, 103 та хаммом, 1,8 мингдан ортиқ бошқа объектлар ташкил қилинди.

Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эхтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилишда инвестицияларнинг роли қандай?
2. Инвестицияларнинг ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш билан боғлиқлигини изоҳланг.
3. 2009 йилда мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларининг барпо этилиши борасидаги ишларни тушунтириб беринг.
4. Инвестиция дастури нима? Тармоқ дастурлари-чи? Улар доирасида амалга оширилувчи тадбирлар нималардан иборат?

5. Мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш борасида эришилган натижаларни тушунтириб беринг.

6. Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида маълумот беринг.

7. 2009 йилда темир йўл транспорт тизимининг ривожлантирилиши ва модернизация қилиниши бўйича қандай натижаларга эришилди?

8. Юқори технологик телекоммуникация тармоғининг ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

6. «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала ҳисобланади. Шунга кўра, 2009 йил юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиб, бу борада махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Президентимиз И.Каримов 2009 йилнинг 5 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мазкур дастур доирасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтди.

Маълумки, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури 105 та бандни ўз ичига олувчи 9 та бўлимдан иборат (2.6.1-жадвал).

2.6.1-жадвал. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари

Бўлим-лар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш
II	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуришни лойиҳалаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий режалаштиришни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш
III	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш
IV	Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустриал ва йиғма технологияга қурилишини жорий қилиш
V	Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш
VI	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкий муносабатларни, ўрта табақа–мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш
VII	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган ва тасдиқланган Давлат Дастури асосида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш орқали тупроқнинг унумдорлигини тубдан ошириш
VIII	Қишлоқда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган саноат ишлаб чиқаришни, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қуриш ва яратишни жадал ривожлантириш; сервис ва хизмат кўрсатиш

	соҳасини янги сифат даражасига кўтариш асосида қишлоқ аҳолисини, аввало ёшларни иш билан таъминлаш, фуқароларнинг даромадларини ва турмуш даражасини ошириш
IX	Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилишни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, қишлоқда маориф тизимининг сифатини янада яхшилаш, янги поғонага кўтариш, қишлоқ жойларда мактаб ва касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини мутаҳкамлаш

Дастурнинг юқорида келтирилган асосий йўналишларидан кўринадики, унинг маъно-моҳияти, энг муҳим йўналишлари ва молиявий манбалари нафақат 2009 йил учун, балки ўрта ва узоқ муддатли истиқбол учун белгилаб берилган.

Дастурни амалга ошириш тўғрисида гапирганда, авваламбор, қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилганини қайд этиш лозим. Хусусан, 2009 йилнинг 24 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ ва сув хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Қишлоқ ҳаётини обод этишда уларнинг қиёфасини ўзгартириш, бугун қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш, керак бўлса, уни шаҳар шароитига яқинлаштириш ғоят муҳим ўрин тутади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан.

И.Каримов (маърузадан)

Қишлоқларимиз қиёфаси – бу энг аввало мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган, ўзининг фидокорона меҳнати билан ушбу масканнинг янада ривожланиши ва кўркамлашишига ҳисса қўшиб келаётган қишлоқ аҳолисининг бугунги кундан мамнунлиги ва эртанги кунга бўлган ишончини ифодаловчи умумий манзарадир. Бу қиёфа қишлоқларнинг ободлиги, улардаги уй-жойларнинг чиройли ва кўркамлиги, аҳолига хизмат кўрсатувчи кўплаб ташкилотлар, мактаблар, болалар боғчалари, истироҳат боғлари ва бошқа кўнгилочар муассасалар, ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий биноларнинг ташқи ва ички кўринишлари, улардан фойдаланиш қулайлиги билан белгиланади.

Қишлоқларимиз қиёфаси биринчи навбатда уларда яшовчи одамларнинг умумий кайфияти ва руҳиятига бевосита таъсир кўрсатади. Агар қишлоқ қиёфаси кўркам ва чиройли бўлса, унда яшовчи одамларнинг ҳаёти ҳам гўзал бўлади, ишлари унумли, ўзлари бахтли бўлади.

Шунга кўра, мамлакатимиз раҳбари қишлоқларимиз қиёфасига биринчи навбатда таъсир кўрсатувчи уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишига катта эътибор қаратди. Чунки, эндиликда собиқ шўролар тузуми давридан қолган бир хил «қолип»да қурилган, ўзининг ташқи кўриниши билан одамларда ижобий таассуротлар қолдирмайдиган, фойдаланиш жиҳатидан қулайликларга эга бўлмаган турли бино ва иншоотлар, муайян бир режасиз, ўйланмасдан, пала-партиш асосда қурилган уйлар – халқимиз турмуш даражаси ҳамда фаровонлигига мутлақо мос келмайди.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки – иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик харакатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустахкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган.

Қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш мақсадида 2009 йилнинг январ ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларимизнинг замонавий архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш ва бунёд этиш тизимини такомиллаштириш, «Қишлоққурилишлойиҳа» институтини ташкил этиш бўйича қарори қабул қилинди.

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан ҳозирга қадар 2 хонадан 5 хонагача бўлган замонавий уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ишга республикамиздаги кўзга кўринган, юқори малакали мутахассислар жалб этилиб, якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича 22 та, ижтимоий объектлар бўйича эса 16 та намунавий лойиҳа тасдиқланиб, қурилишга тавсия қилинди.

Қурилиш ишларини амалга ошириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси, уларни молиялаштириш учун зарур маблағларни жалб этиш мақсадида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди. Қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун 2009 йилнинг ўзида мазкур банк орқали қарийб 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилган бўлса, 2010 йилда қўшимча равишда яна салкам 530 миллиард сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилган (2.6.1-расм).

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.



2.6.1-расм.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш учун 2009 йил давомида мамлакатимизда 906 та ихтисослаштирилган қурилиш-таъмирлаш ташкилоти тузилди ва улар юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис кадрлар билан таъминланди.

Ана шундай ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида жорий йилнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 42 та ер массиви ажратилиб, қишлоқ ҳудудларида эксперимент тариқасида 840 та якка тартибдаги уй-жой барпо этилмоқда ва уларни 2010 йилнинг март-апрель ойларида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Қишлоқдаги қурилиш сарф-харажатларининг бир қисми уй-жойларнинг бўлғуси эгалари маблағлари ҳисобига, аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли (15 йилгача) имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат бинки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакиллантирилган.

Шунингдек, қишлоқларда болалар боғчалари, умумтаълим ва мусиқа мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маиший хизмат объектлари, равон йўллар, замонавий турар-жой мавзеларини комплекс барпо этиш режалаштирилган.

Қурилиш ишларини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш кўп жиҳатдан қурилиш материалларига боғлиқ. Шунга кўра, 2009 йилда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган 31 та ишлаб чиқариш қуввати, жумладан, 2 миллион квадрат метр замонавий том ёпиш материаллари ишлаб чиқарадиган 6 та корхона, шунингдек, гипс, алебастр, гипсокартон каби қурилиш ва пардозлаш материаллари, йиғма конструкциялар тайёрлайдиган янги корхоналар фойдаланишга топширилди. Шулар қаторида йилига 81 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 12 та янги завод ишга туширилди. Умуман олганда, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастури доирасида 120 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган (2.6.2-расм).



2.6.2-расм.

Қурилиш материалларининг маҳаллий шароитларда ишлаб чиқарилиши, уларга берилган имтиёзлар натижасида қурилиш материаллари таннархининг сезиларли даражада пасайганлиги ва, энг муҳими, қурилиш материалларини сотиб олишда имтиёзли нархларнинг белгиланиши ўз навбатида уйлар нархининг пасайишига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Қурилиш материаллари харид қилишда берилган имтиёзлар натижасида уйлар қийматининг пасайиши ўртача 26-30 фоизни ташкил этмоқда.

Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш ҳақида сўз борганда, бу соҳада энг долзарб масалалардан бири бўлмиш қишлоқ жойларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини кенгайтириш учун қарийб 100 миллиард сўм маблағ сарфланди. Дастурда режалаштирилган

67 автобус йўналишлари ўрнига амалда 102 та янги йўналишлар очилиб, улар Самарқандда ишлаб чиқарилган замонавий автобуслар билан таъминланди.

Айни пайтда қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди (2.6.3-расм).

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида йирик кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Бу рақамлар ортида қандай ўта оғир ва машаққатли меҳнат ётгани, уларнинг замирида юз минглаб деҳқон ва механизаторларимизнинг фидокорона хизмати борлигини, энг муҳими, ана шундай меҳнатлар эвазига ҳосилимизга қўшимча яна қанча ҳосил қўшилаётганини инобатга оладиган, буларнинг барчасини ўзимизга тасаввур этадиган бўлсак, такрор айтаман, бундай ғоят оғир ишни бажарган меҳнатчиларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

И.Каримов (маърузадан)



2.6.3-расм.

Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасида ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилди.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Мелиорация – ернинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми.

Жумладан, дастур доирасида 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради.

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

> Энг асосийси, бундай хизмат турлари аҳоли эҳтиёжини қондирибгина қолмасдан, айни пайтда қишлоқ жойлардаги лицей ва коллежларни битирган минглаб фарзандларимизни иш билан таъминлаш, уларнинг мана шундай замонавий касб эгаси бўлишига имкон яратаётгани, ўзингиз айтинг, бугун униб-ўсиб, ҳаётга кираётган ёшларимизнинг келажагини, истиқболини белгилаб бермайдими?
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати тобора ривожланиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда.

Жумладан, ҳозирда қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етиб, мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этди. Янги технологиялар асосида коммунал хизматлар учун экспресс тўловларни қабул қиладиган 3 мингта шохобча ташкил этилди. 2009 йилда 4 минг 200 та қишлоқ мактаби интернет тармоғига уланди.

Йил давомида қишлоқ жойларда 460 мингта, жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан қарийб 380 мингта янги иш ўрни очилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида амалга оширилган ишлар энг аввало қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир (2.6.4-расм).



2.6.4-расм.

Расмдан кўринадики, бу масалаларнинг барчаси инсон саломатлиги билан боғлиқ. Бу борада 2009 йилда республикамиздаги барча қишлоқ туманларининг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та «УАЗ» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминланди, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди.

Йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд ҳомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилди, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида олис қишлоқ ва овулларда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида лицей ва коллежлар, мактаблар қурилди. Бунинг натижасида барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит яратилди.

> Ўтган давр мобайнида ана шу лицей ва коллежларни 1 миллион 446 мингдан зиёд фарзандларимиз, жумладан, 1 миллион 55 минг нафардан ортиқ қишлоқ ёшлари битириб, бугунги кунда ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, бошқарув ва ижтимоий соҳаларда, барча жабҳаларда меҳнат қилаётгани бизнинг шу йўлда эришган энг катта ютуғимиз бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

2009 йилнинг ўзида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилиб, юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009 йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим.

> Шу нуқтаи назардан қараганда, биз танлаган тараққиёт йўлининг таркибий қисмига, аниқроқ айтадиган бўлсак, келажагимизнинг мустаҳкам пойдеворига айланиб бораётган таълим соҳасидаги буюк дастурларимизни ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиққанимиз ва амалга оширганимиз нақадар тўғри бўлганини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфланди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айни пайтда, маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши муқаррар.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг мазмуни ва энг муҳим йўналишлари тўғрисида маълумот беринг.
2. Дастурни амалга ошириш йўлидаги биринчи қадамлар нималардан иборат бўлди?
3. Қишлоқларнинг қиёфаси деганда нимани тушунасиз? Уни ўзгартириш нималарни тақозо этади?
4. Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
5. Қишлоқ инфратузилмаси нима? 2009 йилда уни ривожлантириш бўйича қандай натижаларга эришилди?
6. Ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида эришилган натижаларни изоҳланг.
7. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолиятининг аҳамияти қандай?
8. Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

7. ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ БОРАСИДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚЛАР

Маърузада Президентимиз томонидан 2009 йилда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация объектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда

мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлганлиги таъкидланди.

Ижтимоий соҳа – аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради.

Ижтимоий соҳа обектлари – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий дастурлар – аҳолининг бевосита турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни ўз ичига олган режавий ҳужжатлар.

Капитал маблағлар – муайян мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида шакллантирилган ва йўналтирилган маблағлар.

Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда жами 2,5 миллиард доллар миқдорида капитал маблағлар йўналтирилди. Бу ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 27,8 фоизини ташкил этади.

Ижтимоий соҳанинг муҳим, айтиш мумкинки, марказий таркибий қисмларидан бири – бу таълим тизимидир. Таълим тизимининг аҳамиятини мазкур соҳа фаолиятининг узоқ муддатли даврда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгилаб бериши орқали изоҳлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам бугун иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган турли касб эгалари ва мутахассислар – кечаги таълим соҳасидаги машаққатли меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. Айниқса, замонавий билимлар кучайиб, фан-техника тараққиёти жадаллашиб бораётган бир шароитда таълим тизимининг роли беқиёсдир.

Шунга кўра, мамлакатимиздаги таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, бу борадаги замонавий ютуқ ва тажрибаларни жорий этиш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, 2009 йилда уларнинг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. Бунинг натижасида, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда.

> Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган бўлиб, юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Айни пайтда, мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда узлуксиз таълим тизими тамойилларидан келиб чиққан ҳолда мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда республикамизда 600 га яқин мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолият кўрсатиб, улар ўз ичига ўқувчилар ижодиёт марказлари, техник ижодиёт марказлари, экология марказлари, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари, соғлом авлод марказлари, болалар истироҳат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқаларни олади (2.7.1-жадвал).

2.7.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2009-2010 ўқув йилида фаолият юритаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари

Таълим муассасалари турлари	Сони	Сол. салм., фоиз
Жами	566	100,0
Шундан:		
Ўқувчилар ижодиёт марказлари	258	45,5
Техник ижодиёт марказлари	124	21,9
Экология марказлари	103	18,1
Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари	55	9,7
Бошқа турдаги (соғлом авлод марказлари, болалар истироҳат боғлари, тил марказлари, нутқ марказлари, касбга тайёрлов марказлари ва бошқалар) марказлар	26	4,5

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармонига мувофиқ кучга кирган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари сифатида мактаб таълим тизимини тубдан яхшилаш; энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартларини шакллантириш; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш; ўқитувчиларнинг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш белгилаб берилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгиланган:

- капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;
- таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;
- умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;
- умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

Энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялашда ёшларимизга нафақат билим бериш, балки уларни ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларига – маданият, санъат, жисмоний тарбия ва

спорт, фан ва бошқаларга қизиқтириш муҳим ҳисобланади. Ана шу мақсадда бугунги кунда мактаб ўқувчиларимизнинг 524,2 минг нафари мактабдан ташқари таълим муассасаларига, 2694,2 минг нафари умумтаълим мактабларидаги фан тўгаракларига, 286,5 минг нафари спорт мактабларига, 41,4 минг нафари мусиқа мактабларига, 150,3 минг нафари устоз-шогирд йўналишидаги тўгаракларга қамраб олинган. Бу кўрсатгич Республика бўйича жами ўқувчилар сонига нисбатан 75,1 фоиз (3657,3 минг нафар)ни ташкил этади.

Ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, таъмирлаш ва тиклаш борасида 2009 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 182 та замонавий лицей ва коллежларда ҳамда 697 та мактабларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди. Шунингдек, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ҳудудларда жами 1,5 мингга яқин мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, 246 та касалхона ва қишлоқ врачлик пунктлари, 84 та спорт объектлари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди (2.7.2-жадвал).

2.7.2-жадвал. 2009 йилда ижтимоий соҳа объектларининг таъмирланиши, дона

Кўрсаткич	Режада	Амалда	Бажарилиши, фоизда
Мактабгача таълим муассасалари	491	547	111,4
Умумтаълим мактаблари	889	911	102,5
Амбулатор поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари	186	186	100,0
Болалар спорт муассасалари, стадионлар	79	84	106,3

2009 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш борасида аҳоли турар жой шароитларини яхшилаш тадбирларига катта эътибор қаратилди. Ҳудудларда 2100 та кўп хонадонли уйлар тўлиқ капитал таъмирланиб, мазкур ишларга маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўм маблағ сарфланган. Шунингдек, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди (2.7.3-жадвал).

2.7.3-жадвал. 2009 йилда қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасининг ривожлантирилиши

Кўрсаткич	Режада	Амалда	Бажарилиши, фоизда
Ишлаб чиқариш инфратузилмаси			
Табиий газ таъминоти, км	180,4	197,2	109,3
Ичимлик сув тармоқлари қувурларини қуриш, км	1168	1665	142,6
Ижтимоий соҳа инфратузилмаси			
ҚАП ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ҚАП	304	366	120,4
Ободонлаштириш бошқармаларини махсус техникалар билан жиҳозлаш, дона	2086	2100	100,7
1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш, дона	125	134	107,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, йил давомида қишлоқ жойларда 197,2 км узунликдаги табиий газ, 1665 км узунликдаги ичимлик сув тармоқлари қувурларини тортиш, 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш бошқармаларини 2100 дона махсус техникалар билан жиҳозлаш, 134 та кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада тараққий этириш учун имтиёзлар, енгилликлар ва шарт-шароитлар етарлича яратиб берилиши натижасида республикада кўрсатилган хизматларнинг жами ҳажми ўтган йилга нисбатан 116 фоизга ўсди.

Мазкур кўрсаткичларга эришишда ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш шохобчаларининг қуриб, ишга туширилиши асосий омил вазифасини бажарди. Натижада 2009 йилда режадаги 4,3 мингта ўрнига жами 8,1 мингта яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилди. Жумладан, 2,9 мингта савдо дўконлари, 706 та умумий овқатланиш корхоналари, 943 та сартарошхона, 1166 та кийим тикиш ва таъмирлаш ҳамда пойафзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, 307 та суратхона, 103 та ҳаммом, 1,8 мингдан ортиқ бошқа объектлар ташкил қилинди.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис объектларининг қуриб, фойдаланишга топширилиши натижасида жами 244,5 мингта янги иш ўринлари барпо қилинди. Яратилган янги иш ўринларининг 180,7 мингтаси (73,9%) айнан қишлоқ жойлар улушига тўғри келади. Умуман олганда, ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг қуриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эҳтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилди.

2009 йилда инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада ошириш натижалари орқали ҳам яққол намоён бўлади (2.7.4-жадвал).

2.7.4-жадвал. Ўзбекистонда 2009 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишнинг ижроси

Кўрсаткичлар	Сони, бирлик
Дастур бўйича яратилиши кўзда тутилган жами иш ўринлари сони	932554
Амалда яратилган жами иш ўринлари	940532
Йиллик прогнозга нисбатан бажарилиши, фоизда	100,9
Жумладан:	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига	391825
Уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига	196727
Корхоналар билан меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ривожлантириш ҳисобига	77466
Йирик объектларни ишга тушириш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига	70535
Қўшимча чора-тадбирлар ҳисобига (инқирозга қарши дастур ва бошқа чора-тадбирларга мувофиқ)	281445

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2009 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Касаначилик фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши, унинг самарали амал қилиши учун мазкур фаолият иқтисодий табиатидан келиб чиқувчи асосий тамойилларни белгилаб олиш муҳим ҳисобланади (2.7.1-расм).

Касаначилик **–** йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум махсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Касаначилик фаолиятидаги вақтдан унумли фойдаланиш имконияти, яъни, ишчининг уйда ўзи истаган вақтида ишлаши мумкинлиги; ишхонага бориш-келиш учун кетадиган вақт ва харажатни тежаши; уйдаги қўшимча ишчи кучи имкониятларидан фойдалана олиши; айни пайтда уй-рўзғор ишларини назорат қилиб туриши каби жиҳатлар меҳнатни ташкил этишнинг мазкур шаклига нисбатан қизиқишни кучайтиради.



2.7.1-расм.

> Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Касаначиликнинг аҳоли бандлигини ошириш ҳамда даромадларини кўпайтиришдаги мавжуд имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида 2006 йил 5 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида касаначилик фаолиятини ташкил этишда қуйидаги имтиёзлар белгиланиши кўрсатиб ўтилган:

- касаначилик фаолиятини ташкил этувчи корхоналарнинг беш йил муддатга, касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод этилиши;
- иш берувчига касаначиларга асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш ҳуқуқининг берилиши;
- касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларнинг улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилиши ва ҳ.к.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнати фаолиятини ривожлантириш натижасида 2009 йилда 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш – давлат томонидан аҳолининг етарли даражадаги ҳаётий фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратишга мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар, амалга оширилган натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларнинг барчаси ўтган йилда ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида салмоқли ютуқларга эришилганлигидан дарак беради.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Ижтимоий соҳа деганда нимани тушунасиз?
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида маълумот беринг.
3. Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари нималардан иборат бўлди?
4. Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликнинг мазмуни ва аҳамиятини тушунтиринг.
5. 2009 йилда касаначилик ва уй меҳнатини ташкил этиш орқали яратилган иш ўринлари тўғрисида маълумот беринг.

8. 2009 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЭРИШИЛГАН АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲАМДА 2010 ЙИЛДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ПРОГНОЗЛАР

Президентимиз ўз маърузасида 2009 йилнинг ғоят мураккаб бўлганлигига қарамай мамлакатимизда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар салмоқли бўлганини таъкидлаб ўтди.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

Хусусан, йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди (2.8.1-жадвал).

2.8.1-жадвал. Ўзбекистонда 2009 йилда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (ўтган йилга нисбатан қўшимча ўсиш, фоизда)

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши	9,5	9,0	8,1
Саноат маҳсулотнинг ўсиши	12,1	12,7	9,0
Хизмат кўрсатиш ҳажми	20,6	21,3	12,9
Савдо соҳаси	21,0	7,2	16,6
Давлат бюджети профицити (ЯИМга нисбатан)	+1,1	+1,5	+0,2
Инфляция даражаси	6,8	7,8	7,4
Иқтисодиёт бўйича ўртача иш ҳакининг ошиши	44,2	40,0	40,0
Аҳоли жон бошига реал даромадларнинг ўсиши	27,0	23,0	26,5

Жадвал маълумотларидан кўринадики, мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қўшимча ўсиш суръати 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этган. Агар ўтган йили жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирида МДҲ мамлакатлари бўйича иқтисодий ўсиш эмас, балки аксинча, ўртача 6,7 фоиз ҳажмидаги иқтисодий пасайиш кузатилганини эътиборда тутилса, иқтисодиётимизнинг бундай шароитдаги ўсишининг нақадар аҳамиятли эканини тушуниш мумкин. Айни пайтда, кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг мутлақ қийматлардаги ўсиши барқарор равишда юксалиб келмоқда (2.8.1-расм).



2.8.1-расм.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди (2.8.2-расм).

Профицит – давлат бюджети даромадларнинг харажатлардан кўпроқ бўлиши.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Самарали иқтисодий сиёсат – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.



2.8.2-расм.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (2.8.2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестициялар молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2008 йилдаги 9,0 фоиздан 2009 йилда 8,1 фоизга қадар, корхоналар ва аҳоли маблағлари улуши тегишли равишда 53,9 фоиздан 46,9 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 25,8 фоиздан 32,4 фоизга қадар кўтарилган.

2.8.2-жадвал. 2005-2009 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шуни айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди (2.8.3-расм).



2.8.3-расм.

Умуман олганда, мамлакатимизда охирги йилларда ва 2009 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича эришилган натижалар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- инфляция даражаси йилига 7-8 фоиздан ошмаган ҳолда сақланиб келинмоқда;
- олтин-валюта захиралари охирги 5 йил мобайнида 6 баробар ўсиб, ҳозирда деярли 1,5 йиллик импорт ҳажмини қоплайди;
- жами давлат ташқи қарзи ЯИМнинг 9,5 фоизини ташкил қилиб, экспорт ҳажмига нисбатан 26 фоиздан ошмайди. Бу кўрсаткичлар Жаҳон банкининг мезонлари бўйича «жуда ўртамиёна» деб таснифланади.

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

Халқаро молия ташкилотлари **–** давлатлар ўртасидаги валюта ва молия-кредит муносабатларини тартибга солиш, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш, кредит кўринишида ёрдам бериш мақсадида давлатлараро келишувлар асосида ташкил этилган ташкилотлар. Бундай ташкилотлар қаторига Халқаро ҳисоблашувлар банки, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш ассоциацияси, Халқаро молиявий корпорация, Осиё тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, минтақавий халқаро ривожланиш банклари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар **–** икки турдаги – иштирокчилари бевосита давлатлардан иборат ҳукуматлараро (давлатлараро) ҳамда таркибига ишлаб чиқарувчилар бирлашмалари, компания ва фирмалар, илмий жамиятлар ва бошқалар кирувчи ноҳукумат ташкилотлари.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Халқаро валюта жамғармаси – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғарамаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

Осиё тараққиёт банки – Осиё ва Узоқ Шарқ минтақасига бевосита қарзлар бериш ҳамда техник жиҳатдан кўмаклашиш орқали мазкур мамлакатлар иқтисодиёти ўсишини рағбатлантириш мақсадида 1966 йилда ташкил этилган банк.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

Президентимиз ўз маърузасида нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг айрим умумий хулосалари, уларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Биринчидан. Экспертларнинг таҳлил ва хулосаларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб боради ва 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин ўсиши кутилади.

2009 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиши тахминан 1 фоизга қисқарган бўлса, жорий йилда дунёда иқтисодий ривожланиш 3 фоиз атрофида ошиши мумкин, бу эса инқирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичлардан анча пастдир (2.8.4-расм).



2.8.4-расм.

Расмдан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли 2008 йилда АҚШ иқтисодиёти олдинги йилга нисбатан 2,7 фоизга, Япония – 5,4 фоизга, Буюк Британия – 4,4 фоизга, Германия – 5,3 фоизга қисқарган. 2010 йилда жаҳон бўйича иқтисодий ўсиш кутилиб, у АҚШда 1,5 фоизни, Японияда 1,7 фоизни, Буюк Британияда 0,9 фоизни, Германияда 0,3 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор **–** жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Жаҳон бозори конъюнктураси **- ж**аҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура **–** муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Иккинчидан. 2010 йилда ва кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солиқ тушумларининг жиддий камайишига, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

Учинчидан. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Тўртинчидан. Фонд, хом ашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

Молиявий «кўпиклар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Ташқи қарз – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Бешинчидан. Иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

«Катта йигирмалик» деб ном олган давлатлар гуруҳининг йиғилишларида бундай номаъқул ишларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида кўплаб баёнотлар берилаётганига қарамай, эркин иқтисодиётга яққол тўсқинлик қилиб турган протекционизмдан яқин орада қутулиш қийин, деган таассурот пайдо бўлади.

«Катта йигирмалик» **–** жаҳондаги 20 та энг бой ва ривожланаётган йирик давлатларни ўз ичига олувчи мамлакатлар гуруҳи бўлиб, ушбу мамлакатларда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 90 фоизини ташкил этади.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

Олтинчидан. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш 2010 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

Молиявий-иқтисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узоқ давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, молиявий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳолар ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Президентимиз И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида (2010 йил 27 январь) баён этилган иқтисодий ислоҳотлар натижалари тўғрисида маълумот беринг.
2. 2009 йилдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни изоҳланг.
3. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқларимиз халқаро ташкилотлар томонидан қандай эътироф этилмоқда?
4. Халқаро экспертларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари нималардан иборат?
5. Кейинги йилларда банкротлик янги тўлқини хавфининг вужудга келиши мумкинлигини нима билан изоҳлаш мумкин?
6. Протекционизм сиёсати нима ва унинг оқибатлари нималарда намоён бўлиши мумкин?
7. Давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувининг салбий жиҳатлари нималардан иборат?
8. Мамлакатимизни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги юқори натижаларининг сабаб ва манбаларини ниамлардан иборат деб ўйлайсиз?

III БЎЛИМ. ОЛДИМИЗДАГИ ЮКСАК МАҚСАД, ВАЗИФА ВА РЕЖАЛАР – МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЙ ТОПГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА ЧИҚИШИ ЙЎЛИДАГИ ЯНГИ ҚАДАМДИР

1-БОБ. ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ АСОСИДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРИ ҲАМДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ

1.1. 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси

Президентимиз маърузасида алоҳида эътибор қаратилган жиҳат – бу 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий устувор йўналишларини белгилашдан иборат бўлди.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврлик мустақил тараққиёт йилларида бу қадар салмоқли ютуқ ва натижаларнинг қўлга киритилиши асосий сабабларидан бири – бу самарали иқтисодий сиёсатнинг тўғри танланганлиги ва изчил равишда амалга оширилганлиги ҳисобланади. Бунда ҳар йиллик белгиланаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналишлари, дастурлари ва чора-тадбирлари муҳим ўрин тутади. Шунга кўра, моҳиятан йил давомида асосий эътибор қаратиш, барча куч ва саъй-ҳаракатларни йўналтириш, имконият ва салоҳиятни сафарбар этишнинг муҳим соҳалари ва жабҳаларини ифодаловчи устувор йўналишларнинг белгилаб олиниши ушбу муваффақиятларнинг манбаларидан бири ҳисобланади.

> 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш – 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси сифатида белгилаб берилди.

Иқтисодий ислоҳотлар – иқтисодиётнинг таркибий тузилишини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, унинг барқарор ва мутаносиб ривожланишини таъминлаш имконини берувчи, мақсадга мувофиқ ҳолда ва изчил равишда амалга оширилувчи туб ўзгаришлар, чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий ривожланиш суръатлари – мамлакат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич ва натижаларининг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашуви даражаси.

Иқтисодий ривожланиш самарадорлиги – иқтисодиётни ривожлантириш натижаларининг бу борада қилинган сарф-харажатларга нисбати.

Макроиқтисодий мувозанат – иқтисодиёт турли томонларининг ўзаро тенглиги бўлиб, энг аввало ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглиги орқали намоён бўлади.

Ушбу тадбирларнинг асосий устувор йўналиш сифатида белгилаб берилиши бежиз эмас, албатта. Энг аввало, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ белгилаб олинган ислоҳотлар стратегияси, унинг пировард мақсади, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланувчи, эркин, демократик фуқаролик жамиятини қуриш ва шу асосда

халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ўзининг бекиёс самарасини бермоқда. Бироқ, бу ислоҳотлар ҳали давом этмоқда. Айни пайтда, жаҳонни ларзага солган, кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига катта талофатлар етказиб, издан чиқарган глобал молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг мураккаб ва оғир синовларидан ўтаётган мамлакатимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш орқали янада самарали ва мустаҳкам бўлиб бормоқда.

1.2. Мамлакатни жадал ислоҳ этиш ва модернизациялашнинг моҳияти, тамойиллари ва асосий йўналишлари

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 27 январь) маърузасида Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтди.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислоҳотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар камайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги саноқли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди[7].

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ўрни аҳамиятли ҳисобланади. Шунга кўра, ҳозирда модернизация жараёнининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Энг аввало, модернизация атамасининг мазмунига тўхталадиган бўлсак, одатда уни техника, технологияга оид тушунча деб қаралади. Жумладан, иқтисодиётга оид аксарият луғатларда унга қуйидаги мазмундаги таъриф берилади: «Модернизация – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш. Асосан машина, асбоб-ускуналар, технологик жараёнлар модернизацияланади»[8]. Фикримизча, бу модернизацияга тор маънодаги ёндашув бўлиб, бугунги кунда унинг кенг маънодаги мазмуни тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Модернизация – анъанавий жамиятнинг илғор, индустриал жиҳатдан тараққий этган жамиятга айланишини таъминловчи ижтимоий-тарихий жараён. Модернизациянинг кенг маънодаги мазмунини тушунишда иқтисодчи олим Р. Нуреев унинг неоклассик ва кейнсча талқинларини фарқлайди. Жумладан, неоклассиклар томонидан модернизацияга хусусий

[7] Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. - Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 29 январь.

[8] http://ekonomic.doco.ru/?id=797665467.

мулкчилик ва демократияни мустаҳкамлаш сифатида ёндашилса, кейнсчилар томонидан, энг аввало, хўжаликнинг асосий тармоқларини қамраб олувчи таркибий ўзгаришлар сифатида тушунилади. Дастлабки ўринга техник-иқтисодий муаммолар қўйилади. Хўжаликнинг замонавий тармоқларининг мавжуд бўлмаслиги тараққиётнинг асосий тўсқинлик кучи сифатида қабул қилинади[9].

Умуман олганда, модернизация анъанавий жамиятдан индустриаллашган, йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ҳамда ижтимоий жараёнларни қонунларга таянган ҳолда оқилона бошқаришга асосланган жамиятга ўтиш жараёнларини намоён этади. Назарияда модернизация деганда «анъанавий тарздаги ёпиқ жамият»га қарама-қарши ўлароқ «замонавий очиқ тарздаги жамият»ни шакллантиришга олиб келувчи индустриялаштириш, секулярлаштириш, урбанизация, умумий таълим, ваколатли сиёсий ҳокимият тизимларининг қарор топиши, ҳудудий ва ижтимоий сафарбарликнинг кучайиши каби жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Индустриялаштириш – мамлакат иқтисодиётини саноатлашган асосга ўтказиш, иқтисодиётда саноат ишлаб чиқариши улушини аҳамиятли даражада кўпайтириш, бутун иқтисодиёт ёки унинг алоҳида тармоқларида йирик машиналашган ишлаб чиқаришни барпо этиш жараёни.

Секулярлаштириш – давлат ва жамият бошқарувини дин таъсиридан ҳоли қилиш жараёни.

Урбанизация – жамият тараққиётида шаҳарлар ролини ошириш жараёни. Урбанизация жараёни шаҳар аҳолисининг табиий ўсиши, қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳарларга айлантириш, кенг шаҳар олди ҳудудларини шакллантириш ҳамда аҳолининг қишлоқ жойларидан шаҳар жойларига миграцияси ҳисобига рўй беради.

Бундан кўринадики, модернизация жуда кенг тушунча бўлиб, бугунги кунда уни жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тубдан ўзгартириш, янгилаш, бу борада тараққиётни жаҳондаги мавжуд илғор андозалар томон йўналтириш ва такомиллаштириш жараёнларининг мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Бугунги кунда модернизациялаш жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Айниқса, мазкур йўналишлар орасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш муҳим ўрин тутади (3.1.1-расм).

Зеро, миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали амал қилишини таъминлаш, уни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тараққиёти даражасига олиб чиқиш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиги», мустақил ривожлана олиш имконият ва салоҳиятлари айнан иқтисодиёт турли даражалари ишлаб чиқариш жараёнларидаги туб ислоҳотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Бироқ, шу билан бирга ишлаб чиқаришни модернизациялаш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ. Яъни, барча соҳа ва жабҳалар ўртасида жадал ислоҳ этиш ва модернизациялаш жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантиқий мувозанатни таъминлашга ҳаракат қилиш лозим. Шу ўринда модернизациялаш жараёнининг жамият ҳар бир аъзосининг онглилиги ва мустақиллигини оширишдаги ўрнига алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, иқтисодиёт ҳамда мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини модернизациялаш энг аввало ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб борувчи жамият аъзолари дунёқараши, тафаккурининг ўзгариши, уларнинг демократик ва туб ислоҳот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқдир.

[9] Нуреев Р. Модернизация экономики: концепции и средства. - http://www.soob.ru/n/2005/10/c/6.

Ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва воситалари[10]



3.1.1-расм.

1.3. 2010 йилда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари ва уларга эриши борасидаги вазифалар

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш – замон талабидир. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторида муносиб ўрин эгаллаш, миллий маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорларидаги рақобатдошлигини таъминлаш, шу асосда экспорт ҳажмини сезиларли даражада ошириш мавжуд соҳа ва тармоқларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш асосида модернизациялашни тақозо этади. Айни пайтда, жаҳон бозоридаги эҳтиёж ва талабнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётимиз таркибий тузилмасини такомиллаштириб бориш, бу мақсадда янги, замонавий тармоқларни барпо этиш ва жадал ривожлантириш лозим бўлади.

2009 йил якунларидан хулоса қилиш мумкинки, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг дастлабки босқичида белгиланган вазифалар муваффақиятли тарзда амалга оширилди. Эндиликда мазкур дастурнинг навбатдаги чора-тадбирларини сўзсиз бажаришга эътибор қаратиш керак бўлади. Чунки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг навбатдаги бўҳронлари домига тушиб қолмаслик, унинг узоқ муддат давом этадиган, асоратли таъсирларидан тезроқ халос бўлишда инқирозга қарши чораларни мантиқан охирига етказиш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Эркинлаштириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараён; давлат томонидан белгиланган чора-тадбирлар тизими; иқтисодий сиёсат йўналишларидан бири.

[10] Манба: Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке / «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

Юртимиз салоҳиятининг тобора юксалиб бораётгани, сўнгги йилларда ишга туширилган янги замонавий қувватлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожи, тизимли равишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, мамлакатимизда яратилган ниҳоятда қулай инвестиция муҳити 2010 йилда иқтисодий ривожланишнинг янада юксакроқ мақсадли кўрсаткичларини белгилаш имконини беради (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси 2010 йилда иқтисодий ривожланишининг мақсадли кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қўшимча ўсиш, олдинги йилга нисбатан, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	8,3
Саноат маҳсулоти	8,3
Қишлоқ хўжалиги	5,0
Асосий капиталга инвестициялар	22,1
Инвестиция киритиш ҳажмини ЯИМга нисбатан	30,0
Экспорт ҳажми	8,5
Инфляция даражаси	7-9
Маҳалийлаштирилган маҳсулот ҳажми	40,0
Иш ҳақи даражасининг ўсиши	30,0
Хизматларнинг ЯИМдаги улуши	49,0
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	52,5

Жадвалдан кўринадики, 2010 йилда ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшилган қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

Экспорт – товарлар, технологиялар ва хизматларни ташқи бозорда сотиш учун мамлакат ташқарисига олиб чиқилиши.

Қўшилган қиймат – корхона ялпи маҳсулотининг бозор нархидан жорий моддий харажатлар (амортизация ажратмасидан ташқари) чиқариб ташлангандан қолган қисми бўлиб, у ўз ичига меҳнат ҳақи, фойда, айрим солиқ ва тўловларни олади.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш иқтисодиётнинг ҳар бир тармоқ ва соҳасида тегишли ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва изчил амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Жумладан, 2010 йилда саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 108,3 фоизга ошириш вазифаси тармоқнинг имкониятлари, фойдаланилмаётган салоҳиятини яна бир бор таҳлил қилиш, бу борада ўсиб бораётган ички ва ташқи талабни ҳисобга олган ҳолда янгидан-янги қувватларни ишга туширишни тақозо этади. Шунга кўра, йил бошиданоқ 2010 йилда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида бир қатор дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда (3.1.2-расм).

Шунингдек, 2009 йилга нисбатан бюджет-молия ва пул-кредит сиёсатини, биринчи навбатда, ресурслар ва энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобидан тежамкорлик режимини янада қатъийлаштириш мўлжалланмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.



3.1.2-расм.

Тежамкорлик – жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муайян даражасида барча ресурслардан тежамли фойдаланиш бўйича иқтисодий муносабат бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

> Олдимизга қўйилган бундай мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни қай даражада сафарбар этишимизга, ҳамон катта хавфи сақланиб қолаётган инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз бажаришни нечоғлик таъминлай олишимизга боғлиқ.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Шу ўринда Президентимиз томонидан бир неча бор таъкидланган муҳим масалага эътиборни кучайтириш лозим. Бу масала – мамлакатимизнинг қай бир ҳудуди бўлишидан, унинг иқтисодий ресурслар ва салоҳиятга қанчалик бойлигидан қатъий назар, ушбу ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириш мақсадида барча кучларни сафарбар этиш лозим. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳудудларида тармоқ Дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳаларга кўра (3.1.3-расм), қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳар бир ҳудуд раҳбарлари, етакчи мутахассис ва ходимлари, қолаверса, шу ҳудуднинг барча аҳолиси ўз куч-қувват ва имкониятларидан юқори даражада фойдаланиши лозим бўлади.

Айниқса, ҳудуд раҳбарлари ушбу кучларни мақсадга мувофиқ йўналтиришлари, уларни ўзаро уйғун ҳолда жамият манфаатлари остида бирлаштиришлари лозим бўлади. Иқтисодиётнинг янгидан-янги тармоқлари ривожланиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси тобора кенгайиб бораётган бир шароитда кўплаб инвестицион дастурларни ҳудудлар кесимида ҳам амалга ошириш ва бу орқали уларнинг ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилиш лозим.



3.1.3-расм.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. 2010 йилда мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси нимадан иборат?
2. Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишнинг асосий йўналишларини изоҳлаб беринг.
3. Нима учун 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш устувор вазифа сифатида қаралмоқда?
4. Макроиқтисодий мувозанат нима ва уни таъминлашнинг қандай йўллари мавжуд?
5. 2010 йилда эришилиши кўзда тутилган макроиқтисодий кўрсаткичларни изоҳланг.

2-БОБ. БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

2.1. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислоҳотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.

Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда мижозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш кўради.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва изчил ривожлантиришнинг белгиланган прогнозларига эришилди ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди. Марказий банк томонидан амалга оширилган катъий пул-кредит сиёсати макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Ҳукумат томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши комплекс чора-табдирлар дастури республика банк-кредит тизимида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам эмаслиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Мамлакатимизда 2009 йилда «Asia Alliance Bank» хусусий очиқ акциядорлик тижорат банкининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 9 январдаги қарорига мувофиқ «Hi-Tech Bank» хусусий

> Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

ёпиқ акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш бўйича лицензия берилиши натижасида жами тижорат банклари сони 30 тага етди. «Hi-Tech Bank» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 5,25 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда шакллантирилиб, унинг 51 фоизи жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига тўғри келади. Ушбу янги банкнинг очилиши мамлакатимиз Президентининг «Хусусий акциядорлик тижорат банклари тузишни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари изчил амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади.

Эмиссия – муомалага пул ёки қиматли қоғозларни чиқариш.

Пул эмиссияси – амалдаги пул массасининг ортишига олиб келувчи пулларни муомалага чиқариш.

Банк тизимининг муомалага кредит пулларини чиқариши депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

2.2. Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш

Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор», деб таъкидлаб ўтган эди.

> Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлик фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги 147-сонли қарори талабларини ижро этиш борасида банк тизими томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига олиб келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонига мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 2010 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминалларнинг умумий сони 60631 тани, пластик карточкалар умумий сони 6058,9 мингтани, шундан ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги карточкалар сони 3546,7 мингтани ташкил қилди. Корпоратив карточкалар сони 11,3 мингтани ташкил қилди. Пластик карточкалар ҳисобварақларига 3846 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажмини йилдан-йилга юқори суръатларда ошириб бориш кўзда тутилган.

Шунга кўра амалдаги барча тегишли меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан, Марказий банкнинг нақд пул муомаласига тааллуқли бўлган йўриқномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Нақд пул муомаласида мавжуд бўлган барча чекловлар бекор қилиниши эса нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бирхиллаштириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нақд пул муомаласи янада мустаҳкамланиб, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга замин яратди. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг узлуксиз бериб борилиши тўлиқ таъминланиб борилди.

> Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолини пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда. Шулардан бири бу пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган процессинг марказлари ва банкоматларни келтириш ҳамда уларни ўрнатиш борасида божхона тўловларидан 2020 йилга қадар озод қилиш чора-тадбирлари белгилангандир.

Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан кенг фойдаланган ҳолда пул таклифи ўсишининг асосий манбаи бўлган олтин-валюта захираларининг ошиши ҳисобига муомалага чиқарилган пул массаси ҳажмини бошқариш чораларини кўриб борди.

Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда пул агрегатлари белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига мувофиқлиги таъминланди.

Монетар сиёсат борасида амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди, инфляция даражаси эса прогноз кўрсаткичдан ошмади ва 7,4 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонига мувофиқ фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишига ва пировард натижада жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Халқаро банклар тажрибасини ўрганган ҳолда «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритилиб борилди. Банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ликвидлигини тартибга солиш мақсадида 2008 йилнинг 1 декабридан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар фондига

ўтказмалари бўйича меъёр миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар учун бир хил, яъни 15 фоиз қилиб белгиланди.

Банк ликвидлилиги **–** банклар мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пассивлардаги мажбуриятларни қайтариш учун активларни пулга айланиш қобилиятидир.

Шунингдек, мажбурий захираларга депонентланадиган маблағларни ҳисоблаш методологияси ҳам такомиллаштирилиб борилди.

2009 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди.

Пул массаси **–** ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар (корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладиан нақд ва нақд пулсиз харид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Нархлар ўзгаришининг амалдаги ва кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоиз даражасида ушлаб турилганлиги банклараро бозордаги фоиз ставкаларнинг барқарор бўлишини таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан ҳамда инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмади. Бу ҳолат республика банклар тизими барқарорлигидан далолат беради.

2.3. Иқтисодиётни модернизациялаш ва инвестицион фаолликни оширишда банкларнинг роли

Айни пайтда банкларнинг кредит портфели таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермокда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози давом этаётганига қарамай банкларимиз томонидан иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 трлн. сўмдан ошиб кетди.

> Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Тижорат банклари капиталлашув даражасининг ортиши иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлашда банк кредитларининг аҳамиятини ортишига олиб келди. Биргина корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушии ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди (3.2.1-расм).



3.2.1-расм.

Ушбу тенденцияни яқин истиқболда изчил ошириб бориш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, банклар томонидан берилган кредитлар таркибида инвестиция кредитлари улушининг ортиб бориши, мамлакатимиздаги кенг қамровли инвестиция сиёсатини олиб боришда банклар аҳамиятининг ортиши натижаси ўлароқ, уларнинг йирик инвестиция муассасаларига айланишига олиб келади. Банклар активлари таркибида спекулятив тавсифдаги кредитларнинг камайиши ҳамда молиявий ресурсларнинг реал иқтисодиётга қўйилма сифатида киритилиши республикамизнинг истиқболдаги ривожланишида банкларнинг ҳиссасини янада оширади. Ўз навбатида банклар капиталлашув даражасининг ошиши давлат қўйилмалари манзиллигининг ортишини таъминлайди.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур – бугунги кунда уларнинг ишини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

И.Каримов (маърузадан)

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал. Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	*Марказлаштирилган инвестициялар*	*3819,8*	*20,9*
2.	*Номарказлаштирилган инвестициялар*	*14400,5*	*79,1*
2.1.	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.1	Шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар в кредитлар	3876,8	21,2
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 8,4 фоизи тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. Шундан, «Қишлоққурилишбанк» АТБнинг имтиёзли кредитлари 256,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, асосан ушбу кредитлар қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига сарфланиши режалаштирилган.

2.4. Зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнида банкларнинг аҳамиятини янада ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжат орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизида тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

> Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади.
>
> Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реконструкция қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлик ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солган ҳолда, 2009 йилда белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк тасарруфида бўлган барча бозор дастакларини қўллаш кўламини кенгайтирди.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш дастаги сифатида 2009 йил давомида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилди. Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган Давлат ўрта муддатли облигациялари ва Марказий банкнинг облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операциялари амалга оширилиб борилди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Марказий банк бошқаруви асосида банк тизимида бир қанча амалий ишлар олиб борилди.

2.5. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш - уларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамиятини оширишнинг молиявий омили сифатида

Банклар капиталлашув даражаси ва ликвидлигининг ошиши пировардида улар молиявий барқарорлигининг таъминланишига, шунингдек, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилувчи барқарор ресурс базасининг шаклланишига замин яратади.

Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Халқ банки, Агро банк, Асака банки ва Қишлоқ қурилиш банки устав капиталларига давлат маблағлари йўналтирилди. Натижада 2009 йилнинг ўзида тижорат банкларининг низом капитали 43 фоизга ошди ва бу ўз навбатида банк капиталларини халқаро тартибга солишининг Базель-2 стандартлари бўйича бегиланган меъёрдан банкларимизнинг капиталларини етарлилик даражаси 3 мартадан кўпроқни ташкил қилди. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди ва бугунги кунда 3 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Инвестициялашнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган эди. Бу борада, 2009 йил давомида тижорат банклари томонидан жами 489,2 млрд. сўмлик 13 та қўшимча акциялар эмиссияси амалга оширилди (3.2.2-расм). Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 212,8 млрд. сўм ёки деярли 77 фоизга ошган. Гарчи акциялар эмиссияси сони 21 тадан 13 тага камайган бўлсада, умумий эмиссиялар ҳажмининг ошиши ҳисобига ўртача эмиссия ҳажми 13,2 млрд. сўмдан 37,6 млрд. сўмга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун 2009 йил ўзига хос ислоҳотлар ва ўзгаришларга бой бўлди. Бунда республика тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш борасида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Давлат дастури муҳим аҳамият касб этди.



3.2.2-расм.

Эътиборлиси шундаки, тижорат банклари акциялари биржада доимий котировка қилинмоқда ва унинг натижалари тегишли нашрларда мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капиталини камида 20 фоизга ошириш ва яқин 2 йилда жами банклар капитали даражасини ЯИМга нисбатан 10 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

2010 йилда тижорат банклари томонидан яна 250 млрд. сўмлик қўшимча акциялар муомалага чиқарилиб, банклар устав капиталларининг оширилиши кутилмоқда. Масалан, Халқ банки кейинги 4 йил давомида ўзининг устав капиталини 10 млрд. сўмдан аввал 100 млрд. сўмга, кейин 200 млрд. сўмгача оширишни мўлжалламоқда.

2009 йилдаги банк соҳасидаги ислоҳотлардан яна бири шуки, эндиликда барча мулкчилик шаклидаги тижорат банклари корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу ўз навбатида республика облигациялар бозорининг ривожланишига ижобий таьсир кўрсатади, шунингдек, тижорат банкларининг «Тошкент» Республика Фонд биржасидаги иштирокини ҳам жадаллаштиради. 2009 йилда «Тошкент» Республика Фонд биржасидаги савдоларнинг деярли 44 фоизини республика тижорат банкларининг акциялари ташкил қилди ва 39,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Ушбу сумманинг 37,1 млрд. сўми нодавлат банклар ва устав капиталида давлатнинг улуши «назорат пакети»га тенг бўлмаган банклар ҳисобига тўғри келади.

Корпоратив облигациялар **–** корпоратив ташкилий тузилмалар (юридик шахслар) томонидан ўзининг фаолиятини молиялаштириш учун муомалага чиқарилган қарз инструментлари.

2008-2009 йилларда қўшимча эмиссия қилинган акцияларнинг таркибида имтиёзли акциялар сонининг ҳиссаси олдинги йиллардаги 1,1-2,2 фоиздан 0,6-0,7 фоизгача пасайди. Ушбу ҳолат қўшимча эмиссияларда давлат иштирокининг ошганлиги, яъни давлат томонидан банклардаги назоратни олишга бўлган қизиқишнинг юқорилиги билан изоҳланади.

Марказий банк томонидан ички валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, унинг доимий барқарор фаолият юритишни таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб борилди.

Валюта бозори **–** хорижий валюталар ёки хорижий валютадаги тўлов ҳужжатлари бўйича операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг алоҳида соҳаси.

Ўтган йиллар ичида мамлакатда иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларини шакллантиришга қаратилган самарали иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди, барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манбалари ва етарли даражада валюта захираларини шакллантириш орқали миллий валютанинг харид қувватини четдан олинадиган қарз маблағларисиз сақлаб туришга замин яратилди.

Жорий йилда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан фойдаланишни янада кенгайтириш билан бир қаторда, ўзгарувчан фоиз ставкаларини тезкор бошқаришни давом эттирилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жами 293 та миллий валютадаги ва 118 та хорижий валютадаги омонат турлари аҳоли, корхона ва ташкилотларга тақдим этилмокда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар энг аввало банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларнинг энг қулай шаклларидан, жумладан, истеъмол ва ипотека кредитидан фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиз аҳолиси учун истеъмол ва ипотека кредитининг турли хил вариантлари жорий этилган бўлиб, Республика тижорат банклари томонидан аҳолининг ушбу кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки, истеъмол кредитларининг берилиши аҳоли учун Республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиб берса, ипотека кредитлари ёш оилалар ва бошқа тоифадаги аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражасини оширади.

2010 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон банклари Ассоциациясига аъзо 19 та тижорат банки томонидан 40 дан ортиқ турдаги истеъмол кредити жорий қилинган бўлиб, улар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга берилади. 2009 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида 11 та янги турдаги истеъмол кредитлари муомалага чиқарилди. Бундан ташқари баъзи банклар томонидан амалдаги истеъмол кредитларининг шартлари ва талабларига бироз ўзгаришлар киритилди.

Ҳозирда 20 та тижорат банклари томонидан 37 та турдаги ипотека кредити жорий қилинган бўлиб, улар 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга берилади. Ипотека кредити уй-жой сотиб олиш, қуриш ва илгари сотиб олинган уй-жойларни таъмирлаш учун ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 7 ноябрдаги 726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ банкларнинг минимал устав капиталлари миқдорига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга мувофиқ янги ташкил этилаётган тижорат банкларининг минимал устав капитали 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

- тижорат банклари учун сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорида;
- хусусий банклар учун сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорида.

Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискини маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келади.

> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***



3.2.3-расм.

2010 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпроқ кредит ресурсларини ажратиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Шу билан бирга, микрокредитларнинг даражаси эса 1,3 баробарга ўсиши кутилмоқда (3.2.3-расм).

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банклари ҳамда янги ташкил топаётган кредит институтлари ўртасида тенг ва беғараз рақобат вужудга келмоқда. Бу эса тижорат банклари бошқарув стратегиясининг тўғри танланганлиги, активларнинг ишончли

жойлаштирилганлиги, мажбуриятларни бажариш ва ликвидлиликни таъминлашда ижобий натижаларга эришиш зарурлиги ҳамда шу асосда юқори даромадга эришиш мумкинлигидан дарак бермоқда.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. 2009-2012 йилларга мўллажлланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни нималардан иборат?
2. Мамлакатимизда тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотларни тушунтириб беринг.
3. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш зарурати нимадан иборат ва у тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига қандай таъсир кўрсатади?
4. Тижорат банкларининг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитлари қанча миқдорни ташкил қилди?
5. Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш қандай самара бериши мумкин?

3-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ

3.1. Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг моҳияти ва мамлакат рақобатдошлигини оширишдаги роли

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатбардошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатбардошлиги орқали ифодаланади.

> Мамлакатнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлилиги – мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаб туриш қобилияти.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилиги – иқтисодиётнинг тўловга қодир талабга мос келувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва ички ҳамда ташқи бозорларда сотиш қобилияти.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича эканлиги, яъни тўловга қодир талаб ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан белгиланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашганлиги, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асосланганлиги ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олганлиги ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Француз иқтисодчиси Ф.Перрунинг таърифига кўра, иқтисодий бирликнинг таркиби айни шароитда ва шу лаҳзада уни тавсифлайдиган пропорциялар ва нисбатлар мажмуидир.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши – иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатлар.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди.

Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланганлиги ва баланслашганлиги, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожланишининг пировард мақсади – аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг турли бўлак ёки қисмларга қандай белгилар асосида ажратилишига кўра иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади (3.3.1-расм).

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси каби омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.



3.3.1-расм.

Таркибий ўзгаришлар сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мосшлашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизда олиб борилган изчил таркибий сиёсат натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида сифат силжишлари рўй берди. Жумладан, саноат ишлаб чиқаришининг ЯИМдаги улуши 2000 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу улуш 24 фоизга етди (3.3.2-расм).



3.3.2-расм.

Шунингдек, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши шу даврда 8 фоиздан 12 фоизгача кўтарилди. Саноат, транспорт ва алоқа тармоқларининг ЯИМдаги улуши ортиши солиқ юкининг камайтирилиши, бу тармоқларга инвестициялар устувор тарзда жалб қилиниши, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида рўй берди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари шу йилларда муттасил юқори суръатларда ўсди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирига қарамасдан тармоқда ўсиш суръати 2008 йилда 12,7 фоизни, 2009 йилда эса 9 фоизни ташкил этди (3.3.3-расм).



3.3.3-расм.

Таққослаш учун қайд этиш мумкинки, 2009 йилда саноат ишлаб чиқариши ҳажми олдинги йилга нисбатан Қозоғистон Республикасида атиги 1,7 фоизга ўсган бўлса, Россия Федерациясида 10,8 фоизга, Украинада 21,9 фоизга қисқарди.

2009 йилда юқори ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (117,4%), кимё ва нефть-кимё, ёқилғи (110,3%), қурилиш материаллари (108,7%), қора металлургия (108,4%) ва озиқ-овқат (108,2%) саноатида қайд этилди.

Маърузада 2010 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида урғу берилди:

1) корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;

2) мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;

3) аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;

4) кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;

5) ташқи савдо айланмаси, шу жумладан экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

3.2. Кооперация алоқаларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасидаги ишларини давом эттириш

Маълумки, меҳнат тақсимоти ва унга боғлиқ равишда маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашиш меҳнат унумдорлигини ўстириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш учун имконият яратади. Айни пайтда, у ёки бу маҳсулот турига ихтисослашиш ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун хом ашё, бутловчи қисмларни бошқа ихтисослашган корхоналардан сотиб олиш эҳтиёжини келтириб чиқаради. Шу тариқа корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатишга зарурат юзага келади.

> Корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, бу жараёнга кичик бизнес ва хусусий тадиркорлик субъектларини кенг жалб этиш зарур. Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш лозим.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Бугунги кунда кооперация алоқаларининг хом ашё етказиб беришдан иборат оддий кўринишидан тортиб то франчайзинг тизимини қўллаш каби мураккаб турларигача мавжуд.

Кооперация алоқалари – маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича бир ёки бир неча корхонанинг ҳамкорлиги.

Франчайзинг – йирик компания (франчайзер) ҳамда кичик фирмалар (франчайзи) ўртасидаги шартнома тизими бўлиб, унга асосан франчайзига франчайзернинг маҳсулотларини унинг товар белгисидан фойдаланган ҳолда сотиш ҳуқуқи берилади.

Корхоналарнинг бозорларда қайси маҳсулот ёки хом ашёга эҳтиёж борлигини билишлари, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун зарур бўлган материаллар ва хом ашёни қайси корхоналардан олишлари мумкинлиги тўғрисида ахборотга эга бўлишлари уларнинг ривожланиши, умуман мамлакат иқтисодиётининг юксалишида муҳим омил ҳисобланади.

Бундай ахборотларнинг етарли эмаслиги ва уларни олишдаги қийинчиликлар мавжудлиги сабабли мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёки ишлаб чиқариш имконияти мавжуд бўлган хом ашё, бутловчи қисмлар, материаллар ёки тайёр маҳсулотларни валюта эвазига, кўпинча қиммат нархларда хориждан олиб келиш ҳоллари мавжуд. Бунга барҳам бериш мақсадида мамлакатимизда тармоқ, тармоқ ичидаги ва халқаро саноат кооперациясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мамлакатимиз корхоналарининг кооперацион алоқаларини кенгайтириш бир неча вазифаларни ҳал этиш имконини беради (3.3.4-расм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 3937-сонли Фармонига кўра ташкил этилган Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси қуйидаги вазифаларни бажаради:

- тармоқ ичидаги ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш;
- маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ишлаб чиқарилаётган, импорт қилинаётган ва ўзлаштирилиши истиқболли бўлган товарлар билан таништириш;
- ишлаб чиқарувчиларга шерикларни излаб топишда ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш юзасидан хўжалик шартномалари тузишларида кўмаклашиш;
- мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни, шу жумладан, маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни хорижий фойдаланувчилар учун қулай бўлган ахборот ресурслари орқали кенг реклама қилиш.



3.3.4-расм.

2008 йилда Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига халқаро мақоми берилди. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш вазифаларини ҳал эта бориб Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси узоқ муддатли хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун зарур қонунчилик базаси ва бозор инфратузилмасини яратиш, тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида корхоналарга зарур хом ашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланишлари имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда:

- биринчи босқичда – тармоқ кўргазмалари ва ярмаркалари;
- иккинчи босқичда – Халқаро тармоқлараро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилади.

2009 йил 20-27 октябрь кунлари ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг қуйидаги натижалари унинг юқори самара берганлигини кўрсатади:

- ярмаркада 378 та маҳаллий корхона, 46 та хорижий давлатнинг 600 та фирмаси вакиллари иштирок этди;
- жами ташриф буюрганлар сони 41 минг кишини ташкил этди;
- ярмаркада илгаридан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан бирга 124 турдаги янги тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар намойиш қилинди;
- кооперация биржаси давомида 1,9 трлн. сўмлик, яъни 2008 йилга нисбатан 1,4 марта кўп ҳажмдаги шартномалар имзоланди;
- мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган 2,3 млрд. долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича хорижий фирмалар билан шартномалар тузилди ва ҳ.к.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш учун шарт-шароит яратади.

Маҳаллийлаштириш – импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйиш.

2010 йилда иқтисодиётимизни ривожлантиришнинг прогноз параметрларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таркибий тузилишини такомиллаштириш каби ўзаро боғланган вазифаларни ҳал этишда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш муҳим роль ўйнайди.

Ҳозирда янги лойиҳаларни Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш, ўзини оқламаган, истиқболсиз лойиҳаларни дастурдан чиқариш, лойиҳалар параметрларига ўзгартиришлар киритиш механизмлари такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги 1236-сонли Қарори билан Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш тартиби такомиллаштирилди, бу жараёнда давлат бошқарув органлари ва лойиҳалар ташаббускорларининг асосий функциялари ва ваколатлари аниқ белгилаб берилди, дастурга киритилган лойиҳалар мониторингини олиб бориш тартиби жорий этилди.

> 2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

3.3. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш

Бугунги кунга келиб, нафақат кишилар ҳаётининг маиший жиҳатлари, балки саноат тармоқларининг ривожланиши, миллий иқтисодиётнинг самарадорлиги олдиндан мавжуд бўлган ҳамда янгидан пайдо бўлаётган ўнлаб турдаги хизматларга боғлиқ бўлиб бормоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётдаги роли ва аҳамиятини қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин (3.3.5-расм).

> Бундай тармоқлар ташқи коньюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим роль ўйнайди.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келди.



3.3.5-расм.

Хизматлар соҳаси жадал ривожланиб борар экан, тобора кўпроқ ишчи кучининг банд бўлишини таъминламоқда, давлат бюджетига солиқ тушумлари, валюта захирасига қатъий валюта тушумларининг кўпайишига ҳисса қўшмоқда. Айниқса аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ички истеъмол бозорида мутаносибликка эришишда, иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти бўлган ички талабни кенгайтиришда, аҳолини иш билан таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Автомобиллар ва маиший техникага сервис ва таъмирлаш хизматини кўрсатувчи корхоналарнинг ташкил қилиниши ҳамда ривожланиши шу маҳсулотларга бўлган талабнинг кенгайишига олиб келади.

Истеъмол бозоридаги мутаносиблик – истеъмол бозорига таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар ҳажми билан аҳолининг тўловга қодир талабининг ўзаро мослиги.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб бормоқда (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал. Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7
Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	121,6
Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7
Туристик-сайёҳлик хизматлари	122,3	126,2	130,4
Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5	112,3
Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1
Маиший хизматлар	128,0	129	122,6
Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айниқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтиради.

Масалан, республикамиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2008 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган.

Шу сабабли ҳам яқин истиқболда қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш, соҳада банд ходимлар сонини 2010 йил охиригача 2006 йилга нисбатан 2 мартага ошириш вазифаси янги хизмат турларини кўрсатиш бўйича фаолиятни қўллаб-қувватлаш, соҳада кичик бизнесни янада ривожлантириш, ахборот-телекоммуникация хизматлари, транспорт, молия, туризм хизматларини устувор ривожлантириш орқали таъминланади.

3.4. Кичик бизнесни жадал ривожлантириш, унинг иқтисодий ривожланишдаги ролини ошириш

> Нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иш ўринлари яратиш имконини берадиган кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласини ҳал этиш бизнинг шароитимизда ҳамон муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Кам харажат ҳисобига янги иш ўринлари яратиш имконияти, йирик бизнес кириб бора олмайдиган бозор сегментларини эгаллай олиш қобилияти, айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида ва унча катта бўлмаган маҳаллий ресурс базаларини ўзлаштиришда жуда қулай ташкилий шакл эканлиги кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёслигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни жадал ривожлантириш масаласи маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунингдек, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижаси қуйидагилар орқали намоён бўлади:

- кичик бизнеснинг мамлакатимиз ЯИМдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етганлиги;
- иш билан банд ходимлар пул даромадларининг 70 фоизи айнан кичик бизнес соҳасида шаклланаётганлиги;
- кичик бизнес корхоналарининг мамлакат экспортидаги улуши 2009 йилда 14,3 фоизга етганлиги ва ҳ.к.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни кредитлаш ҳажмининг ошиши соҳани ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкасининг 8 фоиздан 7 фоизга туширилиши натижасида 23,6 млрд. сўм миқдоридаги маблағ мазкур корхоналар ихтиёрида қолдирилди.

Шу йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди (3.3.6-расм). Бу 2001 йилгига нисбатан қарийиб 11 марта, 2005 йилдагига нисбатан 4 марта кўп.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг 462 млрд. сўми «Микрокредитбанк» ҳиссасига тўғри келди. Соҳа ривожи учун шу йили Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (КфВ), ХХР Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобидан жами 121,8 млн. долл. ёки 2008 йилга нисбатан 1,5 баробарга ортиқ кредит ресурслари жалб қилинди.

2010 йилда кичик бизнесни жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш борасида чора тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Масалан, 2009 йилда саноат соҳасида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ ставкаси 7 фоизга туширилган бўлса, 2010 йилдан эътиборан 7 фоизли солиқ ставкаси барча кичик бизнес корхоналари учун жорий этилди.



3.3.6-расм.

Қайси тармоқда фаолият юритишларига боғлиқ равишда кичик бизнес субъектлари қуйидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланишлари мумкин:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ва уларнинг четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;
- 2012 йил 1 январгача 15 хилдаги ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, шунингдек, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Кичик бизнесни ривожлантириш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар соҳанинг иқтисодий ривожланишдаги, аҳолини иш билан бандлилиги ва даромадларининг ўсишидаги роли янада кучайиши ҳамда ЯИМ, экспорт ва тармоқлар ҳамда соҳаларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларидаги улуши ортиб боришига хизмат қилади.

3.5. Ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш, экспортнинг товар ва географик таркибини такомиллаштириш

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

Ташқи савдо айланмаси диверсификацияси – экспорт ва импортнинг товар номенклатурасини ва ҳамкор давлатлар сонининг кенгайтирилиши.

Экспорт таркибида бир ёки бир неча товарлар улушининг сезиларли даражада ортиб кетиши бу товарлар нархи пасайган ёки уларга ташқи талаб қисқарган ҳолатларда экспортчи корхоналарни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бунинг натижасида экспорт ҳажмининг қисқариши валюта тушумларининг камайиши, ташқи савдо балансининг ёмонлашуви ва корхоналар молиявий аҳволининг тангликка юз тутишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, экспорт умумий ҳажмининг кам сонли давлатларга боғланиб қолиши ҳам қалтис ҳолат ҳисобланади.

> Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини бартараф этиш имконини беради.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда (3.3.7-расм).



3.3.7-расм.

Маълумотлардан кўринадики, республикамиз ташқи савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2009 йилда 21209,6 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 2,23 марта ўсди. Экспорт ҳажмининг 2009 йилда 2008 йилга нисбатан ўсиши 2,4 фоизни ташкил этди.

Айни чоғда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида кўпчилик мамлакатларда экспорт ҳажмининг кескин қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, 2009 йилда экспорт ҳажмларининг қисқариши Россия Федерациясида 44,2 фоизни, Украинада 48,7 фоизни, Қозоғистонда 47,7 фоизни ташкил этди.

2000-2009 йиллар давомида экпорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (3.3.2-жадвал).

3.3.2-жадвал. Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	3267,6	4853,0	11493,3	11771,3
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	27,5	19,1	9,3	8,6
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	2,9	5,3	5,6	5,0
Қора ва рангли металлар	6,6	9,2	7,0	5,0
Машина ва ускуналар	3,4	8,4	7,6	2,9
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8	4,5	6,0
Энергия ресурслари	10,3	11,1	24,7	34,2
Хизматлар	13,7	12,2	10,4	8,8
Бошқалар	30,2	30,5	30,9	29,5

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди.

2000-2009 йилларда республикамиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (3.3.3-жадвал).

3.3.3-жадвал. Ўзбекистон импортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2008 йил	2009 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	2944.5	4091,3	9704,0	9438,3
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	13,6	11,6	11,1
Қора ва рангли металлар	8,6	10,3	7,7	6,3
Машина ва ускуналар	35,4	43,3	52,4	56,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	7,0	8,3	9,0
Энергия ресурслари	3,8	2,5	4,6	5,3
Хизматлар	8,5	10,4	4,4	4,4
Бошқалар	17,8	12,9	11,0	9,2

Ташқи савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДҲ мамлакатларининг улуши 2009 йил якунларига кўра 33,9 фоизни ташкил этди (2.3.7-расм). 2009 йилда мамлактимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

Экспортнинг географик таркиби – алоҳида қитъа мамлакатлари, мамлакатлар гуруҳлари, ёки алоҳида мамлакатнинг мамлакат экспортидаги улушлари нисбати.



3.3.8-расм

Жами экспорт таркибида узоқ хориж давлатларига қилинган экспортнинг улуши 2008 йилда 65,8 фоизни, 2009 йилда эса 66,7 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатлар бўйича мамлакатимиз экспортининг диферсификациялашув даражаси нисбатан юқори бўлмоқда. Жумладан, 2009 йил маълумотларига кўра, фақат Хитой (9,7%), Швейцария (7,9%), Афғонистон (3,3%), Туркия (3,2%), Эрон (2,7%), Германия (2,2%), АҚШ (1,7%) мамлакатларига экспорт ҳажмининг мамлакатимиз экспортидаги улуши 1 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади (2.3.9-расм).



2.3.9-расм.

Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш зарур.
И.Каримов (маърузадан)

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминловчи омилларни шарҳлаб беринг.
2. Таркибий ўзгаришлар сиёсатининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро саноат кооперациясининг аҳамияти ва иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришдаги ролини изоҳланг.
4. Мамлакатимизда лойиҳаларни маҳаллийлаштириш дастурига киритиш ва мониторингини олиб бориш механизми қандай жорий этилган?
5. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш омиллари ва йўналишлари нималардан иборат?
6. Кичик бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаларининг ролини тушунтиринг.
7. Экспортни диверсификация қилиш йўналишлари ва имкониятлари нималардан иборат?
8. Таркибий ўзгаришлар сиёсатини давом эттириш бўйича белгиланган вазифаларнинг ўзаро боғлиқлигини изоҳлаб беринг.

4-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ЕТАКЧИ СОҲАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ, ТРАНСПОРТ ВА ИНФРАТУЗИЛМА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ОЛИБ БОРИШ

4.1. Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айни дамда, иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Ўтган 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма обектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

И.Каримов (маърузадан)

Инвестициялар – даромад олиш мақсадида иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.

2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоизидан зиёди йўналтирилади.

И.Каримов (маърузадан)

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишларнинг учинчи бўлими «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари»га қаратилган бўлиб, биргина 2009 йилнинг ўзидаёқ дастурни ижросини таъминлаш, яъни тижорат банклари томонидан корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида ёки 2008 йилга нисбатан 1,6 баробарга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Хусусан ўтган 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, шулардан 303 таси муваффақиятли якунланди. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни ташкил этди.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган (3.4.1-расм).



3.4.1-расм.

Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошиши режалаштирилаётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фоннинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

Бундай йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда 2007 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағларидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунда инфратузилма объектларини ривожлантириш учун ажратилиши белгиланаётган инвестицияларга урғу берилаётганлигининг асосий сабаби – инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва ҳалқ фаровонлигини таъминлаш мақсадига эришишдан иборатдир. Бугунги кунда фақатгина мазур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

4.2. Хорижий инвестициялар ва уларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган тизимий ишлар

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инқирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутади. Қуйидаги рақамлар бу тўғрида энг ишончли маълумотларни беради: 2009-2014 йилларда модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилнинг 12 мартида тасдиқланган дастур доирасидаги инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ташкилотлар, икки

томонлама шартномалар ва етакчи хорижий компанияларнинг умумий миқдори 22 миллиард доллардан зиёд кредитлари ва инвестицияларни жалб этиш кўзда тутилган эди. Ҳозирги кунда умумий қиймати 19 миллиард доллардан ортиқроқ бўлган 80 дан зиёд лойиҳаларни инвестициялаш ва молиялаш бўйича аниқ манбалар белгиланиб, хорижий шериклар билан шартномалар имзоланди.

Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутади. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Умуман айтганда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосида чуқур ўйланган, Ўзбекистонга хос ҳусусиятлар тўла ҳисобга олинган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос ва ўзимизга мос модели мужассам. Ушбу дастурнинг ўтган 18 йил мобайнида изчил амалга ошириб келиниши собиқ «Марказ»га ҳар томонлама боғланиб қолган аграр, паст технологияли ва самарасиз иқтисодий тузилманинг диверсификациялашган, жаҳон бозорига рақобатбардош, кенг даражада хилма-хил тайёр маҳсулотлар билан чиқаётган, узлуксиз юқори суръатлардаги иқтисодий юксалишга мойил, жиддий расмий омиллар ва бенуқсон кредит тарихига эга бўлган замонавий иқтисодиётга айланишини таъминлайди.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ***чет эл инвестициялари*** деб эътироф этилади.

Бу, ўз навбатида, инқирознинг нафақат салбий оқибатларини юмшатишга, балки Ўзбекистон иқтисодиётини янада кучли ва бардошли иқтисодиётга айлантиришга қаратилган инқирозга қарши чораларнинг кенг миқёсли комплекс дастурини ишлаб чиқиш ҳамда уни тезроқ амалга ошириш имконини берди. Бунда эса энг ҳал қилувчи вазифа — хорижий инвестициялар ва узоқ муддатли инвестициявий кредитларни жалб этиш эвазига иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш асосини тубдан модернизациялаш, уни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашдан иборат.

Маълумки, молиявий мақсадларни мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юқори ликвидли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иқтисодиётнинг реал секторини жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш имконини беради. Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун ўтган 2009 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. Хусусан**,** Инвестиция дастури (2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон), «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури (2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон), «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» дастури (2009 йил 20 январдаги ПҚ-1041-сон) ҳамда «Қўшимча инфратузилма объектларини қуриш» дастури (2009 йил 17 мартдаги ПҚ-1073-сон) шулар жумласидандир.

Инфратузилма **–** иқтисодий тизим умумий тузилишининг ёрдамчи тавсифга эга бўлган ҳамда ушбу тизим умумий фаолиятининг бир маромда боришини таъминловчи таркибий қисми.

Мамлакатимизда 2010 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг аҳамиятли қисми корхона маблағлари (42,6 фоиз) ҳамда

тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (21,3 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (3.4.2-расм). Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва тараққиёт маблағлари ҳисобига 2010 йилда жами инвестицион маблағларнинг 22,6 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, буларнинг оқибатида эса, мамлакат фаровонлигини юксалтириш мақсад этиб қўйилган.



3.4.2-расм.

Бу борада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутади. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истиқболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва барқарор иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг «Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши келгуси 2010 йилда Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

Шу ўринда ички инвестициялардан фойдаланиш борасида ҳам мамлакатимизда талай ишлар амалга оширилиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли Қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини тижорат банкларидаги депозитларига янада жалб этиш бўйича қўнимча чора-тадбирлар комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва улар ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра акцияларни камида 10 фоизига эгалик қилиш.

Бугунги кунда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича:

- тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;
- инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда

фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 4.12.1998 й.

- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя чоралари тўғрисида»ги Қонуни, 30.04.1998 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори, 28.10.2009 й.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 11.04.2005 й.

Республикамизга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги 927-сонли Қарорига мувофиқ амалга оширилади (3.4.3-расм).

Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



3.4.3-расм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 февралдаги 578-сонли Қарорига мувофиқ хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш «Ўзинфоинвест» агентлиги хорижий инвесторларга ахборот билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар тарафлама кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Агентлик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил муассасадир.

«Ўзинфоинвест» агентлиги 3 та йўналиш бўйича хорижий инвестицияларни жалб этади:

1) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар:

- давлат инвестиция дастури йиғма рўйхати лойиҳалари;
- ҳудудий инвестиция дастури лойиҳалари;

- давлат кафолати остида имтиёзли кредит маблағларини жалб этиш йиғма рўйхати;
- грант маблағлари.

2) корхоналарнинг акциялар пакетини истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш;

3) кимошди савдоларига мулкий мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни истиқболли хорижий инвесторларга таклиф этиш.

Шунинг билан бирга «Ўзинфоинвест» агентлиги маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий инвесторларни топиш, уларни Ўзбекистонга таклиф қилиб музокаралар ташкил этишга кўмаклашиш, инвесторларга республика инвестицион салоҳияти, шунингдек солиқ ва қонунчиликдаги бошқа имтиёзлар тўғрисида маълумот беради.

4.3. Асосий ва етакчи соҳалар – транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш

2010 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи ўринларга чиқиши учун Тошкент, Навоий ва Толлимаржон иссиқлик электр станцияларида буғ-газ мосламаларини қуриш, Сургил кони базасида полиэтилен ва пропилен ишлаб чиқарадиган Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, поливинилхлорид ва каустик сода ишлаб чиқарадиган янги комплекс ташкил этишга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Электр энергетика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш
- Ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш
- Истеъмолчиларнинг худудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш
- Энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш
- Электр энергияни ҳосил килиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш
- Электр энергетиканинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш
- Электр энергиясидан ва ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш

3.4.4-расм.

Булар қаторида Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртаннефтгаз мажмуасида суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси мосламаларини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси энергия блокларини кўмир

ёқилғиси билан ишлаш тизимига ўтказиш, автомобил кучланиш агрегатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа бир қатор муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш алоҳида истиқболли аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Ягона электр энергетика тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини хамда истеъмолчиларнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжлари каноатлантирилишини таъминлашда давлатнинг асосий йўналишлари қуйидаги 3.4.4-расмда акс эттирилган.

Қуйида келтирилган лойиҳаларнинг барчаси, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастурига киритилганлигини қайд этиш лозим (3.4.1-жадвал). Ушбу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 327 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бўйича молиялаш манбалари аниқ белгиланган ва инвесторлар консорциумлари шакллантирилган.

3.4.1-жадвал. 2009-2014 йилларда электр энергетикани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури

Энергетик сектор номи	**Амалга ошириладиган лойиҳалар, дона**	**Ишга киритиладиган қувват**	**Нархи, млн. долл**
Иссиқлик электр станциялари	8	2255 МВт	2309,6
Гидравлик электростанциялар	15	440 МВт	512,9
Ноанъанавий энергетика	1	0,5МВт	0,5
Электр тармоқлари	12	1418,2 км, 1754 МВА	681,4
Бошқалар	2	АСКУЭ (1 этап), ЗШО-2 Янги-Ангрен ИЭС – 7,5 млн. куб.м	70,7
Жами	38	2695,6 МВт ишлаб чиқарувчи қувватлар 1418,2 км электр узатиш линиялари 1754 МВА трансформаторлар	3575,1

2010 йилда автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни, ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Транспорт тармоқлари ва коммуникацияни ривожлантириш масалалари, Республиканинг географик жойлашуви, денгизга чиқиш имкони йўқлиги, автомагистраллар қурилишини устувор, истиқболли ва ҳаётий аҳамиятга эга масалалардан бири қилиб қўяди. Коммуникация тармоқлари ривожланмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз буни аниқ англаб олишимиз керак.

И.Каримов (маърузадан)

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Президентимиз ўз маърузасида «Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад – Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва

транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат», деб таъкидлаб ўтди.

2010-2015 йилларда иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини қатъий назоратга олинади. Шунинг билан бирга темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 2010 йилда айнан шу мақсадлар учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтирилади.

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма объэктларида қурилиш ҳамда техник қайта қуроллантириш ишларини якунига етказиш, Янгиер-Жиззах ва Янгиер-Фарҳод электрлаштирилган темир йўл линиялари қурилишини давом эттириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Бундай ишлар салмоғи ва кўламини ошириш ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига катта ҳисса қўшадиган йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш даркор. 2010 йилда Испаниядан иккита тезюрар поезд сотиб олиш ва Тошкент-Самарқанд йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини амалга ошириш бошланади.

Корхоналарни техник қайта қуроллантириш **-** алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

3.4.2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 2009 йил якуни бўйича қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қиймати, млрд.сўм	2008 йилга нисбатан фоизда
Жами бажарилган ишлар	**370,6**	**118,7**
Инвестиция дастури	114,4	104,8
Мукаммал ва ўрта таъмирлаш	177,2	126,1
Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	63,2	117,3
Йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш	15,8	160,9

Юқоридаги 3.4.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009 йилда умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш ва таъмирлаш ишлари 2008 йилга нисбатан 18,7 фоизга юқори кўрсаткич билан бажарилган. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 370,6 млрд. сўм пул маблағларии сарфланган. Шуларнинг 30,8 фоизи, яъни 177,2 млрд. сўми инвестиция дастури доирасида бажарилган. Йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозларини харид қилиш учун сарфланган пул маблағлари ўтган 2008 йилга нисбатан энг юқори, яъни 160,9 фоизга ўсган. Мукаммал ва ўрта таъмирлаш ҳамда жорий таъмирлаш ишлари учун жами 230,4 млрд. сўм маблағ сарфланган, бу жами сарфланган пул маблағларининг 62,1 фоизини ташкил этади.

2010 йилда амалга оширилиши муҳим бўлган яна бир тадбир бу - «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш ҳисобланади. Аввало, бу ерда бошланган 17 та лойиҳани амалга ошириш, айни пайтда Корея Республикаси, Япония, Германия, АҚШ,

Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа технологик жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Иқтисодиётнинг етакчи соҳаларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?
2. Стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
3. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари учун ҳукумат томонидан қандай имтиёзлар берилган?
4. Иқтисодиётнинг ривожланишида транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришнинг ўрнини қандай изоҳлаш мумкин?
5. Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларни қуриш ишларини тезлаштиришдан кўзланган асосий пировард мақсад хусусида фикрларингизни баён этинг.

5-БОБ. ҚИШЛОҚДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

5.1. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 13,4 млн. нафари ёки 48,4 фоиз қисми қишлоқда, 14,3 млн. нафари ёки 51,6 фоиз қисми шаҳарда истиқомат қилади. Шундай экан, қишлоқда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш миллионлаб ватандошларимизнинг фаровонлигини юксалтиришга, уларда эртанги кунга бўлган ишонч ва ҳаётдан қониқиш ҳисларини шакллантиришга хизмат қилади.

> Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг 2010 йилнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилишига тўлиқ асос бор. Юртимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

5.2. Қишлоқларни архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига кўра лойиҳалаштириш ва қайта қуриш

Замонавий қишлоқ аввалом бор архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига мос келиши, Бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча қулайликлар ва коммуникация

тармоқларига (электр, газ узатиш тармоқлари, сув таъминоти, йўллар ва бошқа) эга бўлиши ҳамда замонавий кўриниши ва шинамлиги билан ажралиб туриши лозим.

Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси – узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий дастурлар, республикани ва унинг минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари асосида ишлаб чиқилади, аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, муҳандислик, транспорт ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, тарихий-маданий мерос объектларини сақлашга, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий архитектура ва меъморий режалаштириш лойиҳаси талабларига тўлиқ жавоб беради дея олмаймиз.

Меъморий режалаштириш лойиҳаси - иморатлар қуришнинг ҳажм-макон ва архитектура-бадиий ечимини, биноларнинг неча қават бўлиши ва турларини, иморат қуриш ва ердан фойдаланишни тартибга солишнинг қизил чизиқлари, чегараларини, ердан фойдаланувчилар ҳудудларининг чегараларини, кўчаларнинг кўндаланг кўринишини белгилаб беради, шунингдек, ҳудудларни муҳандислик юзасидан тайёрлаш тадбирларини, атроф муҳитини муҳофаза қилишни назарда тутади.

Меъморий режалаштириш талабларига кўра қишлоқ аҳоли пунктлари уларда яшаётган аҳоли сонига кўра 4 тоифага ажратилади ва шунга мос қишлоқларнинг меъморий Бош режаси ишлаб чиқилади.

Биринчи тоифага аҳоли сони 100 дан 1000 кишигача бўлган кичик қишлоқлар киритилади.

Иккинчи тоифага аҳоли сони 1000 кишидан 3000 кишигача бўлган ўртача қишлоқлар киритилади.

Учинчи тоифага аҳоли сони 3000 кишидан 5000 кишигача бўлган катта қишлоқлар киритилади.

Тўртинчи тоифага аҳоли сони 5000 кишидан ортиқ бўлган йирик қишлоқлар киритилади.

3.5.1-жадвал. Ўзбекистонда қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши (2010 йил 1 январь ҳолатига)

Аҳоли пунктларининг тоифаси	**Аҳоли сони**	**Аҳоли пунктларининг сони**	**Жамига нисбатан фоизда**
Кичик аҳоли пунктлари	100 дан 1000 кишигача	5892	49,8
Ўртача аҳоли пунктлари	1000 дан 3000 кишигача	4527	38,3
Катта аҳоли пунктлари	3000 дан 5000 кишигача	1026	8,7
Йирик аҳоли пунктлари	5000 кишидан ортиқ	375	3,2
Жами:		**11820**	**100**

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда жами 11820 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 5982 тасида (49,8 фоизи) аҳоли сони 100 дан 1000 кишигачани, 4527 тасида (38,3 фоизи) 1000 дан 3000 кишигачани, 1026 тасида (8,7 фоизи) 3000 дан 5000 кишигачани ташкил этади ва фақат 375 тасида (3,2 фоизи) 5000 кишидан ортиқ. Замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келмайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари ягона режанинг мавжуд эмаслигидан кўп ҳолларда тартибсиз ва тарқоқ

Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришдик.

И.Каримов (маърузадан)

ҳолда қурилади. Айниқса туманларнинг марказларидан узоқда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режа асосида қурилмагани боис уй-жойлар кўчаларга бўлинган ҳолда батартиб қурилмаган. Бундай қишлоқлардаги уй-жойларнинг ташқи кўринишида ҳам хилма-хиллик учрайди. Шу сабабдан кўриниши замонавий дизайн ва шаҳарсозлик мезонларига мос келмайди ҳамда коммуникация тармоқларига улаш жараёнида ноқулайликлар келтириб чиқаради.

Қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режа билан таъминланганлиги



3.5.1-расм.

3.5.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, республикамиздаги мавжуд жами 11820 та қишлоқлардан 7371 тасининг (62 фоизи) Бош режаси умуман ишлаб чиқилмаган, 3982 тасининг (34 фоизи) Бош режаси эскирган, 467 тасининг (4 фоизи) Бош режаси яроқли ҳисобланади. Демак, мавжуд қишлоқларимизнинг 96 фоизини замонавий архитектура талаблари даражасида Бош режа билан таъминлаш талаб этилади.

Президентимиз И.Каримовнинг ташаббуси билан юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сонли «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари» ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги 148-сонли «Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва ҳудудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва худудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган бу комплекс лойиҳалар юртимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ аҳли ва бутун жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги 68-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини

такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига биноан республикамиздаги 965 та аҳоли пунктлари шаҳар посёлкалари тоифасига киритилиб, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада кучайтириш борасида чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

- манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда аҳоли пунктлари тоифаларининг ўзгартирилиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлашлари;

- шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктларига нисбатан қўйиладиган шаҳарсозлик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва муҳандислик, транспорт ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни оқилона жойлаштириш масалаларини ҳал этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишлари;

- шаҳар посёлкалари тоифасига киритилган аҳоли пунктлари номларини «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси талабларига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришлари белгилаб берилди.

Замонавий уй-жой лойиҳалари ўз ичига замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини, республика минтақаларининг табиий-иқлим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

Бугунги кунда замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келадиган, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган, коммуникация тизимларига уланган, жаҳон андозалари даражасидаги қишлоқларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги 1046-сонли «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳалари ишлаб чиқиш бўйича дастурига жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ҳудудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Энг аввало, қишлоқда қуриладиган замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларни лойиҳалаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун лойиҳалаштириш ишларидан яхши хабардор бўлган, барча моддий-техникавий базага ҳамда етарли илмий салоҳиятга эга ихтисослашган лойиҳа-қидирув институтларини ташкил этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган 1049-сонли «МЧЖ «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институтини ташкил қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳалаш-қидирув институти айнан шу вазифани амалга оширишга хизмат қилади. «Қишлоққурилишлойиҳа» институти:

- қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштириш тизимини шакллантириш, ривожлантиришнинг бош схема лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ аҳоли пунктларидаги турар-жой бинолари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишларини амалга оширади.

«Қишлоққурилишлойиҳа» институти ҳукуматимиз кўмаги билан қишлоқларни замонавий архитектура талаблари асосида меъморий лойиҳалаштириш ишлари учун зарур бўлган барча модий-техникавий ва илмий салоҳият билан таъминланган. Ўтган йили «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан 31 та уй-жой лойиҳалари, 16 та ижтимоий соҳа объектларнинг лойиҳалари ва ҳудудлардаги лойиҳа институтлари томонидан 20 та уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қўллаш учун тавсия этилди.

Қишлоқларда замонавий уй-жойлар ва инфратузилмалар барпо этиш узоқ муддатга мўлжалланган, босқичма-босқич амалга ошириладиган йирик дастур бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун катта маблағ талаб этилади. Қишлоқ қурилишига сарфланадиган маблағларнинг манбалари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ аҳолисининг ўз маблағлари;
- «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ турдаги акциядорлик тижорат банкининг кредит ресурслари;
- давлат бюджетидан шу мақсадларга ажратилаётган маблағлар;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари.

Қишлоқда барпо этиладиган уй-жойлар лойиҳаларидан намуналар:

а) уйнинг ҳовли томони



б) уйнинг олд томони



в) замонавий қишлоқнинг умумий кўриниши



3.5.2-расм.

5.3. Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш

Гарчи қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш лойиҳасининг бошланганига эндигина бир йил тўлганига қарамай, ушбу мақсадларга молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ

йўналтирилди. Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришилди.

Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартда қабул қилинган ПҚ-1083 сонли «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ турдаги акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисидаги» қарорига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида «Қишлоққурилишбанк» ташкил этилди.

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни вақтда якка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 118 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда қурилаётган уй-жойларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали аҳолига топшириш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ипотека – кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосида бериладиган узоқ муддатли қарз; ушбу қарзни таъминлашга хизмат қилувчи гаров.

Ипотека кредити – кўчмас мулк гарови остида банк томонидан берилувчи кредит. Аксарият ҳолларда кўчмас мулкни сотиб олиш учун кредит олишда шу кўчмас мулкнинг ўзи банкка кредитни қайтариш кафолати сифатида ипотека (гаров) бўлиб ҳизмат қилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган «Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 148-сонли қарорига биноан якка тартибда уй-жой қуришга узоқ муддатли ипотека кредити беришнинг асосий шартлари қуйидагича белгиланган:

- ипотека кредитлари олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йилгача муддатга берилади;

- ипотека кредити миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан ошмайдиган миқдорда белгиланади;

- ипотека кредитидан фойдаланганлик учун банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк кредит комиссияси (қўмитаси) томонидан ижобий қарор қабул қилинган кундаги қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоизлар ундирилади;

- фоизлар қарз олувчи томонидан унинг олган ипотека кредити тўлиқ тўлангунгача кредит бўйича қарзларнинг амалдаги қолдиғига ҳисоблаб қўшилади.

Ипотека кредитлари шартнома асосида ҳамда қайтарилиш, тўлиқлик, таъминланганлик, мақсадли фойдаланиш ва муддатлилик шартлари билан қуйидаги талабларга жавоб берувчи қарз олувчига берилади:

- қишлоқ жойларда яшайдиган, ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

- охирги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигидан ёхуд якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан доимий даромадга, шунингдек ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва асосий қарзни тўлов жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаш учун етарли бўлган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромад манбаига эга бўлган шахсларга;

- барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг ва/ёки бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ва/ёки барпо этилаётган уй-жой смета қийматининг камида 25 фоизи

суммасидаги қурилиш материаллари қийматининг камида 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган шахсларга;

- кредит ташкилотларидан кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади.

Қарз олувчи ипотека кредити бўйича бошланғич бадални тўлаш учун ўз маблағларига эга бўлиши керак. Бунда бошланғич бадал суммасининг бир қисми ёки унинг жами суммаси қарз олувчининг иш берувчиси ҳисобланадиган юридик шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарз олувчининг номига банкда очилган омонат қўйилма ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

Берилаётган ипотека кредити миқдори қарз олувчининг тўловга қодирлигини баҳолашдан ҳамда қурилаётган уй-жойнинг смета қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ҳамда у энг кам ойлик иш ҳақининг 1000 бараваридан, шунингдек қурилаётган уй-жой смета қийматининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашда аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида ипотека кредитини қайтариш муддатининг 15 йил этиб белгиланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи даражасида имтиёзли фоиз ставкаси жорий этилишига қўшимча равишда яна бир қатор қулайликлар яратилган. Жумладан:

Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шаклланмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

- солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлари ва улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;
- иш берувчи томонидан ходимига уй-жой сотиб олиш учун берилган маблағлар даромад солиғи тўланишидан озод қилинади;
- бошланғич бадал сифатида жамғариладиган (намунавий лойиҳанинг 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) омонат бир йилдан кам бўлмаган муддатда тўпланса Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи миқдорида йиллик даромад тўланади ва имтиёзли тарзда навбатсиз кредит олиш имкониятига эга бўлади.

Агар қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлари етишмаса, ҳар ойдаги тўловларда ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, фарзандлари) қатнашишига ҳам рухсат берилган.

Бундай имтиёзлар истиқболда қишлоқларимизнинг чирой очиб, гуллаб-яшнашига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиз.

Замонавий уй-жойлар ва коммуникация тармоқларини барпо этиш учун энг сўнги фан-техника ютуқлари ҳамда технологияларга таянадиган, мустаҳкам моддий-техникавий базага эга қурилиш ташкилотлари талаб этилади. Қишлоқ аҳолисига қурилишни комплекс тарзда ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилган. Ихтисослаштирилган «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш, қишлоқ аҳоли пунктларида янги уй-жойларни қишлоқ фуқаролари билан «тайёр ҳолда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини асосида бажариш, пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида қурилишни ташкиллаштириш, танланган ер массивларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини ташкиллаштириш ва намунавий лойиҳа бўйича бино қурилиши юзасидан назорат этиш масалалари билан шуғулланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг реал сектор

тармоқларида маҳсулотлар таннархини 20 фоизга камайтириш вазифаси қўйилган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 18 фоизга, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси таркибига кирувчи корхоналарда 20-25 фоизга камайгани ижобий ютуқларимиз сирасига киради.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойларнинг лойиҳа-смета қийматини камайтиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро уй-жой қийматининг арзонлашуви миллионлаб ватандошларимизнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қурилиш режаларига, санитария талаблари ва қурилиш нормаларига риоя қилиниши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатиши зарур.

И.Каримов (маърузадан)

Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматида 23-25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари, эшик ва ромлар) каби қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Уй-жойларнинг нархларини оптималлаштирилиш мақсадида қурилаётган уй-жойларда ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари:

- цемент ва металл прокатлар тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчилардан имтиёзли нархларда олинмоқда;
- пишган ғишт ва том ёпиш материаллари бозор нархларидан 25-30 фоиз арзонлаштирилган ҳолда бевосита ишлаб чиқарувчилардан олинмоқда.

Қурилиш материаллари нархларини арзонлаштириш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси томонидан йилига 300 млн. дона пишган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 млн. кв. метр том ёпиш материаллари ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда. Булар натижасида:

- уй-жойлар таннархининг асоссиз ўсишига йўл қўйилмайди;
- қурилиш индустриясининг моддий-техник базаси мустахкамланади, рақобатбардош сифатли ва арзон маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қуйилади;
- 500 дан ортиқ янги ишчи ўринлар яратилади.

Қурилаётган уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектларининг таннархини арзонлаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компания билан намунавий лойиҳалар асосида уй-жойларнинг қурилиши учун «тайёр ҳолда топшириш» шартларида шартнома тузган барча пудратчи ташкилотлар солиқларнинг барча турларини тўлашдан (пенсия жамғармасидан ташқари) озод этилган. Бундан ташқари янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига:

Ҳудудларда аҳолини жойлаштириш, ҳудудларни режалаштириш схемалари ва бош режалари билан боғлиқ ҳужжатларни ишлаб чиқиш тизимини тезлаштириш керак.

И.Каримов (маърузадан)

- айланма маблағни шакллантириш ва янги қурилиш техникаси сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;
- четдан олиб кириладиган қурилиш техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлар жорий этилган.

Ҳукуматимиз саъй-ҳаракати билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва пудратчи ташкилотларни арзон қурилиш материаллари билан таъминловчи 131 та махсус фирма дўконларини ташкил этилди. Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига асосан 120 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда.

Юқорида келтирилган кенг қамровли тадбирлар натижасида ҳар бир уй-жойнинг таннархини 8-10 млн. сўмга камайтирилишига эришилади. Бу эса қишлоқ аҳолисини арзон, шинам ва барча қулайликларга эга замонавий уй-жойлар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига биноан «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти томонидан худудларнинг табиий-иқлим шароитлари ва рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларни, маҳаллий қурилиш

ва норуда материаллари борлигини, мавжуд қурилиш индустриал базасини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ 31 та уй-жойларининг ва 16 та ижтимоий-маданий, санитария-маиший объектларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди ва комиссия томонидан баҳоланди.

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган бу комплекс лойиҳалар юртимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ аҳли ва бутун жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз ҳудудларининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, якка тартибда қуриладиган уйлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлар лойиҳаларини такомиллаштириш ишларини давом эттириш лозим.

И.Каримов (маърузадан)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1167-сонли қарори ижроси бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қуйидаги вазифалар белгиланган:

- 2009 йил учун қишлоқ туманларида ажратилган 42 та ер массивларида умумий майдони 95,0 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 58,5 млрд. сўмни ташкил этган жами 847 та уйни 2010 йил декабрь ойигача намунавий лойиҳалар асосида қуриб, фойдаланишга топшириш;
- 2010 йил дастури доирасида 159 та қишлоқ туманларининг 215 та ер массивларида намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 860,0 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 472,6 млрд. сўмни ташкил этган 7630 та уй-жойлар қурилади.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шаклланмоқда.

5.4. Қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш

Қишлоқларимиз қиёфасини янгилаш, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳоли учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг аҳамияти катта. Айниқса аҳолини тоза ичимлик суви, электр қуввати, газ билан таъминлаш, замонавий йўллар ҳамда бошқа коммуникация тармоқлари қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқларда барпо этилаётган замонавий ижтимоий инфратузилма объектлари

а) қишлоқ чойхонаси **б) маиший хизмат уйи**



3.5.3-расм.

Бугунги кунда нафақат замонавий ва қулай уй-жойлар ва коттежлар қуриш, айни вақтда болалар боғчалари, умумтаьлим мактаблари, мусиқа ва саньат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш обектлари, кенг ва равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш, турмуш даражасини ошириш ва ҳалқ фаровонлигини таъминлашга эришиш мақсад қилиб қўйилгандир. Ҳукуматимиз томонидан инфратузилмаларни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган йирик давлат дастурлари натижасида ҳудудларда бир қатор диққатга сазовор ишлар қилинди.

Хусусан, республика бўйича жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди, 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилган, 366 та (19 млрд. сўмлик) қишлоқ аҳоли пунктларида сув объектларининг қуриб фойдаланишга топширилган.

2009 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 182 та замонавий лицей ва коллежларда ҳамда 697 та мактабларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланган. Бундан ташқари, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан ҳудудларда жами 1,5 мингга яқин мактаб ва мактабгача таълим муассасаларини (17,7 млрд. сўмлик), 246 та касалхона ва қишлоқ врачлик пунктлари (6 млрд. сўмлик), 84 та спорт объектлари (8,2 млрд. сўмлик) тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилган.

Ҳудудларда 2100 та кўп хонадонли уйлар тўлиқ капитал таъмирланиб, мазкур ишларга маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўмлик маблағ сарфланган.

Қишлоқларимиз тараққиётини юксалтириш, уларни замонавий архитектура талаблари асосида қайта қуриш, ижтимоий инфратузилмаларни ва коммуникация тизимларини кенг кўламда барпо этиш қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш, улар учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгандир.

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таьминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак.

И.Каримов (маърузадан)

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нимада?
2. Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси қандай талабларга жавоб бериши керак?
3. Замонавий қишлоқни сиз қандай тасаввур этасиз?
4. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуришни меъморий режалаштириш лойиҳасида нималарга эътибор қаратилмоқда?
5. Қишлоқларда уй-жойлар барпо этишни молиялаштириш тартиби ва бу соҳада берилган имтиёзларни сўзлаб беринг.
6. Қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар барпо этиш деганда нимани тушунасиз?
7. Қишлоқда инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг қандай йўналишлари мавжуд?

6-БОБ. ИШ БИЛАН БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

6.1. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринларини яратишга қаратилган чора-тадбирлар

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Айниқса, чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи янада долзарб тус олди.

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда 2009 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди (3.6.1-расм).

> Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***



3.6.1-расм.

Энг муҳими, жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 млн. кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони, янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб топгани ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келаётганлигидир (3.6.2-расм).



3.6.2-расм.

Юқорида таъкидланганидек, республикамизда янги иш ўринлари бир неча асосий манбалар бўйича ташкил топмоқда (3.6.3-расм).



3.6.3-расм.

Расмдан кўринадики, янги иш ўринларининг 390 мингдан кўпроқ қисми кичик бизнес соҳасида очилган. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бунинг 270 мингдан кўпроғи хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади.

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шундай меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

Биз мазкур дастурни амалга ошириш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бу билан мамлакатимиз учун долзарб бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кўзда тутамиз.

И.Каримов (маърузадан)

Бандлик даражасини оширишга қаратилган бундай чора-тадбирлар инқироз шароитида аҳолини ишончли ҳимоя қилиш, унинг даромади ва моддий фаровонлигини ошириш имконини таъминлади.

Президентимиз қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини кўрсатиб ўтди.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

2010 йилда ҳам аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш – буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади.

Шу асосда 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

6.2. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш йўллари

Мамлакатимизда аҳолини самарали муҳофаза қилишга йўналтирилган мақсадли чора-тадбирлар ҳамда юқори иқтисодий ўсиш ва бандлик суръатлари аҳоли фаровонлигини оширишни таъминламоқда.

Аҳоли реал даромадларининг ошишида асосий омил бўлиб, макроиқтисодий шароитнинг қулайлиги, иқтисодий ўсишнинг тез суръатларда ошиши, инфляциянинг сезиларли даражада пасайганлиги, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоя қилишнинг кучайганлиги ҳисобланади.

Аҳоли даромадлари – бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғим ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

Аҳоли даромадлари асосан пул даромадлари ва натурал шаклдаги даромадлардан ташкил топади. Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари аҳоли пул даромадларининг салмоғи сезиларли даражада ошиб, унинг таркибий тузилиши ҳам такомиллашиб боради (3.6.4-расм).

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Аҳоли пул даромадлари – иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинадиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишидан келиб тушадиган даромадлар.

Натурал даромад – меҳнат ҳақи ҳисобига олинадиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари

учун ишлаб чиқарган маҳсулотлари.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларининг пул кўринишидаги миқдори.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори бўлиб, реал даромад аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қувватини билдиради.



3.6.4-расм.

Иш ҳақи ва аҳоли реал даромадларининг аҳамиятли даражада ўсиши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бир қаторда ташқи савдо ва экспорт соҳасидаги фаолиятнинг самарадорлигига ҳам боғлиқ. Аҳолининг реал даромадлари 2009 йил давомида 26,5 фоизга кўпайгани, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этгани бунинг тасдиғидир.

Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

2010 йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланишга мўлжалланган саноат товарларини харид қилиш бўйича харажатлари сезиларли даражада ўсди.

Бундай шароитда аҳолининг ўсиб бораётган тўлов қобилияти билан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш, бундай маҳсулотлар турини кенгайтириш, бозорларимизни улар билан ишончли тарзда тўлдириб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, аҳолининг турмуш фаровонлиги кўп жиҳатдан унинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади. Мазкур масалани ҳал этишда ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятларидан янада самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Аҳоли турмуш даражасига унинг пул сарф-харажатлари ва жамғармалари таркиби ҳамда улар ўртасидаги нисбат ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Умумий ҳолда аҳоли пул сарф-харажатлари ва жамғармалари таркиби товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар, мажбурий тўлов ва бадаллар, омонатлар, қимматли қоғозлар, қатъий валюта харид қилиш ва бошқа сарф-харажатлардан иборат бўлади (3.6.5-расм).



3.6.5-расм.

Ижтимоий эҳтиёжларни қондириш жараёни аҳоли ҳаёт фаолияти учун шароитлар яратади. Бу шароитлар «турмуш сифати» тушунчаси билан тавсифланади.

Турмуш сифати – жамият фаровонлиги даражасини намоён этувчи ва моҳиятига кўра унинг ўлчови ҳисобланувчи тушунча.

Турмуш сифати кўплаб омиллар таъсирида шаклланади (3.6.6-расм).



3.6.6-расм.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва уларга қулайликлар яратиш жараёнида хонадонларни газлаштириш ва аҳоли учун етказиб бериладиган табиий газ нархини белгилаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Республикамизга етказиб берилаётган табиий газ қўшни давлатларга нисбатан арзон нархларда етказиб берилади. Масалан, аҳолига 1 минг $м^3$ ҳажмдаги табиий газни сотиш учун Қирғизистонда 309 доллар, Тожикистонда 303,5 доллар, Қозоғистонда 100-140 доллар, Ўзбекистонда эса 30 доллар нарх белгиланган.

Шунингдек, мамлакатимизда мустақилликка эришилгач аҳоли уй-жой ва хонадонларини газлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда (3.6.7-расм). Айниқса, бу борада шаҳар ва қишлоқларни газ билан таъминланганлик даражаси ўртасида тафовутни кескин қисқартиришга аҳамият берилмоқда.



3.6.7-расм.

Бунинг натижасида 2010 йил 1 январь ҳолатига республикамиздаги хонадонларнинг газ билан таъминланганлик даражаси шаҳар жойларида 85 фоизни, қишлоқ жойларида эса 78,7 фоизни ташкил этди. Шу кунга қадар жами газлаштирилган хонадонлар сони 4270,6 мингтани ташкил этиб, шундан 2419,8 мингта хонадон шаҳарда, 1850,8 мингта хонадон қишлоқда жойлашган.

Аҳолининг истеъмол буюмлари билан таъминланганлик ва реал даромадлари ҳажмининг ўсишини улар жамғармалари, хусусан молиявий муассасалардаги омонатлари миқдорининг ошиши орқали ҳам кузатиш мумкин. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда аҳолининг кредит ташкилотларидаги омонатлари қолдиғи 2009 йил давомида 1 трлн. 190,4 млрд. сўмга ёки 69,1 фоизга ошиб, 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра 2 трлн. 914,2 млрд. сўмни, шу жумладан тижорат банкларида – 2 трлн. 749,9 млрд. сўмни ташкил этди. Демак, 2009 йилнинг ўзида аҳолининг тижорат банкларидаги омонати 1,7 баробар ошганлиги унинг реал даромадлари ўсиб бораётганлигидан дарак беради.

6.3. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш – аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш йўли сифатида

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлган халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга катта аҳамият берилди. Айниқса, аҳолини озиқ-овқат товарлари билан таъминлашда қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳасининг ривожланиши муҳим бўлиб, кейинги йилларда республика бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қуйидаги жадвал орқли кўриш мумкин (3.6.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда 2009 йилда 2008 йилга нисбатан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг барча турлари бўйича ишлаб чиқариш ўсган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда чорвачилик соҳасини ривожлантириш асосан уч йўналишда амалга оширилмоқда (3.6.8-расм).

Ушбу ишларни амалга ошириш натижасида:

1) Республикада қорамоллар сони охирги 5 йилда 2,6 млн. бошга ёки 145 фоиз кўпайиб, 8,5 млн. бошга етди. Шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 2,2 млн. бошга (138 фоиз), фермер хўжаликларида 200 минг бошга (162 фоиз) ошди;

3.6.1-жадвал. 2008-2009 йилларда Республика бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

Озиқ-овқат маҳсулотлари турлари номи	Ўлчов бирлиги	2008 йил	2009 йил	Ўсиш суръати, фоиз
Сабзавот	минг тонна	5217,4	5704,7	109,3
Картошка	минг тонна	1398,7	1524,5	109,0
Полиз	минг тонна	981,2	1071,0	109,2
Мева	минг тонна	1402,8	1542,9	110,0
Узум	минг тонна	791	899,6	113,7
Гўшт (тирик вазнда)	минг тонна	1288	1367,7	106,2
Сут	минг тонна	5426,3	5779,0	106,5
Тухум	млн.дона	2429,0	2715,9	111,8

2) зооветеринария сервис хизматларини кенгайтириш мақсадида 791 та пунктлар ташкил этилиб, уларни сони 2443 тага етказилди. Шу йиллар давомида пуллик хизмат кўрсатиш даражаси 6 баробарга ошди;

3) аҳоли қарамоғидаги чорва молларини кўпайтириш ва бандлигини ошириш мақсадида қорамоллар сотиб олиш учун охирги 4 йилда 125,6 млрд. сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди;

4) паррандачилик фермер хўжаликлари сони охирги уч йилда 370 тага ошиб, 677 тага етказилди.Ушбу мақсадларда биргина 2009 йилнинг ўзида 18 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.



3.6.8-расм.

Бундай кенг кўламдаги ишлар натижасида аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора тўлароқ қондириб борилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда аҳолининг ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш бўйича сезиларли натижаларнинг қўлга киритилишида бу борада қатор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар аҳамиятли таъсир кўрсатмоқда (3.6.9-расм).



3.6.9-расм.

Ушбу чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва изчил амалга оширилиши мамлакатимизда иш билан бандликни таъминлаш орқали аҳоли даромадларини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этишга аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган қандай чора-тадбирлар белгиланган?
2. Аҳоли даромадлари турларини таснифланг. Бугунги кунда мамлакатимизда қайси даромадларнинг салмоғи нисбатан жадал ошиб бормоқда?
3. Халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг имкониятлари ва асосий йўналишлари нималардан иборат?
4. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш йўллари нималардан иборат?
5. Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш борасида эришилган натижаларга баҳо беринг.

7-БОБ. «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

7.1. 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилишининг сабаблари

Президентимизнинг 2009 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимизда янги йилга ном бериш ўзига хос анъанага айланганлиги таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳар бир йилнинг долзарб йўналишлари, мазкур йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муаммо ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда номланиб келмоқда (3.7.1-расм).



3.7.1-расм.

Президентимиз янги йилга алоҳида ном берилишининг сабабини юртимиздаги барча давлат ва нодавлат ташкилотлар, хўжалик ва корхоналар, тижорат тузилмаларининг куч ва имкониятларини қўйилган вазифани бажариш йўлида сафарбар этишдан иборат эканлиги билан изоҳлаб, юртимизда 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб номлашни таклиф этди.

Мамлакатимизда 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилишининг сабабларини қуйидагилар орқали изоҳлаш мумкин:

- халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсоннинг барча ҳаракатлари, эзгу ниятлари марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради;

- фақат ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга

> Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабаблари халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлмасин, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмасин, барча ҳаракатлар, езгу ниятлар марказида табиийки, фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиш, кўзланган юксак марраларни эгаллашнинг энг асосий шарти ҳисобланади;

- бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, айни шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эришиш асосида ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратилганлиги, уларни замон талаб қиладиган мутахассис кадрлар этиб тайёрланганлиги ётади;

- юртимизнинг эртанги ривожи йўлида тузилган дастурлар, бу режаларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил – бу юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.



3.7.2-расм.

Шунга кўра, 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном берилиши муносабати билан махсус давлат дастурини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини таъминлаш зарур. Энг аввало, мазкур дастурнинг қамрови тўғрисида етарли тасаввурга эга бўлиш мақсадга мувофиқдир (3.7.2-расм).

Баркамол авлод йили давлат дастури мамлакатимиз ёшларининг барча гуруҳларини қамраб олади. Жумладан:

- соғлом фарзанднинг дунёга келиши учун «Соғлом она – соғлом бола» ғояси асосида бўлажак оналар саломатлиги бўйича ғамхўрликни амалга ошириш;

- мактабгача таълим тизими асосини ташкил этган боғча, яслиларда ўғил-қизларни миллий маънавият рухида тарбиялашга эришиш;

- умумтаълим мактабларида тарбия ва таҳсил олаётган ёшларимизни тарбияли ва билимли камол топишларини таъминлаш, уларда касбга бўлган иштиёқларни шакллантириш;

- ўрта махсус таълим тизими, яъни касб-ҳунар коллежларида касб маҳоратини ўрганиб, тарбия топаётган, академик лицейларда ўз билимларини янада чуқурлаштириб таълим олаётган ёшларни ўқитиш ва олий таълим муассасаларига тайёрлаш;

- олий таълим муассасида таҳсил олаётган ёшларда билим ва кўникмаларни шакллантириш, ўз йўналиши, мутахассислиги бўйича етук кадр сифатида катта ҳаётга тайёрлаш;

- ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, ҳаётга бўлган иштиёқини ошириш, уларнинг меҳнатларидан унумли ва самарали фойдаланган ҳолда мамлакат тараққиётини таъминлаш каби тадбир ва фаолиятлар амалга оширилиши «Баркамол авлод йили»нинг мазмунини акс эттиради.

> Биз фарзандларимизнинг нафақат жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, балки уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлод бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитларни яратишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

7.2. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг аҳамияти, таркиби ва унда белгиланган асосий чора-тадбирлар

2010 йил «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингач, ушбу йилда эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар, тадбирларни ўзида мужжассам этган «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

Ушбу қарорда давлат дастури доирасида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланиб, «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг қуйидаги асосий йўналишлари кўрсатиб берилган:

1) болалар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши, уларни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш;

2) она ва болаларни репродуктив саломатлиги муҳофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

3) ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш;

4) баркамол авлодни шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-муррабийлар меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш;

> Шу кунларда ҳукуматимиз томонидан ушбу масала юзасидан қабул қилинган Давлат дастури ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, жами давлат ва нодавлат манбаларини ҳисобга олган ҳолда, мавжуд барча ресурс ва имкониятларимизни сафарбар этишни кўзда тутади.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

5) замонавий информацион ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқалари ва Интернет тизимини ҳар бир оила ҳаётига кириб келишини таминлашга кўмаклашиш;

6) ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида, ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш;

7) касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларидаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш;

8) ёшларнинг ижодий ва интелектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларни илмий ишларга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш;

9) ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш;

> Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

10) ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш, уларни гиёҳвандлик, маънавиятсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш;

11) «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун ва моҳиятини тушунтиришни тизимли асосда оммавий ахборот ишлари орқали ташкил этиш.

Ҳозирги кунда барча мутасадди

ташкилот ва муассасалар томонидан «Баркамол авлод йили» давлат дастури бўйича Президент томонидан кўрсатиб берилган йўналишлар асосида дастурлар ишлаб чиқилди ва улар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланмоқда.



3.7.3-расм.

Болалар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий-норматив базасини такомиллаштириш борасида қатор тадбирлар белгиланган:

- биринчидан, Ўзбекистон Республикасида болалар ва ёшларни баркамол ривожланиши таъминлашга қаратилган қонунларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга киритиш;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг болалар ва ёшларни баркамол ривожланиши таъминлаш бўйича фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга киритиш.

Шу мақсадда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш хусусидаги фармони лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- босқичма-босқич тартибда электрон кутубхоналарни ва умумий ахборот электрон кутубхона тармоғини яратиш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2015 йилларда маданият ва маърифат, истироҳат боғларини қайта таъмирлаш» комплекс дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- маҳалла ва даҳаларда болалар ўйингоҳ майдончаларини яратиш ва қайта тиклаш фармойиши лойиҳаларини амалга ошириш.

Она ва болаларнинг репродуктив саломатлиги муҳофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қамровли вазифаларни ҳисобга олиб, 2010 йилда давлат бюджетида соғлиқни сақлаш соҳасидаги харажатлар 1 триллион 700 миллиард сўмдан зиёд қилиб белгиланди, яъни, 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўпайтирилди.

> Ана шундай буюк вазифалар ва уларни амалга ошириш учун ажратилаётган маблағлар ҳақида гапирар эканмиз, эртанги кунимиз учун, болаларимиз, фарзандларимизнинг бахти учун меҳнат қилиш, фидоийлик кўрсатиш – бу барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, шу залда ўтирган инсонлар, керак бўлса, бутун халқимизнинг фикрини ифода қилган бўламан.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Яна шуни таъкидлаш керакки,

2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда.

2009 йилда она ва бола саломатлигини муҳофаза этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1096-сонли ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги 144-сонли қарорлари қабул қилинди.

Аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни шакллантириш, оилада эркаклар масъулияти, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тушунтириш ва тарғиб этиш борасидаги ишларни юқори поғонага кўтариш мақсадида Махсус жамоатчилик кенгаши фаолияти ташкил этилди.

Ўзбекистон барча ривожланган давлатлар қатори Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб «Оналикни муҳофаза қилиш» каби ўнлаб халқаро ҳужжатларни ратификация қилган.

Бугунги кунда республикамизда 3165 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинган. Барча қишлоқ врачлик пункларни Халқаро банкнинг «Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ислоҳоти» лойиҳаси томонидан замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Бугунги кунда республикадаги қишлоқ врачлик пунктларига 10,2 млн. АҚШ доллари қийматидаги тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар етказиб берилди ва яна 2,5 млн. доллар қийматидаги асбоб-ускуналар харид қилинди.

2007 йил 1 октябрдан бошлаб 5 йил муддатга аҳолига пуллик хизмат кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилган, тежалган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилади.

Бундан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, тиббиёт муассасалари (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган янги тиббий жиҳозлар учун 2013 йил 1 январгача бўлган муддатгача божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 2009 йил 1 январь ҳолатига 27 млн. кишидан зиёдни ташкил этган бўлса, шулардан 15 ёшгача бўлган болалар 38,5 фоизни, фертил ёшидаги оналар 28,4 фоизни ташкил этади. Бундан кўринадики, Ўзбекистон нисбатан аҳолиси «ёш» давлатлар қаторига киради.

7.3. Таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш йўллари

Ҳозирда **ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш** борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2010 йилда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш доирасида 14 та умумтаълим мактаблари, 4 та академик лицей, 99 та ўқувчи талабалар турар жойларини, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Термиз Давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги ўқув корпусларини қуриш, Тошкент Молия институтининг ўқув корпусини қайта таъмирлаш амалга оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатмиз келажаги бўлган ёш авлодни касбга ўргатиш уларда касбий маҳорат ва кўникмаларни ҳосил қилишда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муҳим аҳамият касб этади. 2009 йилда иқтисодиёт тармоқларининг кичик мутахассис кадрлар билан таъминланиши ҳолати ўрганилиб, ҳудудлар кесимида муайян мутахассисликларга бўлган эҳтиёж қондирилганлигини ва янги мутахассисликларга истиқболда талаб мавжудлигини инобатга олган ҳолда, 123 та касб-ҳунар коллежларида 62 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди; 159 та касб-ҳунар коллежларида 86 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди; 34 та касб-ҳунар коллежларининг ихтисослиги ўзгартирилди.

Ҳозирда миқдор кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтиб борилаётганини эътиборга олган ҳолда, ўқув муассасаларини дарслик ва ўқув услубий қўлланмалар билан таъминлаш масаласида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда. 2009-2010 ўқув йили давомида сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор ажратилиб 315 номдаги 23 млн.га яқин дарслик ва ўқув услубий қўлланмалар тайёрланиши режалаштирилган (3.7.1-жадвал).

3.7.1-жадвал. 2004-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар тўғрисида маълумот

Дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп этилган ўқув йили	Ўқув адабиётлари номлари сони	Чоп этилган ўқув адабиётлари сони, млн. дона	Сарф этилган умумий маблағ (млрд. сўм)	шу жумладан:	
				Бюджет маблағлари ҳисобидан (млрд. сўм)	%
2004-2005	541	10,8	10,8	7,9	73,3
2005-2006	463	16,9	14,2	9,9	69,6
2006-2007	333	23,9	21,4	14,2	66,3
2007-2008	248	19,5	17,78	11,08	62,3
2008-2009	299	16,5	15,5	10,1	65,2
2009-2010	315	22,7	25,8	8,5	32,9
Жами	**2199**	**110,2**	**105,5**	**61,7**	**58,4**

Маълумотлар шуни кўрсатадики, 2009 йилда республика олий таълим муассасаларини 66426 нафар ёш мутахассис (20930 нафари - 32 фоизи давлат гранти асосида, 45496 нафари - 68 фоизи тўлов-контракт асосида) тамомлаган (3.7.4-расм).



3.7.4-расм.

Жумладан, бакалавриатнинг кундузги бўлимларини 52011 нафар (18246 нафари давлат гранти асосида, 33765 нафари тўлов-контракт асосида), махсус сиртқи бўлимларини 6140 нафар (1236 нафари давлат гранти асосида, 4904 нафари тўлов-контракт асосида), магистратурани 8275 нафар (1448 нафари давлат гранти асосида, 6827 нафари тўлов-контракт асосида) ёш мутахассис битириб чиққан.

XX1 аср ахборот технологиялари асри деб эътироф этилиши ҳисобга олинса, **баркамол авлодни шаклантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-муррабийларнинг меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришни самарали тизимини яратиш** муҳим аҳамият касб этади (3.7.5-расм).



3.7.5-расм.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман илм-фан инсонларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга ундаб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни ташкил қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш зарурлигига эътибор қаратди.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли, талантли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада валюта маблағлари билан таъминлашни таклиф этилди.

Ўтган йиллар мобайнида умумтаълим мактаблари бўйича ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, физика лаборатория хоналари билан таъминланганлик даражаси 71,2 фоизга, кимё лаборатория хоналари 68,4 фоизга, биология лаборатория хоналари 68,4 фоизга, ўқув компьютер синфлари 54,7 фоизга ошди, 2010 йилда ўқув компьютер синфлари билан таъминланганлик даражасини 76,3 фоизга етказиш режалаштирилмоқда (3.7.6-расм).

Замонавий информацион ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқалари ва Интернет тизимини ҳар бир оила ҳаётига кириб келишини таъминлашга кўмаклашиш борасида республикамизда барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Таълим тизими ўзининг ZiyoNET тармоғига эга бўлиб бунда, таълим тизими, таълим муассасаларидаги ҳаёт, илм-фан ва бошқа янгиликларни, маълумотларни ўзида мужассам этган.

Ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида, ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш – баркамол авлодни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларининг ўқув-лаборатория хоналари билан жиҳозланиши



3.7.6-расм.

Болалар спортини ҳамда жисмоний тарбия соҳасидаги ишларни ривожлантириш, ёшларни узлуксиз спорт машғулотларига кенг жалб қилиш, мақсадида «Баркамол авлод-2011» спорт ўйинларини, «Унверсиада-2010» спорт ўйинларини ўтказиш, давлат ва халқаро стандартлар асосида 79 та болалар спорт масканларини замонавий спорт инвентарлари ва жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2010 йилда Сингапурда ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги биринчи Олимпия ўйинларга тайёргарлик кўриш ва қатнашиш, ёшлар ўртасида оммавий спорт ўйинлари (футбол, волейбол, баскетбол)ни ривожлантириш, ногирон болалар ўртасида спорт мусобақаларини ўтказиш, халқаро тоифали спорт усталари билан «мастер-класс» учрашувларини ташкил этиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда спортга жуда ҳам катта аҳамият қаратилмоқда, бу масалага ҳукумат даражасида эътибор қаратилиши натижасида юртимизда жаҳон миқёсида ўтказилаётган спорт беллашувларида юртимиз байроғини юқори кўтарилишига эришилмоқда. Жумладан, катталар ва ўсмирлар олимпия спорт турлари бўйича 5 та олтин, 5 та кумуш ва 12 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Мамлакатимизда спортга ёш қизлар ва аёллар ҳам кенг жалб этилган. Ҳозирги кунда республикамиз бўйича 25% аёл ва ўқувчи қизлар, 23% уй бекалари спорт тўгаракларига қатнашиб келишмоқда.

7.4. Ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти

Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг, хусусан, қишлоқ жойлардаги ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш борасида мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларда чуқур билимли, юксак савияли, янгича фикрлайдиган ёшларнинг иштирок этишини таъминлаш барчамизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз ҳисобланади. Чунки:

1) бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади;

2) бугунги ёшлар – эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг бунёдкорларидир;

3) бозор иқтисодиётининг асосини ташкил этувчи тадбиркорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра таваккалчилик, ҳаракатчанлик, ишбилармонлик каби сифатларни тақозо этадики, буларнинг аксарияти кўпинча ёшларда мужассамлашган бўлади;

4) инсон меҳнатининг сермаҳсуллиги даражаси, унинг яратувчанлик қобилияти ёшлик даврида нисбатан юқори бўлади.

Жамиятимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши ва хусусий тадбиркорлик секторининг вужудга келиши ёшларнинг эркин касб танлаш, истаган фаолият тури билан шуғулланиши учун кенг имконият яратиб беради. Айниқса, уларнинг иқтисодиётдаги соғлом рақобатнинг манбаи сифатидаги кичик корхоналарни ташкил этишдаги роли бу борада улкан салоҳият ҳисобланади.

> 2010 йилда ўз олдимизга қўяётган юксак мақсад, вазифа ва режалар, қандай оғир бўлмасин, буларнинг барчаси аввало мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик ёшларимизнинг иқтисодий фаоллик, тадбиркорликни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари етарли бўлмаяпти. Баъзида бу фаолиятга интилиш бўлгани билан, маълум маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тақчилликлар сезилмоқда. Шунга кўра, фикримизча, мамлакатимиздаги ёшларнинг иқтисодий фаоллигини янада кучайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим ҳисобланади:

1. Мактаблар, ўрта-махсус билим юртлари ҳамда олий ўқув юртларида иқтисодий ва ҳуқуқий таълим беришни янада кучайтириш.

2. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ёшларнинг ижодий марказлари, конструкторлик ва технологик бюролари, илмий ғояларнинг амалий татбиқини йўлга қўювчи бўлинмаларни ташкил этиш.

3. Республикадаги ёшлар билан шуғулланувчи муассасалар, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг ўз мақсад йўналишидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларини жонлантириш.

4. Мамлакатимиздаги корхоналарнинг ўқув юртларидаги бўлғуси мутахассислар билан ўзаро алоқасини йўлга қўйиш.

5. Корхоналарда ёшларнинг ўз ижодий ва ички имкониятларини тўлиқ намойиш эта олишлари, моддий, маданий ва маиший эҳтиёжларини қондира олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

6. Республика шаҳар ва туманларидаги меҳнат билан бандлик хизматлари фаолиятида ёшларга алоҳида эътибор ажратиш, ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатидаги хусусиятларини назарда тутган ҳолда турли йўналишдаги хизматларни ташкил этиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг амалга оширилиши ёшларнинг мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришдаги ҳиссаларини янада оширишда, уларнинг миллий мафкура ҳамда умумхалқ манфаатларининг фаол курашчисига айланишида муҳим омил вазифасини бажаради.

Шунингдек, олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари битирувчилари ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этишнинг фаол тадбирларини амалга ошириш муҳим ҳисобланади (3.7.7-расм).



3.7.7-расм.

Ёшларнинг ижодий ва интелектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларнинг илмий ишларга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш борасида қайси йўналишда фаолият олиб бормасинлар, ёшларимиз доимий равишда ҳукуматимиз қўллаб-қувватлашларидан бахраманд бўлиб келмоқда (3.7.8-расм).

Бугунги кунда республикамизда фаолият юритаётган 303 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида 40,1 минг нафар ўқувчи ёшларга 6,4 мингга яқин устозлар сабоқ бермоқдалар.



3.7.8-расм.

2009 йил фан олимпиадаларининг республика босқичида жами 437 нафар ўқувчи-талабалар иштирок этиб, улардан 56 нафари ғолиб бўлдилар (3.7.3-жадвал).

3.7.3-жадвал. 2007-2009 йилларда Халқаро фан олимпиадаларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кўрсатган натижалари тўғрисида маълумот

Йиллар	Фанлар номи	Иштирок чилар сони	Ўтказилган жойи	Жами медаллар сони	Олтин медал	Кумуш медал	Бронза медал	Диплом
2007 йил	Математика	6	Въетнам	**4**		1	3	
	Математика	8	Москва	**0**				3
	ЖАМИ	**14**		**4**	**0**	**1**	**3**	**3**
2008 йил	Физика	4	Олмаота	**2**		1	1	
	Математика	4	Олмаота	**1**			1	
	Математика	6	Испания	**4**			4	
	Кимё	13	Тошкент	**13**	1	1	11	
	ЖАМИ	**27**		**20**	**1**	**2**	**17**	
2009 йил	Математика	6	Германия	**3**		1	2	
Умумий жами		**47**		**27**	**1**	**4**	**22**	**3**

Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларга ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оилани барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш борасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

- ёш оилаларга уй жой ҳарид қилиш учун кредитлар бериш;
- 2010-2011 йиллар давомида Тошкент шаҳар, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 32 та хонадонларни ёш оилаларга кейинчалик харид қилиш шарти билан ижарага бериш;
- 42 та бахт уйларини қуриш ва қайта таъмирлаш;
- республикамиздаги барча туман ва шаҳарларда 10 та кам таъминланган оилаларнинг тўйини ўтказиб бериш;
- барча туманлардаги 50 та кам таъминланган ёш оилаларга биттадан бепул қора мол ажратиш;
- ёш ва кам таъминланган оилаларга ҳар ойда моддий ёрдамларни амалга оширишда кўмаклашишлари назарда тутилмоқда.

7.5. Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш – долзарб вазифа

Ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш, уларни наркомания, маънавиятсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш мақсадида:

- «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ўқув юртларида «Биз гиёҳвандликга қаршимиз» фестивалини ташкил этиш;
- ёшлар орасида ВИЧ-инфекция ҳақида буклетлар, плакатлар, тарқатма материалларни миллий қадриятларга мос равишда ишлаб чиқиш ва тарқатиш;
- дам олиш истироҳат боғларни, маданият саройларни, майдонларни қайта тайёрлаш;
- 71 та ҳарбий чақирув пунктларини капитал таъмирлаш;
- ҳудудларда ёшлар телерадио студиалари, матбуот марказларини ташкил этиш;
- маҳаллаларда ёшлар ва аҳоли ўртасида терроризм, миссионерлик каби салбий ҳолатлар бўйича тушунтириш

> Бу буюк вазифаларни амалга ошириш учун халқимизнинг фидокорона меҳнати билан тўпланган салоҳиятимиз ва имкониятимиз бор, куч-қудратимиз етарли. Энг муҳими, эртанги кунга бўлган қатъий ишончимиз бизга мустаҳкам пойдевор бўлажак.
>
> ***И.Каримов (маърузадан)***

ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мазмун ва моҳиятини тушунтиришни тизимли асосда оммавий ахборот ишлари орқали ташкил этиш, ундаги ҳар бир инсон ўрнини кўрсатиб бериш ҳамда бу дастурни амалга оширилишида барча фуқароларни фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадини амалга оширишда маҳалла, ўқув юртларида ва барча ташкилотларда давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Дастурни кенг жамоатчиликка ҳавола этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишидаги маърузасини - «Баркамол авлод» китоби шаклида нашр этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Келажак ёшлар қўлида» тўпламини нашр этиш, «2010 йил – Баркамол авлод йили» плакатлар мажмуасини чоп этиш кўзда тутилмоқда.

Юқоридагилардан кўринадики, 2010 йилда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш борасидаги ишларимизнинг узвий, ажралмас қисми ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда 2010 йилга «Баркамол авлод йили» деб ном бериши сабаблари нималардан иборат?
2. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг аҳамияти, асосий йўналишлари ва муҳим вазифалари тўғрисида маълумот беринг.
3. Таълим соҳасида барпо этилган моддий-техник базадан оқилона ва самарали фойдаланишнинг қандай йўллари мавжуд?
4. Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
5. Битирувчи ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
6. Ёшларни илм-фанга жалб этиш ва рағбатлантириш мақсадида Дастурда қандай вазифалар белгиланган?
7. Соғлом ва мустаҳкам оила масаласининг устуворлиги нима билан изоҳланади?
8. Қуйидаги иборанинг маъносини изоҳланг: «Униб-ўсиб келаётган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб етишиши – энг улуғ, энг муқаддас мақсад».

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

3. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

5. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

6. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

19. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

20. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

21. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б. (электрон версияси билан).

22. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари. Экспресс-тестлар. (Бекмуродов А.Ш., Амонбоев М.А., Каттаев Н.Т.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 15 б. (электрон версияси билан).

23. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари.

ЎЗБЕКИСТОН САМАРАЛИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ЖАҲОНДАГИ ЭЪТИРОФИ

Масъуд АСАД, “Gulf University” олий ўқув юрти Санъат ва фан факультетининг оммавий комуникация департаменти раҳбари, сиёсатшунослик фанлари доктори (Қувайт):

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан танланган, биринчи галда, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш, кучли ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини амалга ошириш учун дастлабки шарт-шароитларни шакллантириш, барча соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш йўли ўзининг ҳаётийлигини намоён этгани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Мамлакат раҳбарининг бошқалар юрган йўлдан бормай, ўз йўлини танлаши муҳим аҳамият касб этади. У “шок терапияси” ва иқтисодиётнинг ҳамда ўз фуқароларининг хонавайрон бўлиши йўлини танламади, уларни тақдир ҳукмига ташлаб қўймади. Биз бундай вазиятларда баъзи давлатлар қандай аҳволга тушиб қолганликларини яхши биламиз. Ҳозирга келиб уларда на тараққиёт ва на барқарорлик сезилмоқда.

Эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири мамлакатда белгиланган барча режаларни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш учун мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани ва иқтисодий тараққиёт жараёнининг давлат томонидан тартибга солинишидир.

Дунёда содир бўлаётган ҳозирги аҳвол, шу жумладан, кечаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон раҳбарининг бу борада олиб бораётган ички сиёсати тўғри эканлигини кўрсатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 16 апрель, №77)

Эмилио БОНИФАЦИ, Гроссето (Тоскана маъмурий бўлинмасига қарашли) шаҳри ҳокими (Италия):

- Ўзбекистон Президентининг асарида мамлакатдаги иқтисодий вазият, глобал иқтисодий инқироз дунёнинг бирон бир давлатини четлаб ўтмаётган даврда мамлакатни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлини топиш борасида ҳукумат олдида турган кўплаб вазифалар аниқ ва равшан баён этилади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистонда қисқа муддатларда амалга оширилиши мўлжалланган инқироз оқибатларига таъсир кўрсатувчи амалий ташаббусларни таклиф этмоқда. Ўзбекистон Президентининг хулоса ва таклифлари бошқа минтақаларда жойлашган мамлакатларда ҳам муваффақият қозониши мумкин.

Президент Ислом Каримовнинг асарини мутолаа қилар экансиз, жаҳон молиявий инқирози билан боғлиқ муаммолар, хусусан, глобал инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига жиддий таъсирини камайтириш мумкин бўлган йўлларни излаш масалалари нақадар теран ҳал қилинганидан ҳайратга тушасиз. Дунёдаги аксарият ҳукуматларнинг кун тартибига эндигина киритилган, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ҳақидаги мавзу Президент китобида кенг муҳокама қилинади ва муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик фаолияти учун кўмак бериш, кредитларни қўллаб-қувватлаш ва давлат томонидан олиб борилган самарали сиёсат Ўзбекистон шароитида молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш борасида танланган йўлнинг тўғри эканлигини кўрсатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 21 апрель, №79)

Б. АШАВСКИЙ, Россия Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия академиясининг халқаро долзарб муаммолар институти катта илмий ходими, профессор:

- Ислом Каримовнинг китоби, биринчидан, иқтисодий ва молиявий инқироз шароитида жаҳон хўжалигига асосли баҳо берилган жиддий таҳлилий асардир.

Иккинчидан, энг муҳими, жаҳонда “Ўзбек модели” деб тан олинган тараққиёт модели яна бир бор ўзининг яшовчанлиги ва самарадорлигини тасдиқлади. Менимча, Ўзбекистон ўз вақтида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг эволюцион йўлини танлаганига эътироз билдириш қийин. Тан олиш керак, бу йўл афзаллиги билан Ўзбекистонни бошқа давлатлардан ажратиб туради.

(Халқ сўзи, 2009 йил 29 апрель, №85)

А. ЛОКЕ, Италиянинг Осиё ва Ўрта Ер денгизи институти бош котиби, “Италия - Ўзбекистон” дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёркин ва интилувчан сиёсатчи ҳисобланади. Ушбу китоб эса унинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги қарашлари ҳамда тажрибасини намоён этди. Унинг концепцияси халқаро ҳамжамиятда юзага келган фавқулодда жиддий вазиятларда ишлаб чиқилган ва эълон қилинган.

Ислом Каримов мамлакатлар ўзаро иқтисодий в молиявий боғлиқлигини, минтақавий ва халқаро бозорда глобаллашувнинг тобора авж олаётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати томонидан инқироз ҳолатининг яқинлашуви пайтида ўз фуқароларини ҳимоя қилиш, шунингдек, инқироз юзага келганда унинг салбий оқибатларини енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадирлар ўз самарасини бераётганини аниқ ифодалаб беради.

G20 гуруҳига кирувчи давлатлар раҳбарларининг саммитида қабул қилинган ички бозор талаби билан шуғулланувчи жамғармалар иштирокида инқирозни самарали бартараф этиш, хусусан, глобал молиявий тизим устидан кучлироқ назорат ўрнатиш борасидаги қоида ва тизимлар мажмуини яратиш билан боғлиқ қарорларнинг асосини ташкил этувчи сиёсий фалсафага Ўзбекистон ҳукумати томонидан илгарироқ амал қилинган ва Президент Ислом Каримовнинг китобида ёритиб берилган.

Лондонда олий даражада маъқулланган қарор Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ хўжалик тармоғида, банк тизимида, кичик корхоналарни қўлаб-қувватлаш ва рақобатдошлигини ошириш, аҳолининг иш билан тўлиқ таъминланиши ва қаровчисини йўқотган оилалар ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби мамлакатда амалга оширилиши аллақачон бошланган, инқирозга қарши танланган чоралари тўғрилигини кўрсатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 12 май, №95)

Аҳмад Рашид МАЛИК, Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти (Покистон):

- Глобал инқироз Ўзбекистонга деярли таъсир ўтказмади. Бундай барқарорлик замирида ривожланиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилганлик ва иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш сиёсати ётибди.

...Президент Ислом Каримов таълим соҳасини ҳеч қачон давлат учун серхаражат соҳа деб билмаган. У таълим тизимига мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётига йўналтирилган сармоя сифатида қарайди. Эътиборлиси, мамлакат бюджетининг 60 фоизидан зиёди ижтимоий эҳтиёжларга йўналтирилган. Дунёнинг кўпгина ривожланаётган мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу тажрибасини қўллаши лозим. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қарз олиш ҳажмини паст даражада сақлаб турибди.

(Халқ сўзи, 2009 йил 20 июнь, №123)

А.ДЮЛЕ, Франция сенатидаги “Франция – Марказий Осиё” дўстлик гуруҳи раиси, сенатор:

- Ўз миллийлиги ва урф-одатларини сақлаган ҳолда, Ўзбекистон барча йўналишларда ривожланишда давом этмоқда. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози боис Марказий Осиёдаги иқтисодий вазият ҳам ўзгарди. Бироқ Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама ўйланган

иқтисодий, ижтимоий ва банк сиёсати туфайли муаммони катта талафотсиз енгиб ўтмоқда. Кўплаб халқаро кузатувчилар иқтисодий ривожланишнинг ўзбек моделини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Молиявий-иқтисодий инқирозни енгиб ўтиш учун кўплаб мамлакатлар Ўзбекистондан ўрнак олса арзийди.

(Халқ сўзи, 2009 йил 11 август, №157)

Кларк ПЛЕКСИКО, Миллий демократия институти вакили (АҚШ):

- Ўзбекистон сиёсий тизимидаги катта ўзгаришлар аниқ ва шубҳасиздир. Ўзбекистонга ташрифим давомида демократиянинг сиёсий пойдевори, кучли фуқаролик жамияти институтлари ва авваламбор, сиёсий партияларни ташкил этишда кўплаб ютуқларга эришилганининг гувоҳи бўлдим. Марказий сайлов комиссияси депутатликка номзодларга уларнинг сайловда иштирок этиши учун тенг имкониятлар яратиб бераётгани ҳам ижобий омил саналади. Бу борада оммавий ахборот воситалари ҳам номзодлар ва электорат ўртасида самарали воситачига айланади.

Норазиза БОРХОН хоним, Малайзиянинг Тадбиркор хотин-қизлар ассоциацияси президенти:

- Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Иттифоқ парчаланиб кетганидан сўнг айрим давлатлар тушиб қолган ҳар хил сиёсий ва иқтисодий қарамликларни четлаб ўтиш борасидаги оқилона қарори энг юқори баҳога муносибдир. Бундай давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон табиий захираларини гаровга тикмади ва уларнинг нархлар котировкаси гаровида қолмади, “шок терапияси” усулини қўлламади, балки аксинча, халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий сармоялар воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, табиий ва стратегик ресурсларни тақсимлаш масаласига оқилона ёндашилди.

(Халқ сўзи, 2009 йил 12 сентябрь, №180)

П.МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университетининг фалсафа ва ижтимоий фанлар профессори (АҚШ):

- Ўзбекистонда оммавий ахборот восиаталари жуда ривожланган. Бу эса демократик давлатни ривожлантириш учун жуда муҳим. Менимча, бу – Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Эркин сайловларни ўтказиш учун электоратнинг маълумотга эгалиги катта аҳамиятга эга. Давлатингиз раҳбари таълим ва кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда гап фақат мактаб ўқитувчилари ва талабалар ҳақида эмас, балки сайловчилар барча зарур ахборотни оладиган кўплаб оммавий ахборот воситалари тўғрисида ҳам бормоқда.

(Халқ сўзи, 2009 йил 15 сентябрь, №181)

Мег ЛАНДСЕЙГЕР, Аге БЕККЕР, Амбуаз ФАЙОЛЬ, Хэ Цзянь СЮН, Томас Мозер, Клаус Д. ШТАЙН, Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директорлари:

- Ўзбекистон ҳукумати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди.

Глобал инқирознинг Ўзбекистонда экспортни камайтириш шаклида намоён бўлган ички иқтисодий оқибатларини назорат қилиш ва инфляцияни жиловлаш яқин вақт ичида мамлакат иқтисодий сиёсатининг асосий вазифалари бўлиб қолади. Ҳукумат ички бозордаги талабни рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқди ва биз уни маъқуллаймиз.

Ўзбекистон – улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу салоҳиятни мустаҳкам асосга эга бўлган юксак иқтисодий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янада кенгроқ ишга солиш лозим. Мамлакат иқтисодий салоҳиятидан аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш учун фойдаланиш иқтисодий сиёсатнинг ўрта муддатга мўлжалланган асосий вазифаси ҳисобланади.

Биз Халқаро валюта жамғармаси ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида қарор топган самарали ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлаймиз.

(Халқ сўзи, 2009 йил 16 октябрь, №202)

Жером де ля ПОРТ, Руан университетининг ҳуқуқшунос профессори (Франция):

- Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Коституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқар эканман, мамлакат раҳбариятининг 2010 йилни “Баркамол авлод йили” дея эълон қилишини қўллаб-қувватлайман. Бу – ҳукуматнинг ҳар томонлама ривожланган ёш авлодни тарбиялашга эътибори юқори эканини очиқ-ойдин кўрсатади. Ўзбекистонда бўлиб, мен мамлакат ёшларининг саводхонлиги ва чет тилларини, хусусан, француз тилини пухта билишлари билан ажралиб туришларига шахсан амин бўлдим. Дарҳақиқат, ёш авлод мамлакатнинг ўзи сингари изчил ва юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

...Ўзбекистон – ишончли шерик ҳисобланади. Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакат 2009 йилда улкан иқтисодий ўсиш суръатини намойиш этди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг профессионал ва билимдон иқтисодчи Ислом Каримов раҳбарлигидаги тараққиёт йўли тўғри эканидан далолат беради. Ўзбекистон Президентининг шахси ва у олиб бораётган оқилона сиёсат, Францияда ривожланган жамият барпо этишга, кўп жиҳатдан, меҳнати сингган генерал Шарль де Голлни эслатади.

(Халқ сўзи, 2009 йил 17 декабрь, №243)

Лим Жонг МЁНГ, “Дипломаси” журнали вице-президенти (Жанубий Корея):

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, қирққа яқин сайлов округида депутатликка номзодлар етарлича овоз тўплай олмаган. Шу боис яқин кунларда бундай сайлов округларида қайта овоз бериш ўтказилади. Бу Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилиги, амалдаги сайлов тизими умумэътироф этилган халқаро нормалар – демократия, ошкоралик, муқобиллик ва кўп партиявийлик тамойилларига тўлиқ мос келишининг амалдаги тасдиғидир. Айни пайтда мазкур жараён ҳам жамоатчиликда, ҳам халқаро жамиятда мамлакатингизнинг сайлов тизимига бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилади.

...Ўзбекистонда сайлов тизимининг менга ёққан яна бир жиҳати шуки, сайлов куни муайян сабабларга кўра сайлов участкасига кела олмайдиган фуқароларга махсус кўчма қути олиб борилади ва уларга овоз бериш учун имконият яратилади. Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳурматнинг бундай ёрқин ифодасини ҳеч бир мамлакатда учратмаган эдим.

Сафо Маҳмуд АЛ-ЖАНАБИЙ, “Orient Consulting & Legal Translation” компанияси бош директори (Бирлашган Араб Амирликлари):

- Демократиянинг муҳим институти бўлган сайлов халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий воситасидир. Сайлов куни бир нечта участкаларда бўлдим. Мамлакатингиз парламентига сайлов уюшқоқлик билан ўтказилди. Бунга ҳар бир сайлов участкасида гувоҳ бўлиш мумкин эди.

Сайловчилар эркин, яширин равишда овоз берди. Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, мамлакатингизда сайловнинг кўп партиявийлик, муқобиллик асосида ўтгани, ҳар бир фуқаронинг тўғридан-тўғри овоз бериши унинг демократик тамойилларга, халқаро нормаларга мослигидан далолат.

(Халқ сўзи, 2009 йил 30 декабрь, №251)

Ван Аҳмад Ван УМАР, Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари:

- Ҳукумат томонидан юритилаётган пухта сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатни моҳирона бошқариш, айниқса, ривожланган давлатлар иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда, миллий иқтисодиётни юксалтиришда ижобий натижаларнинг қўлга киритилгани Ўзбекистон танлаган ва одимлаётган йўлнинг тўғрилиги ҳамда ишончлилигидан далолатдир.

Электоратнинг сайловда фаол иштирок этиши овоз берувчиларнинг юксак сиёсий маданиятини намоён қилди, будан ташқари, парламент қонунчилик палатасида депутатларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та ўрин ажратилишининг қонун билан белгилаб қўйилиши улкан аҳамият касб этади.

Аҳмад Фуад бин ИСМОИЛ, Куала-Лумпур шаҳри ҳокими:

- Мамлакатда тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратилган, шу билан бирга, Ўзбекистон ажойиб инвестиция салоҳиятига эга. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга қизиқишларини орттирмоқда.

Евгений ВОЙКО, Россия Сиёсий конъюнктура марказининг ташқи сиёсат бўйича етакчи эксперти:

- Ўзбекистон янги сиёсий мавсумга чиқди ва мамлакат Президентининг маърузаси, бу – бир вақтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг олдинги таркиби фаолиятининг якунлари бўйича хулосалар чиқариш ва унинг янгиланган таркибига муваффақият тилаш ҳамдир.

...Айнан депутатлар фаолиятидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мамлакат олдидаги жамият ҳаётининг барча тароқларини модернизация қилиш ва Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги вазифаларни тизимли тарзда ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, Ислом Каримовнинг ҳуқуқий нигилизмдан қочиш ва қонунни жорий қилиш тажрибасининг самарадорлигини ошириш зарурлигига оид фикрини эътиборга молик, деб ҳисоблайман. “Қонун” тушунчасининг ўзини теран англаб етмасдан, унга тизимли равишда ёндашмасдан туриб, фуқаролик жамияти пойдворига қурилган, жадал суръатларда ривожланаётган замонавий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳуқуқий масаланинг долзарблашуви – халқ томонидан сайланган вакилларни мамлакатнинг келгуси тараққиёти сари ундовчи муҳим даъватдир.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибаси мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам фойдалидир, зотан, маърузада келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат Инқирозга қарши чоралар дастурининг салоҳияти юқори эканлигига очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турибди.

(Халқ сўзи, 2010 йил 6 февраль, №26)

Ольга ПАВУК, “Балтийский курс” интернет журнали бош муҳаррири (Латвия):

- Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зонанинг алоҳида қизиқарли томони шундаки, бунда бир вақтнинг ўзида ўзаро бири-бирини тўлдирадиган ва ривожланишига ёрдам берадиган юк ташиш ҳамда ишлаб чиқариш йўналишлари ташкил этилади ва ривожланади. Навоий вилоятида ҳар иккала йўналиш фаолияти учун ҳам қулай имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг истиқболли давлатлардан бири саналади, ҳозир бугунги кун учун энг долзарб йўналишлардан бири саналган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонадаги лойиҳаларга сармоявий улуш қўшишни жонлаштиришнинг вақти келди.

(Халқ сўзи, 2010 йил 24 февраль, №38)

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»
ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Услубий қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларининг мазмун моҳиятини талаба ёшларга етказиш, унда кўтарилган, яъни иқтисодиётни модернизация қилиш ва 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини улар онгига сингдириш бўйича ўқитишнинг технологиялаштириш қоидалари, усул, воситаларидан фойдаланишнинг таълим технологияси келтирилган.

Тузувчилар: иқтисод фанлари номзоди, доцент Ш.Мустафакулов,
педагогика фанлари номзоди, доцент Д.Файзуллаева,
катта ўқитувчи К.Ахметова,
катта ўқитувчи Н.Каттаев.

М У Н Д А Р И Ж А

Муқаддима…….....…….....…….....……..... 179

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув курсининг маъруза ва семинар машғулотларининг таълим бериш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари..... 181

Маъруза машғулотлари

1-мавзу. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси..... 184

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели…….....……..……....….. 184

1.2. Маърузанинг технологик харитаси…….....…….....….. 185

2-мавзу. Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир 206

2.1. Таълим бериш технологиясининг модели……..... 206

2.2. Муаммоли маърузанинг технологик харитаси…….....….. 207

Амалий машғулотлар

1-мавзу. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши..... 214

1.1. Таълим технологиясининг модели…….....…….....…….. 214

1.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси 215

2-мавзу. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари 220

2.1. Таълим технологиясининг модели…….....……..... 220

2.2. Семинар машғулотининг технологик харитаси 221

МУҚАДДИМА

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Ушбу қоида айниқса, ҳозирги шароитда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки, 2008 йилда бошланган ва 2009 йилда жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган глобал молиявий-иқтисодий инқироз салбий таъсир оқибатларининг олдини олиш турли даражалардаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни амалга оширишда ўзига хос изчилликни, хатти-ҳаракатларнинг ҳар томонлама ўйланганлиги ва асосланганлигини, туб ислоҳотларни амалга оширишнинг босичма-босқичлигини, режа ва мақсадларга томон ҳаракатдаги собитқадамликни тақозо этади. Мамлакатимизда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитларида барқарор ўсиш суръатларининг сақланиб қолиши эса танланган мустақил тараққиёт йўлимиз ва унга мувофиқ амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатимизнинг нечоғлик тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Ушбу масалаларнинг кенг таҳлили ҳамда уларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида шу йилнинг 29 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов маъруза қилди. Унда мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини таъминлашга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон-молиявий инқирози шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг “ўзбек модели” сифатида эътироф этилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойилига асосланган ва республикада танланган иқтисодий йўлнинг тўғрилигини инкор қилиб бўлмайдиган яна бир бор исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, маърузада 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

1) Ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;

2) Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш;

3) Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш;

4) Асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

5) Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш;

6) Аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш масалаларини ҳал этиш;

7) 2010 йил - “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб номланиши ҳамда бу борадаги махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ёшларнинг жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб етиши йўлида барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Ҳавола этилаётган мазкур ўқув-услубий мажмуа махсус ўқув курснинг ёритилиши ва ўқув қўлланмада баён этилган фикр ва мулоҳазаларни талабаларга етказиш мақсадида олий таълимнинг иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 8 соатлик (4 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари), ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 6 соатлик (4 соат маъруза, 2 соат семинар машғулотлари) ҳажмида тайёрланган. Ўқув-услубий мажмуа асосан ушбу махсус курс бўйича тақсил берадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба (ўқувчи)лар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “*Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир*” ҳамда *«Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»* маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув курсининг маъруза ва семинар машғулотларининг таълим бериш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари

Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжимиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланаётган бир даврда, унинг иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, соҳаларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва жаҳон стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун мутахассис кадрларни янги талаблар ва услублар асосида тайёрлаш, уларга замонавий билимларни бериш долзарб масалалардан биридир.

Шундай экан, Ўзбекистон ёш, ривожланаётган мамлакатлар ичида биринчилардан бўлиб таълим тизимини ислоҳ қилишга киришди ва Республикамизда кадрлар тайёрлаш “Миллий дастур”и ва “Таълим тўғрисидаги” қонунлар қабул қилинди.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” китоби, Олий мажлиснинг биринчи сессиясида қилган маърузаларидан келиб чиқиб, республикамизда касблар йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу соҳада, яъни кадрлар тайёрлаш ва таълим самарадорлигини оширишда бир қатор лойиҳалар, иқтисодий таълим ислоҳотлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кишиларнинг умумтаълим ва профессионал малака даражасини ошириш, янги талаблар асосида кишиларнинг саводҳонлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимини жорий қилиш борасидаги ташаббуслари негизида иқтисодий соҳаларда етук мутахассислар ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш орқали тармоқлардаги ўсиш параметрларининг яхшиланишига эришилмоқда.

Маълумки, узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, энг аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий–техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув – тарбия жараёнига кириб келиши оқибатида, шунингдек ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир инсон учун ўз касбий тайёргарлигини, маҳоратини кучайтириш имконияти яратилди.

Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик ва дидактик талаб талаба (ёки ўқувчи)нинг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, ўқув фанига қизиқишни кучайтириш, касбий билимларини фаоллигини оширишдан иборатдир. Иқтисодий таълимда педагогика тажрибаси, замонавий педагогик технологияларининг талаба (ёки ўқувчи)ларни фанларга қизиқтиришга, уларнинг мустақил ишлашда фаолликларини оширишда имконияти чексиз эканлиги тасдиқланмоқда.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун–сайин ошиб бораётган ахборот–таълим муҳити шароитида мустақил фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур. Айтиш лозимки, таълим соҳаси жамият ҳаётининг иқтисодий соҳасида ўзига хос муҳим аҳамият касб этса, таълим фаолияти эса, жамият иқтисодий ривожланишининг муҳим бир бўлаги ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодий таълим жараёнини технологиялаштириш, аниқ вазифаларни қўйган ҳолда, дарс машғулотларининг усул ва воситаларини тўғри танлаш орқали шахснинг интеллектуал салоҳияти ва ижодий қобилиятини ривожлантириш, жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг иқтисодий билим ва малакасини ошириш, тезкор таълим учун шарт-шароит яратиш мумкин.

Иқтисодий таълим-тарбия кишиларнинг иқтисодий тафаккури, ахлоқий ва ишчанлик сифатларини, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини оширишга имкон беради; иқтисодий таълим-тарбия натижасида уларда ташаббускорлик, тежамкорлик, жамоат мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кўникмалари шаклланади, ўз-ўзига талабчанлик ва масъулият ҳисси ортади. Иқтисодий тарбия натижасида технологик жараёнлар ва жиҳозларнинг янгиланиши, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, шахсий муваффақият ва фаровонликка олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг **“Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” ҳамда** “**Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир**” маърузаларини ўрганиш ўқув курсининг мақсади ва вазифалари ҳамда таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндошувларини келтирамиз:

Ўқув курсининг мақсади. Президентимиз томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ва якунланган 2009 йилда амалга оширилган туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг кўлами ва 2010 йилда Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишларнинг мазмун моҳиятини ўргатиш ҳамда талаба ёшларда мазкур вазифаларни амалга оширишда кутилаётган ижобий ўзгаришлар тўғрисида билим ва кўникмалар мажмуасини шакллантиришдан иборат.

Ўқув курсининг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун мазкур махсус курсда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган**:**

- талабаларда жаҳон молиявий-иқисодий инқирози чуқур тус олган шароитда ўтган 2009 йил якунларини тизимий таҳлил этиш ва 2010 йилда юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар тўғрисида кенг тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш;
- ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш бўйича билимларни шакллантириш;
- банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва банкларнинг капиталлашув ва инвестициявий фаоллигини янада оширишдан кутилаётган асосий мақсад тўғрисида фикрлаш ва мушоҳада юритиш кўникмасини ҳосил қилиш;
- мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш бўйича талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш;
- иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларини амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатининг аҳамиятини очиб бериш, бу борада талабаларда билимлар мажмуасини ривожлантириш;
- қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурини амалга оширишдан кутиладиган натижа тўғрисида талабаларда ҳар томонлама асосланган, реал нуқтаи-назарлар ҳамда қарашларнинг тўғри асосда ишлаб чиқилишига йўналтириш;
- талабаларни аҳоли бандлиги таъминлаш, шу тариқа одамларнинг даромадини янада ошириш ва ҳаёт сифатини юксалтириш билан боғлиқ сабабий боғлиқликда хулосалар ясашга ўргатиш;
- “Баркамол авлод йили” давлат дастурида назарда тутилган, яъни ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом ўсиши, уларнинг энг замонавий интеллектуал билимларга эга бўлган, уйғун ривожланган инсонлар бўлиб, XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида қабул қилинганлигини англаш, талаба ёшларни ҳам мазкур тадбирларни амалга оширишда фаол иштирокчи сифатида ўзларини намоён этишларини уқтиришдан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилаётганда, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиқган ҳолда ёндошишни назарда тутади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғликлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик, тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларидан биридир. Бу жараён илмий билимларни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини аниқлаш, диалектик тафаккурни ва уларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш – бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиш услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзуий, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган), анжуман, аниқ вазиятларни ечиш), мунозара, муаммоли услуб, пинборд, ақлий ҳужум, тезкор –сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усуллари.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асоланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар) билан бир қаторда – чизмали органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари*:* талабалар билан тезкор қайтар алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Қайтар алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари*:* тезкор-сўров, ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ва бутун курс давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишнинг натижалари режали тарзда кузатиб борилади. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчилар (талабалар)нинг билимлари баҳоланади.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-мавзу	**Иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси**

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

***Машғулот вақти*-2 соат**	**Талабалар сони: 20 – 80 гача**
Машғулот шакли	**Кириш-ахборотли маъруза**
Маъруза режаси	1. Сайловлар мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг қонуний жараёни. 2. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар. 3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари. 4. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар. 5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили.

Ўқув машғулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши чораар дастурни амалга ошириш натижаси билан таништириш.

Педагогик вазифалар:	*Ўқув фаолияти натижалари:*
• ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуларга тузилмавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш;	• ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни тузилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб беради;
• Мамлакатимизда бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар тўғрисида маълумотлар бериш;	• Мамлакатимизда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларнинг мазмун-моҳиятини очиб берадилар;
• Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар ҳақида маълумотлар бериш;	• Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижаларни ёритиб берадилар;
• жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари билан таништириш;	• жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларини айтиб берадилар;
• инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлларини	• инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлларини кўрсатиб беради;

кўрсатиш; • солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар ҳақида маълумотлар бериш; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўллари ҳақида маълумот бериш; • мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларини ёритиб бериш.	• солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирларни санаб ўтади; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлларини айтади; • мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларини ёритиб беради.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. “Иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	***Фаолият мазмуни***	
	Таълим берувчи	***Таълим олувчилар***
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёраш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	
1. Мавзуга кириш *(15 дақиқа)*	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради *(1-илова)*. 1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(2-илова)*. 1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради *(3-илова)*.	Тинглайдилар. Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг қонуний жараёни сифатида	Тинглайдилар, ёзадилар.

	сайловларнинг ўрни ва аҳамиятини схемалар тарзида тушунтириб беради (4-илова). 2.2. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижаларни ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради *(5-илова).* 2.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларини слайдлар орқали тушунтириб беради *(6-илова).* 2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: ✓ 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашнинг аҳамиятини қандай изоҳлаш мумкин? ✓ Нима учун мамлакатимизда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор каратилмоқда? ✓ Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари нималардан иборат? 2.5. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирларни слайдлар орқали тушунтириб беради *(7-илова).* 2.6. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларини слайдлар орқали ёритади *(8-илова).*	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар, ёзадилар.
3. Якуний босқич *(10 дақиқа)*	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Мустақил ишлаш учун “**2009 йилда Мамлакатимизда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлар**” мавзусини тақдим этади ва Инсерт техникаси асосида мазкур ўқув материалини ўрганиб келиш вазифасини беради: *(9-10 иловалар*).	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-Илова


Маъруза машғулотлари
Махсус курснинг тузилмавий-мантиқий чизмаси
Ижтимоий - иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси
Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир
2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарор суръатларининг таъминланиши
2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари
Амалий машғулотлар

2-илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 0,5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

2,0 балл - «аъло»
1,5 балл - «яхши»
1,0 балл - «қониқарли»
0,5 балл - «қониқарсиз»

3-илова

Жонлантириш учун саволлар:

1. Мамлакатимизда бўлиб ўтган Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгшашларга сайловлар тўғрисида маълумот беринг.
2. Инқироз тушунчаси нимани билдиради?
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг (ЖМИ) қандай оқибатлари бўлади?
4. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатлари қандай намоён бўлмоқда?
5. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига таъсир кўрсатдими?

4-илова

Кўргазмали материаллар

1. Сайловлар мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштиришнинг қонуний жараёни









5-илова

2.Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида ўтган йилда куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишни таъминлашга муваффақ бўлдик.

И.А.Каримов

Президентимиз томонидан амалга оширилиб келинаётган йил якунлари ва келгуси йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олишдан кутилаётган ижобий жиҳатлар

1. Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигига яна бир бор баҳо бериш.

2. Халқимизнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати натижаларини эътироф этиш.

3. Келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш.

4. Иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги иқтисодий салоҳиятни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда янада тўлароқ сафарбар этиш ва бошқалар.

Инқирозга қарши чоралар дастури – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари”

1.Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

2. Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

3. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

4.Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

5. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.

Банкларнинг умумий капитали – банкларнинг ўз фаолиятларини (банк операцияларини) амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий ресурслари бўлиб, у банклар томонидан турли манбалар орқали жалб этилган пул капиталидан иборат. Банкларнинг умумий капитали хусусий капитал билан бир қаторда ундан бир неча баробар кўпроқ бўлган жалб этилган капитални ҳам ўз ичига олади.

Банкларнинг низом жамғармалари – банкларнинг доимий тасарруфида бўлган моддий ва пул маблағлари йиғиндиси бўлиб, уларнинг миқдори банклар ташкил топган чоғда низомда қатъий белгилаб қўйилади.



Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлари, депозитлари ва умумий капитали, млрд. сўм

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009
Кредитлар	3876,0	4104,2	4777,6	6374,4	8558,2
Депозитлар	1688,7	2544,5	3829,2	5771,6	8703,1
Шу жумладан:					
- юридик шахслар депозитлари	1239,2	1866,2	2834,6	4127,6	5953,2
- жисмоний шахслар депозитлари	449,5	678,3	994,6	1644,0	2749,9
Умумий капитал	930,9	1070,1	1502,6	2104,3	3010,4

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.



6- илова

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари



Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йуналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Кооперация алоқалари – турли соха ишлаб чиқариш тармоқларида маълум

Кредитор қарздорлик **–** корхона, ташкилот ёки муассасанинг тегишли юридик ёки жисмоний шахсларга тўланиши лозим бўлган пул маблағлари бўлиб, улар меъёрдаги (муддати ўтмаган) ҳамда муддати ўтган қарздорликларга бўлиниши мумкин.

Маҳсулот таннархи – маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ кетган барча харажатларнинг қиймати.

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижалар

Комплекслар номи	**Маҳсулот таннархининг пасайиши**	
	млрд. сўмда	**фоизда**
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть- кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машинасозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартизациялаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	**2079,5**	**20,38**



Иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича имтиёзлар

Иқтисодий ночор корхона мол -мулкини тижорат банкига ўтказиш ҳамда унинг асосида янгидан ташкил этилган корхонани қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди.

Уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди.

Бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш.

Банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

Банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш

Банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш.

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалик даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансдаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Корхонанинг банкротлиги – корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг ночорликка юз тутиши натижасида ўз қарз мажбуриятлари бажара олмаслиги. Корхона хўжалик судининг қарорига кўра расмий ҳолда банкрот деб эълон қилинади.

Молиявий соғломлаштириш – корхонанинг банкротлигини бартараф этиш ёки рақобатбардошлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар тизимини қўллаш орқали унинг молиявий ҳолатини соғломлаштириш.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланилувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Импорт ўрнини босиш самараси – маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида тежалган импорт маҳсулотлари қиймати.



7-Илова

4.Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар

Мамлакатнинг экспорт салоҳияти – муайян мамлакатнинг ўзида мавжуд бўлган ёки ишлаб чиқарилаётган ресурслари, маҳсулотларини экспортга чиқариш имконияти, қобилияти.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажми пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

Ташқи савдо айланмаси сальдоси – мамлакат экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

Мамлакат тўлов баланси – бу мамлакат халқаро операцияларининг баланс ҳисобварағидир, яъни мамлакат ҳудудига товарлар, хизматлар, капиталлар олиб кириш ва ундан олиб чиқиш кўрсаткичлари нисбати шаклидаги халқаро хўжалик тармоқлари комплексининг қиймат ифодаси.

Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари

2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни	ҳисобдан ўчириш
Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини қисқартириш	30 кундан 20 кунгача
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари муддатини узайтириш	2012 йилгача
Ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни узайтириш	30 кундан 60 кунгача



Ўзбекистонда солиқ ставкаларининг пасайтирилиши

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тури	2000 йил	2010 йил
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	31	9
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	15%, 25%, 36%, 40%	11%, 17%, 22%
Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15	7
Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	4,0	3,5
Ягона ижтимоий тўлов	40	25



Солиқлар – давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетларга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари учун ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдалганликлари учун мажбурий тўловлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга камайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

8-илова

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили

Кичик бизнес субъектлари **–** корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – алоҳида фуқаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолияти.

Микрофирма **–** кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.



Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил
Саноат	13,9	16,9
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9
Қурилиш	48,3	41,6
Савдо	48,1	46,5
Асосий капиталга инвестиция	23,1	23,7
Пуллик хизмат	48,5	48,7
Экспорт	12,4	14,6
Импорт	35,7	42,5



Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	**Тўлов миқдори**				**Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда**
	Аввал амалда бўлган		**Янги киритилган**		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	**сўмда***	**энг кам иш ҳақи миқдори бўйича**	**сўмда***	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	-60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	-50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	-75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	-56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	-96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	-70
Қурилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	-40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	-99,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	-70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	**5037660**	-	**830960**	-84



Бизнес-мактаб – тадбиркорларни, кичик корхоналарнинг раҳбарларини, кичик корхоналар учун мутахассисларни, ишсизларни, ўз ишини очмоқчи бўлган бошқа фуқароларни, кичик тадбиркорликнинг ривожланиши учун масъул бўлган хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи тузилма.

Ўқув-амалий марказлари – кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли дастурини амалга оширувчи тузилма.

Бизнес-инкубаторлар – махсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларига жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

Ижтимоий-амалий марказ – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

Технопарк – ўз ҳудудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

Бизнес-марказ – тадбиркорлар ва бизнесменларга сервис хизматлари кўрсатувчи тузилма.

Консалтинг – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Аудиторлик компанияси – бу турли йўналишдаги фирмаларнинг бозор ва бизнес соҳасидаги имкониятларини аниқлаб берувчи молия-хўжалик фаолиятини ялпи тафтиши билан шуғулланувчи муассаса.

Суғурта компанияси – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ҳодисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида қандай чоралар кўрилди?
2. Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилишнинг мазмуни ва аҳамиятини изоҳланг.
3. Кооперация алоқаларининг кенгайтирилиши ва мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйилишининг иқтисодиётга таъсири қандай?
4. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабнинг рағбатлантирилиши қандай амалга оширилмоқда?
5. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида корхоналар кредитор қарздорлигининг қайта кўриб чиқилиши натижаларини баҳоланг.
6. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг пасайтирилиши бўйича қандай натижаларга эришилди?
7. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижаларни таҳлил қилинг.
8. Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қандай амалий чоралар белгиланган?
9. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятига баҳо беринг.
10. Мамлакатимиз тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашда экспортнинг роли қандай?
11. Республикамизда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
12. Мамлакатимиз хўжалик субъектларига берилган қўшимча солиқ ва божхона имтиёзларини тушунтиринг.
13. Иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамиятини изоҳланг.
14. 2009 йилда кичик бизнес соҳасида қанча янги иш ўринлари ташкил этилди?
15. Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал этишда кичик бизнес имкониятларини тушунтиринг.
16. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишга қандай таъсир кўрсатмоқда?
17. Кичик бизнес имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича ўз фикрингизни баён этинг.

9-илова

2009 ЙИЛДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЭРИШИЛГАН АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ҲАМДА 2010 ЙИЛДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ПРОГНОЗЛАР

Президентимиз ўз маърузасида 2009 йилнинг ғоят мураккаб бўлганлигига қарамай мамлакатимизда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар салмоқли бўлганини таъкидлаб ўтди.

Хусусан, йил якунига кўра Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Статистик маълумотларда таъкидланишича, ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш суръати олдинги йилларга қараганда камроқ бўлсада, юқори даражада бўлган. Айниқса, 2009 йилда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсирида МДҲ мамлакатлари бўйича иқтисодий ўсиш эмас, балки аксинча, ўртача 6,7 фоиз ҳажмидаги иқтисодий пасайиш кузатилганини эътиборда тутилса, иқтисодиётимизнинг бундай шароитдаги ўсишининг нақадар аҳамиятли эканини тушуниш мумкин. Айни пайтда, кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг мутлақ қийматлардаги ўсиши барқарор равишда юксалиб келмоқда

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой етиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестициялар молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2008 йилдаги 9,0 фоиздан 2009 йилда 8,1 фоизга қадар, корхоналар ва аҳоли маблағлари улуши тегишли равишда 53,9 фоиздан 46,9 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 25,8 фоиздан 32,4 фоизга қадар кўтарилган.

1-жадвал. 2005-2009 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шуни айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди (1-расм).



1-расм.

Умуман олганда, мамлакатимизда 2009 йилда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича эришилган натижалар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- инфляция даражаси йилига 7-8 фоиздан ошмаган ҳолда сақланиб келинмоқда;
- олтин-валюта захиралари охирги 5 йил мобайнида 6 баробар ўсиб, ҳозирда деярли 1,5 йиллик импорт ҳажмини қоплайди;
- жами давлат ташқи қарзи ЯИМнинг 9,5 фоизини ташкил қилиб, экспорт ҳажмига нисбатан 26 фоиздан ошмайди. Бу кўрсаткичлар Жаҳон банкининг мезонлари бўйича “жуда ўртамиёна” деб таснифланади.

Ўзбекистоннинг инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

Шундан сўнг Президентимиз ўз маърузасида нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг айрим умумий хулосалари, уларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари хусусида қисқача тўхталиб ўтди.

Биринчидан. Экспертларнинг таҳлил ва хулосаларига кўра, жаҳон молиявий инқирозининг дунё мамлакатлари иқтисодиётига оғир таъсири тобора пасайиб боради ва 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг аста-секин ўсиши кутилади.

2009 йилда глобал иқтисодиётнинг ўсиши тахминан 1 фоизга қисқарган бўлса, жорий йилда дунёда иқтисодий ривожланиш 3 фоиз атрофида ошиши мумкин, бу эса инқирозгача бўлган даврдаги кўрсаткичлардан анча пастдир (2-расм). Расмдан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли 2008 йилда АҚШ иқтисодиёти олдинги йилга нисбатан 2,7 фоизга, Япония – 5,4 фоизга, Буюк Британия – 4,4 фоизга, Германия – 5,3 фоизга қисқарган. 2010 йилда жаҳон бўйича иқтисодий ўсиш кутилиб, у АҚШда 1,5 фоизни, Японияда 1,7 фоизни, Буюк Британияда 0,9 фоизни, Германияда 0,3 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда.



2-расм.

Иккинчидан. 2010 йилда ва кейинги йилларда банк тизимида ипотека ва истеъмол кредитлари бўйича қайтарилмаган кредитлар ҳажмининг ўсиши оқибатида банкротликнинг янги тўлқини хавфи вужудга келиши мумкин.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ва қисқариши, ишсизлик даражасининг ўсиши ва аҳоли реал даромадларининг чекланиши солиқ тушумларининг жиддий камайишига, давлат бюджети тақчиллигининг ошишига олиб келиши ва бу жараён айрим мамлакатларда сурункали тус олиши мумкин.

Учинчидан. Жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

Тўртинчидан. Фонд, хом ашё ва молия бозорларида катта спекулятив ўйинлар давом этаётгани, реал қийматга эга бўлмаган пул ҳажмининг кўпайиши, бошқача айтганда, янги молиявий «кўпиклар» хавфининг авж олаётгани яна молиявий касодларга олиб келиш хавфини туғдириши мумкин.

Бешинчидан. Иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши йўлидаги энг катта муаммолар, аввало, ривожланаётган мамлакатларда, жаҳон амалиётида давом этаётган протекционизм сиёсати оқибатида вужудга келмоқда.

“Катта йигирмалик” деб ном олган давлатлар гуруҳининг йиғилишларида бундай номаъқул ишларга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида кўплаб баёнотлар берилаётганига қарамай, эркин иқтисодиётга яққол тўсқинлик қилиб турган протекционизмдан яқин орада қутулиш қийин, деган таассурот пайдо бўлади.

Олтинчидан. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш 2010 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

Молиявий-иқтисодий соҳадаги қўллаб-қувватлаш чораларининг ҳаддан зиёд узоқ давом этиши иқтисодиётни мутаносиб ривожлантиришда мувозанатнинг бузилиши ва эркин тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги жиддий чеклашлар каби хавфларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, молиявий инқироз шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишига оид бундай баҳолар ва прогнозлардан келиб чиқадиган хулоса шундан далолат берадики, инқирознинг энг оғир босқичи ортда қолганига қарамай, ҳали-бери давом этадиган молиявий-иқтисодий инқирознинг бутун бир даврини бошдан кечиришга тўғри келади.

10-илова



Инсерт жадвали

V	+	-	?

2-мавзу.	**Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир**

2.1.Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	**Талабалар сони: 20 – 80 гача**
Машғулот шакли	**Маъруза-мулоқот**
Маъруза режаси	**1.** Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрни. **2.** Хорижий инвестициялар ва уларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган тизимий ишлар. **3.** Асосий ва етакчи соҳалар бўлмиш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш. **4.** Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти. **5.** Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш.

Ўқув машғулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Мамлакатни жадал ислоҳ этишда ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицияларнинг ўрни, қишлоқ ҳудудларида замонавий уй-жойларни қуриш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш бўйича кенг қамровли билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.

Педагогик вазифалар:	*Ўқув фаолияти натижалари (талаба):*
• Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг ўрнини изоҳлаш; • Хорижий инвестициялар ва уларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган тизимий ишларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш; • Асосий ва етакчи соҳалар бўлмиш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдан кутилаётган ўзгаришларни тушунтириш; • Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиш; • Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш механизмини талқин этиш.	• Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг тутган ўрни тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлайди; • Хорижий инвестициялар ва уларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган тизимий ишларнинг мазмун моҳиятини очиб бериш имконига эга бўлади; • Асосий ва етакчи соҳалар бўлмиш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдан кутилаётган ўзгаришларни талқин эта олиш кўникмаси шаклланади; • Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини тушуниб етади; • Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш механизмининг аҳамиятини тушуниб етади.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, маълумотли, анжуман маъруза, жамоада ишлаш.

Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, жуфтликда ишлаш.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, тарқатма материаллар, проектор, доска, график органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Ҳамкорликда ишлаш ва тақдимотларни амалга ошириш имконига эга бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб Ёзма назорат: тест олиш.

2.2. “Олдимиздаги юксак мақсад, вазифа ва режалар – мамлакатимизнинг тараққий топган давлатлар қаторига чиқиши йўлидаги янги қадамдир” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	**Фаолият мазмуни**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчилар**
Тайёргарлик босқичи	1. Мавзу бўйича ўқув материалларни, яъни тақдимот ва тарқатма материалларни тайёрлаш. 2. Талабаларни жонлантириш учун мавзу доирасида саволларни, кўргазмали схемаларни яратиш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш. 4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тартиблаштириш.	
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номини экранга чиқаради ва мазкур мавзуни ёритишдан кутилаётган асосий натижалар тўғрисида ахборот беради. 1.2. Мавзуни ёритиш бўйича тузилган режа саволларини намойишга узатади. 1.3. Бугунги ўтилиши кутилаётган дарс машғулоти мулоқот тарзида бўлиши таъкидланади. Мулоқотни қандай ташкил қилиш тўғрисидаги эслатмани экранга чиқаради (1-Илова). 1.3. “Ақлий ҳужум” методи орқали талабаларни фаоллаштиради. Берилган саволга ўйлаб жавоб беришни таклиф қилади (жавоблар 1-2 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади): *Стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар деганда нимани тушунасиз?* Бир талабага жавобларни доскада ёзиб боришни таклиф қилади. Бунинг учун 10 минутча вақт ажратилади. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, фикр билдиришлар тўхтатилади ва жавоблар таҳлил қилинади.	Тинглайдилар Кўчириб оладилар. Тинглайдилар ва мулоқот қоидалари билан танишадилар Жуфтликларга бўлинадилар, ўйлайдилар, муҳокама қиладилар ва саволларга жавоб берадилар. Фаол қатнашиб, жавоб вариантларини кетма-кет айтиб борадилар

2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури асосида кўргазмали материаллар бўйича маъруза ўқийди (2-илова). Маъруза давомида муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ва асосий тушунчаларни қайд этиш лозимлигини уқтиради. Талабаларнинг ёзиб олишларини таъкидлайди, муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлилини бериб боради. 2.2. Хорижий инвестициялар ва уларни мамлакат иқтисодиётига жалб қилиш учун амалга оширилаётган тизимий ишларни слайдлар орқали намойишини олиб боради. *(3-илова).* 2.3. Асосий ва етакчи соҳалар бўлмиш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдан кўзланган мақсадни слайдлар орқали тушунтириб беради *(4-илова).* 2.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги саволларни беради: ▪ Иқтисодиётнинг етакчи соҳаларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат? ▪ Стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг. ▪ Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари учун ҳукумат томонидан қандай имтиёзлар берилган? ▪ Иқтисодиётнинг ривожланишида транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришнинг ўрнини қандай изоҳлаш мумкин? 2.5. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини очиб берадиган жадвал ва схемаларни намойиш қилади *(5-илова).*	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар, ёзадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради ва умумий хулосалар ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Мустақил ишлашлари учун назоарат саволларига жавоб тайёрлаб келиш вазифасини беради (6-илова).	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мулоқотга иштирок этувчиларга эслатма!

1. Мулоқот муаммони ечишга қаратилган усулдир.
2. Гапираётганда узоқ сўйлама, бошқалар ҳам ўз фикрларини баён этишларини унутма.
3. Ҳиссиётни жиловлаган ҳолда фикрингни шундай жамлаб айткки, у мурод нишонига тегсин.
4. Мухолифатингни сўзларини ҳурмат билан тингла.
5. Моносабатингни аниқ бергин ва фикрлар такрорланишига йўл қўйма!
6. Ўз билимдонлигинг, иқтидоринг ва заковатингни кўрсатиш учун сўйлама, балки мунозара мавзуси доирасида сўз юритгин.
7. Фикрингни қабул қилишлари ва уни маъқул топишлари учун курашгин!

2-илова

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн долл.)



3-илова



Ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш.

Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш.

Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилишдан иборат.



4-илова

Электр энергетика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш
- Ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш
- Истеъмолчиларнинг худудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш
- Энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш
- Электр энергияни ҳосил килиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш
- Электр энергетиканинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш
- Электр энергиясидан ва ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш

2009-2014 йилларда электр энергетикани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури

Энергетик сектор номи	Амалга ошириладиган лойиҳалар, дона	Ишга киритиладиган қувват	Нархи, млн. долл
Иссиқлик электр станциялари	8	2255 МВт	2309,6
Гидравлик электростанциялар	15	440 МВт	512,9
Ноанъанавий энергетика	1	0,5МВт	0,5
Электр тармоқлари	12	1418,2 км, 1754 МВА	681,4
Бошқалар	2	АСКУЭ (1 этап), ЗШО-2 Янги-Ангрен ИЭС – 7,5 млн. куб.м	70,7
Жами	38	2695,6 МВт ишлаб чиқарувчи қувватлар 1418,2 км электр узатиш линиялари 1754 МВА трансформаторлар	3575,1

Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида 2009 йил якуни бўйича қуриш ва таъмирлаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Қиймати, млрд.сўм	2008 йилга нисбатан фоизда
Жами бажарилган ишлар	**370,6**	**118,7**
Инвестиция дастури	114,4	104,8
Мукаммал ва ўрта таъмирлаш	177,2	126,1
Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	63,2	117,3
Йўл таъмирлаш техникалари ва жихозлар Ҳарид қилиш	15,8	160,9

5-илова

Қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши

Аҳоли пунктларининг тоифаси	Аҳоли сони	Аҳоли пунктларининг сони	Жамига нисбатан фоизда
Кичик аҳоли пунктлари	100 дан 1000 кишигача	5892	49,8
Ўртача аҳоли пунктлари	1000 дан 3000 кишигача	4527	38,3
Катта аҳоли пунктлари	3000 дан 5000 кишигача	1026	8,7
Йирик аҳоли пунктлари	5000 кишидан ортиқ	375	3,2
Жами:		**11820**	**100**

Қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режа билан таъминланганлиги



6-илова

Назорат саволлари:

1. Иқтисодиётнинг етакчи соҳаларни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?

2. Стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишда инвестицияларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.

3. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари учун ҳукумат томонидан қандай имтиёзлар берилган?

4. Иқтисодиётнинг ривожланишида транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришнинг ўрнини қандай изоҳлаш мумкин?

5. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нимада?

6. Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси қандай талабларга жавоб бериши керак?

7. Замонавий қишлоқни сиз қандай тасаввур этасиз?

8. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуришни меъморий режалаштириш лойиҳасида нималарга эътибор қаратилмоқда?

9. Қишлоқларда уй-жойлар барпо этишни молиялаштириш тартиби ва бу соҳада берилган имтиёзларни сўзлаб беринг.

10. Қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар барпо этиш деганда нимани тушунасиз

11. Қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантиришнинг қандай йўналишлари мавжуд?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-мавзу	**2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарор суръатларининг таъминланиши**

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	**Талабалар сони: 20 – 80 гача**
Машғулот шакли	**Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар**
Амалий машғулот режаси	1. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар. 2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари. 3. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар. 4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили. 5. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар.

Ўқув машғулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. Иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолининг моддий фаровонлигини юксалтириш – мамлакатни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш стратегияси ва инқирозга қарши дастурни амалга ошириш натижаси бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

Педагогик вазифалар:	*Ўқув фаолияти натижалари:*
• Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар ҳақида маълумотлар таҳлилини тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;	• Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар таҳлилини тизимли тушунтириб берадилар;
• жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;	• жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чораларини айтиб берадилар;
• инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш йўллари бўйича ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнларини ташкил қилиш;	• инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлларини ёритиб берадилар;
• солиқ юкини енгиллаштириш борасида	• солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирларни санаб ўтади;

амалга оширилган тадбирлар ҳақида билимларни ривожлантириш; • кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўллари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; • мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омиллари ёритиб бериш кўникмаларини шакллантириш; • инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар бўйича билимларни таққослаш, умумлаштириш кўникмасини шакллантириш.	• кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлларини тушунтирадилар; • мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларини ёритиб берадилар; • инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар таҳлилини таққослайдилар ва умумлаштириб тавсифлаб берадилар.
Таълим бериш усуллари	Мунозара, суҳбат,тезкор-сўров
Таълим бериш шакллари	Оммавий, гуруҳларда ишлаш: “кооп-кооп” техникаси
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. “**2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитларида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш барқарор суръатларининг таъминланиши”** амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	**Фаолият мазмуни**	
	Таълим берувчи	**Таълим олувчилар**
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш топшириқларини ишлаб чиқади *(1-илова).* Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун- ёзма йўриқномаларни тайёрлайди *(2-илова).* Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади *(3-илова).*	

1. Ўқув машғулотига кириш босқичи *(10 дақ)*	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг ахамиятлилиги ва долзарлаблигини асослайди. 1.2. Мавзу бўйича сосий тушунчаларга таъоиф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради *(3-илова)*. 1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади *(2-илова)*.	Саволларга жавоб берадилар.
2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорлик асосида ишлаш усули қоидалари билан таништиради *(2-3-илова)*. Ҳар бир гуруҳ мавзу режаси асосида тақдимот тайёрлашини айтади. 2.2. Ўқув курси мавзулари бўйича тайёрланган эксперт варақаларини тарқатади *(5-илова)*. 2.3. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради. Тақдимот материаллари мазмунан ва мантиқан тўлиқ ёритилишини кузатади. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Гуруҳларда сардорлар тақдимотини ташкиллаштиради. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатади, саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади. 2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирокчи талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар. Топшириқлар бўйича ишлайдилар. Фаол қатнашадилар, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар. Гуруҳдан сардор танлашади, унинг тақдимотида ҳамкорлик қиладилар. Саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар.
3–Якуний босқич (20 дақиқа)	3.1.Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради. 3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади.	Тинглайдилар.

1-илова

«БИРГАЛИКДА ЎҚИЙМИЗ» ТЕХНИКАСИ

Биргаликда ўқиш: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг маълум бир соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг мақсади бошқа барча гуруҳлар иштирокчилари мавзу саволларини тўла ҳажмда эгаллаб олишдан иборат.

«Биргаликда ўқиймиз» техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. Билим даражасига қараб 3-5 кишидан иборат бўлган ҳар хил турдаги гуруҳлар тузилади.

⬇

2. Ҳар бир гуруҳга *битта* топшириқ берилади –умумий мавзунинг бир *қисми,* унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда таянчлар – **эксперт варақлари** – тақдим этилади.

⬇

3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.

⬇

4. Ҳамма *якка тартибдаги топшириқни* бажаради.

⬇

5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижа (бутун эксперт варағи бўйича саволлар жавоби)ни шакллантиради ва уни тақдимотга тайёрлашади.

⬇

6. Спикер ёки гуруҳ барча аъзолари биргаликда бажарган иш натижаларини тақдимот этишади.

2-илова

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.
Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.
Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

3-илова

Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	**Макс. балл**	**Гуруҳ натижаларини баҳолаш**					
		1	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**
Ахборотнинг тўлиқлиги	1,0						
Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши	0,6						
Гуруҳнинг фаоллиги	0,4						
Балларнинг максимал суммаси, жами	2						

4-илова

Билмиларни фаоллаштириш учун саволлар

1. 2009 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришини ривожлантиришда қандай ишлар амалга оширилди?
2. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш дастури қандай мақсад билан ишлаб чиқилган?
3. Инқирозга қарши чоралар дастурининг аниқ бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар нималардан иборат?

4. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг аҳамияти нимадан иборат?

5-илова

Эксперт вараги №1
Ўқув топшириқ

Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалари

1. 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашнинг аҳамияти.
2. Республикамиз банк тизими.
3. Банклар кредит портфели таркибидаги ижобий ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун аҳамияти.

Эксперт вараги №2
Ўқув топшириқ

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш чоралари.

1. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.
2. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари.
3. Иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича имтиёзлар.

Эксперт вараги №3
Ўқув топшириқ

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган тадбирлар

1. Мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалий чоралар.
2. Мамлакатимиз тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашда экспортнинг роли.
3. Республикамизда солиқ юкини енгиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар.

Эксперт вараги №4

Ўқув топшириқ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили

1. Иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти.
2. Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал этишда кичик бизнес имкониятлари.
3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишга қандай таъсири.

Эксперт вараги №5

Ўқув топшириқ

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар

1. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилишда инвестицияларнинг роли.
2. Инвестицияларнинг ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш билан боғлиқлиги.
3. 2009 йилда мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларининг барпо этилиши борасидаги ишлар.

2-мавзу	**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари**

2.1. Таълим бериш технологиясининг модели

***Машғулот вақти*-2 соат**	**Талабалар сони: 20 – 80 гача**
Машғулот шакли	**Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар**
Амалий машғулот режаси	1. Нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари. 2. Ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси. 3. Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор йўналиш сифатида. 4. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш, фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш – мамлакатимиз рақобатдошлигини оширишнинг асоси. 5. Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт сифатини юксалтиришнинг долзарб вазифалари.

Ўқув машғулотининг мақсади: ўқув курси бўйича умумий тушунча бериш. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.

Педагогик вазифалар:	*Ўқув фаолияти натижалари:*
• нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари ҳақида маълумотлар таҳлилини тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш;	• нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлари таҳлилини тизимли тушунтириб берадилар;
• ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш.	• ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаларни айтиб берадилар.
• банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор йўналишлари бўйича кўникмаларни ҳосил қлиш;	• банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор йўналишларини айтиб берадилар; • қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш

• қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт сифатини юксалтиришнинг долзарб вазифалари бўйича билимларни ривожлантириш.	ва ҳаёт сифатини юксалтиришнинг долзарб вазифаларини тушунтирадилар.
Таълим бериш усуллари	Суҳбат,тезкор-сўров, ФСМУ-техникаси
Таълим бериш шакллари	Оммавий, гуруҳларда ишлаш, якка тартибли
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, эксперт топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

2.2. “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

Фаолият босқичлари	**Фаолиятнинг мазмуни**	
	Таълим берувчи	***Таълим олувчилар***
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув билиш муаммоли вазифаларни ишлаб чиқади. Самарали ички гуруҳлар ишини таъминловчи гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди. Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.	
1. **Кириш босқичи** *(5 дақиқа)*	1.1.Мавзунинг номи, максади, укитиш натижаларини, мавзунинг режасини эслатади. 1.2.Гуруҳлар ишини бахолаш мезонларини эълон қилади *(1-илова).*	Тинглайдилар.
2. Асосий босқич *(50 дақиқа*)	2.1.Талабаларни фаоллаштириш максадида тезкор-сўров усулини қўллайди: 1.Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни нималардан иборат? 2. Банкнинг муваффақиятсиз фаолияти қандай оқибатларга келади? Жавобларни умумлаштиради. 2.2.Талабаларни 5 та кичик гуруҳларга бўлади. Гуруҳларга эксперт вазифаларини тарқатади ва уларнинг моҳияти билан таништиради. Эксперт топшириқларини “ФСМУ” техникаси асосида бажаришларини тушунтиради. *(2,3-иловалар).*	Саволга жавоб берадилар. Гуруҳларга бўлинади. Якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама қилиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиради.

	Аввал якка тартибда бажарган ишларини гуруҳларда мухокама килиб, ягона тўғри фикрни танлаб, формат қоғозига кўчиришни таклиф қилади. Талабалар фаолиятини назорат қилади, йўналтиради, маслаҳат беради. Баҳолаш мезонларини эслатади. Тақдимот бошланишини маълум қилади. 2.3.Бажарган ишларини тақдим килишларини сўрайди. Тақдимот жараёнида талабалар фикрларини таҳлил қилади, фаол иштирокларини рағбатлантиради.	Гуруҳ сардори тайёр ишни олиб чикиб доскага илади ва тақдим қилади. Танлаган фикрини асослайди. Бошка иштирокчилар томонидан берилган саволларга жавоб беради.
3. Якуний босқич *(15 дақиқа)*	3.1.Мавзуни умумлаштиради, хулосалар қилади, якун ясайди. 3.2.Гуруҳлар ишини баҳолайди, фаол иштирокчиларни алоҳида қайд қилади ва баҳоларни эълон қилади. 3.3. Мустакил ишлашлари учун назорат ва тест саволларига тайёргарлик кўриб келиш вазифасини беради *(4,5- иловалар)*.	Эшитади. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаш мезонлари

Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	***1- гуруҳ***	***2- гуруҳ***	***3- гуруҳ***
Максимал балл - 2			
- савол тўлиқ ёритиб берилди (0,5 балл)			
- жавоблар етарли даражада асослаб берилди (0,5 балл)			
- гуруҳ иштирокчиларининг фаоллиги (0,5 балл)			
- берилган саволларга жавоб берди (0,3 балл)			
- регламентга риоя килди (0,2)			
Жами: (2 балл)			

1,5 – 2 балл - «аъло»
1,0 – 1,4 балл - «яхши»
0,5 – 0,9 балл - «коникарли»
0 - 0,4 балл - «коникарсиз»

2-илова

Эксперт вараги №1

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари

1. Нуфузли халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг 2010 йилда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари бўйича прогнозлар.
2. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни.

Эксперт вараги №2

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари

1. Ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш йўллари.
2. Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш – ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифалари.

Эксперт вараги №3

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари

1. Банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш – муҳим устувор йўналиш сифатида.
2. Банк хизматлари турини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотларни тушунтириб беринг.

Эксперт вараги №4

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари

1. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсати.
2. Фаол инвестиция сиёсатини олиб боришнинг мақсади.

Эксперт вараги №5

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари

1. Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш йўллари ва аҳамияти.
2. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт сифатини юксалтиришнинг долзарб вазифалари.

3-илова

Тарқатма материалнинг тахминий нусхаси
ФСМУ технологияси

(Ф) – Фикрингизни баён этинг.

(С) – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

(М) – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

(У) – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қай даражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Ф	Фикрингизни баён этинг.
С	Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг.
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У	Фикрингизни умумлаштиринг.

4-илова

Назорат саволлари ва вазифалари:

1.2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни нималардан иборат?

2. Мамлакатимизда тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ислоҳотларни тушунтириб беринг.

3. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш зарурати нимадан иборат ва у тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига қандай таъсир кўрсатади?

4. Тижорат банкларининг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитлари қанча миқдорни ташкил қилди?

5. Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш қандай самара бериши мумкин?

5-илова

Билимларини мустаҳкамлаш учун тест саволлари

1. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2010 йилга қандай йил номи берилди?
a) “Соғлом авлод йили”;
b) “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”;
c) “Баркамол авлод йили”;
d) “Келажак авлод йили”.

2. 2009 йилда қайси ҳалқаро алоқа каналлари ишга туширилди?
a) Андижон-ОШ, Кунград-Бейнов.
b) Тошкент –Андижон, Самарқанд –Қўқон.
c) Денов-Турсунзода, Термиз-Хайратон.
d) а ва с жавоблар тўғри.

3. Ахборот технологиялари йўналиши бўйича нечта инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди?
a) 9
b) 8
c) 10
d) 12

4. Миллий ахборот тармоғини тузиш қайси дастурда ўз аксини топган?
a) Ўзбекистон Республикаси ахборот дастурида;
b) Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот тармоғида;
c) Миллий дастурда;
d) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.

5. 2009 йилда етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш мақсадида қанча миқдорда маблағ ажратилди?
a) 300 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари;
b) 500 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари;
c) 250 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари;
d) 650 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари.

6. 2009 йилда инфляция даражаси неча фоизни ташкил қилди?
a) 6,8 фоизни;
b) 7,8 фоизни;
c) 7,4 фоизни;
d) 9,0 фоизни.

7. 2008 йилга нисбатан 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши неча фоизни ташкил этган?
a) 8,1 фоизни;
b) 9,5 фоизни;
c) 9,0 фоизни;
d) 7,0 фоизни.

8. 2009 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши неча фоизни ташкил қилди?
a) 27 %
b) 23 %

c) 26,5 %
d) 30 %

9. Мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар асосан:
a) Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбирокрлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинмоқда;
b) Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини инқироздан ҳимоя қилиш, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинмоқда;
c) Экспортга йўналтирилган корхоналар имкониятини кучайтириш учун жалб қилинмоқда;
d) Импортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш учун жалб қилинмоқда.

10. 2010 йилда капитал қуйилмаларнинг ўсиш ҳажми:
a) 15 фоизга ошиши;
b) 20 фоизга тушиши;
c) 22,1 фоизга ошиши;
d) 12,1 фоизга ошиши башоратланмоқда.

11. Президентимиз томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун нечта устувор йўналиш белгилаб берилди?
a) 5 та;
b) 3 та;
c) 10 та;
d) 7 та.

12. Мамалакатда кўрилган амалий чоралар натижасида 2009 йилда қанча иш ўринлари яратилган?
a) 640 мингдан зиёд;
b) 940 мингдан зиёд;
c) 600 минга яқин;
d) 500 мингга яқин.

13. 2009 йилда аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари миқдори неча баробарга ошди?
a) 1,5;
b) 2;
c) 2,8;
d) 1,7.

14. Иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2009 йилда 2000 йилга нисбатан неча баробарга ошган?
a) 12;
b) 13;
c) 14;
d) 15.

15. 2009 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмида қандай ўзгаришларга эришилди?
a) 8,2 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 124,8 фоизга;
b) 8,0 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 110,8 фоизга;
c) 9,2 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 128,4 фоизга;

d) 7,0 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 124,8 фоизга.

16. Инқирозга қарши чоралар давлат дастуридан кўзланган асосий мақсад:
a) Ўзбекистонни инқироздан олиб чиқиш;
b) Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш;
c) Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
d) Молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

17. Бугунги кунда банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан қандай фарқ қилади?
a) Бугунги кунда уларнинг фарқи йўқ;
b) 10 баробарга кўп;
c) 2 баробарга кам;
d) 5 баробарга кўп.

18. 2009 йилда маҳаллийлаштириш дастури бўйича нечта лойиҳа амалга оширилган ва унинг натижаси қандай бўлган?
a) 640 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2 баробарга кўпайди;
b) 840 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,3 баробарга кўпайди;
c) 750 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,5 баробарга кўпайди;
d) 500 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,3 баробарга кўпайди.

19. 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида нечта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва уларнинг қанчаси ижобий якунланган?
a) 690 та лойиҳа амалга оширилди ва 303 таси ижобий якунланди;
b) 590 та лойиҳа амалга оширилди ва 203 таси ижобий якунланди;
c) 700 та лойиҳа амалга оширилди ва 403 таси ижобий якунланди;
d) 650 та лойиҳа амалга оширилди ва 300 таси ижобий якунланди.

20. 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай имтиёзлар берилди?
a) Ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоизга туширилди;
b) Фойда солиғи ставкаси 7 фоизга туширилди;
c) 3 йилгача барча солиқ турларидан озод этилди;
d) ҚҚС ва акциз солиғидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

КЎРГАЗМАЛИ ТАҚДИМОТ СЛАЙДЛАРИ

Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.А.Каримов






Оммавий ахборот воситаларининг сайловларни ёритиш жараёнидаги фаолияти йўналишлари
Маънавий-маърифий йўналиш
Тарғибот йўналиши
Ташвиқот
Ахборот тарқатиш
Таҳлил ва талқин
Жамоатчилик назорати


Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари таркиби
Сиёсий партиялар
Маҳаллалар
Ўзбекистон «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати
Хотин-қизлар ташкилотлари
Жамоат бирлашмалари ва ҳ.к.
Оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.



“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари

1.Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш.

2. Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш.

3. Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш.

4.Электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш.

5. Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш.



2009 йилда Ўзбекистонда иқтисодиёт комплекслари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини пасайтириш бўйича эришилган натижалар

Комплекслар номи	**Маҳсулот таннархининг пасайиши**	
	млрд. сўмда	**фоизда**
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть- кимё ва металлургия саноати комплекси	1156,3	21,9
Машиносозлик, электротехника ва авиация саноати ҳамда маҳсулотларни стандартизациялаштириш комплекси	156,2	18,5
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси комплекси	458,8	21,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари комплекси	295,1	20,0
Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза комплекси	13,1	20,2
Республика бўйича жами	**2079,5**	**20,38**



Иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича имтиёзлар

Қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди.

Уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди.

Бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш.

Банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

Банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш

Банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш.



Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чоралари	
2009 йил январь ҳолатига корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризациялаш ва бюджет, бюджетдан ташқари фондларга электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматлар бўйича пеняларни	ҳисобдан ўчириш
Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини қисқартириш	30 кундан 20 кунгача
Тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари муддатини узайтириш	2012 йилгача
Ўз вақтида валюта тушумлари келиб тушмаганлиги учун жарима чоралари ҳисобланадиган муддатни узайтириш	30 кундан 60 кунгача


Ўзбекистонда ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ўсиши, млрд. АҚШ долл.
млрд. АҚШ долл.
25
20
15
10
5
0
9,5
5,4
4,1
1,3
11,2
6,4
4,8
1,6
14,2
9,0
5,2
3,8
21,2
11,5
9,7
1,8
21,2
11,8
9,4
2,3
2005
2006
2007
2008
2009
йиллар
Ташқи савдо айланмаси
Экспорт
Импорт
Сальдо


Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариши динамикаси, ЯИМга нисбатан фоизда
фоиз
40
30
20
10
0
37,1
23,2
22,6
21,8
2000
2008
2009
2010 (мўлжал)
йиллар


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда
фоиз
60,0
50,0
40,0
30,0
20,0
10,0
0,0
31,0
33,8
34,6
35,0
35,6
38,2
42,1
45,5
48,2
50,1
2000
2001
2002
2003
2004
2005
2006
2007
2008
2009
йиллар





2009 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари

Кўрсаткич	Сони, нафар
2009 йилда яратиладиган жами янги иш ўринлари	940532
Ўтган йилга нисбатан, фоизда	142,3
Шундан қуйидаги асосий йўналишларда яратилган иш ўринлари:	
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида	391809
ўтган йилга нисбатан, фоизда	104,7
Уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш, жами	196745
Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда (меҳнат шартномаси асосида)	77466
Янги объектларни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқришларни қайта қуриш ва кенгайтириш	70587
Иш жойларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари (Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар)	281391

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	*Марказлаштирилган инвестициялар*	*3819,8*	*20,9*
2.	*Номарказлаштирилган инвестициялар*	*14400,5*	*79,1*
2.1.	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.	Шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар в кредитлар	3876,8	21,2
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилишининг турлари

Иқтисодиётнинг тармоқ таркиби	Алоҳида тармоқларнинг ЯИМдаги улуши кўринишида аниқланади
Иқтисодиётнинг ҳудудий таркиби	Алоҳида ҳудудларнинг ЯИМдаги улуши кўринишида аниқланади
Иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариш ва функционал таркиби	Истеъмол харажатлари, ялпи инвестициялар ва соф экспортнинг ЯИМдаги улуши кўринишида аниқланади
Ижтимоий-иқтисодий таркиб	Давлат мулки ва хусусий мулк корхоналарининг ЯИМдаги улуши кўринишида аниқланади
Капиталнинг концентрациялашуви даражаси жиҳатидан таркиб	Йирик ва кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги улуши кўринишида аниқланади


Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулот таркибидаги ўзгаришлар (жамига нисбатан фоизда)
100%
90%
80%
70%
60%
50%
40%
30%
20%
10%
0%
14
30
6
8
11
18
13
24
18
7
12
9
23
7
2000 йил
2009 йил
Соф солиқлар
Бошқа хизматлар
Савдо
Транспорт ва алоқа
Қурилиш
Қишлоқ хўжалиги
Саноат


Кооперацион алоқаларни кенгайтириш орқали ҳал этилувчи вазифалар
Импорт ўрнини босувчи янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш
Маҳаллий хом ашё ресурсларини ўзлаштириш даражасини ошириш
Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг ташқи бозорлардаги ўзгаришларга таъсирчанлигини камайтириш
Импорт қилинаётган хом ашё ва бутловчи буюмларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганлари билан алмаштириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш
Валюта ресурсларини тежаш
Янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш



Ўзбекистонда хизматлар ҳажмининг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан фоизда)

Хизмат турлари	2007 йил	2008 йил	2009 йил
Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7
Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8
Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	121,6
Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7
Туристик-сайёҳлик хизматлари	122,3	140,1	121,6
Меҳмонхона хизматлари	109,3	122,5	112,3
Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1
Маиший хизматлар	128,0	129	122,6
Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2
Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6




Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмаси динамикаси, млн. АҚШ долл.
25000,0
20000,0
15000,0
10000,0
5000,0
0,0
8669,0
9500,1
11171,4
15719,6
19077,0
21209,6
2004
2005
2006
2007
2008
2009
йиллар


Ташқи савдо айланмасининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш
Хом ашё экспортини қисқартириб, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш
Ташқи савдога хизмат қилувчи инфратузилмани янада ривожлантириш
Иқтисодиётнинг тармоқ таркибини такомиллаштириш
Маҳсулот таннархини пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш
Иқтисодиётни техник-технологик қайта қуроллантириш асосида тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш
Янги маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш


2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн долл.)
983
870
596
2101
5787
1176
3078
1876
4517
21536
Нефть ва газ тармоғи
Тоғ-кон ва металлургия саноати
Машинасозлик
Қурилиш молларини ишлаб чиқариш
"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси
Энергетика
Кимё саноати
Транспорт ва инфратузилма
Енгил саноат
Бошқалар


Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2010 йилга белгиланган асосий кўрсаткичлари, млн. сўм
9000,0
8000,0
7000,0
6000,0
5000,0
4000,0
3000,0
2000,0
1000,0
0,0
825,0
93,0
654,9
1372,2
874,7
7777,7
1530,0
3876,8
1216,0
Бюджет
Суғориладиган ерларнинг мелиоратив
Бюджетдан ташқари фондлар
Тикланиш ва тараққиёт фонди
Ҳукумат кафолати остидаги
Корхона маблағлари
Тижорат банклари кредитлари ва
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
Аҳоли маблағлари

Ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш.

Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш.

Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилишдан иборат.

Республикага хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



Электр энергетика соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари:

- Ўзбекистон Республикасининг электр энергетика хавфсизлигини таъминлаш
- Ягона электр энергетикаси тизимининг хавфсиз ва ишончли ишлаб туришини таъминлаш, истеъмолчиларнинг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш
- Истеъмолчиларнинг худудий электр тармоқларидан тенг фойдаланишини таъминлаш
- Энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш жараёнларига инвестициялар жалб қилиш
- Электр энергияни ҳосил килиш, узатиш ва сотиш бўйича бошқарув ҳамда хўжалик алоқалари тизимига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш
- Электр энергетиканинг мутаносиб ривожланишини таъминлаш
- Электр энергиясидан ва ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш

Оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш шарт-шароитлари

- Оналар ва ўсиб келаётган авлод учун репродуктив тиббий ёрдам сифатини янада ривожлантириш
- Қишлоқ худудларида бўлажак оналар учун бепул тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш
- Болалар боғчаларини моддий-техник базасини ривожлантириш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш
- Тиббий масканларни замонавий тиббиёт жиҳозлари ва мебеллари билан таъминлаш
- Тиббий хизмат муассасаларини қайта таъмирлаш ишларини амалга ошириш
- Тиббиёт ходимларини малакасини ошириш

Олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари битирувчилари ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш тадбирлари

- 2010 йилда тижорат банклари кичик бизнес субъектларига ва шахсий тадбиркорларга кредитлар ажратишни жадаллаштириш
- Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида кичик сервис-корхоналари ва цехларини ташкил этиш
- Аграр йўналишдаги касб-хунар коллежлари қошида ўқув хўжалик майдончаларини ташкил этиш
- Иқтидорли ёшларни интелектуал салоҳиятини ошириш мақсадида тадбирлар ўтказиш
- Тадбиркор аёлларга микрокредитлар бериш

Мамлакатимизда йилларнинг номланиши

1997 йил	Инсон манфаатлари йили
1998 йил	Оила йили
1999 йил	Аёллар йили
2000 йил	Соғлом авлод йили
2001 йил	Она ва бола йили
2002 йил	Қарияларни қадрлаш йили
2003 йил	Обод маҳалла йили
2004 йил	Меҳр-мурувват йили
2005 йил	Сиҳат-саломатлик йили
2006 йил	Ҳомийлар ва шифокорлар йили
2007 йил	Ижтимоий ҳимоя йили
2008 йил	Ёшлар йили
2009 йил	Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили
2010 йил	**Баркамол авлод йили**

2004-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар тўғрисида маълумот

Дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг чоп этилган йили	Номи	Сони, млн. дона	Сарф этилган умумий маблағ (млрд. сўм)	Шундан:			
				Бюджет маблағлари ҳисобидан (млрд. сўм)	%	ДАЖ маблағлари ҳисобидан (млрд. сўм)	%
2004-2005 ўқув йили	541	10,8	10,8	7,9	73,3	2,9	26,7
2005-2006 ўқув йили	463	16,9	14,2	9,9	69,6	4,3	30,4
2006-2007 ўқув йили	333	23,9	21,4	14,2	66,3	7,2	33,7
2007-2008 ўқув йили	248	19,5	17,78	11,08	62,3	6,7	37,7
2008-2009 ўқув йили	299	16,5	15,5	10,1	65,2	5,4	34,8
2009-2010 ўқув йили	315	22,7	25,8	8,5	32,9	17,3	67,1
Жами	**2199**	**110,2**	**105,5**	**61,7**	**58,4**	**43,8**	**41,5**



2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларининг ўқув-лаборатория хоналари билан жиҳозланиши





2007-2009 йилларда Халқаро фан олимпиадаларида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг кўрсатган натижалари тўғрисида маълумот

Йиллар	**Фанлар номи**	**Иштирок чилар сони**	**Ўтказилган жойи**	**Жами медаллар сони**	**Олтин медал**	**Кумуш медал**	**Бронза медал**	**Диплом**
2007 йил	Математика	6	Въетнам	**4**		1	3	
	Математика	8	Москва	**0**				3
	ЖАМИ	**14**		**4**	**0**	**1**	**3**	**3**
2008 йил	Физика	4	Олмаота	**2**		1	1	
	Математика	4	Олмаота	**1**			1	
	Математика	6	Испания	**4**			4	
	Кимё	13	Тошкент	**13**	1	1	11	
	ЖАМИ	**27**		**20**	**1**	**2**	**17**	
2009 йил	Математика	6	Германия	**3**		1	2	
Умумий жами		**47**		**27**	**1**	**4**	**22**	**3**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

САВОЛ - ЖАВОБЛАР

Ушбу савол-жавоблар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганишдан ҳосил бўлган билимларни текшириш ва баҳолаш учун мўлжалланган.

Тузувчилар: Н.Т. Каттаев., М. Амонбоев., У.М. Ахунжонов

1. Ўзбекистонда сайлов тизимининг асосий мезон ва талаблари?

- Сайлов имтиҳон бўлиб, у қуйидаги мезон ва талаблар асосида ўтказилди:

1. Сўз эркинлиги ва танлаш эркинлиги тасдиғи синалди.

2. Сиёсий ҳаётда партиялар ҳокимият учун кураш олиб борди.

3. Сайловларда қатнашган сиёсий партиялар ҳар қайси номзодининг сиёсий қарашларидан қатъий назар уларнинг ҳаммасига тенг имконият ва шароит туғдирилди.

4. Сайлов фуқаролик жамияти савияси ва етуклик даражасини кўрсатди.

5. Сайловлар аҳоли сиёсий-ижтимоий савияси ва маданияти, фуқаролик онгини имтиҳон қилди.

6. Ҳокимият вакиллик органларидан ва ташаббускор гуруҳларидан номзод кўрсатиш институтлари тугатилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларгина эга бўлди.

7. Сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига «Сайлов компанияси бошланишини эълон қилиш» институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширди.

8. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашди. Унга имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 кишига кўпайтирилди.

9. Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди, яъни 15 депутатлик ўрин оммавий жамоат ташкилоти – Ўзбекистон Экология ҳаракатига берилди.

2. Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатларининг таркиби

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови якунларига кўра 150 депутат сайланди. Шу жумладан: 1) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 53 нафар; 2) Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафар; 3) Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 31 нафар; 4) Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партиясидан 19 нафар депутат сайланди. Ўзбекистон экологик харакатига 15 та ўрин ажратилди, яъни Қонунчилик палатасидаги 15 нафар депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакилларидир. Сайланган 150 депутатнинг 33 нафари ёки 22 фоизи хотин-қизлардир.

Сайланган депутатларнинг 47 нафари ёки 31,3 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатларнинг ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлганлигидан далолат бериши билан бирга, профессионал фаолиятида уларнинг ҳаётий ва қонун ижодкорлиги борасидаги амалий тажрибасидан янада самарали фойдаланиш имкониятини ҳам беради. Парламент қуйи палатаси таркибида жамиятнинг деярли барча қатламлари вакиллари бор.

3. 2009 йил 27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида бўлиб ўтган сайловнинг мониторинги

- Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигида оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолияти аҳамият касб этди. Сайлов жараёнларини 500 дан ортиқ мамлакатимиз ва 200 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари ёритиб борди.

Дунёнинг 36 мамлакати ва 4 халқаро ташкилотидан, хусусан, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, МДҲ Ижроия қўмитаси, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ), Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) миссияларининг 270 дан зиёд кузатувчилари, шунингдек, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 60 мингдан зиёд кузатувчилари ва ваколатли вакиллари сайловни мониторинг қилиб борди.

4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг конституциявий ва умумий принциплари

- Ўтказилган сайлов Ўзбекистон сайлов ҳуқуқининг коституциявий (117-модда) принциплари:

1. Умумий сайлов ҳуқуқи.
2. Тенг сайлов ҳуқуқлари.
3. Тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи.
4. Яширин овоз бериш ҳуқуқи асосида ўтказилди.

Қонунчилигимизда сайловнинг ушбу конституциявий принциплари билан бир қаторда умумий принциплар ҳам ўз ифодасини топиб келмоқда.

1. Эркинлик принципи (сайловни тазйиқсиз амалга ошириш). 2. Ошкоралик принципи (ахборотга эга бўлиш). 3. Адолатлилик принципи (қонунга хилоф ҳаракатга чек қўйиш). 4. Масъуллик принципи (сайловлар олдида масъуллик).

5. Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатларининг партиявий таркиби

- Ҳозирги вақтда Республикамизда қуйидаги 4 сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда.

1. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛДП) – тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати, 2003 йил 15 ноябрда ташкил топган. Қонунчилик палатасида 53 нафар депутат бор (1-ўринда).
2. Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) – 1991 йил 1 ноябрда ташкил топган. 350 мингдан ортиқ аъзоси мавжуд. Бугунги кунда бу партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 32 депутатга эга (2-ўринда).
3. Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси – 1995 йил 3 июнда ташкил топган, 110 минг аъзога эга. Қонунчилик палатасида 31 нафар депутат фаолият кўрсатмоқда (3-ўринда).
4. Ўзбекистон Адолат социал демократик партияси – 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Партия аъзолари 80 мингга яқин. Парламентнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси 19 депутатга эга (4-ўрин).

6. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари барпо этилиши

- Мустақиллик йилларида давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий асослари барпо этилди:

1. 1996 йил 26 декабрда Олий Мажлис биринчи чақириқ 7-сессиясида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

2. 2004 йил 30 апрелда Олий Мажлиснинг 2-чақириқ 14-сессиясида «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 мартдаги 86-сонли қарори билан тасдиқланган «Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан сиёсий партиялар фаолияти тартибга солинмоқда.

3. 2007 йил 11 апрелда Президент имзоси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ушбу Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг 2-қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари сиёсий тизимни такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг тадрижий давоми бўлиб, бу лойиҳа сиёсий партия фракцияси ва маҳаллий кенгаш партия гуруҳларининг фаоллиги, мавқеи ва таъсирини кучайтириш ҳамда муҳолифат масаласининг ҳуқуқий асосларини ўз ичига олган. 2007 йилдан ва ундан кейинги даврда бу жараён Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция пайдо бўлишига олиб келди. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини

кучайтириш тўғрисида»ги қонун 8 моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сиёсий партиялар фракцияси, Қонунчилик палатаси спикерини ва унинг ўринбосарини сайлаш, маҳаллий ҳокимият кенгашлари фаолиятини назорат қилиш каби вазифалар юклатилган. Шу боисдан ҳам сиёсий партиялар ҳокимият учун кураш олиб боради.

7. Қонунчилик палатасида Демократик блок ва мухолифат

- Сиёсий партияларнинг парламентдаги олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият органлари роли ва таъсири анча ошди. Қонунчилик палатасида биринчи марта кўпчилик: 1) тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал–демократик партияси; 2) «Миллий тикланиш» демократик партияси; 3) «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Ўзбекистон халқ демократик партияси парламентда мухолифатни ташкил қилди.

8. **Ўтган беш йил мобайнида парламент томонидан иқтисодиёт соҳасида қандай қонунлар қабул қилинди?**

Икки палатали парламент томонидан ўтган давр мобайнида қуйидаги соҳаларда қонунлар қабул қилинди: 1) хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш; 2) мулкдорлар синфини шакллантириш; 3) фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш; 4) иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш; 5) тадбиркорлик, кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш; 6) кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутадиган қонун ҳужжатлари. Шунингдек, парламент аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берди.

9. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эришилган натижалар

- «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилида кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди. 217 километрлик автомобил йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк таъмирланди. “Қишлоқ қурилиш банк”, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” лойиҳалаш институти каби ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди.

10. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг юксалиши

- Сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда. Жумладан, 2009 йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди[1].

11. Суд тизими соҳасидаги ислохотлар

- 2010 йилга келиб парламентимиз саъи-ҳаракатлари билан учинчи ҳокимият – Суд тизими соҳасида қуйидаги ислоҳотлар ўтказилди:

1. Жиноий жазога санкция бериш прокуратура органларидан суд тизимига ўтказилди. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга катта эътибор барилди.

2. Адвокат, оқловчиларнинг мавқеи, роли оширилди. Адвокатура институти ислоҳ қилинди.

[1] Каримов И. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиётини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. – 21 б.

3. Жиноий жазо тизими либераллаштирилиб, ўлим жазоси жиноят кодексидан (2008 йил 1 январдан) олиб ташланди, унинг ўрнига узоқ муддатли, умрбод қамоқ жазосини белгилаш жорий қилинди. Прокуратура фаолияти такомиллаштирилди.

1. Суд мустақиллиги таъминланди.
2. Фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича судлар ташкил қилинди.
3. Судлар фаолияти моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлан-моқда.
4. Суд кадрларини танлаш ва тайинлаш механизми мустаҳкамланмоқда.

12. Оммавий ахборот воситалар соҳасида муҳим вазифаларимиз

Бу борада асосий вазифа мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллигини ва эркин-лигини амалда таъминлашдан иборат. Халқимиз оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз ва хорижда бўлаётган воқеаларнинг ҳаққоний жараёнларини кўриш ва эшитишни истайди. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларни янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медия маконга илғор ахборот–коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

Президент маърузасида келтирилганидек, 2008 йилнинг июл ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, парламент томонидан қабул қилинган бу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қўшма қарорга кўра нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштиришни шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларига асосланган тизими яратилди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йилда чоп этилган «Энг асосийси – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш» рисоласида ҳам бугунги кунда замон ўзгаришлари билан маънавий ҳаётимизда ҳар томонлама ўткир ва долзарб аҳамият касб этаётган оммавий ахборот воситалар орқали парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг моҳияти, сабаб ва оқибатларини англаб етиш, айни вақтда бу борада мавжуд ташқаридан кириб келаётган хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича даврнинг ўзи кун тартибига кескин қилиб қўяётган янги вазифалар ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлиши мумкин[1].

Шу боисдан ҳам Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини, бугунги кунда давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий–иқтисодий сиёсатни, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини ҳар томонлама чуқур, таъсирчан усуллар орқали ёритиб бориши зарур.

13. Оммавий ахборот воситаларнинг асосий турлари

- Дунё оммавий ахборот воситалари типологиясига кўра, оммавий ахборот воситаларнинг 5 та асосий турини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Матбуот (газеталар журналлар ва бошқа нашрлар).
2. Телевидение.
3. Радио.

[1] Каримов И.А. Энг асосий меъзон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.

4. Ахборот агентликлари.
5. Интернет сайтлари.

14. Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик Палатасига тақдим этилган қонун лойиҳалари кимлар томонидан киритилган

- Кейинги 5 йил ичида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан деярли 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган, холос.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 дан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакат ҳукумати (Вазирлар Маҳкамаси) томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

15. Ўзбекистон Президенти Афғонистон муаммоси ҳақида

- Қўшни Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуролли можаронинг хавф-хатари минтақамиздаги тинчлик, барқарорликка нисбатан таҳдиди ҳам сақланиб қолмоқда. Шу боисдан Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузасида бу муаммони фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикри биринчи ўринга қўйилди. Можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифи илгари сурилган эди. Мазкур гуруҳга Афғонистонга чегарадош олти мамлакат: Эрон Ислом Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. (1997-2001). «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» мулоқот гуруҳига айлантириш, яъни унга НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш масаласини 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО-СЕАП (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) саммитида, 2009 йил 15-16 июнда Екатеринбург шаҳрида ШҲТ давлат раҳбарлари кенгашларида бир неча бор Президентимиз томонидан кўтарилган эди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча Афғонистонда кескинлик кучайиб бораётганлигини юртбошимиз яна бир бор таъкидлаб ўтди. Дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб амалий хулосаларга келмоқда. Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга амалий ёрдам кўрсатилмоқда Ўзбекистон ҳам ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан 2010 йилда Ўзбекистон Афғонистонга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан олти баробар оширилди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз-Ҳайратон-Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланиб, у йил охирига қадар якунига етказилади.

16. Қонунчилик тизимини муттасил ривожлантириб бориш учун қандай ишларни амалга оширишимиз керак?

Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда парламент ҳокимиятининг ролини кучайтириш керак. Кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини кескин ошириш, улар ўртасидаги рақобат асосидаги курашни кучайтириш лозим. Ҳар бир партия парламентда ғоя ва дастурлар бирлашувини йўлга қўйиши даркор. Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кучли бўлса, партиянинг ғоялари дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилади. Бу жараён қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширади.

17. Парламент назоратини пухта амалга ошириш учун қандай ишларни йўлга қўйишимиз керак?

- Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари – Кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа қабул қилинган қонунларни ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан

марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устида қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат. Бунда: 1) Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси давлат дастурлари бажарилиши юзасидан ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам муҳокама қилинади. 2) Парламентда бундай ҳисоботларни эшитиш, яъни танишув ҳолатига эга. 3) Кўрилаётган масала бўйича комиссия позицияси аниқ белгилаб олинмаган, пухта ишлаб чиқилган дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган. 4) Қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга ошириш қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказ ва жойларда кенг фойдаланиш чораларини кўриши керак. 5) Давлат раҳбарлари ўзига ишониб топширилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашлари даркор. 6) Ижро ҳокимияти қонунларнинг қандай бажарилиши бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур. 7) Парламент назоратини амалга оширишда давлат тузилмаларининг иқтисодий соҳага асоссиз аралашувини камайтириш керак. Парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботини эшитиш каби шаклларидан кенг фойдаланиш лозим. 8) Бу вазифаларнинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идоралари раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши лозим. 9) Парламент назоратини кучайтиришда оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик иштирокини таъминламоқ зарур.

18. Парламентнинг ислоҳотлар тарғиботчисига айланиши учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

– 1. Фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «кучли давлатдан-кучли фақаролик жамияти сари» дастурини амалга оширишни фаоллаштириш даркор. 2. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш зарур. 3. Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантиришда фаол таъсирини кучайтиришда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўла фойдаланиш даркор. 4. Маҳаллий кенгашлардаги партиялар гуруҳлари фаолиятини ва унинг таъсирини ошириш даркор. 5. Қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлган фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини ривожлантириш керак. Бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам, тузилмалар манфаатини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўринга эга бўлсин.

19. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг вазифалари

– 1. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантириш талаб этилади. 2. Марказ ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари шу соҳага оид қабул қилинган ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашда кўмаклашишлари лозим. 3. Ўзбекистон Экологик ҳаракати юксак депутатлик минбаридан туриб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш имконияти ошади. 4. Аҳолини экологик хавф ҳамда тажовуздан ҳимоялашда улкан имкониятларни қўлга киритади.

20. Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органлари фаолиятидаги роли ва таъсирининг сезиларли ошганлиги қандай тушунтирилади?

Қонунчилик палатасида парламентдаги кўпчилик – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айни вақтда Ўзбекистон халқ демократик партияси фракцияси тимсолида парламентдаги мухолифат ташкил топди.

21. Парламентимизнинг суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича

мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга қўшган ҳиссаси қайси кўрсаткичлар билан изоҳланади?

2004 йилда сайланган икки палатали янги парламентимиз томонидан ўтган беш йил ичида суд-ҳуқуқ тизими бўйича 58 та қонун қабул қилинди ва мазкур қонунлар асосида суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқурлаштирилди.

22. Ўзбекистонда либерал жиноий жазо тизимларининг яратилиши қабул қилинган қайси муҳим қонунлар билан асосланади?

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

23. Демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича қонунчиликда қандай ишлар амалга оширилди?

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

24. Иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислоҳотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фаоллик кўрсатилмаётгани сингари жиддий камчиликларни президентимиз қандай эътироф этди?

Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган. Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

25. НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрел ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклифида гуруҳга яна қайси ваколатли вакиллар кириши назарда тутилган?

Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АҚШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилади.

26. Ўзбекистон яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга қандай ёрдам кўрсатишни мақсад қилиб қўйган?

2010 йилда Ўзбекистон Афғонистонга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан 6 баробарга оширилади.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз – Ҳайратон – Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва у йил охирига, яъни 2010 йилга қадар якунига етказилади.

27. Президентимиз қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатиш бўйича ишларни қандай баҳолади?

Қонунчилик палатаси ва Сенатда қатъий парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш ишлари ўта қониқарсиз йўлга қўйилган. Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси, тегишли тармоқларда устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлик ва қўмиталар, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам эшитилади ва муҳокама қилинади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, парламентда бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб, кўрилаётган масала бўйича муайян қўмита ёки комиссиянинг позицияси аниқ белгилаб олинмаган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб тавсия этилган бирон-бир дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган.

28. Мамлакатимизда ўз мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган қайси дастур амал қилади?

Мамлакатимизда социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» дастури амал қилади.

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантиришни, унинг мамлакатни, маъмурий-ҳудудий тузилмаларни бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини англатади.

29. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдига қандай масъулиятли вазифалар қўйилади?

Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашишлари лозим.

Улар юксак депутатлик минбаридан туриб атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади.

30. Президентимиз ўз маърузаларида ижтимоий-сиёсий жараёнда маҳалланинг ўрни ҳақида қандай фикр билдирдилар?

Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг хабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш бундан буён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

31. 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ўз ичига қандай асосий чора-тадбирларни қамраб олган.

Дастур мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган.

32. Ўзбекистоннинг банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири эканлиги қайси кўрсаткичлар билан асосланади?

Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

33. Банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисоб рақамларидаги маблағларга нисбатан қандай миқдорни ташкил этади?

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисоб рақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

34. Банк тизимининг умумий жорий ликвидлилиги қандай?

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

35. Банкларнинг кредит портфелида 2000 йилга нисбатан қандай ўзгариш кузатилди?

Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

36. Ташқи қарзлар орқали молиялаштириш қандай ҳолатларда амалга оширилмоқда?

Ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

37. 2009 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг ҳажми 2000 йилга нисбатан қандай ўзгарган?

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

38. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда қайси масалалар ўрин тутди?

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

39. Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва жараёнга тижорат банкларини жалб қилишга қаратилган ишларнинг ҳисобот давридаги натижалари қандай?

Мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодиётини ортиқча юкдан халос қилиш, бюджет ва иш ҳақи бўйича умумий миқдори 1 триллион сўм кредиторлик қарзини узиш, банкрот корхоналар негизида 100 дан ортиқ янги турдаги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, қўшимча равишда 17 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконини берди.

40. Кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили қандай натижаларга эришилди?

Кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади.

Нефт-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобил саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

41. Экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

Экспорт қиладиган корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш, ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш учун энергия манбалари ва коммунал хизматлар нархларининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик, корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳисобидан маҳсулот таннархини пасайтириш, экспорт нархларини шакллантиришга доир янги механизмларни жорий этиш, банк кафолатлари муддатларини узайтириш, қўшимча қиймат солиғини қайтариш муддатини қисқартириш ва бошқа шу каби чоралар амалга оширилди.

42. Экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида қандай ижобий ўзгаришларга эришилди?

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришдик.

Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий салдо билан якунлаш имконини берди. Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.

43. Солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қандай қўшимча чоралар амалга оширилди?

Енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун даромад солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар яратилди.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

44. Уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларига қандай солиқ имтиёзлари мавжуд?

Уй-жой қуриш ва реконструксия қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди. Корхоналар муассисларининг капиталлашув ва инвестиция киритишга йўналтириладиган дивидендлари ҳам ана шу муддатга солиққа тортилмайдиган бўлди.

45. Кичик бизнес субъектларининг ЯИМ яратишдаги улуши 2000 йилга нисбатан қандай ўзгарган?

2009 йилда кичик бизнес субектлари ялпи ички маҳсулотнинг 50,1 фоизини ишлаб чиқармоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди.

46. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йилда қандай лойиҳалар амалга оширилди?

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди.

Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш обекти, жумладан, нефт-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди.

47. Мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари доирасида қандай стратегик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди?

Бир нечта кичик станцияни ўз ичига олган «Янги Ангрен–Ўзбекистон» ЛЕП-500 электр узатиш линияси, Қамчиқ довони орқали ўтадиган 165 километрлик «Оҳангарон–Пунгон» магистрал газ қувури, «Ғузор–Сурхон» юқори волтли электр узатиш линиясини қуриш бўйича стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан якунланди.

48. Ички инфраструктуранинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган йўл ва кўприклар қуриш бўйича 2009 йилда қандай ишлар амалга оширилди?

Ўтган йилда 217 километрлик автомобил йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

49. Йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг қанча миқдордаги имтиёзли кредитлари жалб этилди.

Йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умумий қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди.

50. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида қандай натижаларга эришилди?

Яна бир устувор йўналиш – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилда 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда реконструкция қилинди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

51. 2009 йилда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари бўйича қанча миқдордаги маблағлар йўналтирилди?

2009 йилда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳам эътибор марказида бўлди.

Ушбу мақсадлар учун 2009 йилда жами 2,5 миллиард доллар миқдорида капитал маблағлар йўналтирилди. Бу ўзлаштирилган капитал маблағлар умумий ҳажмининг 27,8 фоизини ташкил этади.

52. Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначилик ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чоралар натижасида 2009 йилда айни йўналишда қанча иш ўрни яратилди?

Саноат корхоналари билан кооперация асосидаги касаначиликни ҳамда пудрат шартномаси асосидаги уй меҳнат фаолиятини ривожлантириш натижасида 130 мингга яқин иш ўрни яратилди.

53. Ўтган йил бўйича асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгариши тенденцияси қандай бўлди?

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Давлатимиз бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди.

54. 2009 йилда иқтисодиётимизга киритилган инвестициялар қанчани ташкил этди ва унинг нисбий ва таркибий ўзгариши қандай?

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир. Жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди, энг муҳими, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробар ошди.

55. Инқирозга қарши курашиш жараёнида инфляциянинг кескин кучайиб кетиш хавфининг юзага келиши қандай иқтисодий сиёсатнинг оқибати сифатида тушунтирилади?

Бозорда истеъмол талабининг пасайиши давом этаётгани нарх-наво ошишини чегаралаб турганлигига, қаердадир дефляция мавжудлигига қарамай, аввало пул маблағларининг улкан эмиссияси ҳисобидан банклар ликвидлигини сақлаб туриш мақсадида банклар ва молиявий секторларнинг жуда катта миқдорда пул кредитлари билан тўлдирилиши бир қатор мамлакатларда инфляция жараёнларининг кескин кучайиб кетиш хавфини юзага келтиради.

56. Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда давлатларда қайси иқтисодий сиёсат устувор вазифа бўлиб қолиши зарур?

Халқаро валюта жамғармаси экспертларининг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ташқари аралашувини камайтиришга тайёргарлик кўриш 2010 йилда ва ундан кейинги йиллардаги устувор вазифа бўлиб қолиши зарур.

57. Ўзбекистонда 2010 йилда ялпи ички маҳсулот, саноат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ўзгариши қандай бўлиши кўзда тутилмоқда?

Ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

58. 2010 йилда маҳсулот экспортини неча фоизга ошириш вазифаси белгиланган?

Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилмоқда.

59. Президент ўз нутқида «Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди» деб нимани назарда тутган?

Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлик фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.

60. 2009 йилда тижорат банкларининг 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши қандай ўзгарган?

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улушини ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.

61. 2010 йилда Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капитали ҳажмида қандай ўзгартиришлар қилишни режалаштирмоқда?

Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2010 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиши лозим.

Бу борада банк хизматининг янги турларини жорий этиш, аҳоли ва хўжалик субектларининг бўш маблағларини банкларнинг узоқ муддатли депозитларига жалб этишни камида 30 фоизга кўпайтириш, мамлакат иқтисодиётига киритиладиган узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини ички манбалар ҳисобидан ошириш учун мустаҳкам асос яратиш масалаларини қўшимча равишда ишлаб чиқиш талаб этилади.

62. Президент ўз нутқида тижорат банкларининг баҳолаш меъзонларини ўзгартириш бўйича қандай таклифларни берган?

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур – бугунги кунда уларнинг ишини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак. Шу ўринда ўз кредит портфелида 85 фоиздан зиёд узоқ муддатли кредитга эга бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва 71 фоиз ана шундай кредитга эга бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятини алоҳида қайд этишни истардим. Бундай фаолият бошқа банклар учун ўрнак бўлиши лозим.

63. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни молиялаштириш бўйича 2010 йилда қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда?

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда.

64. Мамлакатимзда қайси соҳаларни жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги таъкидланмоқда?

Мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефт-кимё, кимё саноати, энергетика, автомобилсозлик, электротехника саноати, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар ва ишлаб чиқариш тармоқларини ва, албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш, яқин келажакда рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш ҳақида сўз бормоқда.

Шулар қаторида биринчи навбатда енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш даркор.

65. 2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан неча фоизга ўсиши режалаштирилган?

2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши лозим.

66. 2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи, пенсияларнинг миқдори ва аҳоли жон бошига нибатан пул даромадлари қандай ўзгаришларни қайд этди?

2009 йили 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

67. 2010 йилда иш ҳақини ва реал даромадларни неча фоизга ошириш мўлжалланмоқда?

2010 йилда иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

68. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда неча фоизни ташкил этган ва 2010 йилда неча фоизга етказиш режалаштирилмоқда?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда 49 фоизга етказиш режалаштирилган.

69. Ўзбекистонда кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси неча фоизни ташкил этган?

2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоизга туширилган.

70. Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда неча фоизга етказиш режалаштирилмоқда?

Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50,1 %дан 2010 йилда 52,5 %га етказиш вазифаси қўйилмоқда.

71. Мамлакатимизда экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва ташқи савдо айланмасини мувофиқлаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилган?

Экспорт қилинадиган маҳсулотларимиз таркибини ва умуман, ташқи савдо айланмасини янада диверсификация қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хомашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутулиб, тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак.

Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш режалаштирилган.

72. 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар миқдори ва ялпи ички маҳсулотдаги улуши қандай бўлиши кутилмоқда?

2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади.

73. 2010 йилда ишлаб чиқариш соҳасига қилиниши режалаштирилган инвестицияларнинг ва капитал қўйилмаларнинг таркиби қандай бўлиши мумкин?

Ўзбекистонда 2010 йилда ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади. 2010 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестициялар жалб қилинишини мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 46 фоизга ошади.

74. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди жамғармаси миқдори қанчани ташкил этмоқда?

Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг жорий ҳолатдаги жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

75. Ўзбекистонда юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда қандай ҳамкорларни санаб ўтиш мумкин?

Дунёдаги машҳур ва нуфузли компаниялар, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Жанубий Корея, Япония тараққиёт банклари сингари молия институтлари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондлари ва бошқа хорижий ташкилотлар юқори қўшимча қийматга эга бўлган, юксак технологияларга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда бизнинг йирик ҳамкорларимиз бўлмоқда.

76. 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга ошириш дастури доирасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ушбу дастурга умумий қиймати 42,5 миллиард доллардан зиёд 327 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги бўйича молиялаш манбалари аниқ белгиланган ва инвесторлар консорциумлари шакллантирилган.

77. Республикамизда автомобил йўллари қурилиши соҳасига қандай маблағлар ажратилиши режалаштирилмоқда?

2010 йилда автомобил йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни, ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

78. Республикамизда автомобил йўллари қурилиши соҳасида қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда?

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаларини қуриш бўйича Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида янги йирик лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу дастурларни амалга оширишдан кўзланган пировард мақсад – Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат.

79. Ўзбекистонда 2010 йилда темир йўл коммуникацияларини ривожлантириш бўйича қандай ишлар амалга оширилиши режалаштирилган?

2010 йилда уларни модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган. «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўл линияси ва шу йўналишдаги инфратузилма обектларида қурилиш ишларини якунига етказиш, Янгиер – Жиззах ва Янгиер – Фарҳод электрлаштирилган темир йўл линиялари қурилишини давом эттириш лозим.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ва вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш даркор. Жорий йилда Испаниядан иккита тезюрар поезд сотиб олиш ва Тошкент – Самарқанд йўналиши бўйича уларнинг қатновини йўлга қўйиш лойиҳасини, барча расмийлаштириш жараёнлари билан бирга, амалга оширишни бошлаш керак.

80. Президент И.Каримов ўз нутқида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида олиб борилаётган ишлар ҳақида нималарга тўхталди?

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш инвестиция соҳасидаги долзарб йўналиш ҳисобланади. Аввало, бу ерда бошланган 17 та лойиҳани амалга ошириш, айни пайтда Корея Республикаси, Япония, Германия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа технологик жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатлардан инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

81. Юртимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши нималарда ўз аксини топади?

Қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал обектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.

82. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури доирасида 2009 йилда қанча маблағ йўналтирилди?

Ушбу дастур доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

83. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури доирасида 2009 йилда қандай ишлар амалга оширилди?

Энг муҳими, ўтган йили қишлоқ жойларда қурилиш олиб бориш учун узоқ истиқболга мўлжалланган, лойиҳалаштириш, саноат-қурилиш, муҳандислик-техник жиҳатдан кучли замонавий салоҳиятга эга бўлган база яратишга эришдик. Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳалаш институти каби ихтисослаштирилган тузилмалар ташкил этилди.

Уй-жой обектлари қурилиши бўйича 22 та намунавий лойиҳа, ижтимоий обектлар қурилиши бўйича 16 та лойиҳа, комплекс қурилишлар бўйича намунавий режалар ишлаб чиқилди ва бу лойиҳалар республика ва минтақавий кўргазмаларда кенг муҳокама этилганидан кейин тасдиқланди.

84. 2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун қандай молиявий маблағларни йўналтириш кўзда тутилган?

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир. Айни вақтда якка тартибда уй қурувчиларнинг ўзлари ҳам 70 миллиард сўмга яқин маблағ сарф этиши кутилмоқда.

2010 йилда мамлакатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

85. Қишлоқда замонавий инфратузилмани шакллантириш учун қандай объектлар қурилиши назарда тутилган?

Нафақат замонавий ва қулай коттежлар қуриш, айни вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат кўрсатиш обектлари, кенг ва равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

86. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига кўра 2010 йилда қандай маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилган?

Дастурда белгиланган комплекс чора-тадбирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

87. Ўзбекистонда 2010 йилда инфлация даражаси қандай бўлиши кутилмоқда.

Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда.

88. 2009 йил 27 декабр куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар қандай баҳоланди?

Берилган барча баҳо ва тафсилотларда аввало сайловчиларимизнинг овоз бериш пайтида умумий фаоллик, очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлгани таъкидланди.

89. 2010 йилда мамалкатимизда қанча иш ўринлари яратиш мўлжалланган?

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

90. Президент И.Каримов ўз маърузасида аҳоли бандлигини таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари сифатида нималарга эътибор қаратган?

2010 йилда ҳам аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш – буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади.

Шу асосда 208 минг нафардан ортиқ кишини, аввало, кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларини ўрганиш бўйича

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Мазкур тестлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини мукаммал ўрганиш, унда кўтарилган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг мазмун моҳиятини англаб етишда ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни эсда сақлаб қолишда қўл келади.

Тест саволлари барча баккалавриат босқичи ва магистратура мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларга мўлжалланган.

Тузувчи: иқтисод фанлари номзоди, доцент Ш.Мустафакулов.

1.Ўзбекистонда Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кимлар томонидан кўрсатилган?

a) Туман ҳокимияти.
b) Сиёсий партиялар.
c) Жамоат ташкилотлари.
d) Ташаббускор гуруҳлар.

2. Қонунчилик палатасига сайловнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этган ҳал қилувчи куч.

a) Сиёсий партиялар.
b) Депутатликка номзодлар.
c) Сайлов округлари.
d) Маҳалла.

3. Парламентимизнинг аввалги таркиби фаолияти давомида қанча муҳим қонунни қабул қилган.

a) 200 та.
b) 250 та.
c) 300 та.
d) 350 та.

4. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари Қонунчилик палатасида биринчи марта нимани шакллантирган?

a) Мухолифатни.
b) Демократик блокни.
c) Ярашув комиссиясини.
d) Қўмиталарни.

5. Парламентда мухолифатни қайси партия ташкил қилади?

a) Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
b) “Миллий тикланиш”.
c) “Адолат”.
d) ХДП.

6. Инқирозга қарши чоралар дастури қайси йилларга мўлжалланган?

a) 2008-2010 йилларга.
b) 2009-2011 йилларга.
c) 2009-2012 йилларга.
d) 2010-2013 йилларга.

7. Ўтган 5 йил мобайнида, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар янада чуқур-лаштирилган нечта қонун қабул қилинди?

a) 50 та.
b) 60 та.
c) 65 та.
d) 58 та.

8. Мамлакатимизда қачондан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди?

a) 2007 йилдан.
b) 2008 йилдан.
c) 2009 йилдан.
d) 2010 йилдан.

9. Президент Ислом Каримов қайд этган аввалги парламентимиз камчиликларидан бири:

a) Узоқ истиқболга мўлжалланган ўз дастури йўқлиги.
b) Қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилинмай қабул қилиниши.
c) Қонунларнинг бир ўқишда қабул қилиниши.
d) Қонунларнинг бир овоздан қабул қилиниши.

10. Кейинги 5 йил мобайнида депутатлар ташаббуси билан киритилган қонун лойиҳалари сони:

a) 30 та.
b) 35 та.
c) 40 та.
d) 44 та.

11. Кейинги 5 йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 қонун лойиҳасидан нечтаси Президентга тегишли?

a) 30 та.
b) 35 та.
c) 42 та.
d) 45 та.

12. Кейинги 5 йил мобайнида ҳукумат томонидан Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларининг сони:

a) 130 та.
b) 140 та.
c) 160 та.
d) 170 та.

13. Қабул қилинган қонунларнинг сифатига нисбатан Президент таъкидлаган камчиликлар:

a) Кўпчилиги ўзгариш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган.
b) Кодификациялаш характерига эга эмас.
c) Такрорларга йўл қўйилган.
d) Ҳамма жавоблар тўғри.

14. Ҳуқуқий нигилизм нима?

a) Ҳуқуқий норманинг инкор қилиниши.
b) Айрим гуруҳлар манфаатини ифодалаши.
c) Ғаразли мақсадда қабул қилиниши.
d) Қўлланиш қийинлиги.

15. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби” қачон қабул қилинди?

a) 2006 йил январда.
b) 2007 йил январда.
c) 2008 йил май ойида.
d) 2009 йил май ойида.

16. НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти Афғонистон масаласида қандай таклифни ўртага қўйган?

a) “6+2” гуруҳини шакллантириш.
b) “6+2” гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш.
c) Ҳарбий ёрдамни кучайтириш.
d) Гуманитар ёрдамни кучайтириш.

17. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, ҳаёт даражасини юксалтиришнинг асосий йўли қандай?

a) Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш.
b) Иқтисодиётни янада эркинлаштириш.
c) Кучли фуқаролик жамияти барпо этиш.
d) Ҳамма жавоблар тўғри.

18. Мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим шарти.

a) Иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этиш.
b) Ижтимоий ва суд-ҳуқуқ тизимини муттасил янгилаш.
c) Иқтисодий ва ижтимоий соҳани ислоҳ этишни ижтимоий ва суд-ҳуқуқ тизимини муттасил янгилаш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш.
d) Жараёнларни тезлаштириш.

19. Мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим вазифаларидан бири

a) Кўпроқ қонун қабул қилиш.
b) Қонунлар сифатини яхшилаш.
c) Ривожланган мамлакатлардан нусха олиш.
d) Қонунлар ижроси устидан қатъий парламент назорати ўрнатиш.

20. Парламент назоратининг асосий шакллари:

a) Парламент сўрови.
b) Парламентда ҳисоботни эшитиш.
c) Ижро ҳокимиятига назоратни топшириш.
d) Парламент сўрови ва парламентда ҳисоботни эшитиш.

21. Парламент назоратни амалга оширишда қайси кучларга таянади?

a) ОАВларнинг фаол иштирокига.
b) Кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокига.
c) Партияларнинг матбуот нашрларига.
d) Ҳамма жавоблар тўғри.

22. “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси нимани англатади?

a) Фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлан-тириш.
b) Фуқаролик жамияти институтлари бошқарув жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини.
c) Фуқароларнинг сиёсий фаоллашувини.
d) Ҳамма жавоблар тўғри.

23. Ўзбекистон Экологик ҳаракати нечта нодавлат нотижорат ташкилотини ўзида бирлаштирган?

a) 50 дан ортиқ.
b) 80 дан ортиқ.
c) 100 дан ортиқ.
d) 150 дан ортиқ.

24. Маҳалланинг амалга ошираётган иши қайси қаторда?

a) Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.
b) Жойларда жамоат тартибини сақлаш.
c) Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбияси.
d) Ҳамма жавоблар тўғри.

25. Қайси қатордаги жавоб ОАВларга кирмайди?

a) Телевидение.
b) Радио.
c) Интернет.
d) Тўғри жавоб йўқ.

26. ОАВларнинг турлари:

a) Давлат.
b) Нодавлат.
c) Шахсий.
d) Давлат ва нодавлат.

27. Қайси қатордаги фикр фуқаролик жамияти ривожига хизмат қилади?

a) Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш.
b) ОАВлар соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш.
c) Нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантириш.
d) Ҳамма жавоблар тўғри.

28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қўшма қарорни қачон қабул қилди?

a) 2007 йилда.
b) 2008 йилда.
c) 2009 йилда.
d) 2010 йилда.

29. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қўшма қарорда нима яратилди?

a) Улар фаолиятини молиялаштириш тизими.
b) Молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг демократик тизими.
c) Уларни назорат қилиш тизими.
d) Уларни мустақил ривожлантириш тизими.

30. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига кимлар эга эмас?

a) Олий суд.
b) Бош прокурор.
c) Вазирлар Маҳкамаси.
d) Сенат.

31. Ўзбекистонда қонунларни ишлаб чиқадиган ҳуқуқий орган қайси қаторда тўғри акс эттирилган?

a) Олий Мажлиснинг қуйи палатаси;
b) Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлмиш Сенат;
c) Вазирлар Маҳкамаси;
d) Вазирликлар.

32. Қайси партиялар функцияларини бирлаштирган Демократик блок шакланди?

a) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, “Миллий тикланиш” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларини;
b) Бундай блок шакллантирилмаган;
c) “Адолат” социал-демократик партияси ва Халқ депутатлари партияси фракцияларини;
d) “Миллий тикланиш” партияси, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияларини.

33. Мамлакатимизда қайси санадан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган?

b) 2008 йил 1 январдан;
c) 2010 йил 1 мартдан;
d) 2009 йил 10 январдан;
e) Қонун лойиҳаси тайёрланган, аммо ҳали қабул қилинмаган.

34. Ўтган беш йил (2004-2009 й.й) давомида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан нечтаси депутатлар ташаббуси билан киритилган?

a) Барчаси;
b) 200 таси;
c) 44 таси;
d) Умуман киритилмаган.

35. Президентимиз томонидан аввалги (2004-2009 й.й.) парламентимиз фаолиятида учраган нечта энг муҳим камчилик ва нуқсонларни келтириб ўтдилар?

a) Олтита;
b) Ўнта;
c) Иккита;
d) Битта.

36. 2008 йилнинг апрел ойида НАТО/СЕАП ташкилотининг Бухарест саммитида Президентимиз томонидан қандай муаммо ва таклиф ўртага қўйилган?

a) Афғон муаммоси, бу муаммони фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида “6+2” мулоқот гуруҳини “6+3” гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф;

b) Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл орқали ҳал этиш мумкин эканлиги ҳақидаги таклиф;

c) Афғон муаммосини, унинг ички ишларига аралашиш орқали тартибга солиш бўйича таклиф;

d) Афғон муаммосини фақат бир минтақага тегишли бўлган муаммо, деб қараш ва уларнинг ички ишларига аралашмасилик лозимлиги тўғрисидаги таклиф.

37. Президентимиз томонидан жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик қарор топиши учун қандай таклиф илгари сурилди?

a) Жаҳон ҳамжамияти, авваламбор иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур;

b) Жаҳон ҳамжамияти томонидан иқтисодий-молиявий ўрдам кўрсатиш ва бу ишларни Афғонистонга қўшни бўлган мамлакатлар ёрдамида амалга ошириш;

c) Жаҳон ҳамжамияти томонидан ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиш ва бу ишларнинг барчасини ривожланган мамлакатлар ёрдамида амалга ошириш;

d) Фақат Осиё мамлакатлари орқали иқтисодий-молиявий кўмакни амалга ошириш.

38. 2010 йилда Ўзбекистоннинг Афғонистон республикасига етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан:

a) Пасайтирилди;
b) Тўхтатилинди;
c) Олти баробарга оширилди;
d) Уч баробарга пасайтирилди.

39. Президентимиз томонидан мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган марраларга эришиш учун:

a) Иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш кераклиги таъкидланди;
b) Суд-хуқуқ тизимини профессонал даражада йўлга қуйиш керакли уқтирилди;
c) Олий Мажлиснинг қуйи палатаси депутатларининг ижтимоий фаоллигини ошириш кераклиги таъкидланди;
d) Якка партиявийлик ақидасини илгари сурган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенатирларнинг масъулиятини ошириш лозимлиги таъкидланди.

40. Мамлакатимиз Президенти томонидан 2010 йилга қандай йил номи берилди?

a) “Соғлом авлод йили”;
b) “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”;
c) “Баркамол авлод йили”;
d) “Келажак авлод йили”.

41. 2009 йилда қайси ҳалқаро алоқа каналлари ишга туширилди?

a) Андижон-ОШ, Кунград-Бейнов.
b) Тошкент –Андижон, Самарқанд –Қўқон.
c) Денов-Турсунзода, Термиз-Хайратон.
d) а ва с жавоблар тўғри.

42. Ахборот технологиялари йўналиши бўйича нечта инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди?

a) 9 та;
b) 8 та;
c) 10 та;
d) 12 та.

43. Миллий ахборот тармоғини тузиш қайси дастурда ўз аксини топган?

a) Ўзбекистон Республикаси ахборот дастурида;
a) Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот тармоғида;
b) Миллий дастурда;
c) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.

44. 2009 йилда етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш мақсадида қанча миқдорда маблағ ажратилди?

a) 300 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари;
a) 500 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари;
b) 250 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари;
c) 650 млрд. сўмдан ортиқ давлат маблағлари.

45. 2009 йилда инфляция даражаси неча фоизни ташкил қилди?

a) 6,8 фоизни;
b) 7,8 фоизни;

c) 7,4 фоизни;
d) 9,0 фоизни.

46. 2008 йилга нисбатан 2009 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши неча фоизни ташкил этган?

a) 8,1 фоизни;
b) 9,5 фоизни;
c) 9,0 фоизни;
d) 7,0 фоизни.

47. 2009 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши неча фоизни ташкил қилди?

a) 27 %;
b) 23 %;
c) 26,5 %;
d) 30 %.

48. Мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар асосан:

a) Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбирокрлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинмоқда;
b) Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини инқироздан ҳимоя қилиш, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинмоқда;
c) Экспортга йўналтирилган корхоналар имкониятини кучайтириш учун жалб қилинмоқда;
d) Импортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш учун жалб қилинмоқда.

49. 2010 йилда капитал қуйилмаларнинг ўсиш ҳажми:

a) 15 фоизга ошиши;
b) 20 фоизга тушиши;
c) 22,1 фоизга ошиши;
d) 12,1 фоизга ошиши башоратланмоқда.

50. Президентимиз томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун нечта устувор йўналиш белгилаб берилди?

a) 5 та;
b) 3 та;
c) 10 та;
d) 7 та.

51. Мамалакатда кўрилган амалий чоралар натижасида 2009 йилда қанча иш ўринлари яратилган?

a) 640 мингдан зиёд;
b) 940 мингдан зиёд;
c) 600 минга яқин;
d) 500 мингга яқин.

52. 2009 йилда аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари миқдори неча баробарга ошди?

a) 1,5;
b) 2;
c) 2,8;
d) 1,7.

53. Иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2009 йилда 2000 йилга нисбатан неча баробарга ошган?

a) 12;
b) 13;
c) 14;
d) 15.

54. 2009 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажмида қандай ўзгаришларга эришилди?

a) 8,2 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 124,8 фоизга;
b) 8,0 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 110,8 фоизга;
c) 9,2 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 128,4 фоизга;
d) 7,0 млрд. АҚШ доллар, яъни 2008 йилга нисбатан 124,8 фоизга.

55. Инқирозга қарши чоралар дастуридан кўзланган асосий мақсад:

a) Ўзбекистонни инқироздан олиб чиқиш;
b) Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш;
c) Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
d) Молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

56. Бугунги кунда банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан қандай фарқ қилади?

a) Бугунги кунда уларнинг фарқи йўқ;
b) 10 баробарга кўп;
c) 2 баробарга кам;
d) 5 баробарга кўп.

57. 2009 йилда маҳаллийлаштириш дастури бўйича нечта лойиҳа амалга оширилган ва унинг натижаси қандай бўлган?

a) 640 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2 баробарга кўпайди;
b) 840 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,3 баробарга кўпайди;
c) 750 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,5 баробарга кўпайди;
d) 500 та лойиҳа ва маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш 2,3 баробарга кўпайди.

58. 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида нечта инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва уларнинг қанчаси ижобий якунланган?

a) 690 та лойиҳа амалга оширилди ва 303 таси ижобий якунланди;
b) 590 та лойиҳа амалга оширилди ва 203 таси ижобий якунланди;
c) 700 та лойиҳа амалга оширилди ва 403 таси ижобий якунланди;
d) 650 та лойиҳа амалга оширилди ва 300 таси ижобий якунланди.

59. 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида қандай имтиёзлар берилди?

a) Ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоизга туширилди;
b) Фойда солиғи ставкаси 7 фоизга туширилди;
c) 3 йилгача барча солиқ турларидан озод этилди;
d) ҚҚС ва акциз солиғидан озод этилди.

60. 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича давлат дастурига нечта лойиҳа киритилди ҳамда уларнинг қиймати қанчани ташкил этади?

a) 300 та лойиҳа, қиймати 50 миллиард долларга тенг;
b) 327 та лойиҳа, қиймати 42,5 миллиард долларга тенг;
c) 427 та лойиҳа, қиймати 52,5 миллиард долларга тенг;
d) 500 та лойиҳа, қиймати 60 миллиард долларга тенг.

61. 2009 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқариш неча фоизга ошган?

a) 5,5 фоизга;
b) 5,7 фоизга;
c) 5,9 фоизга;
d) 6,1 фоизга;

62. Қайси вилоятда эркин индустриал-иқтисодй зона ташкил этилди?

a) Тошкент;
b) Бухоро;
c) Самарқанд;
d) Навоий;

63. 2010 йилги Инвестиция дастури доирасида уй-жой қурилиш учун "Қишлоқ қурилиш банк" орқали аҳолига қанча миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш назарда тутилган?

a) 100 млрд. сўмдан ортиқ;
b) 120 млрд. сўмдан ортиқ;
c) 230 млрд. сўмдан ортиқ;
d) 250 млрд. сўмдан ортиқ;

64. 2009 йилда мамлакатимизда қанча миқдорда пахта хом ашёси етиштирилди?

a) 4,0 млн. тонна
b) 3,6 млн. тонна
c) 4,2 млн. тонна
d) 3,4 млн. тонна

65. 2009 йилда давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан неча фоиз миқдорда профицит билан бажарилди?

a) 0,6 фоиз профицит;
b) 0,2 фоиз профицит;
c) 0,8 фоиз профицит;
d) 1,4 фоиз профицит;

66. 2009 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши:

a) 9 фоизни ташкил этди;
b) 9,5 фоизни ташкил этди;
c) 12,7 фоизни ташкил этди;
d) 7,5 фоизни ташкил этди.

67. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили давлат дастурини амалга оширишда 2009 йилда қишлоқ жойларда уй-жой, ижтимоий ва коммунал объектларни барпо этиш учун барча маблағлар ҳисобидан:

a) 1,5 триллион сўм;
b) 2,2 триллион сўм;

c) 2,6 триллион сўм;
d) 3,0 триллион сўм пул маблағи сарфланди.

68. 2010 йилда темир йўл коммуникацияларини модернизация қилиш учун қанча пул маблағи сарфланиши кўзда тутилмоқда?

a) 101 миллион сўмдан кўпроқ;
b) 102 миллион АҚШ долларидан кўпроқ;
c) 105 миллион АҚШ долларидан кўпроқ;
d) 205 миллион сўмдан кўпроқ.

69. 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этиши режалаштирилган:

a) 27,0 фоизини;
b) 28,5 фоизини;
c) 30,0 фоизини;
d) 31,5 фоизини.

70. 2010 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини неча фоизга етказиш мўлжалланган?

a) 50,5;
b) 51,2;
c) 52,0;
d) 52,5.

71. Корхона муассисларининг капиталлашув ва инвестицияга йўналтирилган дивидендларини солиқдан 5 йил муддатгача озод қилиниши хўжалик юритувчи субъектларга нима беради?

a) Мақсадсиз ишлатиладиган ортиқча маблағни;
b) Оборот капиталининг ўсишини;
c) Мақсадли фойдаланиладиган маблағлар суммасининг ошишини;
d) Узоқ муддатли активларнинг ўсишини таъминлайди.

72. Касаначилик асосида меҳнат фаолиятини ошириш корхоналар учун қандай наф келтиради?

a) Давлатнинг мақсадли фондларига ажратма ҳисобланмаслик натижасида маблағ тежалади;
b) Ҳеч қандай наф йўқ;
c) Айланма маблағларнинг кўпайишига олиб келади;
d) Узоқ муддатли активларнинг камайишига олиб келади.

73. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича қандай чоралар амалга оширилиши лозим?

a) Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш;
b) Кооперация алоқаларини кенгайтириш;
c) Мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш;
d) Барча жавоблар тўғри.

74. 2009 йилда экспорт ҳажми неча фоизга ошиб, ташқи савдо айланмаси қанчага тенг бўлди?

a) 4,1 фоизга ошиб, 4,2 млрд долларга тенг бўлди.
b) 2,4 фоизга ошиб, 3,4 млрд долларга тенг бўлди.

c) 2,4 фоизга ошиб, 2,3 млрд долларга тенг бўлди.
d) 3,7 фоизга ошиб, 2,6 млрд долларга тенг бўлди.

75. 2009 йилда кўрилган инқирозга қарши чора-тадбирлар туфайли қанча янги иш ўринлари ва шундан қанчаси қишлоқ жойларида ташкил этилди?

a) 940 мингдан ортиқ, шундан қарийб 500 минг иш ўрни қишлоқ жойларида;
b) 850 мингдан ортиқ, шундан қарийб 480 минг иш ўрни қишлоқ жойларида;
c) 920 мингдан ортиқ, шундан қарийб 500 минг иш ўрни қишлоқ жойларида;
d) 900 мингдан ортиқ, шундан қарийб 510 минг иш ўрни қишлоқ жойларида.

76. 2009 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши неча фоизни ташкил этган?

a) Қарийб 50 фоизни;
b) 60 фоизни;
c) 45 фоизни;
d) 55 фоизни.

77. Хизмат кўрсатиш соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда неча фоизга етказиш кўзда тутилмоқда?

a) 48 фоизга;
b) 49 фоизга;
c) 50 фоизга;
d) 51 фоизга.

78. Бугунги кунда мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондининг жамғармаси қанчага тенг?

a) 3,7 млрд долларга;
b) 4,2 млрд долларга;
c) 3,9 млрд сўмга;
d) 5,0 млрд доллар.

79. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали неча баробарга ошди?

a) 3 баробарга;
b) 2 баробарга;
c) 2,5 баробарга;
d) 4 баробарга.

80. Маҳсулот таннархини пасайтиришга таъсир қилувчи асосий омилларни кўрсатинг?

a) Коммунал хизматлар нархларининг асоссиз оширишга йўл қўймаслик;
b) Корхоналарда технологик жараёнларни оптималлаштириш;
c) Имтиёзли кредитлар ажратиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш;
d) а ва в жавоблар тўғри.

81. Ташқи савдони тартибга солишнинг молиявий усуллари

a) Техник тўсиқлар, санитария меъёрлари, ички солиқлар, маҳаллий товарларни давлат томонидан харид қилиниши;
b) Тариф квотаси, импорт божи;
c) Субсидия, демпинг, кредитлаш;
d) Квоталаш, лицензиялаш.

82. 2010 йилда банкротликнинг янги тўлқини сифатида хавф солиши мумкин бўлган омилни белгиланг.

a) Қайтарилмаган ипотека ва истеъмол кредитлари миқдорининг ошиши;
b) Имтиёзли кредитларнинг жорий этилиши;
c) Солиқлар ставкасининг баландлиги;
d) Инвестициялар киритилишининг камайиб кетиши.

83. Республикамиздаги амал қилаётган банклардан нечтаси халқаро рейтинг компанияларининг "Барқарор" деган юқори рейтинг баҳосини олди?

a) 10 та;
b) 14 та;
c) 15 та;
d) 19 та.

84. 2009 йилда банклар жами кредит портфелининг неча фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди?

a) 72 фоиз;
b) 75 фоиз;
c) 80 фоиз;
d) 84 фоизи.

85. 2009 йилда экспорт ҳажми неча фоизга ошди?

a) 2,1 фоиз;
b) 2,4 фоиз;
c) 2,8 фоиз;
d) 3,2 фоиз.

86. 2009 йилда саноат тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини неча фоизга туширишга эришилди?

a) 18 фоиз;
b) 16 фоиз;
c) 20 фоиз;
d) 24 фоиз.

87. 2010 йилда инвестиция дастури доирасида уй-жой қурилиши учун "Қишлоқ қурилиш банки" орқали қанча миқдорда имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилган ва бу миқдор 2009 йилга нисбатан қанча кўп?

a) 150 млрд. сўмдан ортиқ ва 3 марта кўп;
b) 150 млрд. сўмдан ортиқ ва 4 марта кўп;
c) 250 млрд. сўмдан ортиқ ва 4 марта кўп;
d) 250 млрд. сўмдан ортиқ ва 3 марта кўп.

88. 2009 йилда қанча янги иш ўринлари яратилди ва 2010 йилда қанча янги иш ўринлари яратиш мўлжалланмоқда?

a) 2009 йилда 950 мингдан ортиқ; 2010 йилда 980 мингдан ортиқ;
b) 2009 йилда 970 мингдан ортиқ; 2010 йилда 970 мингдан ортиқ;
c) 2009 йилда 940 мингдан ортиқ; 2010 йилда 950 мингдан ортиқ;
d) 2009 йилда 950 мингдан ортиқ; 2010 йилда 1050 мингдан ортиқ.

89. 2009 йилда қишлоқ хўжалиги ерларини мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун қанча маблағ йўналтирилди?

a) 130 млрд сўмдан ортиқ;
b) 140 млрд сўмдан ортиқ;

c) 150 млрд сўмдан ортиқ;
d) 120 млрд сўмдан ортиқ.

90. 2010 йилда иш ҳақи ва реал даромадларни неча фоизга ошириш мўлжалланмоқда?
a) иш ҳақи 25%, реал даромад 25%;
b) иш ҳақи 40%, реал даромад 30%;
c) иш ҳақи 30%, реал даромад 23%;
d) иш ҳақи 35%, реал даромад 28%.

91. 2010 йилда барча 159 та қишлоқ туманида нечта ва қанча қийматдаги уй-жой қурилиши режалаштирилмоқда?
a) умумий қиймати 470 млрд сўмдан ортиқ бўлган 7630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган;
b) умумий қиймати 570 млрд сўмдан ортиқ бўлган 7530 та уй-жой қурилиши режалаштирилган;
c) умумий қиймати 450 млрд сўмдан ортиқ бўлган 7600 та уй-жой қурилиши режалаштирилган;
d) умумий қиймати 500 млрд сўмдан ортиқ бўлган 7030 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

92. Тайёр рақобатбардош маҳсулотлари экспортини фаол ошириш мақсадида қандай ишлар амалга ошириш зарур?
a) Янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юритиш;
b) Янги такомиллашган товарларни ўзлаштириш;
c) Янги бозорларни янги товарлар билан эгаллаш;
d) Диверсификация стратегиясини амалга ошириш.

93. 2010 йилда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари нимадан иборат?
a) Якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш;
b) Кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш;
c) Аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ хунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш;
d) Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш.

94. Кооперация алоқаларининг ривожлантириш нималарга олиб келади?
a) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга;
b) Маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини кўпайтиришга;
c) Инвестицияни кенг жалб этишга;
d) Касаначиликни ривожлантиришга.

95. 2009 йилда 2008 йилга нисбатан иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми неча фоизга ортган?
a) 20,5 фоизга;
b) 15,7 фоизга;
c) 24,8 фоизга;
d) 24,0 фоизга.

96. 2010 йилда мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш нималар ҳисобига яратилади?

a) Кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосида қурилиш, шу жумладан: уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобига;
b) Пудрат асосида қурилиш ишлари кўламини кенгайтириш, кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш
c) Якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш;
d) Касаначиликни ривожлантириш ҳисобига.

97. 2009 йилда саноат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қанчага ўсди?

a) 9,0 фоизга;
b) 5,7 фоизга;
c) 8,1 фоизга;
d) 10 фоизга.

98. 2010 йилда Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси нимадан иборат?

a) Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётни модернизация қилиш, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш, иқтисодий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш;
b) Ислоҳотларни давом эттириш, чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;
c) Иқтисодиётни модернизация қилиш, мамлакатимиз иқтисодий ривожланишини таъминлаш, Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш;
d) Тўғри жавоб йўқ.

99. Ўзбекистонда меҳнат бозори қандай функцияларни бажаради?

a) Ишчи кучи таклифини шакллантириш, талаб ва таклифни мувозанатлайди, оқилона бандликга таъсир этади, ишсизликни камайтиради;
b) Ишчи кучига талабни ва унинг таклифини ҳамда улар ўртасидаги нисбатни шакллантиради ва тартибга солади, оқилона бандликга таъсир этади, ишсизликни камайтиради , малакани оширишга ёрдам беради;
c) Ишчи кучи талабини ва таклифини оширади, ишсизликни камайтиради меҳнат унумдорлигини оширади , оқилона бандликни таъминлайди;
d) Ишчи кучи талабини оширади ва таклифини камайтиради, бахосини кўпайтиради , ишсизликни камайтиради, малакани оширади;

100. Ўзбекистонда ишсизликни камайтиришнинг қандай асосий йўллари мавжуд?

a) Янги иш жойлари ташкил этиш, моддий ёрдам бериш , иш ҳақини ошириш, ижтимоий ҳимоя этиш;
b) Талабни ортириш, таклифни камайтириш, нафақа бериш, янги иш жойларини ташкил этиш;
c) Иш ҳақини ошириш , моддий ёрдам бериш, малакасини ошириш , янги иш жойларини ташкил этиш;
d) Янги иш жойларини ташкил этиш, ишчи кучини қайта тақсимлаш, иш ҳақини ошириш, ишчи кучи малакасини рақобатдошлигини ва экспорт қилинишини ошириш;

101. Инқирозга қарши чоралар Дастурига асосан экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида қайси солиқ тури бўйича солиқни қайтариш муддати қисқартилган?

a) Фойда солиғи бўйича;
b) Акциз солиғи бўйича;
c) Мол-мулк солиғи бўйича;
d) Қўшилган қиймат солиғи бўйича.

102. 2010 йилдан бошлаб фойда солиғи ставкаси неча фоиз қилиб белгиланган?

a) 12 фоиз;
b) 8 фоиз;
c) 9 фоиз;
d) 7 фоиз.

103. 2009 йилда солиқ тўловчиларга берилган солиқ имтиёзлари ва префенциялари натижасида қанча маблағ солиқ тўловчиларнинг ихтиёрларида қолдирилди?

a) 500 млрд.сўмдан ортиқ;
b) 300 млрд.сўмдан ортиқ;
c) 250 млрд.сўмдан ортиқ;
d) 100 млрд.сўмдан ортиқ.

104. Республикамизда уй жой қурилишини ривожлантириш учун ихтисослаштирилган пудратчи корхоналарга қандай солиқ имтиёзлари берилган?

a) 2 йилга фойда ва қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилган;
b) Ягона ижтимоий тўловдан озод этилган;
c) Қурилишда фойдаланилган мол-мулк доирасида мол-мулк солиғидан озод этилган;
d) 5 йилгача барча солиқлар ҳамда божхона тўловларидан озод этилган.

105. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг асосий йўналиши нимага қаратилган?

a) Солиқ ставкаларини мунтазам ошириб боришга;
b) Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини аста-секин камайтириб бориш ва солиқларнинг рағбатлантирувчанлик ролини ошириб боришга;
c) Солиқларнинг фискаллик ролини оширишга;
d) Солиқ имтиёзларини кескин қисқартириб боришга.

106. 2010 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатида аҳолининг реал пул даромадларини оширишга қаратилган қандай тадбир белгиланган?

a) Жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинадиган солиқ ставкасининг дастлабки шкаласи 1 фоизга камайтирилди;
b) Аҳолининг мулкий тарздаги даромадлари солиқдан озод этилди;
c) Аҳолининг барча қатламлари бўйича даромад солиғини ҳисоблашда энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида чегирма қилинади;
d) Аҳолидан олинадиган мол-мулк солиғининг амалдаги ставкаси 30 фоизга камайтирилди.

107. 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши билан Олий таълим муассасаларига нисбатан қанақанги солиқ имтиёзлари берилди?

a) Тўлов-контракт асосида тушган маблағлардан солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларни тўлаш муддатини 2015 йилгача узайтирилди;

b) Тўлов-контракт асосида тушган маблағлардан фақат бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларни бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларни тўлашдан озод этилди;
c) Тўлов-контракт асосида тушган маблағлардан фойда солиғини тўлашдан озод этилди;
d) Тўлов-контракт асосида тушган маблағларнинг талабаларнинг турар жойларининг ҳолатини яхшилашга сарфланган маблағлар ҳажмида мажбурий тўловлардан озод этилди.

108. 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми қанчани ташкил этди.
a) 8,0 миллиард долларни;
b) 7,4 миллиард долларни;
c) 7,6 миллиард долларни;
d) 8,2 миллиард долларни.

109. Иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда неча фоизни ташкил этди.
a) 35 фоизни;
b) 30 фоизни;
c) 40 фоизни;
d) 32 фоизни.

110. 2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан неча фоизга ўсиши кутилмоқда.
a) 30 фоизга;
b) 40 фоизга;
c) 35 фоизга;
d) 32 фоизга.

111. 2010 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми неча фоизга ошиши кутилмоқда.
a) 46 фоизга;
b) 40 фоизга;
c) 35 фоизга;
d) 30 фоизга.

112. 2010 йилда автомобил йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан қанча маблағ ажратиш кўзда тутилган.
a) 515 миллиард сўм;
b) 500 миллиард сўм;
c) 530 миллиард сўм;
d) 540 миллиард сўм.

113. 2009 йилда қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қанча маблағ йўналтирилди.
a) 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд;
b) 2 триллион 300 миллиард сўмдан зиёд;
c) 1 триллион 900 миллиард сўмдан зиёд;
d) 2 триллион 700 миллиард сўмдан зиёд.

114. 2009 йилда Ўзбекистонда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши неча фоизни ташкил этган?

a) 10 фоизни;
b) 11.2 фоизни;
c) 12 фоизни;
d) 12.9 фоизни.

115. 2010 йилда маҳсулот экспортини оширишни таъминлаш вазифаси нимани ҳисобидан амалга оширилади?

a) Хом ашёлар ҳисобидан;
b) Ҳизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобидан;
c) Қишлоқ хўжали махсулотлари ҳисобидан;
d) Юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан.

116. 2010 йилда Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун "Қишлоқ қурилиш банк" орқали аҳолига қанча миқдорда имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган?

a) 250 миллиард сўмдан ортиқ;
b) 250 миллиард доллардан ортиқ;
c) 150 миллион сўмдан ортиқ;
d) 100 миллион евродан ортиқ.

117. 2010 йилда бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишларидан бири сифатида нималарга эътибор қаратиш кўзда тутилмоқда?

a) Аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рағбатлантириш;
b) Халқаро савдони кучайтириш ва экспорга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
c) Эркин индустриал-иқтисодий зонада кўплаб янги ишчи ўринларини яратишга ва аҳолининг зич қатламини ишчи кучи танқис бўлган ҳудудларга кўчириш;
d) "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига биноан халқаро миграцияни кучайтириш.

118. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни бажариш учун барча молиялаш манбалари ҳисобидан қанча пул маблағи ўзлаштирилиши мўлжалланган?

a) 7 миллиард доллар атрофида;
b) 8 триллион сўм аторофида;
c) 2.6 триллион сўм атрофида;
d) 1.8 триллион сўм атрофида.

119. Қайси шаҳар аэропорти базасида халқаро ташишлар бўйича интермодал марказ ташкил этилмоқда?

a) Тошкент шаҳар;
b) Самарқанд шаҳар;
c) Бухора шаҳар;
d) Навоий шаҳар.

120. 2009 йилда касаначилик асосида қанча иш ўринлари яратилган?

a) 940 мингдан зиёд иш ўринлари;
b) 500 мингга яқин иш ўринлари;
c) 130 мингга яқин иш ўринлари;
d) 390 мингдан зиёд иш ўринлари.

121. 2009 йилда иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8.2 миллиард долларни, яъни 2008 йилга нисбатан 124.8 фозни ташкил этган бўлса, 2008 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми қанчани ташкил қилган?

a) 6.57 миллиард долларни;
b) 5.4 миллиард долларни;
c) 8.2 миллиард долларни;
d) 7.5 миллиард долларни.

122. 2009 йилда дунё иқтисодиёти ўртача:

a) 1 фоизга қисқарган;
b) 2 фоизга ўсган;
c) 3 фоизга пасайган;
d) 5 фоизга ўсган.

123. Халқаро экспертлар ва иқтисодчиларнинг башоратларига кўра, 2010 йилда дунё иқтисодий ривожланиши неча фоизга ошиши кутилмоқда?

a) Рецессия ҳолати давом этади;
b) 3 фоиз атрофида;
c) 2 фоиз атрофида пасаяди;
d) 8 фоиз атрофида.

124. 2009 йилда умумий банкрот деб эълон қилинган корхоналарнинг қанчаси тижорат банклари балансига ўтқазилди?

a) 240 таси;
b) 154 таси;
c) 86 таси;
d) 70 таси.

125. 2010 йилда инфляция даражаси неча фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда:

a) 7-9 фоиз;
b) 11-12 фоиз;
c) 8,1 фоиз;
d) 8,5 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларида келтирилган атамаларнинг

Г Л О С С А Р И Й С И

Ушбу атамалар глоссарийсида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларида келтирилган атамаларнинг қисқача изоҳи келтирилган.

Мазкур қўлланма нафақат олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари талабаларига, шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва аспирантлар ҳамда кенг жамоатчилик учун ҳам фойдалидир.

Тузувчилар: Ғ.Э. Захидов, И.У. Нематов.

Автоматлаштирилган ахборот технологияси - маълумотларни узатиш, тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш техникаси ва алоқа тизимлари усуллари ҳамда воситалари қўлланиладиган ахборот технологияси.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки - иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган банк муассасаси бўлиб, у 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган.

Айланма маблағлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

Ахборот инфратузилмаси - бу мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар тизимидир.

Ахборот коммуникация технологиялари - хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган объектлар, ҳаракатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиялар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурий таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишни таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи расмий ва норасмий қоидалар киради.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш – давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш – аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш, шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий аҳволига таъсирини юмшатиш.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Базель қўмитаси талаблари – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган халқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта кўринишида бўлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Банкларнинг кредит портфели – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси. Улар қуйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларига маълум санага ссуда ҳисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

Банк-молия тизимининг барқарорлиги – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Банкрот – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича крудиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

Бизнес – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

Бозор конъюнктураси – муайян вақт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтинчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуйидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташқи савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Бюджет дефицити – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи ҳисобланади.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Даромад солиғи – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромад солиғи ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларни онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутади.

Демократик онг – кишиларнинг озодлик, эркинлик, ижтимоий адолат, фикрлар хилма-хиллиги, ошкоралик ва мулоҳазалар эркинлиги ҳақидаги ҳис-туйғулари, қарашлари, ғоялари, назарияларнинг мажмуидир. Демократик онг ҳам янги ҳодиса, аммо чуқур тарихий илдизларга эга. Халқнинг озодлик, эркинлик, адолат, ошкоралик, мулоҳазаларининг хилма-хиллиги ҳақидаги ўзига хос интилишлари, қарашлари удумлари асосида бундай онгнинг тарихий заминлари бор.

Демократик парламентаризм – парламент фаолиятини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш тушунилади. Бунинг учун парламент кенг демократик сайловлар асосида ташкил этилиши керак.

Демократик тамойиллар – халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг асосий тамойилларидир. Булар ҳокимият ва бошқарув органлари чиқарган қарорлардан халқнинг хабардорлиги; ушбу қарорлар бажарилиши устидан халқнинг назорати, қонун ва қарорларни қабул қилишда халқнинг иштироки тамойилидир.

Демократия – «Демократия» сўзи халқ ҳокимияти деган маънони англатади. Бу ҳукумат шакли, ҳаёт йўли, мақсад ёки идеал, яъни энг юксак орзу ва сиёсий фалсафа. Бу термин ҳукуматнинг демократик шаклига эга мамлакат учун ҳам тегишлидир. Демократия (яъни ҳукуматнинг демократик шаклига эга мамлакат) фуқаролари ҳукумат ишида билвосита ёки бевосита қатнашадилар. Билвосита демократияда – бу кўпинча «соф демократия» деб ҳам аталади, кишилар ўз жамоалари учун зарур қонунлар ишлаб чиқиш мақсадида бир жойда учрашадилар. Демократиянинг асосий хусусиятлари: барча демократик давлатлар учун бир хилдир. 1. Эркин сайловлар. 2. Сиёсий партиялар мавжудлиги. 3. Давлатнинг назорат этилиши. 4. Конституцион ҳукумат. 5. Хусусий ташкилотлар.

Демократия шакллари – вакиллик демократияси – давлат ва жамоат ишларида вакиллари орқали иштирок этиш. Бевосита демократия – ҳар бир фуқаро давлатни бошқаришда шахсан иштирок этиши, қонун лойиҳаларида, референдум, фуқаролар йиғинларида ёки давлат органларига таклифлар киритиш.

Депутат мақоми - давлат вакиллик ҳокимият органлари депутатларининг ҳуқуқий мақоми бўлиб, ҳуқуқий нормалар мажмуаси билан белгиланади.

Депутатлик одоби - депутатлар парламентда муомала қилиш чоғида амал қилиши лозим бўлган маънавий ва ахлоқий қоидалар йиғиндиси.

Диверсификация – (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) **–** ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Дивиденд – акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори конъюнктураси - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Замонавий демократия – вакиллик демократияси ҳисобланади. Маълумки катта жамоаларда, яъни шаҳарларда, барча халқни бир жойга йиғиб масала ҳал этишга имкон йўқ. Шунинг учун шундай жамоалар фуқаролари қонунлари ва бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилишда улар томонидан иштирок этиш учун ўзларининг шаҳарлари ёки юртларидан бир гуруҳни сайлайдилар. Фуқаролар томонидан сайланган вакиллар бирлашмаси кенгаш (council), қонун чиқарувчи ҳокимият (legistatura), парламент (parlament), ёки конгресс (congres) каби номлар билан аталади. Халқ томонидан мустақил тарзда сайланган вакиллар орқали бошқариладиган халқ ҳокимияти баъзида республика ҳукумати ёки демократик республика деб аталади.

Ижтимоий адолат – жамият барқарор ва тўлақонли ривожланиши учун ўта зарур омилдир. У биринчидан, шахс, жамият, давлат алоқадорлигида тенглик ва ўзаро ҳамкорликни тақозо этади. Иккинчидан, мазкур тамойил шахснинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий неъматлардан баҳраманд бўлишда тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлашга қаратилган мезонлар ва кафолатларнинг мавжудлигини билдиради. Ижтимоий адолатни таъминлаш хар бир ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ижтимоий соҳа обектлари – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий фикр – аҳолининг муайян гуруҳлари, қатлами, табақаларининг воқеликдаги турли ходиса ва ҳаракатларга нисбатан баҳоловчи муносабатидир. Бундай баҳо маъқуллаш, қоралаш ёки бетараф позицияда намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик – хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қуйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Иқтисодий ночор корхоналар – муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган махсулот ишлаб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти

натижасидир. У вақтни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвентаризация – корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиҳа дастури - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишлаб чиқилган зарурий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

Инвестицион сиёсат – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

Инвестицион солиқ кредити – солиқ мажбурияти бўйича тўлаш муддатини ўзгартириш имконияти берилади, агарда солиқ тўловчида белгиланган тартибдаги асос бўлса, у ҳолда солиқ тўловларини камайтирилган ҳолда маълум бир вақт ичида босқичма – босқич тўлаш мумкин бўлади.

Инвестицион ҳамкорлик - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир кўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишлаб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

Инвестиция – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Инвестиция дастури – ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишлаб чиқилган дастур.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар

объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инқирозга қарши мўлжалланган чоралар дастури – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Инновацион технологиялар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжиниринг каби турларини олади.

Инновация жараёни - янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари – инсонга бекаму-кўст яшаш имкониятларини берувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг асосидир.

Инсон омили – амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берувчи асосий тамойил. Инсон омили таркибан икки муҳим жихатни ўз ичига олади. Биринчи жиҳат Ўзбекистонда жами ижтимоий тузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш, нафақа билан таъминлаш тизимини, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатардан ҳимоя қилишдан иборат. Давлатнинг доимий эътиборини ўзида ифодалайди. Иккинчи жиҳат эса ялпи ижтимоий тараққиёт жараёнларида шахснинг ўз иштироки, бунёдкорлиги, яратиш завқи, саъй-ҳаракатлари ва шижоатини ифодаланишини назарда тутади.

Инсон ҳуқуқлари – кишиларнинг яшаш ва фаоллашиб бориши учун уларга берилган ҳуқуқлардир.

Институционал сиёсат - давлат томонидан мулкчилик, меҳнат, молиявий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янги иқтисодий институтларни шакллантириш, эскиларини йўқотиш, мавжудларини трансформациялаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар, ҳатти-ҳаракатлар.

Интермодаль марказ – юк ташишлар бўйича халқаро коммуникация ва логистика маркази.

Интернет хизматлари - интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-ҳужжатларни ўқиш, воқеий вақтдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш ва ҳ.к.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичида (ой, йил) камида 300 та товар ва хизматлардан ташкил топган истеъмол савати бўйича нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ипотека – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериши.

Ипотека кредити - жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан аҳолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банклар ва бошқа махсус кредит институтлари томонидан аҳолининг узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

Истеъмол товарлари – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли – ишчи кучи (иқтисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишсизлик – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) аҳолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

Иқтисодий ночор корхона – кредиторларнинг товар (иш, хизмат)лар ҳақини тўлаш бўйича талабларини қондириш, шунингдек, бюджет ва нобюджет фондларига мажбурий тўловларни таъминлашга лаёқатсиз бўлган корхона.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни

қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирлашга йўналтирилиши мумкин.

Капитал таъмирлаш – асосий воситаларни йирик кўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмирлаш тушунилади.

Капитал харажатлар - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

Касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

«Катта йигирмалик» – 20 та йирик мамлакатлар гуруҳи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакиллантирилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Комил инсон – ҳам миллий, ҳам башарий моҳиятга эга бўлган, одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоя асосида тарбияланган шахс.

Конституцион бурч – Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда белгилаб қўйилган, фуқаролар бажаришлари шарт бўлган мажбуриятлардир.

Конституцион ҳукумат – демократик ҳукумат қонунга ва айниқса ёзма ҳужжат–конституциясига асосланади. Конституциялар ҳукуматнинг ваколати ва мажбуриятларини таъминлайди. Шунингдек, улар қонунлар қандай тайёрланиши ва ҳаётга татбиқ этилишини ҳам ўзида акс эттиради. Аксарият конституциялар ҳукуматнинг ваколати ва мажбуриятларини таъминлайди.

Қонун – олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан ёки аҳоли томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказиш талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш ҳудуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган меъёрий–ҳуқуқий ҳужжат.

Қонун устуворлиги – ушбу тамойилнинг мазмуни шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмрон бўлади. Яъни ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунмаслиги мумкин эмас, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади; унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

Қонунчилик – 1) давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш-нинг асосий усулларидан бири бўлиб, давлат ҳукумати органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) ижтимоий муносабатларни тўла тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши.

Қонунчилик палатаси – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатаси. Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз элликта депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади.

Конъюнктура – бу бозорда маълум бир вақтда юзага келган иқтисодий ҳолатдир (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхоналарни техник қайта қуроллантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускунларни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб

чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараёнида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иқтисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Кучли давлат – омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизимига, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустаҳкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг қудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

Кучли давлатдан кучли жамият сари – мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган, демократик қадриятлар қарор топган, маънавий–маърифий юксакликка эришган ва бошқарувнинг демократик услублари шаклланган давлатдан жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган жамоатчилик фикри, ташаббуси ва давлат идоралари устидан назорати устувор аҳамият касб этадиган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш идораларининг роли муттасил ортиб борадиган жамиятга ўтиш концепцияси.

Кучли жамият – мустаҳкам негизнинг барқарорлиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятларга айланган жамият.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ кучга кирган. Мазкур Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрда ПФ-3661-сон Фармонига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Мамлакат тўлов баланси – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини олади.

Мелиорация – ернинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми.

Меҳнат бозори – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида ишчи кучи харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

Меҳнат ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Модернизация – объектни такомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молия-банк тизими – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия–кредит муассасалари мажмуидир.

Молиявий «кўпиклар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа кўринишларда бўлиши мумкин.

Мустақиллик – (арабчадан - тобе эмаслик, ихтиёри ўзидалик, қарам эмаслик) – эркин ва озод равишда, бошқаларнинг раҳбарлигисиз иш юрита билиш. Мустақиллик барча жабҳаларда муносабатларни меъёр-мезонга солади, ҳар қандай камситиш, тобеликни инкор этади. Мустақиллик – ўзаро ҳурмат, бир-бирларини қадрлаш, миллий ва башарий қадриятларга таяниб иш кўриш, кенг дунёқараш ва эркин тафаккурга таяниб яшаш, фикрлаш, ўз ҳаётини ўзи ташкил этиш имконияти ва амалиётини билдиради.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳистини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида

ташкил этилган. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари – давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳисобланади.

Омбудсман – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган махсус ташкилот. У инсон ҳуқуқларини турли маъмурий органлардан ҳимоя қилишни мақсад қилиб қўяди.

Парламент – французча «парле» гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Партия – сўзи лотинча, «pars» – «қисм», «гуруҳ» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, у ёки бу жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар, табақалар, катламларнинг бир қисмини, одатда уларнинг илғор ва энг фаол қисмини бирлаштирадиган сиёсий ташкилотни англатади.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айрим товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

Пудрат – шартнома ёки хўжалик юритишнинг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган махсус товар.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалик даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни баланслаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Референдум – лотинча сўз бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ маслаҳатига тақдим этиш, умумхалқ овозига қўйиш деган маънони билдиради.

Сайлов тизими – ҳуқуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган, шунингдек, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган, вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик лавозимига сайлашни ўтказиш ва ташкил этишга доир тартиботдир. Сайловлар тизими – сиёсий тизимнинг таркибий қисмидир.

Сайлов ҳуқуқи – икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси, сайловни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидир; иккинчи маъноси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов даврида ва бошқа тадбирларда иштирок этишдир.

Сайловлар – муҳим демократик институт бўлиб, халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий шаклларидан биридир. Халқнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки, асосан, сайловлар орқали амалга оширилади. Шу маънода, мамлакатнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори, кўп жиҳатдан, сайлов тизимининг очиқлиги ва демократиклиги билан белгиланади.

Сальдо - муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

Самарали иқтисодий сиёсат – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

Сектор – институцион бирликлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуқи ҳам ўхшашиб кетади.

Сервис – жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

Сиёсий партия – ижтимоий синф, табақа ва гуруҳларнинг туб манфаатларини ўз фаолиятида ифода этувчи, уларни муайян мақсад – манфаатларини ҳимоя қилиш учун курашга қаратилган сиёсий ташкилотдир.

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёри.

Солиқ юки – маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

Солиқ юкини енгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқлар – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Талаб – харидор, истеъмолчиларни бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжлар.

Таннарх – маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ барча харажатлар.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгартириб бориш. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

Ташқи қарз – мамлакат ҳукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи нодавлат қарзлар – мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг ҳуқуқлилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишдаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклар.

Турмуш даражаси – аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

Тўғридан – тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва

хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Узоқ муддатли депозитлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлар.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати – Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди – фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди – хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Бугунги кунда мазкур фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустақил хўжалик юритувчи субъект.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи махсус ташкиллаштирилган бозор.

Фуқаролик жамияти – Конституциявий ҳуқуқ назариясида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ ва демократияга асосланган зарурий ва оқилона усули, инсонга унинг иқтисодий ва сиёсий борлиқнинг шаклларини эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланадиган, инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган ижтимоий тузум.

Фуқаролик жамияти институтлари – жамиятда қарор топган нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Улар муайян ижтимоий–иқтисодий, маънавий ва сиёсий фаолиятни амалга оширадилар.

Фуқаролик масъулияти – жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ютуқ ва муваффақиятига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Халқаро валюта жамғармаси – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-

молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғарамаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 мартдан бошлаган.

Халқаро ташкилотлар – уларнинг ҳар бири халқаро сиёсатда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидаги мақомларига қараб аҳамият касб этадилар.

Халқаро транзит - хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Шахсий даромад – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Шахсни мунтазам камол топтириш – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг муҳим шарти ва таркибий қисми. Шахсни ривожлантириш жараёнлари инсоннинг салоҳият ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида нафақат давлат, жамият таъсири, балки шахснинг ўз саъй-харакатларини фаоллаштиришни ҳам тақозо этади.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Эркин индустриал - иқтисодий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Эркин сайловлар – халққа ўз лидерларини танлаш ҳуқуқини ҳамда лидерлар ва халққа ўз фикрларини баҳсли масалаларда эркин билдириш ҳуқуқини беради. Сайловларда сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти - вақти билан учрашувлар ўтказиб турадилар. Сайланиш имконияти бундай вакилларни халқ фикр иродасига эътибор беришларини кафолатлаш учун кўмак бўлади.

Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солик ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард товар ва хизматларнинг бозор қиймати.

2009 йилда .....

... етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди;

... аҳоли омонатлари 1,7 баробар ортди;

... банкларнинг жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди;

... иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2000 йилга нисбатан 14 баробар ортди;

... саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга камайди;

... жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилиниб, уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси тижорат банклари балансига ўтказилди;

... ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди;

... нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди;

... корхоналарнинг айланма маблағларини кўпайтириш учун 233 миллиард сўмдан иборат имтиёзли кредитлар берилди;

... экспорт хажми 2,4 фоизга ортди;

... ташқи савдо айланмаси 2,3 миллиард доллардан ортиқ ижобий сальдога эга бўлди;

... уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш бўйича янги ташкил қилинаётган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод этилди;

... солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш ҳисобидан 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ хўжалик субъектлари тасарруфида қолдирилди;

... кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50,1 фоизини ишлаб чиқарди (2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди);

... кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди (якка тартибдаги тадбиркорлар учун мазкур солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди);

... инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2000 та бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди;

... инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди (лойиҳаларнинг 303 таси муваффақиятли якунланди);

... республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди;

... қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди;

... 217 километрлик автомобиль йўли фойдаланишга топширилди;

... 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди;

... йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умумий қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди;

... «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» янги темир йўл линиясида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди;

... «Навоий – Учқудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разъезди ишга туширилди;

... юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришга йўналтирилган 12 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши бошланди;

... ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида 840 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 250 та дренаж қудуқлар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди;

... ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларга 130 миллиард сўм маблағ ажратилди (натижада 240 минг гектардан ортиқ суғуориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди);

... мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди;

... хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди;

... касаначилик асосида 130 мингга яқин иш ўрни яратилди;

... аҳолининг реал даромадлари 26,5 фоизга кўпайди;

... ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга ўсди;

... саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 9,0 фоизга ошди;

... қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди;

... чакана савдо айланмаси 16,6 фоизга ортди;

... аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди;

... мамлакатимизда 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, жумладан 6,6 миллион тонна буғдой етиштирилди;

... 3,4 миллион тонна пахта хом ашёси тайёрланди;

... иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди (бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 24,8 фоизга кўп);

... жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга ўсди (уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар бўлиб, уларнинг ҳажми 1,8 баробарга ошди);

... инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич белгиланган прогноздан ошмади;

... давлат бюджети 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди;

... қишлоқ жойларда қурилиш ишларини олиб бориш учун 60 миллиард сўм маблағ йўналтирилди;

... қишлоқларни энергетика ресурслари билан узлуксиз таъминлаш учун 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди;

... қишлоқ жойларда уяли алоқа хизмати абонентлари сони 5 миллионга етди (бу мамлакатимиз бўйича умумий кўрсаткичнинг 30 фоизини ташкил этади);

... қишлоқ жойларда жойлашган 4200 та мактаб интернет тармоғига уланди;

... қишлоқ жойларда 460 мингда, жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳисобидан 380 мингта янги ишчи ўринлари очилди;

... 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд хомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтди, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади;

... мамлакатимиз бўйича жами 1957 та мактаб қурилган ва реконстукция қилинган бўлса, уларнинг 1622 таси қишлоқ жойларда жойлашган;

... барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларида бунёд этилган;

... қишлоқ жойлардаги билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфланди;

... «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 2 триллион 612 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Мамлакатимизда йилларнинг номланиши:

1996 йил – Амир Темур йили

1997 йил – Инсон манфаатлари йили

1998 йил – Оила йили

1999 йил – Аёллар йили

2000 йил – Соғлом авлод йили

2001 йил – Оналар ва болалар йили

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

2003 йил – Обод маҳалла йили

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

2008 йил – Ёшлар йили

2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

2010 йил – Баркамол авлод йили

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузаларида келтирилган асосий хулосалар, қоидалар ва масалалардан келиб чиққан ҳолда тавсия этилаётган битирув малакавий ишлар (БМИ) ҳамда магистрлик диссертациялари (МД)

МАВЗУЛАРИ РЎЙХАТИ

Битирув малакавий ишлари мавзулари рўйхати:

1. Қишлоқ меҳнат салоҳиятининг шаклланиши ва ундан самарали фойдаланиш йўллари.
2. Меҳнат бозорида ишчи кучи рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ишчи кучи миграциясига таъсири ва уни тартибга солишни такомиллаштириш.
4. Ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашда бандлик хизмати марказининг ўрни ва унинг фаолиятини такомиллаштириш.
5. Хусусий тадбиркорликда меҳнат мотивациясини ошириш йўллари.
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида қишлоқ аҳолисининг мустақил иш билан бандлигини таъминлаш йўллари.
7. Ишсизларни янги касбларга тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.
8. Тадбиркорлик соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашнинг асосий йўналишлари.
9. Ўзбекистон иқтисодиётини молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ривожлантириш натижалари таҳлили ва истиқболли йўллари.
10. Ўзбекистон аҳолиси даромади ва турмуш фаровонлигини юксалтириш йўллари.
11. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларга инвестициялар жалб этишнинг истиқболли лойиҳалари.
12. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
13. Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари (саноат тармоқлари мисолида).
14. Қишлоқда бозор инфратузилмаларини ривожлантириш масалалари.
15. Ўзбекистонда макроиқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришларининг таҳлили.
16. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминловчи омиллар.
17. Иқтисодиётнинг таянч устувор йўналишларини модернизациялаш ва техник янгилаш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
18. Ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари ва уларнинг ҳисобини ташкил қилиш.
19. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш шароитида банкларнинг капиталлашув фаолияти ҳисоби.
20. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирларни амалга оширишда тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлардан фойдаланиш ҳисоби.
21. Нефтни қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини аниқлаш усуллари ва ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари.
22. Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари.
23. Иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқ тизими ва унда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари.
24. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисоби.
25. Темир йўл коммуникациясини ривожлантириш харажатлари ҳисоби.
26. Кичик бизнесда ҳисоб сиёсатини ташкил этиш масалалари.
27. Тижорат банкларида номоддий активлар ҳамда уларга йўналтирилган инвестициялар унумдорлигининг аудити.
28. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги аудити.
29. Тижорат банкларида асосий воситалар билан боғлиқ инвестициялар аудити.
30. Тижорат банкларида кредит муомалаларининг аудити ва уларни таъминланганлик таҳлили.

31. Тижорат банкларида молиявий инвестициялар ва уларнинг унумдорлиги аудити.

32. Тижорат банкларида берилган кредитларни бухгалтерия ҳисоби ҳамда таъминланганлигини аудити ва таҳлили.

33. Тижорат банкларида ички назоратни ташкил этиш ва молиявий барқарорлик аудити.

34. Молиявий натижалар ва молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили.

35. Суғурта компанияларининг молиявий ҳолати ва барқарорлигининг таҳлили.

36. Асосий воситаларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш таҳлили.

37. Солиқ тизими- Инқирозга қарши дастурни амалга оширишнинг муҳим омили.

38. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда ягона солиқ тўловининг ролини ошириш.

39. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияни жалб қилишни солиқлар воситасида рағбатлантириш.

40. Давлатнинг миллий иқтисодиётни тартиблашда ва рағбатлантиришда солиқлардан самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш.

41. Банкларнинг капиталлашуви ва ликвидлигини оширишда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш.

42. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида солиқ тизимининг тадбиркорликни рағбатлантиришга таъсирини кучайтириш масалалари.

43. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали аҳолининг реал пул даромадларини оширишни таъминлаш масалалари.

44. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда солиқ тизимининг ролини ошириш масалалари.

45. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш масалалари.

46. Ўзбекистон Республикасининг халқаро алоқаларини ривожлантиришда иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этишнинг аҳамияти.

47. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таннархини таҳлил қилиш.

48. Инвестицион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш жараёнларини автоматлаштириш.

49. Янги банк хизматлари турларини киритиш борасида Интернет-технологияларини қўллаш.

50. Маркетинг тадқиқотлари натижаларини таҳлил қилиш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш.

51. Баркамол авлодни шакллантириш жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўллари.

52. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида банк соҳасидаги электрон ҳужжат айланиш тизимини такомиллаштиришнинг аҳамияти.

53. Банкларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимларини такомиллаштиришда пластик карточкаларни кенг жорий этишнинг аҳамияти.

54. «NCI PROJECT INC» интеграллашган банк тизими ёрдамида банк соҳасини автоматлаштириш.

55. Республика таълим тизимини ривожлантиришда масофавий ўқитиш тизимларидан фойдаланиш.

56. Ўзбекистонда ахборот-коммуникацион технологияларни ривожлантириш муаммолари.

57. Интернет-банкинг тизимларида ахборот ҳавфсизлиги.

58. Ўзбекистон тижорат банкларида масофавий банк тизимларидан фойдаланиш истиқболлари.

59. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишида банк тизимининг ўрни.

60. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бизнес жараёнларни алгоритмлаш ва дастурлаш усуллари.

61. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришнинг инновацион йўналишлари.

62. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари.

63. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг инвестицион лойиҳалари.

64. Ўзбекистонда маҳаллий хом-ашёлар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

65. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

66. Саноат ишлаб чиқаришида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги.

67. Саноатни модернизациялаш – молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишнинг устувор йўналиши.

68. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқишда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг аҳамияти.

69. Молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишда тежамкорликнинг ўрни.

70. Ўзбекистон тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтиришда илғор технологияларнинг аҳамияти.

71. Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда банк тизимининг ўрни.

72. Банк-кредит тизимини барқарорлиги ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлашда Марказий банкнинг аҳамияти.

73. Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашда тижорат банклари кредитларининг ўрни.

74. Банк тизимининг ликвидлигини бошқариш муаммолари.

75. Мамлакат ташқи қарзи ва ташқи тўловларини бошқариш масалалари.

76. Банкларнинг инвестицион кредитлари ва уларнинг банк кредит портфелидаги ўрни.

77. Мамлакат экспорт потенциалини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда банк тизимининг роли.

78. Иқтисодиётда корхоналарнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва уларни кенгайтириш муаммолари.

79. Республика банк тизимининг маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг барқарорлигини таъминлашдаги роли.

80. Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий маблағлар билан таъминлаш муаммолари ва бунда кредит институтларининг роли.

81. Давлатнинг инновацион ривожланишида интеллектуал мулк ва технологик ишлаб чиқариш механизмларини бошқариш муаммолари.

82. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишда иқтисодиётни иверсификациялаш сиёсати.

83. Инновацион илмий-техник фаолиятнинг ривожланиши иқтисодий ўсиш омили сифатида.

84. Жаҳон иқтисодиётида иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш муаммолари.

85. Жаҳон ҳамжамиятида умуммиллий муаммолар ва уларни ҳал этишда ҳамкорлик йўналишлари.

86. Ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришда хорижий амалиётга интеграциялашиш имкониятлари.

87. Ўзбекистон Республикаси автомобил саноати ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллаштиришнинг асосий йўналишлари.

88. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорлиги истиқболларининг иқтисодий таҳлили.

89. Ўзбекистонда халқаро транспорт тизими ва савдо йўлларини ривожлантириш муаммолари.

90. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувида банк-молия тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш муаммолари.

91. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларини бартараф этишда банк-молия тизимига жалб этилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари.

92. Ўзбекистон Республикасида электр ва газ тармоғи тизимларига инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш йўллари.

93. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида юзага келадиган ишсизликни бартараф этишда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг аҳамияти.

94. Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторида товарларга ички талабни оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва роли.

95. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда банкларнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш йўллари.

96. Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга оширишда жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестициялар кўламини ошириш истиқболлари.

97. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга жалб этилаётган инвестициялар салмоғини янада юксалтириш йўллари.

98. Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт таъминотининг экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти.

99. Муҳим стратегик лойиҳаларни амалга оширишда хорижий инвестицияларни сафарбар этишнинг илмий-услубий асослари.

100. Нефть ва газ тамоқларини ривожлантиришда жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмини юксалтириш муаммолари.

101. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналарни қўллаб-қувватлаш йўллари.

102. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш муаммолари

103. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналарини янада ривожлантириш муаммолари.

104. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхоналар фаолиятини таркибий тузилишини кенгайтириш ва диверсификациялаш муаммолари.

105. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида корхонани модернизация қилиш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш асосида маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари.

106. Бандлик муаммосини ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни.

107. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш йўллари.

108. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтиришда уларнинг фаоллигини ошириш.

109. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш ва уларга кредит ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш йўллари.

110. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари.

111. Ўзбекистон Республикасида солиқ юкини камайтириш сиёсатини амалга оширишда божхона тўловларини такомиллаштириш.

112. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатини такомиллаштиришда божхона имтиёзларининг аҳамияти.

113. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасида ТИФни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.

114. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда божхона органларини ўрни.

115. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг аҳамияти.

116. Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда бож тарифининг аҳамияти.

117. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда божхона органларининг тутган ўрни.

118. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий барқарорлигини таъминлашда божхона қонунбузарликларига қарши курашни такомиллаштириш.

119. Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитини яратишда божхона таомиллаларини соддалаштириш масалалари.

120. Хорижий инвестицияларни жалб этишда божхона органларининг тутган ўрни.

121. Жаҳон иқтисодиётини интеграциялашуви шароитида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг йўналишлари.

122. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этишни назорат қилишда божхона органларининг тутган ўрни.

123. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатининг устувор вазифаларини амалга оширишда божхона инфратузилмасининг аҳамияти.

124. Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий фаровонликни таъминлашда божхона органларининг тезкор ва фискал вазифаларини жадаллаштириш.

125. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонани ривожлантириш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

126. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банкларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш.

127. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари.

128. Иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳатларни чуқурлаштириш даврида корхоналарда маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш.

129. Тижорат банкларида фаол маркетингдан самарали фойдаланиш масалалари.

130. Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

131. Қурилиш материаллари саноатини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси.

132. Кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини жалб этишда фаол маркетингдан самарали фойдаланиш.

133. Корхонанинг тайёр маҳсулотини янги ташқи бозорларга чиқаришда маркетинг тамойилларидан фойдаланиш.

134. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси.

135. Туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш муаммолари. (Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция ва савдо вазирлиги материаллари асосида).

136. Миллий иқтисодиётни тараққий эттиришда экологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экотуризмни ривожлантириш муаммолари. (Ўзбектуризм» МК материаллари асосида).

137. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида авиатранспорт хизматларини такомиллаштириш ва бунинг туризм соҳасига таъсири («Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАК материаллари асосида).

138. Ўзбекистондаги давлат қўриқхоналари ва улардан туризм мақсадида фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш йўллари.

139. Туризмни ривожлантиришнинг асосий жиҳатлари ва унинг давлат томонидан тартибга солиниши.

140. Ўзбекистон туристик маҳсулоти ва унинг диверсификациялаш зарурияти («Ўзбектуризм» МК материаллари асосида)

141. Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда маданий ва миллий мероснинг тутган ўрни («Ўзбектуризм» МК Самарқанд вилояти бўлими материаллари асосида).

142. Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишда халқаро молия ташкилотларининг ўрни.

143. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозининг миллий туризм ривожланишига таъсири.

144. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

145. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари.

146. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш йўллари.

147. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва уни молиялаштиришни такомиллаштириш.

148. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқда коммуникациялар ва инфратузилмаларни ривожлантириш йўналишлари.

149. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхонасида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятлари ва йўллари.

150. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишда банкларнинг роли.

151. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонада маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш асослари

152. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш имкониятлари.

153. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарини модернизациялашда лизингнинг ўрни.

154. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхонасининг банкротлиги ва уни олдини олиш йўллари.

155. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида замонавий корхоналарнинг инвестицион фаолиятини яхшилаш йўллари.

156. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини иқтисодий-статистик ўрганиш.

157. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида Ўзбекистонда инвестиция жараёнларини статистик ўрганиш.

158. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикаси саноат маҳсулотлари экспортини иқтисодий-статистик таҳлили.

159. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжаликлар фаолиятини иқтисодий-статистик ўрганиш (Фарғона вилояти фермер хўжаликлари мисолида).

160. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида чет эл сармояларини жалб этишни статистик таҳлили (Ўзбекистон Республикаси мисолида).

161. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлили (Тошкент вилояти мисолида).

162. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг статистик таҳлили (Енгил саноат корхоналари мисолида).

163. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари ва харажатларини статистик ўрганиш (Андижон вилояти мисолида).

164. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида корхоналар экспорт салоҳиятини статистик ўрганиш (Кимё саноати корхоналари мисолида).

165. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тасирида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини статистик таҳлил қилиш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).

166. Маънавий баркамол шахсни шакллантириш жараёнида фанлар интеграцисидан фойдаланиш йўллари («Педагогика» курси мисолида.).

167. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида талабаларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўллари (Тошкент давлат юридик институти мисолида).

168. Модернизация жараёнини амалга оширишда педагогик инновациялар таълим самарадорлигини ошириш омили сифатида (Наманган мухандислик педагогика институти қошидаги Тўрақўрғон академик лицейи мисолида).

169. Таълим соҳасида маркетинг фаолиятини ташкил этиш йўллари (Тошкент банк коллежи мисолида).

170. Мамлакатни модернизиция қилиш шароитида бўлажак иқтисодчи-педагогогларни юксак маънавиятли шахс сифатида шакллантириш (Тошкент педагогика коллежи мисолида).

171. Инқироз даври иқтисодиётини барқарорлаштириш жараёнида талабаларда мулкдорлик психологиясини шакллантириш зарурати (ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейи мисолида).

172. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида талабаларда иқтисодий тафаккурни шакллантириш (ТДИУ қошидаги Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби мисолида).

173. Баракамол шахснинг шаклланишида соғлом тарбиявий муҳитни яратиш усуллари (Тошкент иқтисодиёт коллежи мисолида).

174. Иқтисодиётини модернизациялашда ўзбек миллий моделининг ўрни (ТДИУ қошидаги Чилонзор академик лицейи мисолида).

175. Инқироз шароитида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари (Тошкент тумани Маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи мисолида).

Магистрлик диссертациялари мавзулари рўйхати:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш йўллари.
2. Иқтисодий инқироз шароитида меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни ошириш йўллари.
3. Иқтисодий инқироз шароитида аҳоли иш билан бандлигининг ноанъанавий шакллари ва уларни ривожлантириш йўллари.
4. Ёшларнинг меҳнат бозоридаги иқтисодий фаоллигини ошириш йўллари.
5. Қишлоқ жойларида саноат корхоналари билан касаначилик меҳнатини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.
6. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида минтақавий меҳнат бозорининг фаолият кўрсатишини такомиллаштириш.
7. Иқтисодиётнинг хусусий секторида ходимлар меҳнатини моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш.
8. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантириш истиқболлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
9. Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар ва уларнинг ўзгаришини баҳолаш.
10. Иқтисодиётни модернизация қилиш даврида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва инвестициялар жалб этиш йўллари.
11. Ҳудудларда касаначиликни кенгайтириш йўналишлари.
12. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини ошириш йўллари.
13. Саноат тармоқларини модернизация қилишга инвестициялар жалб этиш лойиҳалари таҳлили.
14. Инқирозга қарши кураш дастури ва истеъмол бозорини маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдиришни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.
15. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлашни статистик ўрганиш (Енгил саноат корхоналари мисолида).
16. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакат ичидаги коньюнктурага ташқи-иқтисодий омиллар таъсирини статистик ўрганиш (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
17. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инфляцион жараёнларни иқтисодий-статистик таҳлили.
18. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида фермер хўжаликлари фаолиятини статистик ўрганиш (Тошкент вилояти мисолида).
19. Ялпи ички маҳсулот динамикасини ва структурасини иқтисодий-статистик ўрганиш.
20. Банк-молия тизимининг барқарорлигини статистик кўрсаткичлар ёрдамида статистик баҳолаш.
21. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик таҳлили (Ўзбекистон Республикаси мисолида).
22. Хорижий инновацион лойиҳалар ҳисобини ва улардан самарали фойдаланиш таҳлилини такомиллаштириш масалалари.
23. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида интеллектуал мулк ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш.
24. Экспорт махсулотларини диверсификация қилиш харажатлари ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш.
25. Ҳалқаро коммуникация тизимида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишлари.
26. Касаначилик фаолиятида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш муаммолари.

27. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишда хорижий инвестициялар ҳисобини ташкил қилиш ва такомиллаштириш масалалари.

28. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирларни амалга ошириш шароитида экспорт қилинадиган маҳсулотлар бўйича ташқи савдо айланмасини диверсификация қилиш ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўналишлари.

29. Молиявий – иқтисодий инқироз шароитида ишлаб чиқариш харажатлари аудитини такомиллаштириш.

30. Молиявий – иқтисодий инқироз шароитида давр харажатлари аудитини такомиллаштириш.

31. Молиявий – иқтисодий инқироз шароитида тайёр маҳсулотлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш.

32. Молиявий – иқтисодий инқироз шароитида асосий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш.

33. Банк тизимини мустаҳкамлашда ички аудитни такомиллаштириш.

34. Тижорат банкларида молиявий барқарорлигини таҳлили ва аудитини такомиллаштириш.

35. Суғурта ташкилотларида суғурталаш ва қайта суғурталаш муомалалари самарадорлиги аудити.

36. Банкларда узоқ муддатли активларга инвестициялар таҳлили ва аудитини такомиллаштириш.

37. Молиявий – иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишда тижорат банкларида ҳисоб-китоб муомалалари аудитини такомиллаштириш.

38. Солиқ имтиёзлари ва префенциялар орқали иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қўвватлаш механизмини такомиллаштириш.

39. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида эгри солиқлар орқали миллий иқтисодиётни ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш.

40. Солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юкини адолатли тақсимлаш ва уни аниқлаш механизмини такомиллаштириш.

41. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида солиқ сиёсатининг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга таъсири.

42. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида солиқ стратегияси ва тактикасининг узвий боғлиқлиги таъминлаш масалалари.

43. Эркин-иқтисодий зоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш (Навоий вилояти мисолида).

44. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурида иштирок этувчи корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини солиқ механизми орқали қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

45. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг молиявий масалалари.

46. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг молия-кредит механизмларини такомиллаштириш.

47. Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётни реал секторини қўллаб-қувватлашнинг молиявий усуллари.

48. Инқирозга қарши чоралар дастури самарали ижросини таъминлашда тикланиш ва тараққиёт фондининг аҳамиятини ошириш йўллари.

49. Таркибий ислоҳотлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда давлат бюджетининг аҳамиятини ошириш йўллари.

50. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг молиявий секторини қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбаларини такомиллаштириш.

51. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳудудларга тўғридан -тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан молиявий тартибга солиш усуллари.

52. Маҳаллийлаштириш давлат дастури асосидаги лойиҳаларни молиявий таъминлаш тизимини самадорлигини ошириш йўллари.

53. Суғурта компанияларида суғурта экспертизасини ва экспертлар фаолиятини ташкил этиш муаммолари.

54. Шахсий суғуртада даъволарни экспертиза қилиш тартиби.

55. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида суғурта секторининг иқтисодиётда тутган ўрни ва роли.

56. Ўзбекистонда мажбурий суғурта турлари ва уларнинг иқтисодиётдаги ҳамда суғурта фаолиятининг оммавийлашувидаги роли.

57. Ўзбекистонда ҳудудий суғурта бозорларини ривожлантириш муаммолари.

58. Инқирозга қарши дастурини бажаришда солиққа тортиш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни тадқиқ этиш.

59. Мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун олий таълим муассасалари ахборот ресурслари, виртуал кутубхона ва ахборот базасини яратиш таҳлили.

60. Инқирозга қарши дастурни бажаришда тижорат банкларининг инвестицион портфелини оптималлаштириш усулларини тадқиқ қилиш.

61. Ташкилотни мустаҳкамлаш учун тақчил ресурслардан оптимал фойдаланиш усулларини тадқиқ этиш.

62. Инқирозга қарши дастурни бажаришда тижорат банклари мижозларини кредитлашда ахборот технологияларини қўллаш.

63. Инқирозга қарши дастурни бажаришда корхоналар фаолиятини Internet технологиялар асосида такомиллаштириш.

64. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида маҳсулот таннархини камайтириш йўллари.

65. Жаҳон бозоридаги ноқулай колнъюктура шароитида экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш йўллари.

66. Ўзбекистон енгил саноатига тўғридан –тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уни бошқариш.

67. Телекоммуникация соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини бошқаришни такомиллатириш.

68. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш.

69. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.

70. Ўзбекистон темир йўл транспортини бошқарув тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш.

71. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилишда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш муаммолари

72. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш масалалари

73. Паст рентабеллик ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий барқарорлигини оширишда тижорат банкларининг ўрни.

74. Мамлакатда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишда кредит тизимининг аҳамияти ва уни кенгайтириш масалалари.

75. Мамлакатда уй-жой қуриш ва реконструкция қилишда тижорат банкларининг ипотека кредитлари ва уларни такомиллаштириш йўллари.

76. Иқтисодиётни модернизация қилишда банкларнинг капиталлашув ва инвестиция сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.

77. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш масалалари.

78. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда кредит институтларининг инвестицион сиёсати.

79. Қишлоқ хўжалигида қурилишни ривожлантиришда тижорат банклари кредитлари ва уларни бошқариш массалалари

80. Банк тизимида кадрлар сиёсати ва уни такомиллаштириш йўллари.

81. Фан соҳасидаги сиёсат ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш.

82. Ўзбекистонда фармацевтика саноатини ривожлантириш ва бунда хорижий тажрибалардан фойдаланиш амалиёти.

83. Европа мамлакатлари жамғарма ва суғурта компанияларининг ривожланиш масалалари.

84. Ўзбекистонда технологиялар савдосини ривожлантириш ва технологик инвестициялар самарадорлигини ошириш йўллари.

85. Миллий экспортни ривожлантиришда енгил саноат маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш йўллари.

86. Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини юксалтиришда саноатлаштириш сиёсати ва уни амалга оширишдаги иқтисодий ислоҳотлар.

87. Глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига интеграциялашув муаммолари.

88. Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилишнинг назарий асослари.

89. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.

90. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ички талабни рағбатлантириш йўллари.

91. Ўзбекистонда маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг асосий йўналишлари.

92. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспорт салоҳиятини мустахкамлашнинг назарий масалалари.

93. Корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатишнинг асосий йўналишлари.

94. Аҳолининг тўлов қобилияти билан истеъмол товарлари ҳажми ўртасида ички бозорда мутаносибликни таъминлаш йўллари.

95. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш.

96. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари.

97. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида саноат корхоналарида экспорт маҳсулотлари таннархини камайтиришнинг асосий йўналишлари.

98. Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳиятини юксалтиришда инқирозга қарши стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари.

99. Экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш йўллари.

100. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида жаҳон бозори конъюнктурасини истиқболлаш муаммоларини ҳал этиш йўллари.

101. Қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда инновацион маркетинг фаолиятини ташкил этиш масалалари.

102. Ўзбекистонда тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини ривожлантиришда халқаро маркетингни қўллаш ва бошқаришни такомиллаштириш.

103. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида давлат томонидан корхоналарнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора тадбирлари.

104. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхоналарнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш йўллари.

105. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон корхоналарининг тайёр махсулотни экспорт килиш муаммолари.

106. Эркин индустриал-иқтисодий худдудларни ташкил этиш асосида халқаро логистик тизимларни ривожлантириш йўллари (Навоий вилояти мисолида).

107. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўллари.

108. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида корхона ташқи иқтисодий фаолиятининг шаклланишида ва ривожланишида протекционизм сиёсатининг оқибатлари.

109. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида рақобатдош маҳсулотлар экспортини ошириш йўллари.

110. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида махсулотлар экспортини оширишда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсатнинг аҳамияти.

111. Инқирозга қарши чоралар дастури асосида корхонанинг тайёр рақобатдош маҳсулотлар экспортини ривожлантириш масалалари.

112. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳолига хизмат курсатиш соҳасини янада кенгайтириш муаммолари.

113. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонанинг экспорт қилинадиган тайёр маҳсулоти таркибини янада диверсификация қилиш муаммолари.

114. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш муаммолари.

115. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида қишлоқ ҳудудларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш масалалари.

116. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини маркетинг тизими асосида ривожлантириш муаммолари.

117. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банклари фаолиятини маркетинг тизими асосида ривожлантириш муаммолари.

118. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектордаги корпоратив корхоналарни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

119. Корпоратив тузилмаларни модернизациялаш - миллий иқтисодиёт барқарор ўсишининг муҳим омили.

120. Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари инвестицион фаолиятини самарали бошқариш муаммолари.

121. Автотранспорт корхоналарининг корпоратив бошқарув тизими ва уларни модернизациялашнинг асосий йўналишалри.

122. Давлат акциядорлик компанияларида корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишнинг хусусиятлари.

123. Трансмиллий компанияларнинг бошқарув тизими ва Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни.

124. Қишлоқ хўжалигида корпоратив тузилмаларни шакллантиришнинг хусусиятлари ва йўналишлари.

125. Корпоратив корхоналарда иш ўринларини яратиш ва бандликни таъминлашнинг самарали усуллари.

126. ЯИМнинг ўсишида акциядорлик жамиятларининг ўрни ва уларнинг улушини орттириш муаммолари.

127. Банкларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва бошкарув самарадорлигини оширишнинг методологик асослари.

128. Инкроз шароитида акциядорлик жамиятларида молиявий ресурсларни бошқариш масалалари.

129. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида инвестицион фаолликни таъминлаш.

130. Рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган компанияларни ташкил этиш масалалари.

131. Корпоратив логистикани ташкилий-иқтисодий асослари.

132. Йирик корпоратив тузилмаларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали усуллари.

133. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида туристик корхоналар фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш.

134. Туризмда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали иқтисодий инқироз таъсирини юмшатиш.

135. Туризмда янги технологияларни жорий қилиш орқали иқтисодий инқироздан чиқиш йўллари.

136. Буюк Ипак йўли ва Ўзбекистонда халқаро туризм ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.

137. Совершенствование деятельности туроператора на внутреннем рынке Узбекистане в условиях преодоления последствий мирового финансового экономического кризиса.

138. Совершенствование путей развития сферы услуг и малого бизнеса как один из факторов обеспечения занятости населения.

139. Инновационные аспекты развития туристской индустрии в условиях модернизации экономики Узбекистана.

140. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корхонанинг тайёр маҳсулотлари учун янги бозорлар топишда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсати.

141. Корхонанинг тайёр маҳсулотини ташқи бозорларга чиқаришда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлиги.

142. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тайёр маҳсулотини ташқи бозорларга чиқаришнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш.

143. Янги бозорларга чиқишда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий фаолиятни рвожлантириш.

144. Жаҳон бозорида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар экспортини ривожлантириш масалалари.

145. Хорижий технологияга асосланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фаол маркетингдан фойдаланишни такомиллаштириш.

146. Корхоналар фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишни такомиллаштириш.

147. Ўзбекистонда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг самарали усуллари

148. Қишлоқ инфратузилмаси ва уни ташкил этишнинг самарали йўналишлари.

149. Худудий инфратузилмани ривожлантириш ва давлат дастурларини режалаштиришнинг аҳамияти ва самарадорлиги.

150. Аҳоли даромадлари ва инфратузилмани тўғри ташкил этишдаги боғлиликни аниқлаш муаммолари.

151. Транспорт инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

152. Бозор инфратузилмасини шакллантиришда молия муассасаларининг ўрни ва самарали амал қилиши.

153. Инфратузилма бошқарувида капитал самарадорлигини ошириш муаммолари

154. Ижтимоий инфратузилма субъектларининг бозор муносабатларига мослашувини таъминлаш йўллари.

155. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмани ташкил этишнинг асосий йўналишлари.

156. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида инфратузилмани ўрни ва уларни ривожлантириш йўллари.

157. Инфратузилма объектларини баҳолаш ва самарали лойиҳаларни танлаш йўллари.

158. Давлатнинг инфратузилмаларни ривожлантиришдаги инвестицион сиёсати ва уни бошқаришнинг воситалари.

159. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари.

160. Ўзбекистонда миллий иқтисодиётни таркибий қайта куриш -инфратузилмалар ривожланишининг асоси сифатида.

161. Жаҳон иқтисодиётини интеграциялашуви шароитида мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг йўналишлари.

162. Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этишни назорат қилишда божхона органларининг тутган ўрни.

163. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатини устивор вазифаларини амалга оширишда божхона инфратузилмасини аҳамияти.

164. Ўзбекистон Республикасида стратегик аҳамиятга молик иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда божхона органлари фаолиятини ташкил этиш.

165. Ўзбекистон Республикасини жаҳон эркин савдо тизимига интеграллашуви шароитида божхона органлари фаолиятини ривожлантириш.

166. Божхона органлари фаолиятини модернизация қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаш.

167. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаровонликни таъминлашда божхона органларининг тезкор ва фискал вазифаларини жадаллаштириш.

168. Ахборот воситаларини эркинлаштириш шароитида талабаларнинг ахборот маданиятини шакллантириш йўллари.

169. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида замонавий иқтисодчи кадрлар тайёрлаш муаммолари («Таълим менежменти» курси мисолида).

170. Баркамол авлод иқтисодий хулқини шакллантиришнинг психологик-педагогик усуллари («Иқтисодий психология» курси мисолида).

171. Кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида олий таълим муассасалари талаба-ёшлари маънавиятини шакллантириш усуллари («Педагогика.Психология» курси мисолида).

172. Корхонанинг тайёр маҳсулотлари учун янги бозорлар топишда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсати.

173. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мутахассис кадрлар тайёрлашнинг интерактив усуллари («Иқтисодий фанларни ўқитиш услубиёти» курси мисолида).

174. Узлуксиз таълим тизимида касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш йўллари (ТДИУ қошидаги АФИДУМ мисолида).

175. Иқтисодий ривожини таъминлай олувчи малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёни самарадорлигини ошириш йўллари. (ТДИУ ўқув жараёни мисолида).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир»

ҳамда

2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир»

номли маърузалари асосида

ПЛАКАТЛАР

1-ПЛАКАТ. ИСЛОҲОТЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МАМЛАКАТИМИЗНИ ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, 2009-2012 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИНИ СЎЗСИЗ БАЖАРИШ ВА ШУ АСОСДА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЮҚОРИ ВА БАРҚАРОР СУРЪАТЛАРИНИ, САМАРАДОРЛИГИНИ ҲАМДА МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТНИ ТАЪМИНЛАШ

2009 йил, моҳият эътиборига кўра, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган ўзбек модели, давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

И.Каримов (маърузадан)

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, фоизда





Олдимизга қўйилган бундай мақсадларга эришиш, аввало, ўз имконият ва ресурсларимизни қай даражада сафарбар этишимизга, ҳамон катта хавфи сақланиб қолаётган инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни сўзсиз бажаришни нечоғлик таъминлай олишимизга боғлиқ.

И.Каримов (маърузадан)



2009 йилда 2000 йилга нисбатан саноат соҳасининг улуши 14,2 фоиздан 24 фоизга қадар, хизматлар соҳасининг улуши 37,2 фоиздан 48,3 фоизга қадар ошди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг улуши 30,1 фоиздан 18 фоизга қадар пасайди.

Соф солиқларнинг улуши 13 фоиздан 7 фоизга қадар пасайди.

Ўзбекистон ҳудудларида тармоқ Дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм	Нефть ва газ саноатини модернизациялаш дастури
Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Деҳқонобод калий ўғитлари заводи (Узкимёсаноат), Хандиза конида полиметалл рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (ОТМК)
Бухоро ва Навоий вилоятларида	Навои ва Бухоро аэропортларини қайта таъмирлаш, “Навои” эркин индустриал зонасида амалга оширилаётган лойихалар
Самарқанд ва Жиззах вилоятларида	Зармитон олтинкон зонасида қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (НТМК)
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида	Енгил саноати ва чарм-пойабзал саноатини модернизациялаш дастурлари
Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида	Джи Эм Пауэртрейн автомобиль двигателларини ишлаб чиқариш заводи (Узавтосаноат)

2010 йилда саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 108,3 фоизга ошириш вазифаси тармоқнинг имкониятлари, фойдаланилмаётган салоҳиятини яна бир бор таҳлил қилиш, бу борада ўсиб бораётган ички ва ташқи талабни ҳисобга олган ҳолда янгидан-янги қувватларни ишга туширишни тақозо этади. Шунга кўра, йил бошиданоқ 2010 йилда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш борасида бир қатор дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

2-ПЛАКАТ. БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айни пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга.

И.Каримов (маърузадан)

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг энг муҳим муассасаси сифатида банк ташкилотларига бўлган эътибор иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлади



2009 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 1 трлн. 850 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилди.

Мазкур соҳасга йўналтирилган кредитлар миқдори 2001-2009 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсди.



Банк соҳасида эришилган ютуқлар

Банк соҳасида эришилган ютуқлар

- Банкларнинг қонуний базасининг яратилганлиги
- Республикамизда икки поғонали банк тизимининг шаклланганлиги
- Миллий пул бирлиги “сўм” барқарорлигининг таъминланганлиги
- Банк тизими иқтисодиётнинг локомотивига айланганлиги
- Инфляция ва пул таклифини бошқарилиши ўртасидаги мосликнинг ўрнатилганлиги
- Иқтисодиётни устувор соҳаларини молиявий томондан қўллаб қувватлашни йўлга қўйилганлиги

Банк – мамлакатда бўш турган пул маблағларини жамлаб, уни зарурий соҳаларга тарқатиш ҳуқуқини олган молиявий ташкилот

Банклар – жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози давом этаётган вақтда мамлакатнинг энг муҳим ва самарали ишлайдиган молиявий институти бўлиб қолади.

Бўш турган маблағларни тижорат банкларига жалб қилишни рағбатлантириш йўллари

Бўш турган пул маблағларини тижорат банкларига жалб қилишни рағбатлантириш жаҳон молиявий инқирози шароитида банкларнинг ўз маблағларини кўпайишига ва уларнинг инвестиция жараёнларидаги фаоллигини ошишига имкон яратади.



Банклардаги аҳоли омонатларини ўсиш динамикаси



Аҳолининг банкдаги омонатлари ҳажми 2009 йилда 2002 йилга нисбатан 16,2 баробарга ошди ва у 2750 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса аҳолини тижорат банкларига бўлган ишончини

Банк ишини янада такомиллаштириш йўллари



Республикамизда банк ишини янада такомиллаштириш ҳукуматимизнинг мамлакат иқтисодиётига жаҳон молиявий инқирози таъсирини пасайтиришдаги чора тадбирларидан бири сифатида тасарруф этилади.



3-ПЛАКАТ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ

Мамлакатнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозим.

И.Каримов (маърузадан)





Амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш таркиби сезиларли ўзгарди. 2000-2009 йилларда:

- саноат соҳасининг улуши 1,7 марта;
- хизматлар соҳасининг улуши деярли 1,3 мартага ошди.

Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни диверсификация қилиш 2009 йилда тармоқлардаги юқори ўсиш суръатларини таъминлади. Жумладан:

- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,1 фоизга;
- хизмат кўрсатиш – 12,9 фоизга;
- қишлоқ хўжалиги – 5,7 фоизга
- чакана савдо айланмаси 16,6 фоизга ўсди.





2004-2009 йиллар давомида маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар сони 4,2 баравар, уларда иштирок этаётган корхоналар сони эса 2,5 бараварга яқин ўсди.



Маҳаллийлаштириш

- Ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий хом ашё ва ресурслардан кенгроқ фойдаланиш
- Миллий корхоналар учун бутловчи қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етказиб бериш
- Импортни қисқартириш эвазига валюта ресурсларини тежаш



Экспортни диверсификациялаш натижасида мамлакат экспорти таркибий тузилмаси такомиллашиб, унда хом ашёнинг улуши қисқариб, тайёр маҳсулотларнинг улуши ошиб бормоқда. Жумладан, пахта толасининг экспорт таркибидаги улуши 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2009 йилда 8,6 фоиз даражасигача қисқарган.





2000-2009 йилларда республикамиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди.

4-ПЛАКАТ. ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ЕТАКЧИ СОҲАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШ, ТРАНСПОРТ ВА ИНФРАТУЗИЛМА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН СТРАТЕГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ ОЛИБ БОРИШ

Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

И.Каримов (маърузадан)

Хусусан ўтган 2009 йилда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, шулардан 303 таси муваффақиятли якунланди. Йил давомида иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу ўтган 2008 йилга нисбатан қарийб 24,8 фоизга кўп эканлигидан далолатдир. Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 68 фоизга ўсди, уларнинг асосий қисми тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни ташкил этди.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар дастури (иқтисодиёт тармоқлари таркибида, млн. долл.)



2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш барча капитал қўйилмаларнинг 75 фоизидан зиёди йўналтирилади.

И.Каримов (маърузадан)

Ўзбекистонга хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш схемаси



Бундай йирик лойиҳаларни, биринчи навбатда, инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун ички ресурсларни жалб қилишда мамлакатимизда 2007 йили ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фонди жуда катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда бу фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этмоқда.

И.Каримов (маърузадан)



5-ПЛАКАТ. ҚИШЛОҚДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг 2010 йилнинг муҳим устувор йўналишлари қаторига киритилишига тўлиқ асос бор. Юртимизда 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши, шу муносабат билан Қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзгартириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал обектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган аниқ мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини тубдан ошириш ва шаҳар шароитига яқинлаштиришга хизмат қилади.

И.Каримов (маърузадан)

2009 йилда қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар

- Жами 964,2 км газ тармоқларида қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди
- 2,3 минг км сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди
- 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида сув объектлари қуриб фойдаланишга топширилди
- Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 182 та замонавий лицей ва коллежларда ҳамда 697 та мактабларда қурилиш ишлари тўлиқ якунланди
- Маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан:
  - жами 1,5 мингга яқин мактаб ва мактабгача таълим муассасалари (17,7 млрд. сўмлик);
  - 246 та касалхона ва қишлоқ врачлик пунктлари (6 млрд. сўмлик);
  - 84 та спорт объектлари (8,2 млрд. сўмлик) тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди
- 2100 та кўп хонадонли уйлар тўлиқ капитал таъмирланиб, мазкур ишларга маҳаллий бюджет манбалари ҳисобидан 24,2 млрд. сўмлик маблағ сарфланди

Қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастури замирида жуда улкан ҳажмдаги ишлар мужассам эканини, у ўн минглаб янги иш ўринларини яратиш, ана шу кенг кўламли бунёдкорлик ишларида мамлакатимиз аҳолисининг фаол иштирокини таъминлаш имконини беришини унутмаслигимиз керак.

И.Каримов (маърузадан)



Қишлоқларимизни энергетика ресурслари билан узлуксиз ва кафолатли таъминлаш учун 2009 йил давомида 16 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан узунлиги 2 минг 700 километрдан зиёд электр тармоқлари, 300 километрдан кўпроқ табиий газ қувурлари реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди.

Қишлоқда барпо этиладиган уй-жойлар лойиҳаларидан намуналар:

Уйнинг ҳовли томони



Уйнинг олд томони



Қишлоқларда барпо этилаётган замонавий ижтимоий инфратузилма объектлари

Қишлоқ чойхонаси



Маиший хизмат уйи



6-ПЛАКАТ. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУ ТАРИҚА ОДАМЛАРНИНГ ДАРОМАДИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шаклларини кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

И.Каримов (маърузадан)

Аҳоли даромадлари – бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғим ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

Аҳоли пул даромадларининг таркибий тузилиши

- Меҳнатга ҳақ тўлаш
- Ижтимоий трансфертлар
- Мол-мулкдан олинадиган даромадлар
- Тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар
- Бошқа даромадлар



2009 йилда 2000 йилга нисбатан ўртача иш ҳақи 28,5 баробар, пенсияларнинг ўртача миқдори қарийб 18 баробар, аҳоли жон бошига нисбатан пул даромадлари эса 12 баробар ошди.

2010 йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Аҳоли пул сарф-харажатлари ва жамғармалари

- Товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар
- Мажбурий тўлов ва бадаллар
- Омонатлар, қимматли қоғозлар, қатъий валюта харид қилиш
- Бошқа сарф-харажатлар



Мамлакатимизда 2009 йилда кўрилган амалий чоралар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди.

2009 йилда яратилган янги иш ўринларининг 41,5% кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, 28,7% хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.



Касаначилик – бу аҳолининг йирик корхоналар билан тузган меҳнат шартномаси асосида ўз уйларида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишидир.





2006 йилда республика бўйича жами 153,6 минг иш жойи (янги ташкил этилган иш ўринларининг 26,8%) касаначилик ҳисобига ташкил этилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 274,2 мингта (29,2%)ни ташкил этди. 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

7-ПЛАКАТ. 2010 ЙИЛ –«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАЪМИНЛАШ

Янги йилга айнан шундай ном беришнинг сабаблари халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлмасин, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмасин, барча ҳаракатлар, эзгу ниятлар марказида табиийки, фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради.

И.Каримов (маърузадан)



2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларининг ўқув-лаборатория хоналари билан жиҳозланиши



Олий ва ўрта-махсус ўқув юртлари битирувчилари ва қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш тадбирлари

- 2010 йилда тижорат банклари кичик бизнес субъектларига ва шахсий тадбиркорларга кредитлар ажратишни жадаллаштириш
- Касб-хунар коллежи ва академик лицейларида кичик сервис-корхоналари ва цехларини ташкил этиш
- Аграр йўналишдаги касб-хунар коллежлари қошида ўқув хўжалик майдончаларини ташкил этиш
- Иқтидорли ёшларни интелектуал салоҳиятини ошириш мақсадида тадбирлар ўтказиш
- Тадбиркор аёлларга микрокредитлар бериш

2008-2009 ўқув йилларида республика олий таълим муассасаларини битирганлар сони



2009 йилда республика олий таълим муассасаларини 66426 нафар ёш мутахассис тамомлаган. Шу жумладан: 52011 нафар – бакалавриатнинг кундузги бўлимларини, 6140 нафар – махсус сиртқи бўлимларини, 8275 нафар – магистратурани битирган.

Ёшларнинг ижодий ва интелектуал қобилиятларини қўллаб-қувватлаш

- Болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал таъмирдан чиқариш
- Иқтидорли болалар учун ёзги ва қишги ўқув оромгоҳларини ташкил этиш
- Истеъдодли болалар учун кўрик танловлар ташкил этиш

Мулоҳазалар учун

Мулоҳазалар учун

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – «Иқтисодиёт» - 2010

Муҳаррир *З.Алехина*
Техник муҳаррир *Г.Зохидов*

Босишга рухсат этилди 31.03.2010 йил.
Қоғоз бичими 60x80 1/6. Шартли босма табоғи 22,0.
Адади 300 нусха. 433 - сонли буюртма.

Отпечатано в Типографии
ООО «QWERT PRINT»
г.Ташкент, ул. А.Навои, 21.